

Асрор Самад  
Нажиббек Рустамий

999  
ТУШ  
ТАЪБИРИ

Тошкент  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар  
академияси «Фан» нашриёти  
2005

Муаллифларнинг «Туш таъбирларининг талқинлари» туркумида нашр этилган «Ибодатга оид тушлар», «Туш ҳақиқати», «Халқлар, элатлар ва тушлар» рисолаларини ўқиган бўлсангиз, мазкур китоб ўша рисолаларнинг жами ва рисолаларда йўқ нарсаларнинг тўлдирилганидир. Яхши ва ёмон тушларингизга таъбир излаб мундарижадан ўша кўрган тушнингиз мазмунини топасиз. Агар китобдаги таъбирлар кўнглингизга ёқса, ҳар янги туш кўргангизда китобни варақланг, мабодо бундаги таъбирлардан дилингиз хира бўлса, китобни тоқчанинг бир бурчагига ташлаб кўяверинг; ҳеч нарсани кўнглингизга олманг ва кўрган тушнингизни унутишга ҳаракат қилинг.

Сизга ҳамisha хайрли тушлар тилаймиз.

Масъул муҳаррир:  
**Алибек Рустамий**

**Асрор Самад, Нажиббек Рустамий.**

999 туш таъбири / Асрор Самад, Нажиббек Рустамий; Масъул муҳаррир Алибек Рустамий. — Т.:Фан, 2005. 240-бет.

ББК 86.42

№ 250–2005.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси.

ISBN 5-648-03246-3

©Асрор Самад, Нажиббек  
Рустамий (муаллифлар),  
©Ўз Р ФА «Фан» нашриёти,  
©Эркин Юсупов (нашр), 2005 йил.

## ТАҚДИМ

Ўтган асрнинг 60-70-йилларида физиклар ва лириклар деган бир гап чиққан эди. Физиклар амалиётчи бўлганликлари учун лирикларни хаёлпараст, деб улардан кулишган, лириклар, эъни шоирлардан тортиб гуманитар соҳадаги оддий зиёлиларгача физикларда, яъни умуман аниқ фанлар билан шуғуланувчиларда ҳиссиёт йўқ, дейишарди. Бундай гаплар ҳам ортда қолди. Эндиликда математикларнинг тарих билан, ҳатто маданият ва санъат тарихи билан шуғулланаётганларига, тиббиёт ходимларининг адабиёт масалалари бўйича турли мақолалар ёзаётганларига, иқтисодчиларнинг ғайб сирларига ошно бўлаётганларига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Бу даромаддан мурод шуки, тушлар ва уларнинг таъбирлари ҳақида китобни руҳшунослар, лоақал тиббиёт ходимлари ёзишлари мантиқан тўғри бўлармиди? Иккала муаллиф ҳам филологлардир.

Ҳа, лекин...

Агар биз бундай китобни руҳшуносларга, лоақал тиббиёт ходимларига ёздирганимизда китоб қандай бўлур эди?

Албатта, ҳар икки соҳанинг кишилари, аввало инсоннинг анотомияси, физиологияси ҳақида ёзишар, инсон асаб системасининг тузилиши-ю, асаб толалари ҳақида мукамал илмий маълумот беришар, эҳтимолки, туш таъбирларини ҳам шунга боғлиқ равишда баён этишарди. Бу, албатта, мукамал, кенг ўқувчилар оммаси учун нотаниш, аммо илмий доираларда маълум даражада қийматга эга илмий асар сифатида майдонга келган бўлур эди.

Лекин қадимги таъбирчилар анотомия ва физиологияни билганларми ёки йўқми, бу ҳақда гапириб ўтириш ортиқча, асосан улар инсон руҳиятнини яхши англаб, ҳаётий тажрибаларга суя-

ниб, энг муҳими ғайб оламининг синоатларига таяниб тушларни таъбир қилганлар. Аслида ҳам тушларни таъбир қилмоқ тажрибадан эмасми?! Бу ўринда мазкур китоб муаллифларининг фикрларига қўшилаемиз: улар тушларга таъбир айтмоқ учун рамзларнинг маъноларини яхши билиш керак, бинобарин, рамзлар туш таъбирларининг калитидир, дейдилар.

Иккала муаллиф ҳаётини тажрибадан, шунингдек, ўтмишдаги буюк муаббирларнинг қарашлари ва қолдирган нақлларидан, ота-боболаримиз ва момоларимизнинг тушларга қай тарзда ёндошиб йўйганларидан, рамзларни тўғри англашдан келиб чиққан ва давримизнинг донишманд олимларидан устоз академик Алибек Рустамийнинг маслаҳатларига суянган ҳолда ушбу китобга тартиб бердилар ва китобхон эътиборига мингга яқин туш мазмуни ва уларнинг таъбирлари, шунингдек, муаллифларнинг бу масалага илмий қарашлари тақдим этилди.

Мазкур китобнинг фазилатлари шундан иборатки, муаллифлар туш таъбирлари бўйича жуда кўп фактик материалларни қамрашга уринганлар ва бунда хийла муваффақият қозонганлар; китобхонларга ҳали маълум бўлмаган саҳобийларнинг, муаббирларнинг, фикр олимларининг, мутасаввифларнинг таржимаи ҳолларини баён қилганлар; кўпгина этник қабилаларнинг хусусиятларини ҳам айтиб ўтганлар, географик номлар ҳақида ҳам ушбу китобдан кўп маълумотлар олишимиз мумкин.

Китоб сўнгида эса, киши номлари, географик номлар, этник номларнинг кўрсаткичлари келтирилгани ҳам асарнинг қийматини оширади.

Мазкур китобнинг яна бир қиймати шундаки, бошқа таъбир китоблардан фарқли равишда, кўп ўринларда бирон туш мазмунига таъбир берар эканлар, бу мазмунга қайси муаббирнинг қандай таъбир айтганини ҳам келтиришни унутмайдилар. Бу нарса туш мазмунларини қиёсий ўрганишимизга кўмак беради.

Хатто баъзи туш мазмунларини бошқа динларнинг муқаддас китобларидаги мазмун билан ҳам қиёслаганлар. Масалан, Юсуф ва Яъқуб пайғамбарларнинг кўрган тушлари ва уларнинг таъбирлари Таврот китобида қандай зикр қилинганлигини қиёсан кўрсатиб ўтадиларки, бу билим доирамиз учун аҳамиятлидир.

Мазкур китобдан айрим парчалар рисола тариқасида 2003 йилда «Ибодатга оид тушлар», «Туш ҳақиқати» ҳамда «Халқлар, элатлар ва тушлар» номлари билан чоп этилган эди. Уша рисолалардаги техник сабабларга кўра рўй берган узук-юлуқликни бартараф этиш мақсадида китобни тўлиқ шаклини эътиборингизга ҳавола этдик.

Муаллифларнинг бир фикри эътиборимизни тортади: бирон халқда, бирон даврда тушлар мукамал таъбир қилинмаган. Демак, туш таъбирлари хусусида мутлақ фикр йўқ, демакки, мутлақ таъбир ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, тушларни чексиз равишда ҳар ким ўз эътиқоди бўйича таъбир қилиши мумкин ва бу ҳақда китоблар ҳам ҳали кўп яратилиши табиий экан.

Бошда айтилган фикримизга қайтамиз; эҳтимол бундан кейин руҳшуносларимиз, тиббиёт ходимлари, элшунослар, фольклоршунослар, антропологлар, полеографлар бундан-да йирикроқ, бундан-да мукамалроқ китоблар яратарлар, деган умидда қоламиз.

Хайрли тушлар кўришингизга тилакдош ходимингиз:

Эркин Юсупов,  
китобнинг молиявий ҳомийси.

---

P.S. Фойдаланилган адабиётлар китобнинг маълумотларга оид бўлимида тартиб рақами билан берилди. Иқтибос қилинган адабиётлар матн ичида қавс билан тартиб рақами ва ўша фойдаланилган адабиётнинг саҳифаси келтирилди.

Умуман китоб охирида матн ичида келган сиймоларнинг биографик маълумотлари, жуғрофий номларнинг, тушунчаларнинг кўрсаткичлари ва уларга изоҳлар илова қилинган.

## БУЮК МУАББИРЛАР

Таъбир — йўймоқ, ечмак, баён қилмоқ, муаббир — туш йўйувчи, туш ҳақиқатини баён қилувчи дегани. Туркийда ҳам бу сўзнинг шакли бор; Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғати-т-турк» асарида «*ирқ*» деган сўз келади ва унинг маъноси таъбирга маънодошдир; Унинг айтишича, *қам ирқлади—фолбин бирор нарса ҳақида фол очди* ва буни *биров дилидагини айтиш*, деб изоҳ беради (19, 78-бет). Аслида Маҳмуд Кошғарий «*ирқ*» сўзига мўлжал қилиш, фол очиш, деб изоҳ берган (19, 78-бет). Насимхон Раҳмоновнинг тўғри таъкидлашича, бунинг таъбирга маънодошлиги бор (20, 38-39-бетлар)<sup>1</sup>.

«Қадимги турк давридан<sup>2</sup> бизгача иккита Ирқ битиги етиб келган. Ҳар иккаласининг яратилган санаси деярли бир — VIII асрнинг охири — IX асрнинг бошлари. Бири урхун ёзувида битилган. Иккинчиси моний ёзувида битилган» (20, 39-бет).

Моний ёзувидаги таъбир китобида 13 та ҳодиса ва буюм таъбир қилинган ва бу таъбирлар икки қисмга бўлинади: инсон фаолияти ва руҳий ҳолатига кўра таъбир: учрашмак, жанг қилмак, камаймак, юз ўғирмак, севинмак: қарши келмак, ҳузур-ҳаловат топмак, бола тарбияламак; бирон жисм, жой, табиий ҳодисаларнинг тушдан кейинги таъбири: қуёш, тоғ, чуқур қудуқ, қуёш нури, инсонларнинг бир-бири билан учрашувлари (20, 40-41-бетлар).

Моний ёзувидаги бу битиг шундан далолат берадики, тарих у ёқда турсин, ҳатто археология, этнография, полеография фанлари ҳануз ўрганолмаган эрамиздан аввалги қадимий юксак тараққиёт даврида мана шунга ўхшаган

---

Бу китоб муаллифи Насимхон Раҳмонов фол ва тушни таъбирлашни ҳаётий bilimларнинг яхлит бир тушунчаси сифатида изоҳлаб, бизнингча тўғри фикр айтган

<sup>1</sup> Муаллиф қадимги турк даври легенда кук туркларни назарда тутди.

ёки бундан ҳам мукамалроқ таъбир китоблари бўлган. Демак, туркий халқларда қадимдан тушларни таъбирлаш илм даражасига кўтарилган. Бу соҳанинг илм даражасига кўтарилгани Насимхон Раҳмоновнинг «Рухиятдаги нур муроди» китобида мукамал баён қилингани учун, сиз, азиз китобхонларни ўша асарни мутолаа қилмакка даъват этамиз-да, бу ўринда буюк муаббирлар ҳақида маълумотлар беришга ҳаракат қиламиз.

Биз тушлар таъбири масаласида ҳазрат Дониёл, Имом Жаъфар-и Содиқ, Ибн Сирин, Кирмоний, Имом Мағрибийнинг номларини таъбирнома китобларида деярли ҳар саҳифада учратамиз. Бу зотлар тарихда кимлар бўлганлар — бу ҳақда ҳозирги чоп этилиб турган китобларимизда маълумотлар мутлақо йўқ. Биз ана шу зотлар ҳақида имкон қадар маълумот бериб ўтишни лозим топдик. модомики, тушларни таъбир қилишда бу зотларнинг номларини тез-тез зикр қилиб турар эканмиз, уларнинг ким ва қандай сиймо бўлганликлари ҳақида ҳам билиб қўйишимиз фойдадан холи эмас, албатта.

### Ҳазрат-и Дониёл

Таъбирномаларда ҳатто ҳазрати Дониёлни «ъалайҳиссалом» деб ҳам улуғлайдилар. Бунинг сабаби шуки. Таврот ва Инжил каби китобларда таъкидланишича, ҳазрат Дониёл насронийларнинг тўртинчи пайғамбари бўлиб, асли исми Даниилдир. Даниил эса буюк муаббир бўлган ва шунинг учун ҳам Бобил ҳукуматида юксак мартабалардан бирини эгаллаган.

«Даниил» сўзининг маъноси эски славян тилида «эй худо, менинг ажр-мукофотимни ўзинг бер» (8), дегани бўлади. Таврот ва Инжилда ёзилишича, Даниил Иуда авлодидан етишиб чиққан зодагон яҳудий оиласига мансуб бўлиб, Ийсо Масихдан олдинги асрда, яъни милоддан аввалги 607 йилда туғилган. Баъзи тарихчиларнинг фикрига қараганда, унинг аждоди Довуд пайғамбарга бориб тақалар экан. Ҳарҳолда, деб таъкидланади насроний тарихчиларнинг китобларида, агар Довуд авлодидан бўлмаса ҳам бирон подшоҳ

авлодидан бўлмоғи керак. Лекин унинг қаерда туғилганлиги номаълум. Айтишларича, Миср фиръавни Даниил туғилган мамлакатга бостириб кириб, ғорат қилади ва яҳудийларнинг ҳаммасини асир олиб, Бобилга<sup>1</sup> олиб келади. Булар орасида Даниил ўз ўртоқлари Ананий, Озарий ва Масоиллар билан бирга фиръавн назарига тушади. Айниқса, Даниил ўзининг ташқи қиёфасининг гўзаллиги ва ақли билан фиръавннинг меҳрини қозониб, ўртоқлари билан бирга саройга ишга олинади.

Даниил халдей тилини тез ўрганиб, уларнинг фалсафаси билан ошно бўла бошлайди. Кимки бирон халқ билан унинг ўз тилида гаплашса, иззат-ҳурмати ошади, Даниил халдейлар билан ўз тилида гаплашиб, уларнинг урф-одатлари ва фалсафасини ўрганиб, апоқ-чапоқ бўлиб кетганлиги учун ҳам уни халдейча Балтасар ёки сурёнча Валатзуузур, яъни уни ўз паноҳингда асра, деб атай бошлаганлар. У ёшлигиданоқ имон-эътиқодининг мустаҳкамлиги ва донишмандлиги билан одамларнинг тилига тушади. Унинг ақл-фаросати ўткирлигини ва билимдонлигини сезган Бобил подшоҳи унга юксак мансаблардан бирини беради. Айтишларича, у подшоҳнинг ажойиб-ғаройиб тушларининг таъбирини айтиб берган ва ўзи ҳам тушида худодан ваҳй олар экан.

Доро I бутун форс ўлкалари, шу жумладан Бобилнинг ҳам шаҳаншоҳи бўлгач, Даниил салтанатнинг уч ҳукмдоридан бири сифатида тан олинганлигини ҳам ривоят қилдилар. Лекин у Доро I пайтида ҳам, ундан олдин ҳам отабоболарининг динидан чекинмаганлиги, насроний китобларида ёзилишича, чин мўмин бўлганлиги туфайли ҳамisha мажусийликка қарши курашган экан. Берунийнинг ёзишича, Юпитер (Миррих) санамини синдириб ташлаганлиги учун уни оч йиртқичлар қамалган қафасга ташлашган, лекин йиртқичлар унга тегмаганлар (4, 137-бет).

---

<sup>1</sup> Ғарбда «Вавилон» деб аталган жой. Дажла ва Фрот дарёларининг ораллигидаги Месопотамия (Ат-Жазира)нинг жанубий қисмида миллоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг урталарида вужудга келган қулдорлик давлати. Бобил Олд Осиёнинг энг катта савло, сиссий ва миданий маркази булган.



Даниилнинг қачон ўлганлиги тарих китобларида ёзилмаган, аммо ровийларнинг айтишларича, у 90 ёшида Халдей вилоятларидан бирида қазо қилган.

Ровийларнинг айтишларича, (аммо тарихий манбалар бунга шубҳа билдирадilar). Даниил 14 бобдан иборат бир муқаддас китоб яратган ва унда ўз замонидаги ва келажакда бўладиган воқеаларни башорат қилган экан. Масалан, айтишларича, Самуд қабиласининг ҳалок бўлишини башорат қилган эмиш. Искандар Зулқарнайн<sup>1</sup> Қуддус ва Бобилни босганда унга Даниилнинг ушбу китобини кўрсатишибди ва Искандар ҳақидаги башорати ҳам борлигини айтишибди. Искандар гўё Бобил ва Қуддусни таламай китобни олиб қайтиб кетган эмиш.

Даниил ҳақидаги афсона ва ривоятлардан қатъи назар, мусулмон оламига Даниил Дониёл бўлиб кириб келган ва буюк таъбирчи сифатида тан олинган.

### **Имом Жаъфар-и Содиқ**

Исломшунос ва тасаввуф олимларининг улуг боболаридан бири, саййид ва ўн икки имомнинг олтинчиси, Ҳазрат Алининг чавараси, алий силсиласининг тўртинчи бўғинига мансуб сиймо, кунyasi Абу Абдуллоҳ, Тоҳир ва Фозил деган лақаблари ҳам бўлган, энг машҳур лақаби Содиқ Имом Жаъфар-и Содиқнинг шажараси қуйидагича: отаси Муҳаммад Бакр (12 имомнинг бешинчиси), унинг отаси Имом-и Зајналобидин, унинг отаси ҳазрат Ҳусайн ва унинг отаси ҳазрат Алидир. Онаси Умму Фарво бўлиб, унинг отаси Қосим, унинг отаси Муҳаммад, унинг отаси эса ҳазрат-и Абу Бакр Сиддиқдир. Онаси бошқа жиҳатдан Абу Бакр Сиддиқнинг қизи Асмоъга бориб тақалади.

Демак, Жаъфар-и Содиқ ҳам аҳли байт, ҳам аҳли суннат бўлган сиймолардандир.

У ҳижрий 83 (милодий 702) йилда, раббину-л-аввал ойининг 17-куни Маккаи мукаррамада туғилган. Олтимиш беш йиллик умрининг 35 йилини имомлик билан ўтказди.

<sup>1</sup> Бу ўринда Александр Македонский аниқлаш керак.

Демак, шу ҳисобдан келиб чиқадиган бўлсак, ҳижрий 148 (765) йилда, ражаб ойининг 15-куни Маккаи мукаррамада вафот этган.

Таърифлашларича, у бениҳоя зеҳнли ва истеъдодли олим бўлиш билан бирга, сурати ҳам, сийрати ҳам ниҳоятда гўзал инсон бўлиб, вужудидан гўё нур ёғилиб тургандек экан: оппоқ юзи анордек қизариб турар, гирдуғум, бақувват бўлганлиги учун уни кўпроқ ҳазрат-и Алига ўхшатишар экан.

Жаъфар-и Содиқнинг ўн фарзанди бўлган: шундан етиси ўғил: Мусо Қосим (еттинчи имом), Исҳоқ, Муҳаммад, Исмоил, Абдуллоҳ, Аббос ва Али.

У дастлабки таҳсилни отасидан олди ва Маккадаги буюк уламолар раҳбарлигида диний билимини чуқурлаштириб, кўпгина илмларни ҳам эгаллади, жумладан математика, кимё, фикҳ илмларида устоз даражасига етишди.

Жаъфар-и Содиқни тасаввуфнинг барча йўлларини ўзлаштирган ва ўзида бирлаштирган олим сифатида ҳам биладилар. Фикҳ илмида Абу Ҳанифа ан-Нуъмон ибн Собит — Имом-и Аъзам унинг шогирди бўлган. «Агар Жаъфар-и Содиқ яна икки йил ҳаёт бўлганида Абу Ҳанифа ҳалок бўлар эди», дебдилар Имом-и Аъзам. Бу гап жисмонан ҳалок бўлишга нисбатан эмас, балки илмда мағлуб бўлиш назарда тутилган, бинобарин, агар Жаъфар-и Содиқ яна икки йил яшаганда фикҳ илмида ҳеч кимга айтгулик гап қолмас экан.

Маккаликлар таъбири мушкул туш кўрсалар, келиб Жаъфар-и Содиққа айтишар ва у киши бу тушнинг таъбирини айтиб берар экан, бу таъбирлар ҳаётда кўп марта тўғри чиққанлигини унинг замондошлари ҳикоя қиладилар. Таъбир ҳақида унинг бирон китоби қолганми, йўқми, деган саволга илм тарихи ҳали жавоб бермаган.

### **Ибн Сирин**

Тафсир, фикҳ илмида замонасининг пешқадам олимларидан бири сифатида ном чиқарган ва айни пайтда машҳур таъбирчи ҳам бўлган Ибн Сирин тобеинлардан эди.

Унинг отаси ансорийлардан Анас ибн Моликнинг озод қилган қули бўлиб, умри давомида Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васалламнинг хизматларини қилиб, дуоларини олди. Онаси эса, Абу Бакр Сиддиқнинг озод қилган чўриларидан бўлган экан. Ибн Сириннинг аждоди арабларнинг ўзаро қонли урушларида маккаликларга асир тушиб, Басрадан Маккага келиб қолган эди.

Ибн Сирин ҳижрийнинг 33-йили (милодий 653)да Макка шаҳрида туғилиб, ҳижрийнинг 110 йили (милодий 729)да шу шаҳарда вафот этди.

Ўзининг хабар беришича, саҳобийлардан ўттиз киши, шу жумладан ҳазрат-и Ойиша, Анас ибн Молик, Зайд ибн Собит, Ҳасан ибн Али, Абу Ҳурайра, Абдуллоҳ ибн Аббос, Жундуб ибн Абдуллоҳ, Самура ибн Жундуб, Имрон ибн Ҳусайн, Ҳузайфа ибн ал-Ямон, Абу Саид Худрий, Абу Дардо сингари саҳобийлар билан суҳбатлашган ва улардан 300000 ҳадис эшитган экан. У эшитган ҳадисларини даражаларга ажратиб, тадқиқ қилган. Саҳобийлар суҳбатлари билангина чекланмай, бир қанча тобеинлардан ҳам ҳадислар эшитиб, уларни даражалар билан аниқлаган. Ўз замонасида ҳадис имоми деган унвонга ҳам сазовор бўлди.

«Ҳадис илми диндир», деган фикрни Ибн Сирин айтган эди. Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васалламнинг «дин насиҳатдир», деган машҳур ҳикматлари бор, Ибн Сирин ана ўша ҳикматга асосланиб туриб, шу фикрни айтган бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир ҳадис умматларга насиҳат каби бўлиб, ҳам диний ишларда, ҳам ҳаёт тарзида уларга дастуру-л-амал вазифасини ўтайди. Ҳадис илмининг дин бўлиб, умматларга насиҳат тарзида эканлиги шу маънодадир.

Тафсир илми аҳли уни муфассирларнинг иккинчи табақасига мансуб олим, деб биладилар. Бунинг маъноси шуки, пайғамбаримиз замондошлари бўлган саҳобийлар, масалан, Абдуллоҳ ибн Аббос сингарилар муфассирларнинг биринчи табақаси. Айнан у Абдуллоҳ ибн Аббосдан тафсир илмини ўрганган. Шунингдек, фикҳ илмида ҳам пешқадам олимлардан эди.

Ибн Сириннинг асли касби базвозлик<sup>1</sup> бўлиб, молнинг қусурини айтиб харидорга сотиш тамойили деярли у кишидан бошланган, дейдилар.

Аммо таъбирчиликда унинг олдига тушадигани бўлмаган экан, замондошлари уни таъбирчиларнинг пири деб атаганлари бежиз эмас. Яна руё илми ҳақида бир китоб ёзган, деб ривоят қиладилар, аммо бу китобнинг бор-йўқлиги маълум эмас.

У тушларни уч қисмга бўлиб тасниф қилган: руёи ҳадис-и нафс (нафс хабар берган ёки хоҳишидаги туш), таъвиф-и шайтон (шайтон васвасаси), таъбир-и Раҳмон (Раҳмоний хабар). Унинг таснифига кўра, барча инсонларга хос бўлган тушлар инсоний тушлар, деб аталади, покиза юрмайдиган, ҳаром-хариш ишлар билан шуғулланувчи, Аллоҳга ширк келтирувчи кишиларнинг тушлари фақат шайтон васвасасидан иборат бўлади, пайғамбарларга, баъзан валийларга Аллоҳнинг ўзи тушларида керакли нарсаларни аён қилади ва бу ваҳй деб аталади. Пайғамбарларга келадиган ваҳй буткул бошқадир.

Бир куни Ибн Сиринга танишларидан бири келиб туш кўрганлигини, тушида хафа бўлиб юрганлигини айтиб, бунинг таъбирини сўради. У тушнинг таъбири бўйича шундай деди: «Аллоҳ таолонинг амрларини тўла бажариб, тақводор бўл. Шунда руёда кўрган хафаликларингнинг сенга зарари бўлмас». Бинобарин, тушдаги хафалик гуноҳкорлик рамзидир. Чунки туш соҳиби тақводор эмас экан. У Ибн Сириннинг айтганини қилди ва умри давомида унга ҳеч қандай зарар тегмади.

Бошқа бир кимса унга келиб: «Тушимда этагимга зайтунёғи тўкилди, бунинг таъбири нима экан?» деб сўради. Маълумки, зайтун дарахтидан олинадиган ёғ агар бирон матога тўкилса, унинг доғи кетмайди. «Зайтунёғи доғдир, — деб жавоб берди таъбирчи. — Дўст изла. Ёки чўриларингни текшириб кўр, балки шулардан бири ёш пайтида асира бўлиб, отанг уни нафсига тортган бўлса, онанг бўлиб чиқар». У киши бу таъбирни эшитиб, шоша-пиша уйига ке-

<sup>1</sup> Мисоларни таълаб созувчи

либ, жорияларини бир чеккадан суриштира бошлади. Худди таъбирчи айтгандай, бир жория унинг онаси бўлиб чиқди ва бу билан ўзининг валади зино эканлигини билди.

Ибн Сирин туш соҳибига «дўст изла» деди, дўстан мурод ҳамжинс киши эмас, балки Аллоҳнинг ўзидир. Ибн Сирин айтмоқчики, валади зинолик сенинг айбинг эмас, икки ножинсинг, икки гуноҳқорнинг маҳсули сифатида дунёга келибсан, демак, бу гуноҳ доғини ювиш сенинг зиммангда қолади, бинобарин, Аллоҳни дўст тут, тилинга ҳам, дилинга ҳам Аллоҳни зикр эт, унинг ҳақиқатини изла; бунинг учун тақводор ва парҳезгор бўл, нафсингни ўлдир; нафс ёмонлиги барча балоларнинг бошидир.

Кунлардан бир кун бир киши келиб: «Менинг тушимда бир қуш масжиддан қизил тошни тумшугида олиб кетди», деганда, Ибн Сирин қаттиқ қайғуга тушибди. «Нега қайғуга тушдингиз?» деб сўраганларида: «Э, воҳ! Ҳасан Басрий вафот этибди», деб жавоб берибди йиғлаб. Ҳақиқатда ўша куни Ҳасан Басрий вафот этган экан, масжиддаги қизил тош Ҳасан Басрий рамзи экан ёки умуман қизил тош, айниқса, у масжидда бўлса, замона улугларининг рамзидир.

Ибн Сирин билан Абу Ҳанифа замондош бўлсалар ҳам, бир-бирларини танимас эканлар. Имом-и Аъзам бир куни туш кўрибди, тушида Расулulloҳнинг қабрини очиб, ул зотнинг сўнгакларини ҳовучлаб кўксига босибди. Бу тушни ўзича ҳеч нарсага таъбир қилолмай чўчибди ва атрофдаги хешларидан кучли бир муаббирнинг хабарини айтишни илтимос қилибди. У кишининг хешлари ва шогирдлари бир овоздан Ибн Сириннинг дарагини айтишибди. Имом-и Аъзам Куфадан қанча йўл босиб Макка шаҳрига келибди ва Ибн Сириннинг уйини топибди. Ўзини муаббирга танитмай, мен маккалик бир савдогарман, шундай туш кўрдим, деб айтибди. Ибн Сирин туш мазмунини эшитгач, жуда узоқ ўйга толибди, сўнг ўйдан бош кўтариб, Абу Ҳанифага: «Эй, савдогар, — дебди, — бундай тушни сен кўришинг мумкин эмас, сен қайдаю, бу туш қайда?! Бу тушни фақат Абу Ҳанифа кўриши мумкин». Муаббир «ишинг битди, энди кетсанг ҳам бўла-

ди», деган маънода «савдогардан» юз ўгирибди. Абу Ҳанифа ҳазил аралаш ёлғонидан ўкиниб, ҳақиқатга кўчибди ва ўзининг ўша Абу Ҳанифа эканлигини иқрор қилибди. «Кўйлагингни еч, кўрайин», дебди муаббир. Абу Ҳанифа кўйлагини ечишга мажбур бўлибди ва муаббирнинг буйруғи билан ўмузини кўрсатибди: муаббир ул зотнинг икки ўмузи орасида каттагина хол борлигини кўргач: «Демак, сен Расулulloҳ соллоллоҳу ʼалайҳи васаллам айтган кишидирсан, ул зот шундай демишлар: «Умматларимдан бир киши бўлур, икки ўмузи орасида бир нишон бўлур, Аллоҳ таоло менинг динимни унинг қўли бирлан тирилтирур. Бу рўёдан қўрқмагил, бўтам, бу пайғамбаримиз илмларига ишорадирки, сен уни эгаллар экансан», деди ва Абу Ҳанифани узоқ дуо қилди.

### **Биринчи Кирмоний**

Кирмоний номи билан тарихда икки олим ўтган. Бири ҳанафий мазҳабининг буюк фикҳшунос олимларидан бири Абдурраҳмон ибн Муҳаммад бўлиб, тўлиқ исми Абдурраҳмон ибн Муҳаммад ибн Амирвайҳ ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ал-Кирмонийдир. Кунyasi Абу Фазл, дин илмини мукаммал билганлиги ва диний масалаларнинг энг мураккаб соҳаларини ҳам осонгина ечиб берганлиги учун унга Руҳи-д-дин ва Руҳу-л-ислом лақаблари берилган. Тарихда ибн Амирвайҳ номи билан ҳам машҳур. Кирмоний ҳижрий 457 (милодий 1065) йилда, шаввол ойида Кирмон шаҳрида туғилди, ҳижрий 543 йили (милодий 1149) Зулқайда ойининг йигирманчи, яъни жумъа куни Марвда вафот этди. Унинг «Тажрид» асари бор ва бу асарига ўзи уч жилдлик изоҳ ёзган; китоб айнан «Изоҳ» деб аталади. Яна «Шарҳ-и Жомиъу-л-кабир», «Ишорату-л-асрор», «Фатво» асарлари ҳам бор. Бу китоблари билан у Хуросоннинг энг пешқадам олими бўлиб танилди. «Ишорату-л-асрор» асирида барча сирли нарсалар ва ҳодисалар қаторида тушларга ҳам таъбирлар берган. Ҳозирги туш ҳақидаги китобларимизда шояд шу Кирмоний назарда тутилган бўлса.

## Иккинчи Кирмоний

У Муҳаммад ибн Юсуф бўлиб, тўлиқ исми Муҳаммад ибн Юсуф ибн Али ибн Саъд ал-Кирмоний ал-Боғдодий-дир. Лақаби Шамсу-д-лин бўлган. Бу Кирмоний ҳижрийнинг 717 йилида (милодий 1317) Кирмон шаҳрида тугилган, 786 ҳижрий (милодий 1384) йилда ҳаж сафаридан қайтаётганда Боғдодга яқин бир мавзеда вафот этди. Муҳаммад ибн Юсуф Кирмоний ўсмирлик ва йигитлик даврларини Шерозда таҳсил билан ўтказди, кейин Шом, Коҳира, Ҳижоз шаҳарларида таҳсилни давом эттирди. Ўттиз йил давомида фақат таҳсил олди, шу ўттиз йиллик таҳсиллари натижаси ўлароқ «Мухтасари ибни Ҳажиб» асарини ёзган ва Имом Бухорийнинг «Жомиъу-л-саҳиҳ» асарига бағишлаб шеърлар битган эди. Шунингдек, Имом Бухорийнинг «Жомиъу-с-саҳиҳ» асарига шарҳлар ҳам ёзганлиги маълум. Аммо унинг туш таъбирларига оид бирон асари бўлганлиги маълум эмас.

## Мағрибий

Бу авлиёнинг тўлиқ исми Абдурраҳмон ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Абдурраҳмон ибн Идрис-и Мағрибий бўлиб, у 1023 ҳижрий (милодий 1614) йилда Мағриб (Фас) шаҳрида туғилди, 1085 ҳижрий (милодий 1675) йилда, зулқаъда ойининг ўн бешинчи куни вафот этди. У Миср, Шом, Онатўли сингари шаҳар ва мамлакатларда таҳсил олди, Олим ва авлиё бўлиб танилгач, ана шу шаҳарлардаги мадрасаларда дарс берди. Онатўлида бўлганида султон Маҳмудхон билан ҳамсуҳбат бўлган. Бу гапни айтишимиздан мақсад, Мағрибий башоратгўй ва дуоси ерда қолмайдиган авлиёлардан бўлган учун ҳам шаҳар ҳокимларидан тортиб мамлакат подшоҳларигача унга ихлосманд бўлганлар.

У 1043 ҳижрий йилида Маккага кетиб, у ерда мужовур<sup>1</sup> бўлиб яшаб, сўнг Яманга кетди. Бу сафаридан мақсад Ямандаги уламолар билан ҳамсуҳбат бўлиш эди. Яманда ҳам за-

---

<sup>1</sup> Мужовур сузнинг маъноси мусофирнинг зидди, аммо Маккада истиқомат қилувчи одамларни ҳам мужовур, дейдилар.

монасининг улуг одамлари билан учрашиб суҳбатлашди, мухлислар, муридлар ортгирди. У ердан яна Маккага қайтиб келди ва бу шаҳарда талабаларга дарс бера бошлади.

Мағрибий бениҳоя жўмард, камбағалпарвар киши бўлган экан. Уни авлиё деб дуо олиш умидида не-не савдогарлар, бой кишилар қабулини кутишар ва албатта, қийматбаҳо совғалар билан келишарди. Мағрибий улардан совгаларни мамнуният билан қабул қилар, лекин ўзига ҳеч нарса олиб қолмай, ҳаммасини камбағалларга, мискинларга, етимларга, беваларга бериб юборарди. Ўзи эса бояги исқирт чопонда, ярим оч, ярим тўқ юраверарди. Ҳатто султонлар, ҳокимлар ҳузурига кирганда ҳам кийимини ўзгартирмас, улар унинг устига ёпган сарполарини ҳам биринчи учраган муҳтожга бериб кетаверарди.

Мағрибий тушларни таъбир қилиш соҳасида ҳам донишманд муаббир сифатида танилди, аммо ундан ҳам тушлар таъбирига бағишланган бирон ёзма ёдгорликлар қолмаган.

### **Тушларни таъбирлаш тарихидан**

Энг буюк муаббир халқнинг ўзидир. Инсоният ақлини танигандан буён кўрган тушларининг фарқига боради ва уни у ёки бу даража таснифлай олади. Модомики, ўз кўрган тушларининг мазмунини, моҳиятини билар экан, ҳаётий тажрибалар орқали бу мазмунларнинг таъбирини ҳам топади. Туш таъбирлари халқ ижодининг бир бўлагидир, бироқ фарқли томони шундаки, туш воқеаларини туш соҳиби тўқимайди ёки ижод қилмайди, бу воқеалар гайб оламнинг хабарларидир, аммо туш воқеаларини ўзгаларга етказиш халқнинг ижоди, деса бўлади.

Туш кўрган одамларнинг биронтаси туш мазмуни ёки воқеасини ўзгага айнан етказиши камдан-кам учрайдиган ҳодиса; аксарият туш воқеасини қўшиб-чатиб ҳикоя қилади; айниқса, болалар, шу жумладан, аёлларнинг тушлари ҳам саргузаштларга тўла бўлади. Сабаби шундаки, улар кўрган туш мазмунини ипидан-игнасигача айтиб берадилар ва табиийки, бу аснода ўзларидан кўп нарсаларни қўшадилар. Ана шу ҳолатлар, эҳтимол, эртақларнинг дастлабки




фабуласини ташкил этар. Кўп эртактлар туш воқеалари тарзида келиши ҳам бу фикрнинг далилидир. Демак, туш мазмуни ва воқеасини тадқиқ қилиш фольклоршуносликнинг ҳам вазифаси экан.

Дарвоқе, инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларида қабила-қабила бўлиб яшайдиган ибтидоий одамлар ҳар бир ишда омад кулиб боқишида сеҳр бор, деб ўйлаганлар ва буни ўз кўшиқларида ҳам ифода этганлар. Ҳатто улар кўшиқ айтиш ҳам, кўшиқ тўқиш ҳам сеҳргарлик, деб билиб, кўшиқ тўқиган шомонлар ва шоирларга сажда қилганлар (14, 208-бет). Кўшиқ айтган шомонларни, бахшиларни илоҳийлаштириш уларнинг ўзлари ҳақидаги тарқатган афсоналарга ҳам боғлиқ бўлса керак; ўзларининг тўқиган афсоналарига кўра, бўлажак бахши ёки шомон мол боқиб юриб, қайсидир бир дарахтнинг тагида ухлаб қолади ва унинг тушига оппоқ соқолли бир мўйсафид кириб: «Ма, ол, дoston айт», деб дўмбра беради. Уйғониб кетса, атрофида ҳеч ким йўқ; аммо юрагида илҳом тошиб кетиб, бирдан куйлаб юбораверган экан. Бу, албатта, фақат Ўрта Осиё бахшилари, шомонлари, жировларига тегишли гап эмас; ўрта асрларга тааллуқли насроний афсоналардан бирида англо-саксонларнинг тўнғич шоири Кэдмоне (ҮII асрнинг ўрталари) ҳақида ҳам шунга ўхшаш воқеа нақл этилади; худди Ўрта Осиёлик бахши сингари Аллоҳга ҳамд айт, деган нидо эшитилади (18, 26-бет). Бундай афсонавий воқеалар ғарб ва шарқ халқлари поэзияси вакилларида кўплаб учрайди (12, 342-бет) ва бу уларнинг халқ орасида авлиёлашувига сабаб бўлган.

Кўринадикки, бахшилик, умуман ижод анъанаси тушга боғланар экан.

Лекин тушларни таъбирлаш қардан бошланган ва у қайси минтақада фан даражасига кўтарилган, деган масала бор. Бунда шу нарсани дадил ва аниқ айтиш мумкинки, тушларни таъбирлаш ватани Шарқдир. Аммо Шарқнинг қайси минтақасида бошланган, деган савол очиқ қолади, чунки бу саволга жавоб бериш дунёда қайси тил биринчи эди, деган саволга жавоб бериш билан баробардир, бинобарин, дунё-

920911



да қайси тилнинг дастлабки эканлигини аниқлашнинг мутлақо иложи йўқлигини ономастика фани тан олган. Лекин бир қатор илмий асарларда тушни таъбирлаш масаласида илгорлик кўпроқ бобилликларда бўлганлиги таъкидланади (30).

Кўпгина илмий манбаларда бобилликлар деганда аксарият яҳудийлар тушунилиши сезилади, масалан, христиан тарихчилари тафаккурга боғлиқ ҳамма нарсани яҳудийларга боғлайдилар; аслида бундай эмас: Бобил минорасини қуришда, Бобил давлатини барпо этишда на фақат яҳудийлар, шумерлар ҳам, халдейлар ҳам, аққадлар ҳам иштирок этганлар, хусусан, туркий қавмнинг дастлабки бўғинларидан бўлмиш аққадлар ва халдейлар Бобил давлатини барпо этишда ва уни марказий савдо минтақасига айлантиришда ҳамда сиёсий нуфузини оширишда кўпроқ хизмат қилганлар.

Таврот китобининг «Ибтидо»сида хабар берилишича, Яъқуб пайғамбар дастлабки тушни шу ерда кўрган ва тушида унга Худо аён бўлиб, унинг истиқболини, бошига гушажак ташвишларни башорат қилган.

Демак, тушларни таъбирлаш тажрибаси Шарқ маҳсули ва у савдогарлар, сайёҳлар, элчилар томонидан бошқа қитъаларга тарқалган. Ғарбда «Фиръавн мақбараларидаги матнлар» деган катта бир битик бўлиб, у жаҳон адабиётининг дурдоналаридан бири ҳисобланади. Бу битикда фиръавнларнинг тушлари билан боғлиқ кўпгина воқеалар ҳикоя қилинган.

Булардан ташқари туш табиати, инсон руҳияти, Рух ва Тананинг туш кўриш асносидаги мутаносиблиги масалаларида Шарқнинг жуда кўп олимлари ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Абу Бакр Муҳаммад ибн Ямон Самарқандий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Абдуллоҳ Ансорий ва бошқа олимларнинг тиб, астрономия, астрология, илоҳиётга оид асарлари шулар жумласидандир. Бу олимлар, албатта, тушларни таъбир қилмаганлар, (чунки тушларни таъбирлаш уларнинг илмий кўламига ҳам мос келмас эди), аммо туш кўриш сабаблари ва бунда руҳиятнинг аҳамиятини кўрсатиб ўтганлар.

Ғарбдаги маданият, философия, дин тарихларида тушларга муносабат, уларни таъбирлаш илмини тадқиқ этиш турли йўналишларда кечган. Масалан, ғарбнинг қадимий та-

биб ва файласуфлари Гиппократ, Платон, Аристотель, Цицерон ва бошқалар туш таъбирлари масаласида хилма-хил фикрларни билдирганлар. Чунончи, Демокрит турли халқларнинг тушларни амалий ҳаётга тадбиқ этишларини маъқуллаган ва бу услубнинг асосларини очиб берган. Платон эса, туш илҳом манбаи, деган фикрни олға сурган. Гиппократ инсоннинг туш кўришини галлюцинация ва овқат ҳазм бўлишининг ёмонлиги билан боғлайди ва баъзи башоратли тушларни инкор қилмаган ҳолда, касалликдан хабар берувчи омиллар, деб ҳам атайди. Аристотель эса, бу нарсага моддий-унчилик нуқтаи назаридан ёндошиб, инсон туш кўришини борлиқнинг инъикоси сифатида баҳолаган ва тушдаги воқелик инсон фаолиятининг давоми эканлигини таъкидлаган.

Демак, эллинизм даврида Шарқнинг Ғарбга таъсири бениҳоя кучайиб, тушларни таъбирлаш илми ғарб халқлари ўртасида ҳам тарқалиб кетди ва ҳатто туш илмига ғарб олимлари катта эътибор билан қараб, турли-туман шарҳлар, тадқиқотлар ёза бошладилар. Масалан, Севилиялик Исидор йигирма жилдлик «Этимология»<sup>1</sup> ва «Ашёларнинг табиати ҳақидаги китоб» асарларида тушлар таъбирини ҳам келтиради ҳамда бир қатор туш таъбирчиларини номба-ном санаб, уларнинг бу соҳадаги муваффақиятларини кўрсатиб ўтади. Масалан, унинг ёзишича, бир олижаноб аёл биллур қадаҳга тоза сув қуйиб, ўшанга қараб тушларни таъбир қилар экан. Юсуф пайғамбарнинг Бенёмин қопига солиб қўйган қадаҳ идишини эсланг. Умуман, сувга қараб ёки қадаҳ идишига ёхуд бошқа шу хилдаги идишларга, шунингдек, пичоққа, китобга, юлдузларнинг жойлашишига, ойнинг кўринишига қараб таъбир айтиш Шарқда кенг тарқалган ва ҳозирда ҳам бу усуллар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу усулда таъбир йўйиш Фрэзернинг айтишига қараганда, Марказий Осиёдан ғарбга ўтган (13, 286-бет).

Бу фикрнинг исботи шу бўладики, қадимий Юнонистонда эрамыздан аввалги 2000 йилда бир тушнома китоби вужудга келган ва унда Шарқ халқларининг 200 та туш мазмуни ва

---

<sup>1</sup> Этимология — сўзларнинг келиб чиқиш тарихини урганувчи фан. Исидорнинг китоби аслида шу фан соҳасида бўлиб, урни келганда тушлар ҳақида ҳам уз фикрларини билдириб ўтган.

уларнинг таъбирлари баён қилинган, шунингдек, Шарқ халқларининг ухлаётган одамни ёвуз руҳлардан ҳимоя қилувчи сеҳр ва маросимлари борлигидан ҳам хабар берилган.

Эрамиздан аввалги 100-йилда (2-аср) ўтган юнон давлатининг сиёсий арбоби ва саёҳатчи географи Артемидор Ўрта Ер денгизи бўйлаб узоқ вақт саёҳат қилади ва бу саёҳатининг натижасида «География» деб аталган 11 жилдлик китоб яратган эди. (Унинг «Онейрокритика»<sup>1</sup> деган асари ҳам бўлган). Унинг бу асаридан баъзи парчаларгина қолган холос, аммо юнон муаббири Далтис асарлари орқали бизгача унинг беш жилдлик «Тушнома» (Сонник) асари етиб келган. Артемидорнинг хизмати шундан иборатки, у Шарқ халқларидан эшитган туш таъбирларини бир тизимга солиб, ирим-сиримлар, маросимларни изоҳлай олган. Ҳозирги рус китобхонлари фойдаланадиган Густавус Миллернинг «Тушнома»си (12) асосан Артемидор асарлари асосида яратилганлиги аниқ бўлиб турибди. Чунки Миллернинг «Тушнома»сида келтирилган кўпгина туш мазмунлари Артемидор тўплаган таъбирларнинг кўпчилигига ўхшаб кетади. Булардан ташқари, Зигмунд Фрейд, Карл Густав Юнг сингари руҳшуносларнинг тушлар ҳақидаги асарлари ҳам мавжуд бўлиб, бу асарлар Европада катта шуҳрат топган.

Бу ўринда Европа олимларининг тушлар ҳақидаги жуда кўп асарлари ҳақида гапириш мумкин ва бу гапнинг ниҳояси бўлмайди, биз асосийлари ҳақида сўз юритдик. Фақат айтмоқчимизки, Шарқда бошланган туш таъбири Европада фан даражасига кўтарилди ва бу соҳада, юзлаб олимлар иш олиб бордилар ва ҳозирда ҳам бу муаммо билан шуғулланмоқдалар.

Ўрта асрларга қадар халқ таъбирлари қандай бўлса, шундай ҳолича — маълумот тариқасида ўрганилди, ўрта асрларга келгач, туш таъбирлари диний эътиқодга қараб тадқиқ этилди ва умуман диний эътиқод бўйича ва ахлоқий асосларда таъбир қилинадиган бўлди. Уйғониш даврида эса, туш психологияси ва таъбирлари оккультизм билан боғланди ва туш таъбирлари шу фан асосида ўрганилди. Уйғо-

---

Онейрокритика — онейро туш куриш дегани; демак. «Туш куриш ҳолатини танқидий урганиш»дир.

Оккультизм — латинча occultus суздан сирли, муқаддас дегани. Файб илми ҳақидаги фан.

ниш давридан кейин яна бир қанча оқимлар пайдо бўлди ва шулардан бири иррационализм бўлиб, бу оқим тарафдорлари туш таъбирларини инсоннинг психик ҳолатидаги ўзгаришлар; алаҳсираш, васваса, провардида мия айниш ҳодисалари билан боғлайдилар. Иррационалистлардан А. Адлер инсон ҳаётидаги бўшлиқни тушлар тўлдиради, деган ғоя билан чиққан бўлса, Юнг тушлар келажак башоратчисидир, деган фикрни ўртага ташлайди. Фрейднинг «Тушлар таъбири» (Сонник) асарида эса тушлар инсон болалик хотираларининг давоми, деб даъво қилади ва туш таъбирларида ҳам жинсий хоҳишни устун қўяди.

Хуллас, тушлар ҳақида яхлит бир назария, аниқ бир фикр ҳануз майдонга келмаган. Тушлар ва уларнинг таъбирлари турли соҳа йўналишларида — тарих, этнография, эксперименталь психология соҳаларида ўз ҳолича тадқиқ қилинган ва муҳими тиббиёт соҳасида аксарият ташхис сифатида ҳам ўрганилган.

Маданият тарихидан асар ёзган олимлар эса, тушлар таъбирларини ёки тушлар ҳақидаги халқ фикрларини фольклор асносида тадқиқ қилганлар. Ўрни тушда кўрилган рамзни халқ қандай таъбир қилган бўлса, шу таъбирни кўрсатганлар, масалан, агар сув кўринса, сув ўша халқ одатида ниманинг белгиси эканлиги ҳисобга олинган ва шунга қараб туш йўйилган. Масалан, ўзбек халқида «Тушда кўрсанг — ганж, ўнгда кўрсанг янч», деган мақол бор, бунга кўра, тушда илон кўриш халқимизда яхшилик, аниқроғи, бойлик, деб таъбир қилинади. Лекин насронийлар динида буни ёвузлик рамзи, деб биладилар.

Ёки тушда ўлик кўриш ҳам барча халқларда турлича талқин қилиниши мумкин. Ўзбекларда тушида ўлик кўрган одамларга, демак, ўнгингда тирик кўрар экансан, деб таъбир қилинади. Африка халқларида эса, бундай туш айнан қабул қилинади. Масалан, ўзбекларда туш соҳиби ўзини ўлган кўрса, таъбирчилар уни умр узунлигига йўядилар.

---

Антик даврдашқ философия фанида рационализм (рационализм французча — *rationalisme* ва лотинча *rationalis* — ақлли, *ratio* — ақл, дегани) оқими вужудга келган бўлиб, 18-19-асрларда фан-техника тараққиёти билан боғлиқ равишда иррационализм оқими вужудга келди. Иррационализм — лотинча *irrationalis* сүзидан ақлсизлик, оңгсизлик булади.

Австралия ёки Америка қитъасидаги қабилалар бундай тушдан кейин инсон ўлиши керак, деб таъбир қиладилар.

Бундан ташқари маданият тарихини ўрганувчи олимлар туш психологиясини, унинг тарихи ва таъбирларини халқ маросимлари билан боғлаб ўрганишлари ҳам яхши натижалар берди; бинобарин, маълум бир халқнинг ўзига хос маросимлари ўша халқнинг психологиясини ҳам намоён этади. Модомики шундай экан, туш таъбирларини ўрганиш ва уларни тадқиқ этиш халқ психологиясини тасаввур этишда ёрдам беради.

Туш психологияси ва туш таъбирлари ҳақида Европада жуда кўплаб китоблар яратилган ва бу китобларнинг аксарияти рус тили орқали бизга етиб келмоқда.

Аммо мусулмон қавмига хос таъбир китоблари турк тилида бўлиб, улар бизгача етиб келмаган ва аслида ҳам бундай китоблар камёбдир.

Юқорида айтганимиздек, туш таъбирларининг ватани Шарқ; Шарқ муаббирлари туш таъбирларини яхши билганлар ва лекин буни қоғозга тушириш эҳтимолки хаёлларига келмагандир.

Суфийлик адабиётида эса, руҳ ҳақида кўплаб назарий маълумотлар ва қарашлар мавжуд, модомики руҳ ҳақида суфийлик назария яратган экан, бу назариянинг туш таъбирларига ҳам алоқаси бор ва буларни ўрганиш галдаги вазифалардандир.

Ўзбек тилида ҳозиргача бизга иккитагина китобча (10) тақдим этилган холос. Мазкур китоб муаллифларининг уч рисоласи (7), таржима қилинган китоблар (32) бундан мустасно. Бу китобчалар камқамровли бўлиб, кўп мазмунлар келтирилмаган, биз эса ушбу китобда қамровни кенг олишга ва кўплаб туш мазмунларини мукамал таъбирлашга уриндик, албатта, бу уринишда халқ урф-одатларини, прим-сиримларини ҳисобга олишга ҳаракат қилдик, асосан, ўзбек халқининг табиатига, урф-одатларига, баъзи ўринларда мусулмончилик эътиқодига суяндик. Лекин тадқиқотни маҳдуд ҳолда олиб бормаслик учун бошқа халқлар ва бошқа эътиқодлардаги туш мазмунларини ҳам қийсан келтириб ўтдик. Бу уринишда саҳву хатолар бўлиши табиий ва бу хатolikларни тузатиш ва етишмовчиликларини тўлдирини келажакда амалга ошириладиган ишдир.

## ТУШ ҲАҚИҚАТИ

Ер юзида тўртга ирқ бор: Сарик, Қора, Қизил, Оқ. Ҳар бир ирқ ўз рангига, ўз қиёфасига эга. Бундан чиқадиган хулоса шуки, ирқлар ташқи физик хусусиятлар билангина фарқланадилар, турли ирқ вакилларининг физиологик тузулишида, мияларнинг фарқи ва хусусиятларида, асаб системаси ва олий асаб руҳий фаолиятида ҳеч қандай фарқ йўқ.

Ирқлар антропология фанида шартли равишда европоид, негроид ва монголоид деб аталган. Аммо ҳар бир фанда бўлганидек, антропологияда ҳам турли оқимлар бор, шу оқимлардан бири бу фанни сохталаштириш мақсадида «аралаш ирқлар», «иккиламчи ирқлар», «ирқчалар», «иккинчи даражали ирқлар» деган тушунчаларни ўйлаб топганлар. «Этногенезда «юқори» ҳам, «пастки» ҳам деган гап йўқ, шунингдек, «олий» ёки «паст» ирқ бўлмайди. Фақат европапарастлар ўзларини «олий» ирқ деб билиб, бошқаларни табақаларга бўлганлар. Худди шундоқ ишни «ўрта баробарлик» назариясини ишлаб чиққан хитой антропологларидан баъзилари ҳам қилганлар» (14, 46-бет)..

Ирқлар миллатларга, элатларга, қабилаларга бўлиниб кетган ва ҳар бир миллатнинг, ҳар бир элатнинг, ҳар бир қабиланинг ўзига хос ирим-сиримлари, маросимлари, эътиқодлари бор. Ҳар бир халқ ва ҳар бир миллат маросимларида, ирим-сиримларида, хусусан, эътиқодида ўзига хос олижаноблик, эзгулик бўлиб, бу олижаноблик ва эзгулик ўша халқ ё элатнинг феъл-атворини белгилайди. Аммо Ер юзида ҳали миллатлар, элатлар, қабилалар бўлмаган даврда фақат ирқлар бўлган: Сарик, Қора, Қизил ва Оқ. Улар ўз ранглари, тилларидан қатъи назар, бир-бирларини англаганлар; бир-бирларига тиф кўтариш у ёқда турсин, ҳатто кўнгил оғритадиган гап ҳам қилмаганлар.

Шу ўринда Бобил минораси ҳақидаги бир афсона ёдга келади. Одам ота ва Момо Ҳавводан жуда кўп авлод тарқа-

---

<sup>1</sup> Бобил (аслида *бабили*) — Тангри дарвозаси, деб ҳам изоҳлайдилар.

либ, барчаси бир жойга тўпланиб қолибди. Одамлар ўз турган жойларидан бошқа ер йўқ, бўлганда ҳам ҳаёт бўлмаса керак, деб ўйлаб бир жойда муқим туриб қолган эканлар. Ҳар кун бир хил турмуш; эрталаб уйқудан турилади, кечкурун уйқуга ётилади, кундузи эса бир маромдаги меҳнат; қуёш бир пайтда чиқади ва бир пайтда шарққа қараб ботади. Одамлар қуёш қаерга кетар экан, деб ўйлабдилар. Ҳар бир тўдада албатта бирон ғайратли, ташаббускор топилиб туради, улар орасида ҳам шунақаси бор экан, одамларни қуёш ботадиган томонга бошлабди. У пайтда одамлар битта тилда сўзлашар эканлар, шунинг учун ҳаммалари бир-бирларини тушунар ёки турли тилда гапирсалар ҳам, барибир, бир-бирларининг гапларини англайверарканлар. Одамлар йўл юрибдилар, йўл юрсалар ҳам мўл юрибдилар, қирлардан, тоғлардан ошибдилар, чўлларни сувсираб кезибдилар, дарёлардан, денгизлардан сузиб ўтибдилар, нотаниш жойларда манзил-марохил қилиб яшабдилар, охири бир текисликка келиб қолибдилар. Аммо қуёшнинг ботадиган жойи ҳали кўринмасмиш. Қуёш ботадиган ерни топишдан одамларнинг умиди узилибди. Шундай деймизу, барибир одам боласи умидсиз, орзуларсиз яшай олмайди, унга Тангри умид, муродга етиш истагини бермаганда бошқа махлуқлардан нима ҳам фарқи бўлар эди! Ҳалиги ташаббускори одамларга бошлиқ бўлиб олган эмасми, битта таклифни ўртага ташлабди:

«Биз жуда кўпчиликмиз, — дебди у, — шу ерга бир баланд иморат қураимиз ва шу иморатнинг тепасига чиқиб қуёшнинг қаерга ботишини томоша қиламиз. Ахир бу кетишда сафаримиз натижасиз бўлиши мумкин. Бунинг устига неча йил, неча замон йўл босиб, қанча кексаларимиз қазо қилдилар, қанча ёш оилалар пайдо бўлди, яна қанча авлод орттирдик, янада кўпайишиб кетдик». Ҳақиқатда бир неча йиллар мобайнида юра-юра, йўллар бўйи бола-чақалар ҳам орттиришган экан-да.

Маслаҳатни бир жойга қўйиб иморат қура бошлашибди, ўша пайтга келиб одамлар тупроқдан қаттиқ маъдан ясашни урганиб олган эканлар, ўша маъданларни ҳозир биз гишт деб атаймиз. Лоий урнига балчиқни ишлатибдилар, чунки ат-



роф ботқоқликлардан иборат экан (13, 290-бет). Баҳонада ботқоқликлар ҳам қурибди. Иморат кўтарилган сари кўтарилаверибди. Иморат кўтарилган сари одамларнинг қизиқишлари ортиб, яна баландроққа кўтарар эканлар. Қурилаётган минора булутдан ҳам ўтиб, тиниқ осмон бемалол кўринадиган бўлиб қолибди. Аммо ҳамон қуёш ботаётган ерни кўриш насиб этмабди. Одамларда қуёшнинг ботадиган ерини кўриш исгаги жуда кучли экан, барибир буни кўришимиз керак, дея иморатни янада баландга кўтаревирибдилар. Қуёшнингку ботадиган ерини кўролмасалар ҳам, аммо иморат кўтарилган сари юлдузлар яқинлашиб қолибди.

Башариятгни, ерни, осмонни ва бутун мавжудотларни яратган Тангри ҳамма нарсадан хабардор экан. Мен-ку бандалримни бирлаштирдим ва бандаларим ҳамжиҳатлик билан шундай муҳташам бино қурдилар, бу бино ҳатто юлдузларга ҳам етиб қолди, қани энди уларни бир-бирларидан жудо қилай-чи, нима қилар эканлар; нима қилишлари ҳам маълум — Ер юзида қон тўкадилар, ҳамжиҳат бўлиб бино қураётганлар бир парча ер учун бир-бирларини ўлдирадилар, барибир, мен уларни имтиҳон қиламан, деб ўйлабди ва фаришталарни одамлар ҳузурига туширибди. Фаришталар кўрсалар, одамлар ранглари, ирқларидан қатъи назар, бир-бирларини яхши англашар ва битта бошлиққа бўйсунган ҳолда аҳиллик билан минорани кўтаришда давом этар эканлар, ҳатто чарчадим, деган одам ҳам йўқ экан-да.

Қурилган миноранинг қизиқ хусусияти ҳам бор экан; агар одамлардан биронтаси атрофни айланиб кетиб, адашиб қолса, шу минорага қараб йўлни топар экан. Худо фаришталарга буюриб, одамларнинг тилларини аралаштириб юборишни ва уларнинг бир-бирларини тушунмайдиган ҳолга келтиришни буюрибди. Бирдан аҳил бўлиб ишлаб турган одамлар бир-бирларининг тилларини тушунмай, тепада турган уста фишт деса, пастдагиси лой олиб берибди, пастдан туриб биттаси овқатга, деб бақирса, мени сўқяпти, деб бошқаси қўлидаги фишт билан бақирган одамнинг бошига туширибди ва ҳоказо ва ҳоказо...

Қиссадан ҳисса шуки, одамлар бир-бирларидан аразлашиб, ҳар томонга тарқаб кетибдилар ва шу зайл ирқлар,

тиллар пайдо бўлиб, ҳар ким ўз одатига, эътиқодига, динига, ҳатто юртига ҳам эга бўлибди. Шундан бери ўша минора қурилган жойни Бобил, деб атай бошлабдилар, бобил аралашув дегани экан.

Бу бир афсона холос, аммо ҳар бир афсонанинг ҳам маъзи бўлади. Ҳа, Тангри одамларни бирликка даъват этди, эзгулик учун яшашни ўргатди, шайтоннинг васвасасига учиб гийбат қилишдан, бир-бирини ўлдиришдан, беҳуда қон тўкишдан, ҳасаддан, ҳирсдан ва бошқа шунга ўхшаш иллатлардан қайтарди. Тангри ҳамма нарсага қодир; истаса одамларнинг ҳаммасини мўмин қилиб қўйиши мумкин эди, агар шундай қилганда одамларнинг қайси бири яхши, қай бириси ёмон эканлигини билиб бўлмасди. Тангри минора қурувчиларни синовга солди ва уларнинг ҳаммаларини бир-бирларидан ажратди; динларини ҳам, тилларини ҳам. Ана шу синовдан ўтганларгина ҳақиқий мўмин бўладилар.

Инсоннинг болалик даври ўтиб, у улғая бошлагач, ирқларга бўлинган ва ҳар бир ирқ ўз анъаналарини, одатларини жорий қила бошлаган, шу билан бирга дин ҳам маълум бир ирқ эътиқодлари асосида вужудга келган. Ҳозирга келиб маҳаллий динларни ҳисобга олмаганда дунё бўйича тўрт дин бор: яҳудолик, будда, насоро, ислом. Шу динлардан бирига мансуб одам албатта мазкур диннинг шариати буюрган ишларни амалда бажаради, ўша шариат буйруғини сурункасига бажариш асносида шу дин қобигида эътиқоди мустаҳкамланиб боради. Ажабланарлиси шундаки, Тангри на фақат тилларни бўлаклаб ташлади, на фақат эътиқодларни бир-биридан ажратди, балки, инсон кўрадиган тушларни ҳам унинг ўз эътиқодига яраша нозил қила бошлади.

Демак, туш ҳақидаги таълимот сеҳрдан ёки табиатнинг таъсиридан кўра кўпроқ динга боғлиқ, чунки тушлар руҳларнинг аралашуви билан содир бўлади.

Фрэзер инсон ўз ақлий ривожига уч босқични босиб ўтади, дейди. Булар: магия, дин ва илм. Унинг таъкидлашича, магия (сеҳр) босқичида инсон сеҳр ёрдами билан атрофни ўраб турган табиат ва унинг кучларига таъсир қилиш ёки бўйсундириш мумкин, деб ўйлайди. Кейин у ўз тасаввури-

да ғайритабий кучлар яратади ва худолар ҳамда руҳлар табиатдаги ашёлар ва ҳодисаларни бўйсундиради, деб ўйлаб, энди ибодатга киришади. Учинчи босқичда, дейди у, дин фан билан алмашинади: инсон табиат қонуниятларини тушуна бошлайди ва уни илм орқали эгаллайди (16, 275-бет).

Фрэзернинг ушбу қолипни инсоният босиб ўтган тажриба йўллари оқламади; фан мисли кўрилмаган даражада, Фрэзер тасаввуридаги фандан миллион баробар тезлашиб, ўзиб кетди. Аммо ҳар гал фан мақсадга етдим, деганда табиат ўзининг янги «қилиғини» чиқаради ва фанни яна сарсонгарчиликка солади ва шу зайл фан ҳеч қачон ғайб кучининг сирларини билолмай ҳасратда ўтади. Бунга инсон ҳар куни кўрадиган у ё бу мазмундаги тушлар далилдир. Ахир инсон қайда, кўз билан кўриб бўлмайдиган фаришталар, осмон жисмлари, аллақачон ўтиб кетган, ҳатто аниқ суратлари бўлмаган пайғамбарлар қайда? Ёки инсон тушида бемалол юлдузларга чиқиб юрса, ой ва қуёш билан суҳбатлашса, инсонга тўрт оёқлик махлуқлар ёки сувда сузувчи ҳайвонлар унинг тилида гапирса! Бунга қайси фан тушунтириб бера олади?

Баъзан кўрилган маълум бир тушнинг асосини, исботини, нима учунлигини, тушнинг содир бўлиш сабабларини сўрайдилар. Масалан, «ҳа» ва «йўқ» деган сўзларнинг келиб чиқиши қаердан деган саволга нима деб жавоб бериш мумкин? Шунингдек, маълум туш воқеаларининг ҳам асосини тушунтириб бўлмайди; яна такрорлашга мажбурмиз — бу инсоннинг эътиқоди, феъл-атворига боғлиқ ҳодиса ва тушлар руҳият нурининг инъикосидир. Ғайб олами ўз-ўзича соф фандир, лекин бу фанда қаердан, қаерга ва нима учун деган саволларга жавоб йўқ.

Албатта, инсон қайси ирққа мансуб бўлишидан қатъи назар, ўз мавжудлиги нуқтаи назаридан, биринчидан, моддий олам маҳсули, бу унинг жисми ёки жасади; иккинчидан, инсоннинг шу жисми ва жасади Коинот таъсирида ривожланади; учинчидан, инсон руҳонийдир; яъни уни Тангри яратганлиги мутлақ ҳақиқат ва демакки, инсон ўлмас руҳга, диний фалсафада «жон» деб аталган нарсага эга, жон эса жисм ва жасаддан ташқарида абадийдир.

Ҳатто ибтидоий одамлар тушунчасида ҳам жон ва вужуд алоҳида эди. Ибтидоий одамлар жонни мавжуд нарса, деб билганлар ва уни нафас олиш, соя ва ҳоказоларга ўхшатганлар. Уларнинг тушунчасида жоннинг вужуд ичида маҳсус турадиган жойи бўлар эмиш; бу — жигар, юрак ва кўз. Мусулмон ақидасида бўлганидек, улар тушунчасида ҳам инсон ухлар экан, жон танани ташлаб кетади. Бироқ ибтидоий одамларнинг жон танадан танага ўтади ёки ҳайвонларга кўчади, деган ақидаси ҳозирда насроний илоҳиётчилар назариясида ҳукмрондир.

Демак, инсон ўзида уч оламни мужассамлаштиради ва шу уч олам қонуниятлари асосида ҳаёт кечиради, шунинг учун ҳам тасаввуф фанида уни кичик олам, деб аталади.

Шундай қилиб, инсонни яхлит ўрганиш орқали уч олам қонуниятлари ўрганилади. Қадимий юнон фалсафаси асосида ривожланган тасаввуф фанида: «Ўзлигингни англа», деган ҳикмат бор ва бу ҳикматга асосланган фан аввал табиатни эмас, инсонни ўрганadi, яъни инсонни табиатга қараб эмас, инсонга қараб табиатни ўрганиш керак экан.

Ҳар бир предметни ўрганишда ҳам аввал кичикдан бошлаб каттага ўтилади. Чунки инсон табиат фарзандидир, бу бир жиҳатдан, иккинчи жиҳатдан, табиат «вужуди»ни ўрганишдан кўра инсон вужудини ўрганиш мураккаброқ; инсон вужудидаги барча аъзолар минглаб хилма-хил кўри-нишларда доимий равишда ҳаракатда бўлади, ана шу мунтазам ҳаракат тадқиқотни мураккаблаштиради.

Осмонни тун қоплай бошлагач, табиатдаги барча нарса бир қадар бўшашиб, ҳаракатдан тўхтаб ором ола бошлайди. Инсон ҳам табиат боласи, у ҳам кечга бориб бир қадар бўшашади, кўзлари юмила бошлайди; ташқи олам унинг мия қобиқларига таъсир қилмай қўяди, яъни вужуднинг аъзолари тинчийди ва у уйқуга кетади.

Инсон ухлаб ётибди, аммо унинг қон томирлари барибир уриб тураверади, юрак бир кенгайди, бир тораяди, томирларида қон оқиб туради, таомларни ҳазм қилувчи аъзолари ўз ишини давом эттиради, ўпкаси ҳаётбахш ҳаво олиб ишлаб турибди. Аммо уйқу асносида инсон ҳаракатланмайди, ўйлаш ва ҳис қилишдан маҳрум бўлади; у уй-

қуаро севолмайди ва нафратлана олмайди ёки бирон нарсанинг ҳиссиётидан лаззатланмайди ёхуд азоб чеколмайди, аъзолари бутун қувват билан ишлаб турса ҳам, унинг юзларида ифода йўқ. Бундан чиқадиган ҳулоса шуки, унинг аъзолари худди уйғоқлик пайтидан фарқли ўлароқ автоматик ҳаракатда бўлади, бу ҳаракатдаги нарсани Вужуд ёки Тана деб атаймиз. Лекин унинг бошқа бир қисми Ақл деб аталиб, Руҳ ва Онг орқали ишлаб туради, ана шу Руҳ ва Онг тушларни келтириб чиқаради.

Бизнинг жисмоний оламимиз ҳиссиётларга боғлиқ, ҳиссиёт руҳга ашёларни етказди. Тўпорилишиб кетмаган, ҳиссиётларга эга бўлган одам ҳамиша кўради, эшитади, сезади, рангларни ва ҳидларни ажрата олади. Бироқ шундай ҳам бўладикки, инсон кўради, эшитади, сезади ва рангларни ва ҳидларни фарқлай олади, аммо ашёлар унинг ҳисларини кўзғатмайди, тўғрироғи ашёлар унинг ҳиссиётларига жавоб бермайди, балки, номаълум бир сезги ҳосил қилиши мумкин. Қайси ашё жонга яқин бўлса, яъни инсон қайсики ашёни хуш кўрса, ўша ашё руҳ орқали тушда ҳам аён бўлаверади.

Масалан, биз баъзан бирон воқеани диққат билан эшитганимизда фақат эшитиш қобилиятимиз ишлайди-ю, лекин ҳеч нарсани тасаввур қилмаймиз ва кўролмаймиз, аммо ҳисларимиз жуда кўп ашёлар ёрдами билан жунбушга келса, у ҳолда ҳеч нарсани эшитмаймиз ва фақат ҳиссиётларимизгина ишлаб туради ва бунинг натижаси ўлароқ руҳимиз «эсанкираб» қолгандек бўлади. Лекин ашёларнинг кўплигидан ҳисларимиз жунбушга келмай, ҳиссиётлар енгилгина кўзғалса, бундан қандайдир ширин туйғулар билан ҳеч нарсани эшитмаймиз ва роҳат қилиб ҳис этамиз. Бундай ҳолатларда руҳни ўша ашёлар аллалайди ва инсон вужудида тушунтириш қийин бўлган ҳиссиётлар кечади. Бундай ҳолатни тиббиёт олимлари асабларнинг бўшашуви деб атайдилар. Асаблар бўшашганда эса, инсон вужудининг аъзолари дам олади ва кайфият мувозанат топади ва улар янги куч, фаолият касб этадилар. Вужудга дам берадиган, ҳиссиётларимизга янги куч ва фаолият берадиган омил уйқу деб аталади.

Уйқу асносида табиат инсоннинг чарчаган асабларини аллалайди, мияга дам беради, руҳ ором топади. Асабларнинг бундай бўшашуви ва миянинг дам олиши натижасида энди руҳ озод бўлиб, турли воқеаларни олиб келади, буни биз туш деб атаймиз. Демак, Тана дам олаётган пайтда ёки ҳаракатсиз ҳолда ётганда Руҳ ишлайди, осмонларга чиққан ҳам, ой ва қуёш билан сўзлашган ҳам, ҳайвонларни одам тилида гапиртирадиган ҳам Руҳнинг ўзидир.

Масалан, Журжоний руҳни уч турга бўлади: руҳу-л-инсон, бунда инсонни ҳайвондан фарқлаб тургувчи ақл ва Тангри тарафидан инсонга берилган, аммо ҳақиқатини англаб бўлмайдиган ҳиссиёт тушунилади; айнан мана шу руҳ баъзан инсон вужуди билан бирлашади, баъзан инсон уйқуда эканлигида ёки ўлгандан кейин танадан ажралади; руҳу-л-ҳайвоний — бунда юрак марказидан қон томирларига ўтадиган ҳаёт тушунилади; ар-руҳу-л-аъзам — инсоннинг Тангри билан боғлиқ руҳи, аммо унинг моҳияти ҳеч кимга аён эмас, бу инсоннинг руҳий қобилияти ал-ақл ал-аввал, ал-ҳақиқату-л-Муҳаммадийа, ал-нафсу-л-ваҳид, ал-ҳақиқату-л-самовийа деб ҳам аталади.

Руҳу-л-инсон тушунчасига бир мисол келтирайлик. ХУ аср тасаввуф оқимининг буюк намояндаларидан Хожа Аҳроп валий гўдаклик пайтиданоқ кароматли тушлар кўрар экан. Ҳали ўсмир ёшида экан, бир куни тушига шайх Абу Бакр Каффо Шоший кириб унга насиҳат қилибди. Бошқа бир пайт эса, тушига Баҳоуддин Нақшбандий кириб, унинг қалбини тасаввуф нурлари билан тўлдирибди. Бошқа куни тушига Хожа Муҳаммад Порсо киради (22, 14-бет).

Антик давр олимлари асарларида ҳам руҳ ҳақида кўп айтилган. Масалан, Гален ҳам руҳни учга бўлади: 1) табиий руҳ — бу жигарла бўлади, бундай руҳ махлуқотнинг барча турларига мансуб бўлиб, қон томирлари орқали бутун вужудга таралади; 2) ҳайвоний руҳ — бу инсон ва ҳайвонларнинг юракларида бўлиб, бутун вужудга қизил қон томирлари орқали тарқалади; 3) қалб руҳи — бу мияда жойлашган бўлиб, бутун вужуднинг асаб толаларига таралади.

Гален, Гиппократ, ар-Розий ва Ибн Сино фикрлари бўйича инсон руҳи мизожни ҳам белгилайди, тўғрироғи,

вужуднинг барча аъзоларини руҳ бошқаргандек, мизожни ҳам бошқаради. мизож эса, ўз навбатида Тананинг муво- занатидир.

Инсон мизожи қандай бўлса, туши ҳам шунга яраша бўлади. Масалан, ўта иссиқ мизож ва рутубатли одам жуда қотиб ухлайди ва оғир тушлар кўради. Ўрта даражада иссиқ ва ўртасида қуруқ мизожли одамлар енгил ухлайдилар ва ёқимли тушлар кўрадилар.

Уйқу масаласида Ибн Синонинг насиҳатларига қулоқ солган маъқут: буюк шифокор инсон овқатга тўйиб ухлаганда алоқ-чалтоқ тушлар кўриши билан бирга пишиб терлайди, бу тарзда ухлаган одамнинг руҳи дам олмайди, агар кам овқатланиб ухласа, яхши тушлар кўриши мумкин, бу ҳолатда уйқу ўз жойини топади, қон айланишини мўътадиллаштиради, кишига янгитдан куч бағишлайди. деб ўртадади. У фикрини давом эттириб, ҳаддан ташқари кўп ухлаш киши руҳини чарчатади, мияни ўтмаслаштиради, совуқлик касалликларини келтириб чиқаради, дейди (3, 201-бет).

Шунинг учун қадимги уламолар, бизнинг боболаримиз ётар маҳалда овқат емаганлар, сув ичмаганлар, ётар олдидан ейилган овқат ва ичилган сув асабларни қуритади ва ҳазм қилувчи аъзолар таноб ташлайдиган чархдек аранг ишлайди. Овқат еб дарҳол ўринга ётиб оладиган одамлар ҳақида ҳинд донишмандлари албатта, овқат егач, ётиш маза, аммо фойдасиз. бундай одамлар ўз ошқозонларини тўшак қилиб ётадилар, деганлар.

Оғир ҳолатда ухлаш, яъни тўйиб овқат егач, тўйиб сув ичгач инсон ухласа, устига қавс суви тўкилган гул каби қовжирайди, агар киши енгил ухласа, гонг пайтида шабнам қўнган гул сингари очилиб уйқудан уйғонади, енгил ухлаш ва ёқимли тушлар кўриш асабларни тинчитиб, янги куч ва ғайрат бахш этади.

Қадимги уламолар ва эшонлар тиниқиб ухлаш ва яхши тушлар кўриш учун уйқу олдидан кўзларига сурма қўйиб ётганлар. Шу билан бирга, оч қорин билан ҳам ухламаганлар, чунки, дейди Ибн Сино, оч қоринга ухлаш кучни қирқади (3, 356-бет).

Уйқудан ташқари яна мудраш бор, мудраган одамнинг асаблари уйқудагидек тўла равишда ором олмайди, умуман, ярим мудроқ ҳолатда тўшакда тўлғаниш энг ёмон ҳолатлардан биридир (3, 201-бет). Мудроқда ҳам энгил туш кўриш мумкин. Аммо қаерда мудраш аҳамиятга моликдир. Масалан, гуллар очилган, қушлар сайраб турган, сувлар шарқираб оқиб ётган боғда мудраш кишига тасвир қилиб бўлмас даражада ором бахш этади ва ажойиб тушлар кўради.

Аммо кундузги уйқу ҳам турли касалликларни келтириб чиқарар экан, кундузги уйқу тери рангини ўзгартиради, асабларни бўшаштириб, одамни дангаса қилади, иштаҳани бўғади, ҳатто безгак ҳам кўзғар экан. Чунки кундузги уйқу сийрак бўлиб, инсон организмга етарли даражада дам беролмайди.

Уйқуга ётган одам аввал ўнг ёнбошини босиб ётиши, кейин чап ёнбошига ўгирилиб олиши керак. Тиббиёт ҳам, шариат ҳам шу нарсани буюради. Агар уйқуни чалқанча ётишдан бошланса, (аммо чалқанча ётиб ухлаш касофатдир), бу овқат ҳазм қилишга ёрдам беради, кўз илиниши билан ўнг томонга ағдарилиб ётиб уйқуни давом эттириш керак (3, 356-бет).

Уйқусида юрадиган ва асабий одамларнинг тушлари ҳам ўз ҳолатларига яраша; алоқ-чалоқ тушлар кўрадилар ва бу тушлар маъно бермайди.

Инсондаги бор нарса ҳиссиёт; у икки қисмга бўлинади — ички ва ташқи ҳиссиётга. Эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм сезиш ҳиссиётнинг ташқи томонлари холос, ички ҳиссиёт эса руҳ билан боғлиқ, биз ана шу Руҳ ёрдамида туш кўрамиз, Руҳнинг кучи билан тушимизда турли воқеаларга дуч келамиз, ўзгалар билан гаплашамиз, ҳатто ақл бовар қилмас ишларни бажарамиз.

Шунинг учун ҳам Азизу-д-дин Насафий руҳни жавҳар, деб атайди. «У жисмни ҳаракатга келтиради ва такомиллаштиради. У табиатга мувофиқ ўсимлик даражасида, ҳаракат (ирода)га мувофиқ ҳайвон даражасида, ақлга мувофиқ инсон даражасида зуҳур этади. Соддароқ айтганда, руҳ латиф жавҳар, у майдаланмайди ва аъзоларга бўлинмайди. Чунки руҳ амр оламидандир ва ҳатто ўзи амрдир. Жисм қаттиқ ва дағал жавҳар, у майдаланади ва қисмлар (аъзолар)га бўлинади. Жисм махлуқот оламидандир».



Шундан сўнг олим руҳнинг қандай яратилганлигини ва унинг қай тарзда даражаларга бўлинганлигини таъриф қилади. Унинг айтишича, Тангри аввал нигоҳини жавҳарнинг шаффоф қиёмига қаратди ва ул қиём қайнаб эрий бошлади, шу қиёмнинг қиёми ва қаймоғидан пайгамбарлар Хотами (Муҳаммад соллоллоху ʔалайҳи ва саллам) руҳини яратди. унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан улу-л-ʔазм пайгамбарлар, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан мурсал пайгамбарлар, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан авлиёлар, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан аҳли илм, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан зоҳидлар, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан тақво аҳли, унинг қолдиғи ва мағзи ва қаймоғидан аҳли имон, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан одамлар, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ҳайвонлар, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан ўсимлик, унинг қолдиғи мағзи ва қаймоғидан маъданлар ва ашёлар руҳларини яратди (6, 7-8-бетлар).

Тушлар руҳ ёрдами ва бошқарувида ожиз бандаларни огоҳ қилиш, унга бирон нарсадан башорат бериш ва эҳтимолки провардида маърифат учун хизмат қилади. Барча асрлар ва мамлакатлар тарихидан маълумки, кўпгина кишилар тушлардан бирон нарса билиб олганлар ва ҳаётлари давомида бунинг фойдасини эътироф этганлар. Тушларга ишонмаслик эса, табиат қонуниятларини инкор этишдир. Табиат қонуниятларини инкор этиш эса, ўзликни инкор этиш билан тенгдир.

Гиппократ ўз асарларидан бирида ёзган эди: «Вужуд ухлаганда, руҳ уйғоқ бўлади, вужуд бориши керак бўлган жойга руҳ етиб боради ва ўша борган жойида вужуд кўрадиган ва тушунадиган нарсани руҳ кўради ва тушунади».

Имманиул Кантнинг куйидаги фикри бу гапни тўлдиради: «Ҳар қандай билимингиз ҳиссиётларингиздан бошланиб, кейин мулоҳазага ўтади ва ақлнинг тўлиши билан интихосига етади» (20, 340-бет).

Илм ва техника тараққий қилган сари бизни ўраб турган олам «олижаноблиги»ни йўқотиб бормоқда. Оламнинг «олижаноблиги» нимадан иборат, деб ажабланисиз, албатта.

Инсон бу оламда ўзини ёлғиз ҳис қилиб қолди, бинобарин, у илгари табиат билан ошно эди, табиат билан мулоқот қиларди, ҳатто у билан сирлашарди, эндиликда эса, у илму техника деб аталмиш салтанатнинг зўравонлиги билан табиатдан ажратиб қўйилди. Ҳали илму техника тараққиёти бўлмаган пайтларда инсон табиат билан ўзини бир бутун ҳис қилар ва ўзини шу табиатнинг ажралмас бир қисми деб англай эди, эндиликда, илму техник тараққиёт ўқ тезлигида ривожланаётган, илм табиатни мусаххар қилаётган даврда у ўзининг табиат билан ҳиссий бирлигини йўқотди.

Инсон табиат билан уйғун бўлган даврларда момақалди-роқ Тангрининг ғазабли товуши бўлиб эшитилар эди, энди эса момақалди-роқнинг нима эканлигини инсон билади ва уни илмий англай олади. У пайтларда чақмоқ инсонга Тангрининг жазоловчи бир ўқи бўлиб туюлган бўлса, энди бу чақмоқнинг қандай ҳосил бўлишини англаб етган. Энди инсон учун дарёларда, денгизларда ёвуз руҳ йўқ, қандайдир афсонавий сув парилари яшамайди, жарликлардан икки шохли шайтон югуриб чиқиб одамларнинг йўлларини тўсмайди, илон энди донишмандликнинг рамзи эмас, балки турган-битгани заҳар. Инсон энди тошларнинг, ўсимликларнинг нафас олишларини, инграшларини эшитолмайди, ҳайвонлар билан тиллашмайди, чунки энди инсон тошнинг тошлигини билади, майсаларни шунчаки ер бағридан кўкариб чиққан табиат инъоми деб қабул қилади, ҳайвонларнинг неъмат эканлигини ва фақат инсонни боқиш учунгина ҳайвон бўлганлигини билади ва буларни илмий жиҳатдан исбот қила олади.

Хуллас, табиат билан инсон ўртасидаги алоқа узилган ва энди табиатдан ола биладиган ҳиссий қуввати тугаган. Табиатдан оладиган ҳиссий қувватнинг тугаши эса, инсонни оғир беморликка олиб келиши тайин.

Аммо цивилизация деб аталган нарса, аста-секин таъсир кўрсатувчи заҳардек қудратли куч инсонни табиатдан ажратиб юборган бўлса ҳам, инсоннинг ибтидоий инстинкти ҳисобланмиш тушларни ҳеч қандай куч йўқ қилолмади. Тушлар ўша йўқолган нарсанинг ўрнини тўлдириб туради. Аммо инсоннинг бўшлиғини тўлдирувчи бу тушлар

ҳам ғалати; улар инсон аллақачонлар унутган, англай билмайдиган тилда — табиат тилида гапирадилар. Бу тилни англамоқ учун инсон болалигига — ўша беғубор тонгига қайтсинми? Кошкийди! Аммо бунинг иложи қани? Миллион йиллар мобайнида ўтган шиддатли даврларни ортга қайтарадиган куч қайда? Фақат бу Тангрининг қўлидан келмаса, табиатдаги ҳар қандоқ куч бундан ожиз, аммо Тангри буни исташи керак, лекин у ҳаливери истайдиган эмас! Ўша инсонга тушунарсиз тилда — табиат тилида сўзлайдиган тушларнинг лоақал мазмунини ҳозирги амалиётдаги тилга таржима қилиш керак. Бинобарин, тушнинг афсонавий мазмунидаги ҳақиқатларни топиш ва уларни инсонга англата билиш лозим.

Шу ўринда бундан эллик минг йил аввалги цивилизация ёдга келади. Ҳозирги фан Ер юзаси бир неча бор ўзгаришларга юз тутганлигини аниқ далиллар билан исбот қилган. Бундан 50000 йил аввал ҳозирги Перу мамлакатидан тортиб то Тинч уммоннинг Гавайя, Таити, Полинезия ороллариғача бўлган жойларида Лемурия деган бир мамлакат бўлиб, Ер юзининг бошқа қисмида ҳозирги Америка қитъасининг шарқий қирғоқларидан ҳозирги Жоржия, Шимолий ва Жанубий Королина, Виржиния штатлариғача бўлган жойларда Атлантида деган давлат бўлган. Бу давлатларнинг ҳукмдорлари шу қадар донишманд бўлган эканларки, масофадан туриб фикр узатар, масофадан туриб фикр узатиш натижасида техниканинг олий ютуқларини ҳам амалга оширар эканлар. Биз ҳозирда буни афсона деймиз, аммо фан тараққиёти шундай одамлар бўлганлигини далилламоқда.

Туш кўриш ҳам масофадан туриб фикр узатиш эмасми? Ахир туш кўриш асносида кашфиёт қилган қанчадан-қанча олимларни биламиз, тушида кўриб буюк асарлар ёзган адибларни ҳам эшитганмиз. Масалан, Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романини ёзишдан олдин Солиҳ маҳдумни тушида кўрганлигини ўзи эътироф этган.

Аммо биз ирим-сиримларга ишонмай қўйганимизга қанча бўлди! Ахир илм ёрдамида тепамизда булут сингари қоплаб турган ирим-сиримларни, бошимизда қора қанотлари-

ни ёзиб турган алвастиларни, жинларни, яна қанча шайтоний жисмларни қувиб солганимизга қанча бўлди! Илгари момоларимиз гўдакларни «ана, ола бўжи келяпти», деб қўрқитиб ухлатар эдилар. гўдаклар ҳам ухласам ола бўжи келмас экан, деб кўзларини чирт юмиб уйқуга кетардилар. Ҳозирги замон болаларига шундоқ десангиз, қани ўша ола бўжи, кўрсат, деб жанжал қиладилар!

Биз шу сатрларга қадар инсоннинг ташқи олами ҳақидагина сўзладик, демак, илму техника тараққиёти ёрдами билан биз ташқи олаимизни тозалаб олибмиз ва шу билан ўзимизни табиатдан ажратибмиз, хўш, инсоннинг ички олами-чи? Ички олам деганда Рухни англаймиз. Рух ташқи оламдан яширин равишда ҳамон табиат билан сирлашади ва табиатнинг ўз тилида у билан мулоқот қилади. Баъзан, инсон туш кўрар экан, Рух унинг танасидан вақтинчаликка ажраб, сайр қилади, деган фикрга қўшилгимиз келиб қолади. Ана шу Рухдан ўтган кўп иримлар борки, биз уларни беихтиёр ижро этамиз. Уй бурчагида супиргининг тик қўйиб бўлмаслиги ҳақидаги ирим кўпгина ўзбек, тожик хонадонларида ҳамон сақланади. Сабзи тўғраш аснонда самончаси учса ёки хамир кесаётганда хамир парчаси учса, уйга меҳмон келади, деб ишониш ҳам ўша Рухнинг даъвати билан беихтиёр бажариладиган иримдир. Кўйлакни тескари кийиш хаёлпаршонлик оқибати, аммо тасодифан шундай қилган одам бугун ишим ўнгидан келмайди, деб остона хатлаб кўчага чиқмайди. Уйда қайчининг оғзи очиқ бўлмаслиги керак; қайчининг оғзи очиқ қолса, демак, хонадонда жанжал чиқади. Пичоқнинг тиғи тепага қараб қолмаслиги лозим ёки тикка санчиб қўймаслик шарт: ногаҳон фалокатдан ҳазар.

Ҳозирги ёшларимизнинг Европадан ўрганган ва ўзлаштирган бир одати — «13» рақамидан ирим қилиши ниманинг аломати? Яна Европадан ўзлаштирилган бир ирим бор: олдидан қора мушук ўтган киши ортга — уйига қайтади; демак, бугун иши ўнгидан келмас экан.

Демак, ҳозирги давр одамнинг воқеликни тўғри қабул қиладиган ва мушоҳада қиладиган ақли ибтидоий тасаввурлардан ҳам холий эмас; гўё тарих инсонни ибтидоий даврлардан миллион йиллар ажратиб турмагандек... Бино-

барин, илмий тадқиқотлар ва бу тадқиқотлар натижаси бўлган қатъий ва ишонарли исботлар билан бирга алми-соқдан қолган ирим-сиримлар, ҳозирги илмий тафаккур-га мутлақо ёт бўлган тасаввурлар ва ҳиссиётлар, қайсар қарашлар ва жаҳолат қолдиқлари яшаб келаётганлигини ҳамон илм тушунтириб беролмайди ва тушунтирганлари ҳам кишини ишонтира олмайди.

Яна ажабланарлироғи шундаки, инсоннинг тасаввур қилиш қудрати, хаёлот олами, руҳий дунёси, бир сўз билан айтганда, инсон тасаввуридаги рамзлар ҳали тадқиқот қилингани йўқ. Инсон тасаввурининг ана шундай рамзларидан бири тушлардир.

Биз деярли ҳар куни туш кўрамиз; умримизнинг учдан бир қисми уйқу билан ўтгач, демак, жуда кўп тушлар курар эканмиз, бир инсоннинг кўрган тушларини қоғозга туширса, бўйи баробар китоб бўлади; кимдир тушида ойга чиққан бўлади, юлдузлар билан мулоқот қилади, кимдир ер қаъридаги хазиналарни топган ва жавоҳирлар ичида кўмилиб қолади, кимдир боғу роғларда сайр қилади, кимдир пайгамбарлар, худолар билан сўзлашади, яна кимлардир ўлиб кетган хеш-ақраболари билан суҳбатлашади. Ва биз кўрган тушларимизни эслаб қолган даражада кимларгадир айтамиз. аммо бу тушларнинг нега шундай бўлганини, нима учун тасаввур ҳам қилмаган нарсаларимизнинг тушларимизга киришини тушунтириб беролмаймиз ва ҳатто қилни қирқ ёрадиган руҳшуносларимиз ҳам бу саволларга жавоб тополмаганлар. Зигмунд Фрейд ўз китобларида инсон хаёлот оламини «онгсиз психик ҳолат» деб атаган.

Ўша «онгсиз психик ҳолат» биз ақллилар ҳақида нима деб ўйлашини хаёлимиз кўчасидан ҳам ўтказиб кўрмаганмиз. Инсоният тажрибасидан шу нарса маълум бўладики, Фрейд айтган «онгдан ташқари тушлар», «инсоннинг онгсиз психик ҳолати» ва шуларга боғлиқ бўлган рамзлар аслида бемаъни ва шунчаки алаҳсираш эмас, балки тушлар дунёни тушунишда, бу сирли оламнинг турли ўйинларини англашда, бизга номаълум бўлган рамзларни идрок этишда катта ёрдам берар экан. Тушлар орқали киши турли-туман ғаройиб ахборотлар олиши бугунги кунга — йиғирма биринчи асрга келиб маълум бўлиб турибди.

Шу пайтга қадар инсоннинг туш кўриши ва тушдаги рамзларни бир томонлама, субъектив равишда баҳолаб келганлиги сир эмас, эҳтимолки бундан кейин ҳам шу бир ёқламалик давом этар. Лекин тажрибалар шунини исбот қилмоқдаки, туш ҳам табиатнинг инъоми, тўғрироғи табиат ҳодисаси ва худди табиатдаги ўт-ўланлар, ҳайвонот олами, ўсимликлар, ҳаво ва сув каби инсонга ўзига хос таъсир кўрсатади. Инсон уйқуда кўрган тушда ҳам ёруғлик ва қоронғулик, гўзаллик ва хунуклик, олижаноблик ва ёвузлик, ақл ва нодонлик бор.

Кимлардир тушларида кўрганларини мушоҳада қилади, кимлардир мушоҳада ҳам қилмай ёддан чиқаради.

Даҳрийлар туш кўриш ва унга таъбир йўйишни жаҳолат, деб билиб, тушни таъбир қилган одамлар устидан кулар эдилар. Эҳтимол уларнинг бу қулишлари ўз касбларига хос такаббурлик нишонасидир, эҳтимолки, шунчаки беғубор қулишдир, нима бўлганда ҳам бу қулиш унчалик хавфли эмасдир, бу борада руҳ ва арвоҳлар масаласи билан олиб-сотарлик қиладиган руҳфурушлар. сохта фолбину азайим-хонлар биз учун, умуман жамият учун хавфлидир.

Дунёнинг ишлари бир зайлда силлиқ кечмайди; инсон ҳаёти ҳам дунё муаммоларига боғлиқ-ку. Инсон турмушида қачонки бир мушкуллик туғилса, дўст хайрихоҳлик билан қарайди, керакли маслаҳатларини беради, маслаҳат беролмаганда лоақал четда туради, аммо бундай мушкул ҳолатларда инсон ҳаётига фирибгарлар фаол аралашиб қоладилар; бир нарса ундириш мақсадида не-не режаларни туз-майдилар. Мантиқ фани бир нарсани таъкидлайди; масалан, олам ишлари олти қирралик юлдузга ўхшайди, дейлик. Биз учун Руҳ олами, шу оламнинг бир қисми бўлган тушлар сирли кўрингани, ҳатто баъзи тушлар мазмунининг даҳшат туғдиргани, уларни таъбир қилиш биз учун мушкул бўлгани учун ана ўша руҳфурушлар одамларга «ёрдам»га келиб, ғайрат билан ишга тушадилар ва турли-туман ёлғон-яшиқ таъбирлар билан дилларга ваҳима солиб, бойлик орттиришга уриниб қоладилар. Хуллас, жамият бирон қийин аҳволга тушиб қолганда фирибгарлар фаолиятига кенг йўл очилади. Сохта табиблар, гўё руҳлар, фаришталар,

жинларни тасхир қилган азайимхонлар, фолбинлар, коинот билан алоқага киришганмиз, деб даъво қилувчи экстрассенслар кўплаб пайдо бўлиб, содда одамларни лақиллатиш, ҳатто зарар етказиш ҳисобига яшаб қоладилар. Бу ҳодиса фақатгина ҳозир эмас, балки тарихда ҳам кўп марталаб такрорланган ва ҳамиша фирибгарлар бу соҳада ўз фаолиятларини намойиш қилганлар. Кейинги пайтда ўша фирибгарлар инсон саломатлигидек мураккаб ва масъулиятли соҳага ҳам қўл урдилар; беш минг йиллик тарихга эга бўлган тиббиёт фанини инкор қилиб, ўзларининг жоҳилона дори-дармонларини тиқиштира бошладилар; қандайдир шубҳали ўтўланлардан қай аҳволдалиги номаълум шароитда тайёрланган дори туғмас хотиннинг бачадонига бола солиб қўяр эмиш; эмишки, қўлдан берилган биоток ошқозон-ичак касалликларини ёки хафақонликни даволар экан. Биоток дегани ҳаммада у ё бу даражада бор, инсон биотоксиз бўлмайди, аммо у орқали даволаш тиббиётнинг беш минг йил тарихида кўрилмаган, агар бўлганда Ибн Сино сингари буюк шифокорлар қанча жилд китоб ёзиб ўтирмай, одамларни шу йўл билан даволаб қўя қолган бўлар эди!

Энди тушлардек сеҳрли ва сирли масалага келсак, бу соҳада фирибгарларнинг омади келган; сеҳрлилик ва сирлиликдан улар устамонлик билан фойдаланадилар. Шунинг учун ҳам бу ўринда шу фирибгарликларни ҳисобга олиб, ислом олимларининг руҳ ҳақидаги фикрлари билан танишишимиз фойдадан холи бўлмайди.

Масалан, 9-асрда яшаб ўтган машҳур астролог Абу Маъшар ал-Балхий гарчи фирибгарлик қилмаган ва анча илмий асосларда асарлар яратган эса-да, аммо ўта мутаассиблиги туфайли инсон кўрган тушларни нотўғри талқин қилиш билан фирибгарликка йўл очар эди. Абу Райҳон Беруний шунинг учун ҳам уни билимсиз деб атаган (5, 61-бет).

Гап фирибгарликда ҳам эмас, баъзи тоифалар ислом динига зид равишда руҳлар таносуhi, яъни руҳнинг бир жасаддан иккинчи жасадга ўтиши ва ўтказилиши мумкин ва руҳлар истиҳзори, яъни ўлган кишининг руҳини чақириш имконияти бор, деб даъво қиладилар ва буни амалда синаб кўрганликлари ҳақида афсоналар тўқийдилар.

Анимизм<sup>1</sup> деган бир тушунча бор. Ибтидоий одамлар тасаввурида туш кўраётган пайтда ҳам жон танадан ажралиб чиқиб кетмайди, балки воқеа қаерда содир бўлса, уша ерда тана билан бирга бўлади. Масалан, хануз қизил ҳиндуларда шундай тушунча бор: агар ҳинду тушида ов қилган бўлса, шу ов қилганлигини ўнгида қилгандек бўлаверади. Бороро деган қабиладаги бир ҳинду тушида писиб келаётган душманни кўрибди, уйғонгач, қабиладошларига тушини айтибди, уша куниёқ бутун қабила бошқа ёққа кўчиб кетибди. Ёки бошқа бир мисол: бир ҳиндунинг соғлиги ёмон экан. Тушида хўжайини оғир бир юкни кўтариб шаршарадан олиб ўтишга мажбур қилибди. Эрталаб оғир туш кўриб уйғонган ҳинду тўғри хўжайини ҳузурига бориб, нега мени касал ҳолимда туни билан ишлатдинг, деб жанжал қилибди (17, 177-бет).

Анимистик тушунчалар барча муқаддас диний китобларда бор, аммо ҳар қайсисида ҳар хил. Бу тушунча тушларга нисбатан ҳам турли халқларда, турли динларда турлича маъно касб этади. Масалан, будда динига мансуб ҳиндулар руҳ ва жон танадан танага кўчиб юради, дейдилар, мусулмончиликда эса, бу фикр куфрга йўйилади, руҳнинг ва жоннинг бир кишига хос эканлиги таъкидланади. Ҳиндуларнинг бу фикрларини Форобий ҳам рад этган.

Аммо ижтимоий фанда ҳам, табиатшуносликда ҳам моддиюнчилик тарихга айланиб боряпти ва барча соҳаларга илоҳиёт илми кириб келмоқда, бу илм аҳлининг эътиқодига кўра, Руҳнинг ҳақиқатини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди.

Қуръон-и каримнинг «Ал-Исро» сурасининг 85-оятда шундай дейилган: **«(Эй Муҳаммад), сиздан руҳ-жон ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир. Сизларга жуда оз илм берилгандир».**

Демак, олам ва одам ҳақида инсонга жуда ҳам оз илм берилган, шу озгина илмнинг ўзи билан ҳам инсон «ҳамма

<sup>1</sup> Анимизм — ютинча аниъта сузидан, руҳ, жон дегани. Анимистик тасаввурлар ибтидоий даврда пайдо бўлиб, ханузгача одамлар тасаввурида, примитивларида сақланиб қолган. «Анимизму атамаси илмий истеъмолга инглиз олими Э. Б. Гайлов томонидан киритилган.



нарсани биламан», деб мақтанишга тушади. Юқоридаги оятнинг нозил бўлиш тарихи бор; умуман ҳар бир оят бирон сабаб юзасидан нозил бўлган.

Бинобарин, пайғамбаримизга расуллик ваҳй бўла бошлагандан бошлаб яҳудийлар, мушриклар, мунофиқлар турли йўллар ва фитна-ю фасодлар билан ул зотни синашга ружуъ қўйган эдилар; мақсадлари агар Расулulloҳ тўғри жавоб тополмасалар, ул зотнинг пайғамбарлигини ёлғонга чиқариш, мусулмончилиқни ер юзида тарқатмаслик эди. Шундай фитнакор саволлардан бири Рух ҳақида бўлган.

Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соғлоллоҳу ғалайҳи ва саллам билан Мадинанинг харобароқ ерида кетаётган эдик. Расулulloҳ қўлларида хурмо ёғочидан қилинган хасса тутиб олган эдилар. Бир тўда яҳудийлар ёнидан ўтаётганимизда улардан айримлари: «У кишидан рух ҳақида сўранглар», — деб айтишди. Баъзилари эса: «Сўраманглар, сизлар инкор этган нарса ҳақида жавоб айтмайдир», — дейишди. Яна баъзилари: «Албатта сўраймиз», — дейишди. Шулардан бири туриб: «Ё Абулқосим, рух нима?» — деди. Жаноб Расулulloҳ жим қолдилар. Мен ўзимча: «У кишига ваҳй нозил бўлаётир», — дедим. Расулulloҳни пана қилиб (ўртада) турдим. Ўзларига келгач: «Сендан рух тўғрисида сўрашмоқда, рух Раббимнинг иши (ўзи билгайдур), бу тўғрида (одамларга) жуда оз илм берилмишдир, деб айт!» (1, 49-бет) — дедилар. Яҳудийларнинг бу фитнакарона саволларидан мурод пайғамбаримизни синаш, яъни у кишининг ҳақиқий пайғамбарми ёки сохта пайғамбарми эканлиқларини билиш учун эди. Агар, дейишди улар, рух ҳақидаги саволга жавоб берса, демак, пайғамбар эмас, жавоб бермас-ю Аллоҳга ҳавола қилса, у ҳолда ҳақиқий пайғамбардир (35, 185-бет). Жаноб Расулulloҳ ҳақиқий пайғамбар бўлганлиқлари учун ҳам рух ҳақида Аллоҳ таолонинг нозил қилган ояти қаримасини одамларга етказдилар холос.

Рухнинг гайб оламидан эканлигини таъкидлаш мақсадида Фариду-д-дин Атторнинг қуйидаги сўзларини келтирамиз:

«Эй Чиннинг мушкин оҳуси<sup>1</sup> — руҳи қудсий<sup>2</sup>, мушку анбар ҳидини сочган сен халифалик даргоҳининг ўринбосарисан. Сендадир Раббоний руҳнинг амри. Руҳоний мамлакатнинг асоси сенсан. Икки жаҳон бир ҳовуч тупроқ, фақат дорулмулк фазоси — илоҳий олам покдир. Бутун оламлар жами сен билан яшнар, сен билан мунтазам осмону ер сенга вобаста. Сен ҳаммани қамраб олгансану, лекин биздан йироқсан, кўзга кўринмайсану, бироқ кўзнинг ўзидасан. Жаннат, дўзах, қиёмат куни — буларнинг барчаси номинг ўрнида келадиган амонат сўз, белги ташбиҳ холос. Агар сен порласанг, бамисоли минг қуёш бирдан ёнгандай бўлади, йўқ-йўқки, бу порлашнинг ҳар бир зарраси юз қуёшга тенг. Офтобнинг нури ортиқдан ортиқдир, шу нурдан бир шуъла — Улуг арш. Хос ҳамдамсан, роздону сирдош, ҳомий ва мадакдорсан, абад тириксан. Нима дейки, ҳамиша маълумсан, ҳар ерда борсан.

Ажойиб қушсанки, қанақа эканлигингни билиб бўлмас, бизнинг тушунча-тасаввуримиз, исботу тасдиғимиз, инқору раддиямиздан ташқарисан. На ердасан, на осмонда, балки Раббул оламин — Тангри ҳузуридасан. Ҳамма нарса сенсан, аммо ҳеч — йўқлик ҳам ўзингсан... Сен ҳам шоҳсан ва ҳам халифа, безоволсан ва боқийсан. Сенинг асосингда олтига белги бор, аммо уларнинг ҳар бири бир жаҳон — алоҳида бир олам...

Бири Нафс бўлиб, унинг жойи сезги аъзоларидир.

Бири Нафси аммора (шайтоний нафс) бўлиб, зиддиятлар, нифоқ шундан.

Бири Ақлдир, ақлга мувофиқликни, мантиқни бошқаради.

Бири Илмдир, маълумот, билим тўплаш билан банд.

Бири Фақрдир, фано — йўқлик истар ҳамиша.

Бири Тавҳиддир, Ягона зот истар ва Унга интилар доим.

---

<sup>1</sup> Аслида мушк моддаси кийикнинг киндигидан олинади, мушкин оҳу деганда шу хушбўй, даво буладиган модда тушунилади.

<sup>2</sup> Руҳи қудсий — пок руҳ. Масалан, Алишер Навоий «Лисону-т-тайр» дostonида ёзади:

Балки қудсий руҳнинг гуё қуши.

Арш боғидан келиб кўнглимгу туши.

Яъни: унинг пок руҳининг қуши арш боғидан келиб кўнглимга қўнди (Лисону-т-тайр, Тошкент, Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 243-бет).

Ушбу олти қувва — асос Руҳ фармонидадир, Руҳ Мутлақиятнинг азалий ва абадий халифаси ва ҳамроҳидир. Олам Руҳ туфайли обод ва файзли» (24, 11-12-бетлар). Буюк сўфий Фариду-д-дин Аттор давом этиб, Руҳ инсон ичида эканлигини ва ва инсон ўз ичига сафар қилмоғи кераклигини, яъни ўз кўнглини тозалаб бориши лозимлигини таъкидлайди.

Аммо Руҳнинг жисмга бўлган муносабати нуқтаи назаридан унинг баъзи жиҳатлари ҳақида шариат олимлари фикр билдирганлар. Аллоҳ таоло мавжудотни яратар экан, жисм оламидан бурун Руҳ оламини яратганлиги илоҳиёт фанидан маълум. Лекин жисмларни эса ўзига тегишли руҳ билан муштарак яратган. Шунинг учун жисм оламида руҳсиз жисм, жисмсиз руҳ бўлмайди. Маъданда маъдан руҳи, ўсимликда ўсимлик руҳи, ҳайвонда ҳайвон руҳи, инсонда инсон руҳи мавжуд. Бир кишининг руҳи иккинчи кишига ўтмайди. Демак, руҳ бир жисмдан иккинчи жисмга кўчиб юради, деган назария танқиддан паст. Ўлган кишининг руҳи билан ҳам мулоқот қилиб бўлмайди. «Мен арвоқларни чақираман ва улар билан гаплашаман», деганларни фирибгар деб аташ керак холос.

Башсратли тушлар ғайб оламидан келади, бинобарин, уларни ўликлар хабар қилмайдилар, Аллоҳ намоён этади. Ҳар бир ҳодиса Аллоҳ ҳукми билан содир бўлади.

Тушлар учга бўлинади: раҳмоний, шайтоний ва инсоний. Раҳмоний тушда Ҳақ таоло Ўзи истаган бандасига бир хушxabар етказди ёки бўлажак бир воқеа хусусида огоҳлантиради. Шайтоний тушда эса, шайтон ғалайҳи лаъна кишини кўрқитиш ёки йўлдан оздириш учун кўрсатдиган ботил тушдир. Бошқача айтганда, бу туш васвасадир. Шайтон Аллоҳ яратган барча мавжудотнинг қиёфасига кира олар экан, ёлғиз пайғамбаримизнинг қиёфаларига киролмас экан. Шу туфайли у турли қиёфаларда инсон тушига кириб васваса қилади ва уни тушда ҳам йўлдан оздирмоқликка ҳаракат қилади. Инсоний туш кишининг ўнгидаги кечинмалари, ўйларининг инъикосидир ёки руҳий ва жисмоний ҳолати таъсирида содир бўлади. Шайтоний ва инсоний тушлар таъбирга муҳтож эмас, чунки булар хабар билдирмайди.

Таъбирталаб тушлар илоҳий тушлардир. Чунки бундай тушларда кишига бирор ҳодисадан хабар берилади. Бинобарин, Фариду-д-дин Аттор айтмоқчи, Рух сўзга ўралади, чунки икки олам асоси Сўздир (34 12-бет).

Бу (Сўз) хабар ғайб оламидан келганлиги учун ҳар ким ҳам тушунавермайди, уни тушуниш ва таъбир қилмоқ учун махсус илм ва салоҳият талаб этилади. Шу билан бирга муаббир ўзганинг кўрган тушини чиройли тарзда, кўнгилга оғир ботмайдиган қилиб таъбир қила билиши ҳам керак.

*Ривоят.* Бир подшоҳнинг тушида ҳамма тишлари тўкилиб тушибди. Саройда хизмат қилувчи билимдонни чақириб, унга тушини айтиб таъбирини сўрабди. У билимдон туш таъбирига салоҳияти бўлса ҳам, ўта қўпол ва шартгаки экан. «Хўш деганингиздан билсак, тушингиз жуда ёмон, — дебди у, — нақ кўз олдингизда барча фарзандларингиз, қариндош-уруғларингиз ўлиб кетиб, бир ўзингиз шўппайиб қолар экансиз». Бундай таъбирни эшитиб подшоҳ ғазабга келибди ва муаббирни жаллод қўлига топшираибди. Таъбир тўғри, аммо қўпол бўлганлиги учун муаббир жаллод кундасига бошини қўйишга мажбур бўлди. Бошқа муаббир подшоҳга: «Олампаноҳ, бу хайрли туш; яъни умрингиз ҳам-маникидан узун ва саодатли бўлар экан», деб тушни йўйибди ва подшоҳдан саховатли инъомлар олибди.

Иккала таъбир мазмунан бир, аммо шакли бошқа. Демак, таъбир айтишда билимдонлик билан бирга, сўз танлаш салоҳияти ҳам талаб этилар экан.

Туш кўрган одам тушда кўрган воқеаларини тушунмаса ва уларни йўя билмаса, ҳар кимга ҳам мурожаат қилмаслиги, билимдон ва ҳушмуомала таъбирчига айтиши керак.

Жаноб Расулulloҳ: «Тушларингизни солиҳ ва биладиган кимсалардан бошқаларига айтиб таъбир қилдирмангиз», деб насиҳат қилибдилар (26, 15-бет).

Яхши туш кўрганда таъбирчидан ташқари яқин дўстларга айтиш мумкин, аммо ёмон туш кўргудек бўлса, дўстларга ҳам айтиб бўлмайди, агар дўст ҳазилкаш бўлса, умуман айтмаслик маслаҳат. Сўнгра тушни аёллар ва болаларга ҳам айтиб бўлмайди.

*Булган воқеа.* Бир йигит туш кўрса, тобут ичида ётган эмиш. Нариги маҳаллада таъбирчи бор экан, ўшанинг олдига кетаётганда йўлда ҳазилкаш бир ошнасига дуч келиб қолади. Ошнаси хиралик қилиб йўлини тўсади ва қаёққа шошиб кетаётганини сўрайди. У ҳазилкаш ва хира ошнаси-дан тезроқ қутилиш учун турли баҳоналар қилса ҳам, хира ошна кўйиб юбормайди. Охири мажбур бўлиб, муаббир олдига шошаётганлигини айтади. «Жиннимисан? Муаббир пулингни шилади, энг яхши таъбир қилувчи мен-ку, айт менга тушингни!» деб қистайди. Йигит тушини айтади. «Ҳа, шуми? Бунинг таъбири аниқ, бугундан қолмасдан ўлар экансан, мен гўрковга бориб қабр қаздириб қўяман, яширган пулларингни айтиб кет», дейди ошнаси хахолаб. Йигит уни сўкиб йўлида давом этади ва муаббирга бориб учрашади. «Йўлда тушингизни кимга айтдингиз, бўтам?», — деб сўрайди кекса муаббир. Йигит тўғриси-ни айтади. «Аттанг», — дейди муаббир ичида ва йигитга истиффор айтишни тавсия қилиб, тушни ҳеч нарсага йўймайди. Йигит хомуш ҳолда уйига келиб, ўша куниёқ жон таслим қилади.

Расулulloҳ бу ҳақда ҳам насиҳат қилиб шундай деганлар: «Агар ёмон туш кўрсангиз, унинг ёмонлигидан Аллоҳ таолодан паноҳ тилаб, чап томонингизга тупириб қўйингиз, шундай қилсангиз кўрган ёмон тушингиз сизга зарар келтира олмағайдур» (2, 357-бет).

Ёки бошқа бир ҳадисда айтилади: «Қайси бирингиз яхши туш кўрсангиз, ул Аллоҳ таоло тарафидан сизга марҳамат қилинган бўлиб, дарҳол туриб раббингизга муносиб ҳамду санолар айтингиз ва тушингизни (ўзингиз севган кишига) сўйлангиз! Башарти ёмон туш кўрсангиз, билин-гиз-ким, ул шайтондан содир бўлғондур. Дарҳол туриб шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳ таолодан паноҳ тилангиз ва уни бировга айтмангиз! Шундай қилсангиз, тушингиз зарар келтира олмағайдур!» (2, 372-373-бетлар).

Бундан ташқари ёмон туш кўрганда уч марта таъаввуз (аъузи би-л-лоҳи ми-на-ш-шайтони-р-ражийим) айтиб, Аллоҳ таолодан бу тушнинг хайрли бўлишини тилаш зарур. Бир ҳадисда: «Айтилмаган тушлар қушнинг оёғига боғлиқ нарса кабидир. Айтиб таъбир қилдирилмаса, шу ҳоли-

ча қолади. Айтилса, таъбир қилдирилса, бошга тушади» (36, 15-бет), дейилибди. Ёмон тушлардан ва уларнинг зараридан қутилиш чораси уни ҳеч кимга айтмамак ва таъбир қилдирмамакдир (36, 15-бет).

Албатта, яхши тушлар билан ёмон тушлар ҳамиша ёнма-ён юради; чунки инсон бир хил ҳолатда бўлмайди. Халқда «тушингни сувга айт», деган гап бор. Бу мақол ҳозирда кинояга айланган, аммо ҳақиқати тушга тааллуқли; халқ тушунчасида яхши-ёмон туш кўрган одам аввало уни оқар сувга айтиши керак экан, бинобарин, сув тушларнинг ёмонини оқизиб кетар экан. Сув, албатта, ҳамма нарсани тозалайдиган нарса, шояд бу иримда ҳам ҳикмат бўлса!

Чин илоҳий тушлар пайғамбарларга насиб қилади, кейин валийлар бундай тушларни кўрадилар, агар киши солиҳ, тақводор бўлса, ўзини покиза тутиб, ҳамиша яхши ният билан юрса ва солиҳ амалларни қилса ҳам эзгу илоҳий тушларни кўришга дохил бўлиши мумкин. Уйқудан олдин таҳорат олиш суннат эканлиги бежиз эмас ва пайғамбаримиз ўринга ётгач, аузатайнни (Фалақ ва Нос суралари) ва Ихлос сурасини ўқиб ётишни бекорга буюрмаганлар.

Албатта, энг муҳими кўнгил поклигидир. Агар инсон кўнгли пок бўлса, нияти эзгу бўлса, унинг тушлари ҳам раван ва хайрли бўлади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур покиза кишилардан бўлганлиги, боз устига подшолик ва шоирликдек илоҳий инъомларга сазовор бўлганлиги учун ҳам шундай тушлардан бир нечтасини кўрган экан. Бу ўринда шу тушлардан иккитасини унинг ўз сўзлари билан келтирамиз.

«Бизнинг кишимиз яхши ва ямон икки юз қирқ киши эди. Бори беклар ва йигит-яланг била сўзлашиб, сўзни мунга қўйдукким, Шайбониҳон Самарқандни яқинда олиб, ҳануз эл анга ва ул элга кўнгул тўхтатмайдулар, ушбу фурсатта бир иш қила олсак худ қилгайбиз. Агар Самарқанд кўрғонини шоту қўйуб ўғурлуқ била олсак, Самарқанд эли худ бизнингдур. Не чораси бор? Агар бизга

<sup>1</sup> Яъни эл унга, эл бунга элакишмади.

<sup>2</sup> Худ — албатта.

мадад қилмасалар, ўзбак учун худ урушмағуларидур. Самарқандни иликлагандин сўнг ҳар не Тенгрининг хости бўлса, ул бўлғусидур.

Бу қарор била намози пешиндин сўнг Ёряйлоқдин отланиб, кеча тун қотиб, ярим кеча Хон юртига еттуқ. Ул охшом эл хабардор бўлибтур деб кўрғоннинг ёвугига келмай, Хон юртидин-ўқ ёнилди. Тонг отиб эдиким, Работи Хожадин қуйироқ Кўҳак суйини кечиб, яна Ёряйлоқ келдук. Бир кун Асидак кўрғонида жамиъ ичкилар, мисли Дўст Носир, Нуён кўкалдош, Хонқули, Каримдод, Шайх Дарвеш, Хисрав Кўкалдош, Мирим Носир бори ҳозир эрдилар, менинг қошимда ултуруб эдилар. Ҳар тарафдин сўз ўтадур эди. Дедимким: «Келинг, айтингким, Тенгри рост келтурса, Самарқандни қачон олғайбиз?» Баъзи дедиларким: «Ёзга олғайбиз». Ул маҳал кеч куз эди. Баъзи «бир ой», баъзи «қирқ кун», баъзи «йигирма кун», дедилар. Нуён кўкалдош дедиким: «Ўн тўрт кунда олурбиз». Тенгри рост келтурди, рост ўн тўрт кунда-ўқ Самарқандни олдук.

Ушул фурсатта ажаб туш кўрдум. Туш кўрарманким, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболларига чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олига ғолибо бетакаллуфроқ дасторхон солмишлар. Бу жиҳаттин ҳазрат Хожанинг хотирига нима келмиш. Мулла Бобо менинг сари боқиб ишорат қиладур. Мен ҳам имо била дедимким, мендин эмастур. Дасторхон солғувчи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр масмуъ тушди. Кўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг кўлумдин ё сўл кўлумдин тутуб андоқ кўтардиларким, бир оёғим ердин кўпти. Туркий дедиларким, Шайх маслаҳат берди. Ушул неча-ўқ Самарқандни олдим» (15, 79-бет).

Демак, Хожа Аҳрор валийнинг Бобур мирзо қўлидан ушлаб баландга кўтаргани фатҳ экан, бу фатҳни Тангри

<sup>1</sup> Иликламоқ — қўлга олмоқ.

<sup>2</sup> Тангрининг хости — Тангри хоҳласа.

<sup>3</sup> Ёвугига — яқинига.

<sup>4</sup> Яъни Хон юртидан узоқроқ кетилди.

<sup>5</sup> Тақсир қилибтур — хатога йўл қўйибди.

<sup>6</sup> Масмуъ — эшитилмоқ.

<sup>7</sup> Долон — йўлак, даҳлиз.

Бобур мирзога Ҳожа Аҳрор валий сиймосида кўрсатган. Бобур мирзо сал кун ичида, ўзи таъкидлаганидек, ўн тўрт кун ичида Самарқанд тахтини қўлга киритган.

«Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу (тахорат) қилдим, икки рақъат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзим уйқуға борибтур. Кўрадурменким, Ҳожа Яъқуб, Ҳожа Яҳёнинг ўғли, Ҳожа Убайдуллоҳнинг набиралари рўбарўйимға аблақ от миниб, кўп жамоати аблақсувор билан келдилар. Дедиларким, ғам емангиз. Ҳожа Аҳрор мени сизға йибордилар. Дедиларким, биз аларға истионат тегуруб, подшолиқ мансабиға ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушқул иш тушса, бизни назарига келтуруб, ёд этсин. Биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳоло ушбу соат фатҳ ва нусрат сизнинг соридур. Бош кўторинг, уйғонинг.

Ўшал ҳолда хушҳол бўлуб уйғондимким, Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бир-бирига маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб ҳаял қиладур, тутуб боғламак керак.

Бу сўзни мен эшитиб дедимким, сизлар бу йўсунлиқ сўзларсиз, аммо кўрайинким, қайсингиз менинг қошимға кела олурсиз? Ушбу сўзнинг устида эрдимким, боғнинг деворидин ташқари қалин отлиқнинг келур овози келди. Юсуф доруға дедиким, биз агар сизни олиб Танбал қошиға борсак эди, бизнинг ишимиз илгари борур эди. Ҳоло яна кўб киши йиборибтур, сизни тутғали. Ул яқин қилдиким, бу овоз Танбалнинг йиборғон кишиларининг отини товуши бўлғай. Бу сўзни эшитғач, менга изтироб кўпрак бўлуб, қилур ишимни билмадим.

Ўшал ҳолда бу отлиқлар боғнинг эшигини топарға фурсат қилмай, деворниким, эски бўлғон еридин раҳна қилиб кирдилар. Кўрсамким, Қутлуғ Муҳаммад барлос ва Бобойи Пайғарийким, менинг жон тортқон навкарларим ўн-ўн беш, йигирма киши бўлғай, етиб келдилар. Булар ёвуқ келиб, оттин ўзларини ташлаб, йироғдин юкунуб, таъзим қилиб, менинг оёғимға йиқилдилар. Ўшал ҳолда менга андоқ ҳолат бўлдуким, гўё менга янги боштин Худой жон берди. Мен

Аблақ от — жунлари ола нулли от

Истионат — ерлам, кумак.



дедимким, ул Юсуф доруғани ва бу турғон муздур мардакларни тутуб боғланг. Ўшал мардаклар қоча бериб эрдиким, ҳар ерда бировин тутуб боғлаб келтурдилар.

Мен дедимким, сизлар қайдин келасиз, нечук хабар топдингиз. Қутлуғ Муҳаммад барлос дедиким, Ахсидин қочуб чиқганда сиздан айрила тушғонда Андижон келдимким, хонлар ҳам Андижон келибтурлар. Бобур подшоҳ Карнон деган қенттадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлик маснади<sup>1</sup> анга тааллуқ бўлубтур. Мен бу тушни кўруб хушҳол бўлуб, улуғ хон, кичик хонға арз қилдим, хонларға дедимким, менинг беш-олти ини, ўғлум бор, яна бир неча йигит қўшунгиз, Карнон тарафидин бориб хабар олайн» (19, 99-100-бетлар).

Бобур мирзонинг кўрган бу туши истихора деб аталган нафл намозга тааллуқдидир. Бу нафл намознинг шартига кўра, бирон ишнинг ижобат бўлишини тилаган киши икки ракъат намоз ўқиғач, истихора дуосини ўқийди, сўнгра таҳоратлик ҳолича жойнамоз устида қибла гарафга қараб, ўнг ёнбошини босиб ётади. Агар шу уйку орасида ўша мўлжаллаган ишини тушида хайрлик кўрса, қасд қилган иши ижобат бўлади.

Истихора дуоси: *Аллоҳумма инни астахийрука мин фазлика фаи-н-нака тақдиру ва ла ақдиру ва таъламу ва ла аъламу ва антаъаллому-л-ғуйуб. Аллоҳумма ин кунта таъламу анна ҳаза-л-амра хайрун лий фи-диний ва маъоший ва ғоқибати амрий фақдирҳу лий ва йассирҳу лий сумма борик лий фиҳи. Ва ин кунта таъламу анна ҳаза-л-амра ша-р-рун лий фи-диний ва маъоший ва ғоқибати амрий фасрифҳу ғанний васрифни ғанху вақдир лийа-л-хайра хайсу кана. Иннака ало кулли шай'ин қадийр<sup>2</sup>. Яъни: Ё Раб, албатта, сендан яхшилик талаб қилурман ва ҳам қудрат талаб қилурман. Сенинг улуғ фазлингни сўрарман, чунки сен ҳар нарсага қодирсан. Менинг ўзимча ҳеч нарсага қудратим етмас ва сен ҳар бир нарсани билурсан ва мен ҳеч бир нарсани билмасман. Сен ҳар бир ғайб нарсаларни билурсан. Ё Раб, агар*

<sup>1</sup> Муздур мардак — ёланган пасткаш кишилар.

<sup>2</sup> Маснад — тахт.

<sup>3</sup> Матнга имло тузатишлар киритилди (Муҳаррир).

ушбу қасд этган ишим диним учун ва дунёйим учун ва охиратим учун гуноҳ ва ёмонлик деб билсанг, ул ишни мендин ва мени ул ишдин қайтаргил. Батаҳқиқ, сенинг ҳамма нарсага қудратинг етади (8, 117-118-бетлар).

Бинобарин, Бобур мирзонинг ўзи эътироф этишича, намоз ўқиб, сўнг таҳоратлик ҳолида жойнамоз устида қиблага қараб ухлаб қолган ва юқоридаги хайрли тушни кўрган ва туши ҳам ўнгидан келиб, подшоҳлик маснадига чиққан.

Бундай тушларни кўрадиганлар оддий мўминлар орасида ҳам кўп. Кимки тақво ва покизалик билан ният қилиб ухласа, шундай тушларни кўриши шубҳасиздир.

Алийбек Рустамийнинг айтишича, истихора дуосидан кейин кўриладиган тушда оқ ва қора, яшил ва қизил ранглар пайдо бўлади. Агар кишининг тушида оқ ва яшил ранг кўринса, демак, бошлайдиган иши ўнгида дуруст бўлади, агар қора ва қизил ранг кўрса, бошламоқчи бўлган иши ёмон натижа берар экан (29, 53-бет).

Агар динлар тарихини мулоҳазадан ўтказадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси камида бир ярим минг йиллик умрни кечирмоқда ва неча-неча асрлар мобайнида халқнинг аксарияти дин кўрсатмалари ва амалларига ишониб келди. Диний дуоларнинг аксарияти рост чиқишини тажрибалардан ўтказган аجدодларимиз бу ҳақда бизга керакли мерос ҳам қолдириб кетганлар.

Ахир минг-минг йиллар мобайнидаги тажрибалар ботил бўлиши мумкин эмас-ку!

## ТУРЛИ ХАЛҚЛАРДА ТУШЛАРГА МУНОСАБАТ

Аввалги саҳифаларнинг бирида туш таъбири эътиқодга боғлиқ, деган фикрни билдирдик. Шу фикрда собит қолган ҳолда, айтиш мумкинки, ҳар бир ирқнинг, миллатнинг худоси бошқа эмас, барча бандаларнинг худоси бир; фақат ибодатларимиз, эътиқодларимиз турлича, аммо биру бор худога қилинган барча ибодатлар саодатга элтувчи бошқа-бошқа йўллардир.

Насронийлар уч худоликка эътиқод қўйганлар, яҳудийлар Узайрни худонинг ўғли, деб ишонадилар ва худо билан бирга унга ҳам ибодат қиладилар, бутпарастлар санамлардан, тошлардан турли маъбудларни ясаб олиб, ўшаларга ибодат қиладилар. Даосийлик, зардуштийлик, браҳманчилик, шомончилик, ламачилик, жайничилик сингари дин ва таълимотларда шу динларни ижод қилган даҳоларининг эътиқодларига амал қиладилар ва ҳоказо. Бундан ташқари тотемизм, анимизм, фетишизм деган тор доирадаги таълимотлар ҳам борки, уларда ер юзидаги маълум бир махлуқ ёки предметни муқаддас билиб, ўшанга топинилади. Бу турли динлардаги турлича эътиқодлар, албатта, тушлар таъбирига ўз таъсирини кўрсатиши керак эди. Аслида ҳам шундай бўлиб келяпти; ҳиндуларнинг кўрган тушларига ўз эътиқодлари, мусулмонлар кўрган тушларга ислом эътиқодини назардан таъбир қиладилар.

Модомики гап эътиқодлар ҳақида борар экан, тушларни қадимдан қандай таъбирланганлигини ва бу нарса қайси халқларда қандай кечганлигидан бошлайлик.

«Инжил» китобидаги «Матто баён этган муқаддас хуш-хабар»да ёзилишича, «Ёқубдан Марямнинг эри Юсуф

---

Инжил ва Таврот ва ҳамда яҳудиларнинг Библияга езилган Талмуд тафсири ва ҳам Юсуф икки есимот бири — Марямнинг эри, иккинчиси — Юсуф ваъл ҳиссаюм. Библияда уни Яъқуб баланиҳсаюмнинг ўғли ҳам дейилган. Қуръон-и каримда ҳам иккига Юсуф бор. Бири Довул авлодидан бўлиб, у Анвоҳ сурасининг 74-оятда ва Гофир сурасининг 34-оятда зикр қилинади. Иккинчиси Яъқубнинг ўғли Юсуф бўлиб, у ҳақда Юсуф сурасида батафсил маълумот берилган.

туғилди Марямдан эса Масих деб аталган Исо туғилди». Ва яна Инжилда давом этиб айтылади: «Исо Масихнинг туғилиши шундай содир бўлди: унинг онаси Марям Юсуфга унаштирилиб қўйилган эди. Уларнинг никоҳидан олдин Марям Муқаддас Рухдан ҳомиладор экани маълум бўлди. Унинг эри Юсуф эса, солиҳ одам бўлиб, Марямни шарманда қилишни истамай, яширинча қўйиб юбориш<sup>1</sup> ниятида бўлди. Буни ўйлаб кўрганидаёқ Худованднинг бир фариштаси тушида унга кўриниб: «Эй Довуд ўгли Юсуф! — деди. — Сен Марямни ўзингга хотинликка олишга кўрқма; чунки унинг вужудидаги ҳомила Муқаддас Рухдан пайдо бўлган. У ўғил туғади ва унинг исмини Исо қўясан, чунки у ўз халқини гуноҳлардан қутқаради» (21, 3-бет). Юсуф тушда нима аён бўлган ва қандай буйруқ бўлса, ўшанга амал қилади. Бинобарин, динлар бўйича, илоҳий тушлар тўғридан-тўғри амалга ошади, деган ақида мавжуд.

Ийсонинг юлдузини кўриб, уни, яъни ҳали эмизукли чақалоқни зиёрат қилгани келган мунажжимлар Ийсо туғилган шаҳар Байтлаҳм подшоҳи Хиродга учрашиб, бутун олам подшоҳи бўладиган чақалоқ қаерда эканлигини сўрайдилар ва Хироднинг Ийсога душман эканлигини тушларида биладилар ҳамда чақалоққа таъзим бажо келтиргач, тушларида аён бўлган синоат билан мамлакатдан яширин чиқиб кетадилар.

Мунажжимлар келиб кетгач, Юсуф туш кўради, тушида ўша Марямнинг ўғил кўришидан хабар берган фаришта: «Ўрнингдан тур! — деди. — Чақалоқ билан онасини олиб Мисрга қоч ва мен сенга бирор нарса айтмагунимча, у ерда қолгин. Чунки Хирод чақалоқни қидириб топса, уни ҳалок қилиш нияти бор.

Юсуф шу кечасиёқ туриб, чақалоқ билан онасини олиб, Мисрга қараб йўлга тушди» (21, 5-бет).

---

<sup>1</sup> Яъни фотиҳани бекор қилиш.

<sup>2</sup> Худованд — ибронийча Яхве дегани. Насронийлар ва яҳудийлар бу атамани Аллоҳнинг муқаддас номи деб биладилар.

<sup>3</sup> Инжил ва бошқа мусулмонлар учун ғайридин булган таълимотлардаги китобларнинг бир неча бор таҳрир қилингани маълум. Бу нарса Инжил мисолида яққол куринади: бир уринда Марямнинг эри Яқубнинг угли, дейилса, бошқа бир уринда Довуднинг угли дейилган

Юсуф Марям ва чақалоқ билан Мисрда экан, тушида яна ўша фаришта аён бўлиб, Мисрга қайтиш мумкинлигини, Хирод ўлганлигини хабар қилади (21, 5-бет).

Ёки Иброҳим<sup>1</sup> пайғамбар Горор шаҳрида истиқомат қилиб турганда хотини Сорани<sup>2</sup> «синглим» деб таништирган ва «Горор шоҳи Абдумалик эса одам юбориб, Сорони хотинликка олди. Бир кеча Худо Абдумаликнинг тушига кириб, унга:

— Сен мана шу олган хотининг туфайли ўласан, чунки у эри бор хотиндир, -- деди.

Абдумалик эса, Сорога яқинлашмаган эди. У:

— Ё Раббим, наҳотки Сен бегуноҳ халқни ҳам ҳалок қилсанг? Ана у киши ўз аёлини синглим деди-ку. Хотиннинг ўзи ҳам: «Бу менинг акам», деб айтиб юрибди-ку. Мен бу ишни соддадиллик билан, ҳалол қўлим билан қилдим, — деди. Худо Абдумалик тушида деди:

— Сен бу ишни соддадиллик билан қилганингни Мен ҳам билар эдим. Шунинг учун сени Менга қарши гуноҳ қилишдан сақладим, сени Сорога тегишга қўймадим. Энди сен бу аёлни эрига қайтариб бер. У пайғамбардир, сен учун ибодат қилади ва сен тирик қоласан. Агарда аёлни қайтариб бермасанг, шуни билки, сен билан халқинг ҳаммангиз бутунлай ўласизлар!» (21, 20-боб).

Абдумалик тушда кўрганларини ва тушида Худонинг берган амрини ўнгида бажаради.

Қуръон-и каримда Яъқуб пайғамбар нуроний, дуоғўй кекса, меҳрибон ота, кароматғўй пайғамбар тимсолида намоён бўлади, аммо Тавротда туғилишиданок унинг фирибгарлиги кўрсатилади; фирибгар ўғил ва алдоқчи ука тимсолида кўринади. Хуллас, кўзлари кўрмайдиган бўлиб, касал ётган отаси Исҳоқни мен катта ўғлингиз Эсовман, деб алдаб фирибгарлик билан дуо олгач, акаси Эсовни алдагач, онаси Ривқонинг (у эса ўғлининг фирибгарлигига ривож беради) маслаҳати билан тоғаси Лобоннинг қиз-

<sup>1</sup> Иброҳим — Таврот буйича, Иброҳим ғалайҳиссаломнинг дастлабки исми яқудийча Обром, яъни Олий ота эди, кейин Худо унга «Обраҳим» — «Кўпчиликнинг, халқнинг отаси», деган ном берган.

<sup>2</sup> Соро — Иброҳим ғалайҳиссаломнинг хотини аввалига Таврот буйича Сорай булган, кейин Худонинг амри билан «Сора», яъни «бека», деб аталган.

ердан бирга уйланиш учун Хорон шаҳрига қараб йўл олади. «Қуёш ботай деган пайтда у бирон жойга тушиб ўнамоқчи бўлди. Атрофдаги тошлардан бирини олди-да, оёғи тагига қўйиб ётди.

У ухлар экан, тушида тик турган нарвонни кўрди. Нарвоннинг бир учи ерга, бир учи осмонга тегиб турар, Худонинг фаришталари ундан чиқиб тушаётган эдилар. Худованднинг ўзи ҳам нарвоннинг устида турганича, шундай гапирди: «Мен — Худованд, отанг Иброҳимнинг ва Исҳоқнинг Худосиман. Сен ётган ерни Мен сенга ва зурриётингга бераман. Сенинг зурриётинг ернинг қумидек қуш бўлади. Фарбу шарққа, шимолу жанубга ёйилиб борасан. Сендан ва зурриётингдан ер юзидаги ҳамма қабилалар барака топадилар. Мана, Мен сен билан. Қаерга бормагин, Мен сени асрайман, сени яна шу ерга қайтараман. Сенга айтганларимни то бажо келтирмагунимча, сени тарк этмайман» (21, 28-бет).

Таврот бўйича, тоғаси Лобон жияни Ёқубни алдайди, Ёқуб ҳам тоғасини алдайди, Ёқуб Лобоннинг икки қизини хотинликка олгач, уларни ҳам лақиллатиб, чўрилар билан аюқа қилади, ҳатто чўрилар ундан фарзандлар ҳам кўрадилар. У тоғанинг қўлида ишлаб бойиб кетади, бойиб кетгач, хотинларини ўзининг сурувлари ўтлаб юрган яйловга чақиртириб, уларга кўрган тушини баён қилади:

«Чорваларнинг бўғоз бўлиш вақтида бир куни туш кўриб қолдим. Тушимда назар солсам, урғочиларни қочирган такалар ола, холдор ва йўл-йўл эканлар. Худонинг фариштаси тушимга кириб:

— Эй Ёқуб! — деди.

— Лаббай! — дедим мен. У:

— Энди назар солиб кўр, урғочиларни қочирган ҳамма такалар ола, холдор ва йўл-йўлдилрлар. Мен — Байтилда сенга

---

Исҳоқнинг хотини Ривқодан икки эгизак уғил тугилган; Эсов ва Ёқуб. Эсовнинг бадани қизғин ва пустиндек сержун экан, шунинг учун унинг исми Сержун (Эсов) қўйилди; кейингиси онаси қорнидан чиқаятганда акасининг товонидан ушлаб турган экан, шунинг учун унинг исмини «Товон ушлаган (Ёқуб) деб қўйилди. «Ёқуб»нинг иккинчи маъноси «лақиллатган». Чунки у акасини лақиллатиб, унинг тунгичлигини сотиб олади, отасини лақиллатиб, Эсовга аталган дуонни олиб қўяди.

зоҳир бўлган Худоман. Сен у ерда ёдгорлик тошига мой суртгансан, у ерда Менга назр атагансан. Энди тур, бу мамлакатдан чиқиб, туғилган юртингга қайтиб кет, — деди».

Ёқубнинг иккала хотини Худонинг буйруғини бажо келтириш кераклигини айтишгач, у чорвасини ҳайдаб, уз юртига равона бўлди. Ёқуб ўзининг кетишидан тоғасини хабардор қилмай, унинг мол-мулкани ҳам олиб Канъонга — Исҳоқ ҳузурига жўнаб қолди (21, 28-бет).

Хуллас, Ёқубнинг ҳамма фаолияти туш билан боғлиқ ва тушида кўрган барча синаотлари борлиқда амалга ошаверади.

Тушда содир бўлган воқеанинг борлиқда рост бўлишига ишонил фақат Муқаддас китоблардагина эмас, балки давлат миқёсида ҳам бор эди.

Масалан, бир элчининг хотини кўрган тушдаги хабар билан Рим сенати Йунон ибодатхонасини қайта қуришга қарор қилган экан. Рим императори Марциани тушида Атилланинг камони синганлигини кўрибди, аммо ўша кечаси Атилла ўлган экан. Марциани эрталаб уйғонгач, душманининг ўлганини эшитган. Ҳақиқатда ҳам тушда душманининг камони синиши унинг ўлимига далолат бўлади. Ўзининг камони синса, туш соҳибининг ўзига зарар етади.

Плутархнинг ҳикоя қилишича, Август касал бўлиб ётганида, унинг дўсти тушида кимдир императорни ўз чодирини ташлаб чиқиб кетишга мажбур қилаётганлигини кўрган ва ажабки, Август чодирдан чиқиши билан душман чодирга кириб, қилич билан тўшагини пора-пора қилиб ташлаган.

Юлий Цезарь тушларга ишонган, аммо кўп ҳолатларда хотини Калпурнининг кўрган тушларига қўл силтаган экан. Агар, деб ёзадилар тарихчилар, хотини кўрган тушларга ишонганда эди, Юлий Цезарнинг калласи танасидан жудо бўлмасди.

Крез тушида ўғлининг ўлдирилганини кўрди ва шундан 14 кун ўтгач, ўзи Кир қўлига асир тушиб, ўлдирилди. Бу тушни у форслар бостириб келишидан бир кун олдин кўрган бўлиб, 14 кун ичида амалга ошди.

---

<sup>1</sup> Келимини италиян тарининг он маъбӯласида 101.1.1330.207.

Қадимий форслар подшоҳи ҳам тушида унинг бошини товуклар чўқиб турганини кўрган ва саклар қабиласига хужум қилганда, Геродотнинг ёзишига қараганда, Тумарис қўлида ўлган.

Цицерон тушларга ишонган ва у Аркадий шахридан чиққан ҳамда турли жойларда тунаб қолган икки сайёҳнинг туши ҳақида ёзади: сайёҳлардан бири карвонсаройда тунаган, иккинчиси эса, хусусий бир уйда ётган. Хусусий уйда ётган сайёҳнинг тушига уни дўсти ёрдамга чақираётгани эшитилган. У бу чақириқдан уйғониб, туши эканлигини билгач, яна уйқуни давом эттирган. Яна дўсти тушига кириб, энди кеч бўлганлигини, у улдирилиб, жасади аравада гўнг тагига беркитилганлигини айтган. У эрталаб бу ғалати туш таъсирида тушида дўсти айтган жойга бориб қараса, ҳақиқатда аравада гўнг тагида унинг жасади ётибди. Цицерон ёзади: «Агар Худо одамларни яхши кўрса, ўзининг қилаётган ишларидан албатта уларга башорат беради».

Итальян руҳшунос олимларидан Хрисипп тушлар ҳақида китоб ёзиб, унинг илоҳий башорат эканлигини айтган. У тушларнинг моҳирона таъбири ҳақиқий башорат, деб билади, аммо, дейди у, бошқа санъатлардаги шартлилик каби таъбирлаш санъатида шартлилик ҳам борки, бу гуноҳ бўлмайди.

Платон ўз замонасида умум томонидан тушлар ҳақидаги фикрларга қўшилган ҳолда, инсон қалби тушида илоҳий башоратлар учун очиқ бўлади, деб айтади.

Платоннинг бу гапига кишининг ишонгиси келади, чунки эзгу ниятларга тўла бўлган қалб, албатта, эзгуликни қабул қилади ёки шоирона айтганда, гул соф ва пок нарса бўлганлиги учун унга соф ва пок шаффоф келиб кўнади.

Масалач, Петрарка тушида маҳбубаси Лаурани кўради, айнан ўша куни маҳбубаси вафот этган ва Петрарка дафн маросимидан қайтган эди. Лаура тушида уни нималаргадир даъват этади ва бунинг таъсирида у сал кун ичида «Ўлим тантанаси» деган асарини яратди.

Машҳур скрипкачи Тартини кўрган туши таъсирида «Шайтоний шодиёналар» сонатасини яратган.

Колриж эса, туш кўриб, уйғонгач, бир ўтиришда «Қублахон» достонини ёзган эди.



«Тушдаги баъзи нарсаларнинг башоратлилиги бўлиши мумкин», деб ёзади Аристотель.

Француз руҳшуноси Камиль Фламарион ўзининг «Саҳиҳ тушлар ва келажак башорати» деган китобида «Олдиндан шу нарсани қатъий айта оламанки, келажак воқеалардан хабар берувчи саҳиҳ тушлар шубҳасиз далил сифатида қабул қилинмоғи керак».

Ҳақиқатан ҳам, далилларга мурожаат қилсак, Аристотелнинг ҳам, француз руҳшуноси ва астрономининг сўзлари ҳам ўз тасдиғини топади, бинобарин, Жанна д'Арк туш кўриб, ўзининг оловда ёқилишини олдиндан билган. Казотт Кондорсенинг қандай тарзда ўлишини тушида кўриб айтиб берган.

Юқорида эслатилган Фламарионнинг «Кўринмас нарсалар» китобида «Биз кўзларнинг ёрдамисиз кўра оламиз, қулоқларнинг ёрдамисиз овозларни эшита оламиз, бу ҳолатда бизнинг ички руҳий ва ақлий ҳисларимиз фаолият кўрсатади. Ички кўра олиш қобилиятимиз туфайли қалбимиз на фақат узоқ масофалаги бўлаётган воқеаларни, балки келажакда бўладиган воқеаларни ҳам кўра билади», деб ёзган эди.

Худди шундай, ҳозирда биз кўралиган тушларни қадимда ҳам турли халқлар кўрганлар, биз ҳис қилалиган нарсаларни ёки тушимизда хабари бўлган воқеаларни бондан кечирганлар. Булардан хабардор бўлишимиз учун қадимий халқлар ва қабилаларнинг туш кўриш ва унга муносабатлари мурожаат қилишимиз керак бўлади.

Кўп ҳолларда аксарият халқларда ҳам туш учга бўлинади: субъектив, жисмоний ва руҳоний. Аммо славянларда тушлар тўрт қисмга бўлинар экан; биринчиси айнан тушнинг ўзи, иккинчисини хаёл, учинчисини орзу, тўртинчисини хаёлда кўринган нарса, дейишади. Славянлар ақидаси бўйича, тушда турли рамзлар ёрдамида ҳақиқат намоён бўлади: масалан, Юсуфнинг фиръавн тушини йўйиши, малика Гекубанинг Парисга ҳомиладорлик пайтида тушида машаъла туғиши, Мидия подшоҳи Астнага тушида қизининг ҳомиладан бўшалганини кўриши; қизи унинг тушида узум зангини туғади; узум кўпайиш рамзи, ҳақиқатда

у тез орада набира кўради, бу набира машҳур Кир эди. Македония маликаси Искандар Зулқарнайнга ҳомилдорлик пайтида туш кўради, тушида унинг кўкрагига шер расми туширилган муҳр босилибди.

Хаёл деганда славянлар тушида кўрган нарсаларни кўз олдига келтиришни англайдилар ёки вужудсиз нарсаларни кашф этадилар. Масалан, Таврот бўйича Ёкубнинг осмонга туташган нарвон кўриши, Юсуф пайғамбар билан зиндонда бирга бўлган соқий ва нонвойнинг кўрган тушлари шулар жумласидандир.

Орзу эса хотирада уйғонган тасаввурдир; киши кўз олдида орзу қилинган нарсалар жонланади, шу нарсаларни кўп уйлаш натижасида у тушларга ҳам киради. Масалан, очкўз, бировларнинг ҳисобига қорин тўйдиришни истайдиган одамнинг тушига нуқул тўю-танталар киради, зиқна эса тушида фақат пулни кўради.

Юнонлар фант деб атаган нарсани славянлар хаёлда кўринган нарса, деб атайдилар. Бу ҳолат кўпроқ ақли қосир бўлиб қолган, ваҳимачи қарияларда ва болаларда бўлиб, уларнинг кўзларига кўринган нарса гўё ростдек бўлади.

Славянлар юқорида санаб ўтилган тушлардан биринчи иккитасини рост туш деб билиб, қолган иккитасини ёлгон деб тушунадилар.

Славянларда ҳам худди мусулмонлардаги каби эслаб қолинган туш ва тонг пайтидаги туш ишонарли, деб англашилган. Тонг отгунча инсон организми овқатларни ҳазм қилиш билан овора бўлар экан.

Биргина славянларгина эмас, балки барча Европа халқлари тушларни яна икки турга бўладилар: ҳақиқий тушлар, тимсолий (рамзий) тушлар. Ҳақиқий тушлар қандай намоён бўлса, борлиқда ҳам шундай рўй беради; тимсолий тушларда бўладиган воқеалар ёки ҳодисалар тимсоллар (рамзлар орқали маълум қилинади; масалан, тушга фаришта кириши — бахтдан нишона, илонни кўриш, демак, душман борлигидан ёки унинг хавфидан хабар ёхуд алдовга ишора. Тимсолий тушлар кўрилган кундан бир неча кун ўтгач содир бўлади. Ҳақиқий тушлар эса, Худонинг хоҳлаган кунда.

---

Бу ерда ҳам Александр Македонский англашилади.

Европаликлар инсон танасининг тузилиши ёки унинг ҳиссиётига қараб ҳам тушларни ажратадилар ва бунда бок йўқ; чунки мусулмонларда ҳам хусусан ҳиссиётларга қараб тушлар даражаси белгиланади.

Совуққон, лоқайд одамларнинг тушлари сув ва огир нарсалар ҳақида бўлади; умуман сувга боғлиқ нарсаларни тушларида кўрадилар.

Қизикқон ва сержаҳл одамлар олов, уруш, ҳаво йўлларига воқеалар, темир ва ўшанга оид нарсалар, жанжаллар, баҳслар, ўтли муҳаббат, умуман кўтаринки нарсаларга оид воқеа-ҳодисаларни туш кўрадилар.

Хушчақчақ, таралабедод одамлар эса, тушларида кўнги-лочар ҳодисаларни; тўй-ҳашамларни, зиёфат-зарофатларни кўрадилар.

Хафақон, ғамгин, маъюс одамларнинг тушларига даҳшатли ва кўнгилсиз нарсалар киради; дафн маросимлари, қашшоқлик, касаллик, қамоқхона, мол-мулкнинг қўлдан кетиши кабилар шулар жумласидандир.

Европаликлар учун кўпроқ қиш ва ёз ойларидаги тушлар ишончли, баҳор ва куздаги тушлар уларда ишонч туғдирмайди. Бизнинг туркий халқлар ҳам хазонрезгиликда, чиллада (қиш ва ёз чилласи)ги тушларга ишонч билдирмайдилар. Ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши инсон руҳиятига таъсир кўрсатар экан.

Европаликлар тушларни асосан Артамидор, Платон, Миллерларнинг тушномаларига кўра таъбир қиладилар.

Руслар Иусис Христос (Ийсо пайғамбар) туғилган кун, муқаддас байрамлар ва ҳар йили 13 январда нишонландиган Янги йил байрами арафасидаги тушларни ишончли, деб биладилар, аммо нима кўп — русларда байрам кўп. Ҳар ойда бир неча кун байрам арафаларидаги тушлар ишончли ҳисобланаверади.

Русларнинг туш кўргандан кейинги таъбирларидан бир неча мисол келтирамиз.

**Бир воқеа.** Бир аёл тушида қўшнисининг иккита тойчоғини уғирлайди: уларни парвариш қилади, нақ кўз олдида ҳалиги тойчоқлар йил сайин эмас, соат сайин ўсадилар ва сал вақт ичида баҳайбат отларга айланадилар. Отлар аёлга

хужум қиладилар ва улардан биттаси келиб аёлнинг гарданига тепади. тепки зарбидан аёл уйғониб кетади. Аёл кўрган тушига эътибор бермай, нақ кўшнисининг эри билан уйнашиб юраверади. Бир пайт билсаки, ҳомиладор; ою кунлар ўтиб эгизак ўғиллар туғади. Эгизаклар катта бўлгач, қарангки, иккови ҳам безори, пиёниста чиқади; 17 ёшидаёқ ичадиган ва ҳар куни уйига келиб онасидан пул талаб қилиб, тўпалон қиладиган бўлади. Кунлардан бир куни иккови маст ҳолда келиб онасидан пул талаб қилади, онаси пул бермагач, аёлни дўппослашади, аёл калтакдан қочаман, деб йиқилиб тушади. Айнан ўғиллар ҳам унинг гарданига тепиб ўлдирадилар.

**Бошқа бир воқеа.** Бир оиланинг икки қизи бўлади, катта қизига бир турк фуқароси ошиқ бўлиб қолиб, уйланади ва тўйдан кейин хотинини олиб ўз юртига кетади. Қиз юртига кетгач, орадан бир неча кунлар ўтиб, синглиси туш кўради; тушида опаси оппоқ кўйлаги қонга беланган тарзда унинг хонасига кириб келади. «Мени эрим ўлдирди, сен эртага балга бормоқчисан, борма, агар борсанг, бирон фалокатга йўлиқасан», дейди. Аммо қиз ота-онаси олиб берган чиройли кўйлакни ҳаммага кўз-кўз қилгиси келиб, эртасига балга боради, йўлда кетар экан, у тушган файтон ағдарилиб тушади ва қиз бир умр майиб бўлиб қолади, кейин эшитса, ҳақиқатда опасини рашкчи турк ўлдирган экан.

Бундай анимистик тушунчалар ҳақида Тайлор ҳам бир қатор мисоллар келтирган, лекин унинг мисоллари рамзларга тааллуқли бўлиб, анимистик тушунчадаги одамлар рамзларга қараб туш таъбирини белгилашларини ва унга қаттиқ ишонишларини ёзади.

Масалан, Австралиядаги бир қабила фуқароси тушида бойқушни кўрибди, эртасига туши мазмунини айтиши билан одамлар кўч-кўронларини йиғиштириб, ҳаммалари бошқа жойга кўчиб кетибдилар. Бойқуш улар назарида душман тимсоли экан. Мусулмонларда, шу жумладан, туркий халқларда ҳам бойқуш ёмон рамз ҳисобланади.

Тушда бойқушни кўриш европатикларда ҳам, славян халқларида ҳам ёмонлик, омадсизлик, бахтсизлик рамзидир.

Бойқушни тушда кўриш русларда турли жойларда турлича таъбир қилинади: Сибирь тарафларда кишининг қай фаслда туғилганига қараб таъбир қилинар экан; агар туш соҳиби январдан май ойигача бўлган даврда туғилган бўлса, тушига бойқуш кирса, демак, тез орада ўлар экан, агар майдан сентябрь ойигача бўлган даврда туғилган бўлса, ўлим ҳақида васваса касалига йўлиқар экан, агар сентябрдан январгача бўлган даврда туғилган бўлса, асаб касалига дучор бўларкан (26, 251, 531, 807-бетлар). Марказий Россия жойларидаги аҳолининг ақидасича, тушда бойқуш кўриш барча ишларнинг орқага кетишидан далолатдир(28, 342-бет).

Ёки Сибирнинг шимолий-шарқий ҳудудида яшайдиган ительменлар (Коряк автоном вилоятининг аҳолиси) тушларида бит ёки ит кўрсалар, рус йўловчисининг келишига йўйиб, турган жойларини ўзгартирадилар. Ёхуд зулуслар (шарқий ва жанубий Африкада яшовчи банту тилида сўзлашувчи қабила) тушда кўрилган воқеаларни ёки рамзларни тескари таъбир қиладилар: агар бирон зулус тушида бемор одамнинг ўлганини кўрса, унинг умри узоқ бўлади, деб ишонади. Бу ўзбек халқининг туш йўйишига ўхшаб кетади (масалан, ўлик кўрсанг, тирик кўрасан). Русларда эса, тушда ўлик кўриш эртасига ҳавонинг ўзгаришига таъбир қилинади.

Агар бирон зулус тушида ўйин-кулги билан ўтказилган тўй ёки базмни туш кўрса, бутун қабила бир неча кунлар мобайнида сабабсиз аза тутадилар; демак, кимдир ўлар экан (31, 97-бет). Ўзбекларда тушда тўй бўлаётганини кўриш хушxabарга ишора деб таъбир қилинади. Русларда эса, тушда тўй кўриш садоқатли дўстни йўқотишга ва ҳатто касал одамнинг бундай туш кўриши ўлиmidан дарак беришига йўйилган (26, 347-бет) ёки яхши одам билан танишув, деб таъбир қилинган (27, 723-бет). Миллернинг китобида эса, тушда тўй кўриш мушкул аҳволдан тез орада чиқиб кетиб, муваффақиятга эришиш, деб таъбир қилинган (15, 285-бет).

Ирокезларда «тушлар байрами»ни ўтказиш одати бор. Уларда бу байрам йилнинг сурилишига қараб январь, февраль, март ойларида ҳам ўтиши мумкин. Байрамни иро-

кезлар бир неча кунлар давомида нишонлайдилар. Барча, хоҳ эр киши бўлсин, хоҳ аёл киши, юзига ниқоб тортиб олиб, йўлларида нимаики учраса, вайрон-талқон қилиб борадилар, кулбадан кулбага ўтиб, барча нарсаларни кўчага итқитадилар, ҳатто бешикдаги бола ҳам кўчага отилади. Гўё ҳамма бир кечанинг ўзида жинни бўлгандек; ҳеч ким қилаётган ишига ҳисоб бермайди. Аслида ҳеч ким жинни ҳам бўлгани йўқ, фақат феъли айниган холос; шу байрам баҳонасида ҳамма бир-бирига эски хусуматини тўкиб солмоқчи. Шу тўс-тўпалон пайтида душманлари рўпарадан чиқиб қолса, хумордан чиққунча дўппослайдилар, устларидан муздай сув қўйиб юборадилар ёхуд лахча чўғми, ёниб турган ўтинми, фарқи йўқ, ўша билан душманларининг башарасига ёки бошига урадилар. Бу бошбошдоқликни тинчителининг ягона йўли шуки, ким қандай туш кўрганлигини топиш керак. Акс ҳолда ҳаммаёқ вайрон бўлади; қанча одам сабабсиз ўлади. Агар кўрган тушлар топилса, байрам кунининг бирида одамларни шунақа жинниликка бошлаган ёвуз руҳлар қувилади.

Ҳиндистоннинг баъзи халқларида ҳозирда ҳам бир афсона бор; нилуфар аслида гўзал қиз экан, у кунлардан бир кун сузда ўз аксини кўриб, шунчалар гўзаллигидан юраги қувончдан ёрилибди ва ўша заҳоти ўлибди. Бу афсона қадимий Юнонистонга ҳам тарқалган. Бу жойлардаги халқлар афсонани рост, деб биладилар; шунинг учун ҳам тушида киши ўз аксини кўзгуда ёки сузда кўрса, ўнгида албатта ўлади, деб эътиқод қиладилар. Ибн Сирин тушда кўзгу кўришни мол ва вилоятга таъбир қилган (10, 63-бет). Миллер эса, тушда кўзгуга қараш ўнгида турли муаммоларнинг келиб чиқишига ишора деган (15, 119-бет). Марказий жойларда яшайдиган русларда тушда кўзгу кўриш соғлом одамга касалликдан, бемор одамга ўлимдан далолат, деб таъбир қилинган (28, 312-бет). Сибирь ўлкаларида яшайдиган русларнинг ақидасича, сохта, мунофиқ дўст орттиришдан далолат экан (27, 711-бет).

Корейс халқининг одати галяти: айниқса, Жанубий Корейда кечқурун хайрлашниш асносида одамлар бир-бирларига: «Тушингга чўчка кирсин», деб тилак билдиради-

лар. Қозоғистондан борган сайёҳларга ҳодий (гид) шундай тилак билдирганда, сайёҳлар ғалати бўлиб қолишибди ва ҳатто хафа бўлганларини ҳам яширишмабди. Корейслар ўзларига хос таъзим бажо келтириб, аммо узр сўрамай, корейсларда чўчқа яхшилик, бойлик ва омад рамзи ҳисобланишини тушунтирибдилар; кимнинг тушига чўчқа кирса лотереядан ютуқ чиқар экан.

Бошқа халқларда, масалан, мусулмонларда тушга чўчқа кириши бирон кўнгилсизликдан дарак берувчи рамзидир. Славян халқларида, умуман Европа халқларида тушда чўчқа гўшти емоқ киши ўнгида мушкулотларга дуч келишига далолат, чўчқа гўштининг ўзинигина кўриш мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал қилишга ишора экан (15, 287-бет). Русларда тушга чўчқа ва унинг гўшти киришининг бир неча рамзлари бор: тушга чўчқа боласининг кириши мутлақо яхшилик қилмайдиган қуруқ, зиқна кишининг рамзи, аммо ўлимидан кейин у одамдан кўп манфаат кўриш мумкин 28, 341-бет). Бошқа бир ўринда тушга чўчқа боласининг кириши, демак, аблаҳлик билан тўқнаш келишга ишорадир (27, 723-бет). Чўчқа гўштини қони билан емоқ — эр-хотин ўртасидаги ўзаро ишончнинг йўқолишига ишора. Чўчқaxonани кўриш эса, меҳмондорчиликдан қайтгач, хотин жанжал кўтаради. Яхши боқилган бўрдоқи чўчқа боласини кўриш омадга далолат экан. Қовурилган чўчқа гўшти эса, тўкин дастурхондан нишона.

Агар қадимий халқларнинг тушлар мазмуни рўйхатини кузатсангиз бошингиз айланиб кетади; чунки бу туш мазмунларида ўша пайтда қадимий халқлар учун тушунарли, аммо ҳозирда тушунарсиз бўлган рамзлар орқали туш мазмунларининг таъбирлари берилган

Шу ўринда бир мисол келтириш билан чекланамиз: Хусрав Биринчи ҳукмронлик даврида мамлакат қозиси туш кўради: бир арабий тулпор от эронлик бир туяни енгибди. Қози эрталаб саройга бориб шаҳаншоҳга туш кўрганлигини. Арабистон гарафдан хавф борлигини хабар қилган (11, 16-бет). Бу ҳам рамз: Эронга Арабистондан хавф булиши — ислом динининг барқарор бўлиши эди.

Дунё халқларининг туш таъбирларига муносабатларида ялакат мағиз бўлган бир жиҳат бор: барча халқларда туш мазмунлари ва уларнинг таъбирлари руҳ билан боғланади. Бундан чиқадиган хулоса шу бўладики, туш кўришда ҳеч қандай сеҳр йўқ, балки илоҳий марҳамат ва хабар бор.

Жаҳонда олти миллиард аҳоли бўлса, ҳаммаси ҳар куни туш кўради, аммо ҳамма тушлар ҳам хабар ёки башорат бўлавермайди; бу тушлар орасида ноқулай ётиш оқибатида ёки қорин тўқлигида ёхуд маст-аласт бўлган ҳолда, нопокизалик ҳолатида кўрилган тушлар бор, бундай тушлар маъно бермайдилар. Хабар берувчи ва башоратли тушлар тез орада амалга ошиши ҳам шарт эмас.

Инсон башоратли ва хайрли тушлар кўрмоғи учун руҳини поклаши зарур экан, буни барча халқлардаги туш таъбирлари тажрибаси тасдиқлаб турибди.



## ҚУРЪОН-И КАРИМДА ТУШ ВОҚЕАЛАРИ

Қуръон-и каримда туш ҳодисалари баён қилинган бўлиб, улар «Анфол», «Юсуф», «Исро», «Соффот»<sup>1</sup> ва «Фатҳ» сураларида келтирилган. Қуръонда туш ва уйқу сўзлари *'ахла:мин* (Юсуф сураси, 44-оят; Анбиё сураси, 5-оят), *ал-хулу-ма* (Нур сураси, 58,59-оятлар), *'ахла:муҳум* (Ва-т-тур сураси, 32-оят) шаклларида учрайди. «Соффот» сурасининг 100-107-оятларида Иброҳим пайғамбарга тушида ўғли Исмоилни имтиҳон тарзида қурбон қилишга буюрилгани ва бунинг оламшумул хайрли натижа билан тугагани Қуръон услубига мувофиқ қисқача баён қилинади.

Иброҳим Парвардигордан бир солиҳ фарзанд тилайди. Аллоҳ таоло унга Исмоилни ато қилади. Иброҳим Тангри-нинг ҳукми билан Ҳожар билан ўғлини Шомдан Маккага олиб бориб қўяди. У уларни кўргани Шомдан келганда ўғли 13 ёшда эди, у уч тун қаторасига тушида «фарзандингни қурбон қил», деган фармонни эшитди. Қурбон байрами кунини ўғлини етаклаб Минога қараб йўл олади, Сафо ва Марва орасидаги саъй мавзиига етганда ўғлига тушини айтиб беради. Исмоил Аллоҳнинг амрига бўйсиниб, қурбон бўлишга рози бўлади. У ўғлини сўйишга киришганда Аллоҳдан: «Эй Иброҳим, сен чиндан ҳам тушга тўғри амал қилдинг, биз яхшилик қилгувчиларни шундай қадрлаймиз. Бу можаро равшан имтиҳондир», деган нидо келади ва қурбонлик учун катта бир қўчқор пайдо бўлади.

---

<sup>1</sup> Бу сўзнинг арабчасида аниқлик кўмакчиси «ал» (алифлом) бор бўлиб, талаффузда «л» «с»га ўтиб, «ал» «ас» шаклини олади. Ўзбекча таъбирда аниқлик кўмакчиси тушиб қолади: «ас-са:фа:т» арабча, «соффот» узбекча таъбир бўлади. «Соффот» «софф» (сафда турувчи) сўзининг куплиги бўлиб, уни «саффот» деб ёзиш ва ўқиш савод жиҳатидан нотўғри. Бу ҳолда «софф» (сафда, қаторда турувчи) «сафф» (қатор)га айланиб, маъно ўзгаради. Масалан, Алоуддин Мансур таржимасида ҳам (қаранг: Қуръон-и карим, Тошкент, «Чўлпон» нашриёти, 1992 ва қайта нашри — Бишкек, 2001) «саффот» деб нотўғри ёзилган. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Тафсири Ҳилол» китобида ҳам (қаранг: «Тафсири Ҳилол», 22-24-поралар, Бишкек, 1998) бу сўзнинг ёзилиши нотўғри. Шуни таъкидлаш керакки, Қуръон-и каримда «Саф» деган сура ҳам бор ва у барча нашрларда шу ҳолида тўғри.

Иброҳим ʔалайҳиссаломга аён бўлган бу туш, демак, ваҳй бўлган; пайғамбарнинг Тангрига эътиқоди яна бир бор синалган. Пайғамбарлар учун бундай синовлар кўп бўлганлиги тарихдан маълум. Масалан, Иброҳим пайғамбарнинг оловга ташланиши, Айуб пайғамбарнинг минг дардга чалиниши, оиласи, хеш-ақраболаридан жудо бўлиши, Мусо пайғамбарнинг фиръавн тарафидан азоб кўришлари, Ийсо пайғамбарнинг хочга михланиши, Расулulloҳга мушриклар тарафидан озор берилиши, ўз ватанлари Макка мукаррамадан чиқариб юборилишлари (ҳижрат) ва ҳоказолар шу синовлар жумласидандир.

«Юсуф» сурасида Яъқубнинг ўғли Юсуфнинг қиссаси баён этилган. Бу қисса Юсуфнинг туши билан бошланиб, тушдаги башоратнинг қирқ йилдан сўнг ўнг келиши билан тугайди.

Ўн икки яшар Юсуф отасига: **«Эй ота, мен тушимда ўн бир юлдузни, яна қуёш ва ойни кўрибман. Ҳаммалари менга сажда қилишаётган эмиш»** (27 157-бет, дейди. Отаси унга: **«Эй ўғилчам, бу тушингни оға-иниларингга ҳаргиз айта кўрма, токи улар сенга қарши бирон ҳийла қилмасинлар. Чунки шайтон инсон учун очиқ душмандир. Шунингдек (яъни сенга шундай улуғ туш кўришни насиб этгани каби) Парвардигоринг сени (пайғамбарлик учун) танлар ва сенга барча тушларнинг таъбирини билдирур ҳамда худди илгари ажодларинг Иброҳим ва Исҳоққа комил қилиб бергани каби, сенга ва Яъқубнинг (бошқа) фарзандларига ҳам Ўзининг (пайғамбарлик) неъматини комил қилиб берур. Албатта, Парвардигоринг илм ва ҳикмат соҳибидир»** (38, 158-бет).

---

Юсуф қиссаси Тавротда бошқачароқ кечади: Юсуф қурган тушини акаларига айтиб бергач, улар уни баттар ёмон куриб қоладилар. Юсуф тушининг мазмуни шундан: ака-укалар боғлам боғлашаётган бўладилар. Юсуфнинг боғлами ердан кутарилиб тик дурган экан, акаларининг боғламлари эса, унинг атрофида гир айланиб таъвим қилибдилар. Юсуф яна бошқа туш куради ва уни ҳам акаларига айтиб беради: «Тушимда қуёш ва ой ҳамда ўн бир юлдуз менга таъвим қилаётган экан». У бу тушини отасига айтганда, у уришиб беради, наҳотки, мен ва онанг ҳамда акаларинг сенга таъвим қилмак, дейди. Биринчи тушин ҳам, иккинчи тушини ҳам Юсуфнинг отаси ва акалари тўғри таъбир қилдилар ва акаларининг Юсуфга хушмаълумлари орниб кетади. Шу тушларнинг таъбирлари ва таъбирларидан келиб улар Юсуфнинг маъънаши касбига тушадилар ва воқеанинг сунгида улар ўз мақсадларига эришиб, Юсуфни қўл сифатида сотиб юборадилар.

«Бу тушни кўрганда Юсуф (а.с.) ёш бола эди. Одатда ёш болалар бунчалар аниқ туш кўрмайдилар» (35, 100-бет).

Ўн бир юлдуз унинг оға-инилари, қуёш — отаси, ой эса онасидир; Юсуф қуллик, аёл кишининг туҳмати қурбони бўлиб, зиндонбандлик даврларини бошидан кечириб, Мисрда улуғ мартабага эришгач, аввал оға-инилари муҳтожлик сабабидан (ҳаммаёқда қурғоқчилик бўлиши муносабати билан) унинг пойига йиқилдилар, сўнг ота-онаси унга таъзим қиладилар. Юсуфнинг даъвати билан унинг ота-онаси Канъондан Мисрга келганларида **«у отасини ўзининг тахтига чиқарди ва улар (яъни ота-она ва оға-инилари Юсуфга) сажда қилган ҳолларида йиқилдилар. У деди: «Эй отажон, мана шу қирқ йил илгари кўрган тушимнинг таъбиридир. Парвардигорим уни рост қилди. Дарҳақиқат, У зот менга (буюк) инъом қилди — мени зиндондан чиқарди, шайтон мен билан оға-иниларим орасини бузиб ифво қилгандан кейин, мана, сизларни чўлу саҳрода (Мисрга эсон-омон ҳолингизда) келтирди. Албатта, Парвардигорим Ўзи хоҳлаган нарсани сездирмай амалга оширгувчи зотдир. Албатта Унинг ўзигина билим ва ҳикмат соҳибидир»** (38, 166-бет)).

Юсуф билан зиндонда бўлган икки йигит, бири ҳокимнинг соқийси, иккинчиси нонвойи, туш кўрадилар. Соқий бўлган йигит: **«Мен тушимда шароб тайёрлаётган эмишман»**, нонвой йигит: **«Мен бошимда нон кўтариб турган эмишман, қушлар ундан саяётган эмиш»** (36-оят). деб Юсуфдан ўз тушларининг таъбирини сўрайдилар.

**«Эй ҳамзиндон дўстларим, энди сизларнинг биринчигизни айтсак, бас, у (бу зиндондан халос бўлиб) яна хожасига соқийлик қилур. Аммо иккинчигиз эса, дорга осилиб, (ўлаксахўр) қушлар унинг бошидан чўкурлар»** (41-оят). Юсуфнинг бу таъбирлари рост чиқади.

Эътибор қилинг: шароб — шодлик рамзи, нон ризку рўз рамзи бўлса ҳам, агар у бошда бўлса, боз устига ундан қушлар чўқиётган бўлса, демак, бу дунёдан ризқнинг узилишидир. Қушлар бу ўринда ажал рамзи. Агар нонвой йигит нонни бошида эмас, қўлида тутиб турган бўлса-ю ундан қушлар чўқиётган бўлса, ўшанда ҳам тушнинг таъбири Юсуф айтгандек бўлар эди. Тушда қўлдаги нондан бировга бериш ёки бошқа жонворларга едириш ҳам яхшиликка йўйилмайди.

Миср подшоҳи тушида еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еганини ва еттита яшил бошоқ билан еттита қуриган бошоқни кўради.

«Миср подшоҳи вазирларига туш кўрдим, деб айтмайди, «кўрмоқдаман», дейди, демак, у тушни бир марта эмас, бир неча марта кўраётган экан» (35, 129-бет). Бу ҳолатга ҳам эътибор қилмоқ керак, инчунун, башоратли туш такрорланаверади. Расулulloҳнинг бобоси Абдумуталлиб Замзам қудуғини тозалаш ҳақидаги тушни уч марта кўрган.

Тушдаги рамзларга эътибор қилсангиз ва уни ҳаётга тадбиқ этиб кўрсангиз, туш таъбири аён бўлади: сигир, умуман, ризқ; агар у соғлом, бақувват, семиз бўлса. Аммо ориқ сигирлар машаққат ва очликдан далолат. Боз устига подшоҳнинг тушида еттита ориқ сигир еттита семиз сигирни еб турибди. Энди «7» рақамига эътибор қилмоқ керак. Агар рақамнинг соф ўзини, бошқа рамзларсиз кўрилганда, мурод бўлиши мумкин эди. Лекин бу рақам бошқа рамзлар билан аён бўлган. Демак, шу рамзлар билан қиёсан мулоҳаза қилмоқ керак. Бошоқнинг ўзи тўқлик рамзи, албатта, у яшил, ҳосилдор бўлса. Қуриган бошоқ қаҳатчиликдан далолат, ризқнинг камайиб кетишига ишора. Юсуф ана шу рамзларни ҳисобга олган ҳолда подшонинг тушини қуйидагича таъбир қилади: «Сизлар пайдарпай етти йил (дон) экинлар. Кейин ўриб олган ҳосилингизни (бузилмаслиги учун) ўз бошоғида қолдиришлар. Магар ейдиган озгина озуқаларингизнигина (янчиб олинлар). Сўнгра ўша серҳосил (етти йил)дан сўнг етти йил қаҳатчилик бўлиб, улар учун тайёрлаб-асраб қўйган бор ҳосилингизни еб кетар. Магар озгина (уруглик учун) асраб қўйган донларингизнигина қолур. Сўнгра,

**ўша** (қаҳатчилик йиллари)дан кейин бир йил келурки, унда одамлар ёғингарчилик остида қолурлар ва (түрли мевалардан) шароблар тайёрлаб олуурлар» (38, 161 бет)

«Сўнгра бир йил келурки...» жумласи билан бошланган башорат подшоҳнинг тушидан ташқаридадир. Яъни Миср подшоҳи кўрган тушда бундай йилга таъбир қилинадиган ишора йўқ. Бу Юсуфнинг (а.с.) пайғамбарлик мўъжизаларидир» (35, 132).

Тавротнинг ўша «Ибтидо» қисмида бу туш қуйидагича баён қилинган:

«Орадан икки йил ўтгач, Фиръавн туш кўриб қолди. Тушида у Нил дарёси бўйида турган экан. Дарёдан кўримли, семиз етти бош сигир чиқиб, қиёқзорда ўтлаб юришар экан. Уларнинг кетидан дарёдан кўримсиз, ориқ етти сигир чиқиб, дарё бўйидаги сигирлар ёнида турибди. Кўримсиз, ориқ сигирлар кўримли, семиз етти сигирни еб юборибди.

Шундан сўнг Фиръавн уйғонди. У яна уйқуга кетиб, иккинчи марта туш кўрди. Тушида битта пояда еттита яхши ва тўлиқ бошоқ чиқибди. Уларнинг кетидан чўл шамоли қовжиратган ориққина етти бошоқ ўсиб чиқибди. Бу ориқ бошоқлар семиз ва тўлиқ етти бошоқни ютиб юборибди. Шундан сўнг Фиръавн уйғониб, туш кўрганини билди.

Саҳар пайтида Фиръавннинг кўнгли жуда ғаш эди. У киши юбориб, Мисрнинг барча сеҳргарлари ва донишмандларини чақиртирди. Фиръавн уларга тушларини ҳикоя қилди, ammo унга таъбир қилиб берадиган бирон киши топилмади.

Шунда Фиръавннинг бош соқийси сўз олиб деди:

— Мен бугун гуноҳларимни эслатишга мажбурман. Фиръавн жаноби олийларининг бандаларига ғазаблари келиб (фиръавнни худо деб билганлар, шунинг учун ўзларини унинг бандаси, деб атамоқдалар, астағфируллоҳ — муалл.), мени ва бош нонвойни соқчилар бошлиғининг қамоқхонасига топширган эдилар. Бир кечанинг ўзида мен ва жўрам бирдан туш кўриб қолдик, ҳар биримизнинг тушимиз эса, ўзига хос таъбирни талаб қилар эди. У ерда бизлар билан бирга соқчилар бошлиғига хизмат қилиб юрган бир иброний йигит бор эди. Биз тушларимизни унга

сўзлаб бердик, у бизга таъбир қилиб берди, тушларимизни алоҳида-алоҳида шарҳлаб берди. Хулласи калом, у қандай таъбир этган бўлса, худди шундай бўлди. Мен ўз мансабимга қайтарилдим, жўрам эса, осилди.

...Бунни эшитибоқ Фиръавн Юсуфни олиб келиш учун кишилар юборди. Улар шошиб-пишиб Юсуфни зиндондан чиқаришди, сочини олиб, кийимини алмаштиришди. Юсуф Фиръавннинг ҳузурига келди. Фиръавн унга:

— Мен туш кўрдим, лекин уни таъбир қиладиган киши йўқ. Эшитишимча, сенинг тушни таъбир қилишга фаҳминг етар экан, — деди. Юсуф Фиръавнга:

— Бу мендан эмас: лекин Худо Фиръавнга хайрли башорат қилган бўлса керак, — деб жавоб берди. Фиръавн Юсуфга:

— Мен тушимда Нил бўйида турган эканман. Шунда дарёдан семиз ва гўзал етти бош сигир чиқиб, қиёқзорда ўтлаб юришар экан. Уларнинг кетидан кўриниши ёмон, бадбашара, жуда ориқ бошқа етти бош сигир чиқди. Мен бутун Миср ерида шунчалик ёмон сигирни кўрмаган эдим. Ёмон, ориқ сигирлар эса, аввалги етти семиз сигирни еб юборди. Семиз сигирлар уларнинг қорнига кирган бўлсада, қорнида борлиги билинмас эди. Уларнинг кўриниши аввалгидан ёмон эди. Шундан сўнг мен уйғониб кетдим.

Кейинги тушимда мен битта пояда ўсиб чиққан еттита тўлиқ ва яхши бошоқни кўрдим. Уларнинг кетидан ингичка, чўл шамолидан қовжираган, қуруқ еттита бошоқ ўсиб чиқди. Ингича бошоқлар эса, еттита тўлиқ бошоқни ютиб юборди. Шунда мен бунни сеҳргарларга айтдим, аммо менга шарҳлаб берадиган киши топилмади, — деди. Юсуф Фиръавнга деди:

— Фиръавннинг тушлари бир. Худо қилмоқчи бўлган ишини Фиръавнга билдирибди. Етти бош яхши сигир — етти йил, еттита яхши бошоқ ҳам — етти йил, шунингдек, ориқ ва чул шамолида қовжираган еттита бошоқ ҳам уша маънода: яъни бу етти қаҳатчилик йиллини билдиради. Мен шунни демоқчиман: Худо қиладиган ишини Фиръавнга намоён қилибди. Бутун Миср мамлакатада етти йил буюк фаровонлик булади. Ўша даврдан сўнг етти йил

қахатчилик бош кўтаради. Мисрни хароб қиладиган бу очарчилик оғирлигидан мамлакат кўрган аввалги фаровонлик даври бутунлай эсдан чиқиб кетади. Кейин пайдо бўладиган қахатчилик шунчалик оғир бўладики, мамлакатда ҳеч фаровонлик бўлмагандай туюлади. Туш Фиръавнга икки марта такрор намоён бўлиши эса, шундан далолат берадики, бу иш Худо олдида муқаррардир. У буни кечиктирмай амалга оширади.

Энди Фиръавн жаноби олийлари ақлли ва доно бир одамни сайлаб, уни Миср юрти устидан қўйсинлар, токи у олий фармон ила етти фаровонлик йили бададида Мисрнинг ҳосилдан бешдан бир қисмини ажратиб ундириш учун мамлакат устидан нозирлар тайинласин. Бу келадиган яхши йилларда бутун ҳосилни йиғиб ғамлаб қўйишсин, шаҳарларда озиқ-овқат бўлиши учун ғаллани Фиръавннинг омборхоналарига ғарамлаб сақлашсин. Мисрнинг бошига келадиган етти йиллик қахатчилик даврида мамлакат қирилмаслиги учун бу озиқ-овқатлар захира бўлади (21).

Фиръавннинг кўрган тушлари ҳақида айтадиган бўлсак, шундайки, бундай тушлар аксарият юрт қайғусида юрган, халқ масъулиятини зиммасига олган кишиларгагина насиб этади.

«Анфол» сурасида Бадр жанги муносабати билан Расулulloҳга Аллоҳ кўрсатган ҳикматли бир туш зикр қилинади: «(Эй Муҳаммад), **сизга тушингизда уларни оз кўрсатганини эсланг! Агар сизга уларни кўп кўрсатганда эди, албатта, сизлар сустрлашиб қолган ва бу иш** (яъни кофирларга қарши жангга чиқиш) **хусусида тортишиб қолган бўлур эдингизлар. Лекин Аллоҳ сизларни бундан сақлади. Албатта, У дилларни ўраб олган сирларни билгувчидир.** (Эй мўминлар), **Аллоҳ қилинадиган ишни амалга ошириш учун гўқнашган пайтингизда сизларнинг кўзингизга уларни кам қилиб кўрсатганини, уларнинг кўзларига эса сизларни кўп қилиб қўйганини эслангиз!**» (38, 120-бет).

Агар бу оятлар мазмунига диққат қилсак, шу нарса аён бўладики, Аллоҳ таоло бандалар дилларидаги сирларни билади, чунончи, мушрикларга қарши жангдан олдин му-

сулмонларнинг кўнглига хавф тушганлигини билди ва Расулulloҳнинг тушларида уларни кам қилиб кўрсатди. Айни пайтда маккаликларнинг тушларига ҳам жанг сурони кирган ва мусулмонлар уларнинг кўзларига кўп бўлиб кўринган. Лекин аслида маккаликларнинг аскарлари кўп эди, мусулмонлар эса, озчиликни ташкил қилар эдилар. Қизиғи шундаки, уруш асносида ҳам озчиликни ташкил этган мусулмонлар мушрикларнинг кўзларига кўп кўринди.

Аллоҳнинг ушбу марҳамати билан Бадр жангида мусулмонлар ўзларига нисбатан бир неча баробар ортиқ бўлган ва яхши қуролланган мушриклар устидан ғалаба қозонадилар.

Расулulloҳнинг «Фатҳ» сурасидаги тушлари қуйидагича: **«Қасамки, Аллоҳ ўз пайғамбарига (у киши кўрган) тушни ҳаққи-рост қилди: албатта, сизлар, (эй мўминлар), иншоаллоҳ, Масжид-ал-харомга тинч-омон, бошларингизни (сочларингизни) қирдирган ва (ёки) қисқартирган ҳолларингизда хавф-хатарсиз кирурсизлар. Бас, (Аллоҳ) сизлар билмаган нарсани билиб, ундан (Макка фатҳидан) олдин яқин бир ғалабани (Хайбар жангидаги ғалабани муяссар) қилди»** (38, 389-бет).

Алоуддин Мансур мазкур оятнинг изоҳини қуйидагича келтирган:

«Муфассирлар ривоят қилишларича, пайғамбар алайҳис-салом Ҳудайбийя сулҳидан илгари тушларида саҳобалари билан бирга Маккага кирганларини ва Каъбатуллоҳни тавоф қилишгач (*Крачковский шарҳида Каъба калитини олган (23, 611-бет) — муалл.*), айримлари сочларини қирдириб, айримлари қисқартириб ҳаж-умра маросимларини адо этганларини кўрган ва саҳобаларига бу тушларини сўзлаб берган эканлар. Бундай хушxabардан бениҳоя шодланган саҳобалар расулulloҳ билан бирга Умра ибодатини адо этиш учун Маккайи Мукаррама томон юриш қиладилар. Лекин Ҳудайбийя водийсига етиб келганларида мушриклар тарафидан йўллари тўсилиб, икки уртада утган оятларда мазкур бўлган сулҳ гузилган. Маккага киролмасдан Мадинага қайтиб кетишаёти анида мунофиқ кимсалар: «Муҳаммаднинг кўрган туши рост чиқмади-ку!» деб мусулмонлар орасида ифво тарқатганларида юқоридаги оят нозил бўлиб, пайғамбар алайҳис-саломнинг тушлари шак-шубҳасиз ўнгидан



келиши, аммо Аллоҳ таоло бандалар билмайдиган сир-ас-  
рорларни билиб, Макка фатҳидан аввал Хайбар жангидаги  
ғалабани муяссар қилгани ҳақида хабар берилди. Мана шун-  
дан кейин орадан бир йил кечгач, Макка мусулмонлар то-  
монидан фатҳ этилди (38, 389-бет).

«Ал-Исро» сурасида ҳам туш зикр этилади. Аммо аслида  
бу туш эмас, Расулulloҳнинг Қуддусдаги Масжиду-л-ақсо-  
га, ундан меърожга чиқишлари воқеаси бўлиб, бу воқеа-  
ни айтиб берганларида мушриклар: «Эй Муҳаммад, сен  
қизиқ бир туш кўрибсан», деб камситганлар ва бу ҳақда  
Аллоҳнинг куйидаги ояти келтирилади:

**«Эсланг, (эй Муҳаммад), Биз сизга Парвардигорингиз  
(барча) одамларни ўраб-иҳота қилиб олгандир, деган эдик.  
Биз сизга (меърож кечасида кўрсатган) «Туш»ни ва Қуръ-  
онда таънатланган (Заққум) дарахтини — у одамлар учун  
бир фитна-имтиҳон қилдик, холос. Биз (мушрикларни тур-  
ли мўъжизалар билан) кўрkitурмиз, аммо бу уларни баттар  
туғёнга солур» (27. 200-бет).**

Бу оятга Алоуддин Мансурнинг изоҳи:

Пайғамбар ғалайҳис-салом меърождан қайтганларидан  
сўнг, эрталаб бу кеча ўзларининг Аллоҳ таоло ҳузурига чиқ-  
қанлари ва жаннатни ҳам, дўзахни ҳам ўз кўзлари билан  
кўрганликларини айтиб, ўша дўзахнинг қоқ ўртасида Ал-  
лоҳнинг таънатига учраб жаҳаннамга тушган кимсалар учун  
«овқат» бўладиган «Заққум» дарахти борлиги ҳақида хабар  
берганларида, Қурайш кофирлари: «Сен жуда ажойиб туш  
кўрибсан-ку, ахир ўт-олов у дарахтни куйдириб юбормай-  
дими?» деб у зотни масхара қилиб кулишди. Шунда юқори-  
даги оят нозил бўлиб, унда Аллоҳ таоло ўз пайғамбарига  
Ўзининг барча бандалар аҳволидан огоҳ зот эканини яна  
бир бор эслатиб, меърож ва унда кўрилган нарсалар, хусу-  
сан «Заққум» дарахти кишиларнинг ҳақиқий мўмин ёки  
кофир эканлигини синаш учун бўлган бир имтиҳон-синов  
эканлигини таъкидлайди ва бундай кўрқитув синовлар  
мўминларнинг иймонини зиёда қилса, кофирларни баттар  
туғёнга солиши ҳақида хабар беради (38, 200-бет).

Абдулазиз Мансур шундай изоҳ беради:

«Бу оятдаги Туш тафсири турлича баён этилган. Ханафий муфассирлар Бадр жангидан олдин кўрган тушлари, деб изоҳлаб, унда мусулмонлар ғалабаси ҳақида башорат берилган эди, дейдилар. Бошқа мазҳабларга доир муфассирлар эса, бу тушдан мақсад меърож воқеалари, деб талқин этадилар. Шу икки хил тафсирга биноан меърожнинг уйғоқ ҳолда ёки тушда кечганлиги ҳақида икки хил ақида пайдо бўлган. Тушни меърож дейилса, Пайғамбаримиз (а.с) жисмонан эмас, руҳан меърожга чиққан бўладилар. Тушни Бадр жангидаги ғалаба, деб олинса, Расулulloҳ жисмонан исро ва меърожда бўлганлар, деган ақида келиб чиқади. Биз — ханафийлар шу охириги: яъни жисмонан чиққанликларини тасдиқлаймиз» (39, 288-бет).

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф «Тафсири Ҳилол»да қуйидагиларни айтган:

«Исро ҳодисаси туш эмас, руҳий сафар ҳам эмас, балки Пайғамбарнинг (с..а.в.) ҳам жасадлари, ҳам руҳлари ила қилган сафарларидир. Агар туш ёки руҳий сафар бўладиган бўлса, бу воқеанинг мўъжизалиги қолмас эди» (35, 125-бет).

Биз аввалги саҳифалардан бошлаб то шу ергача ҳам тушларнинг башорат эканлигини айтиш билан бирга, уларнинг рост бўлиши мумкинлигини ҳам таъкидладик. Исроъ ва Меърож воқеалари туш бўлса ҳам ажаб эмас, лекин руҳнинг сафар қилиши жасадга инъикос беришини унутмаслигимиз керак.

Туш ҳақида Қуръон-и каримда берилган маълумотлар ана шулардан иборат.

## ҲАДИСЛАРДАГИ ТУШ ТАЛҚИНЛАРИ

Имом Бухорийнинг «Ал-жомиъу-с-саҳийҳ» асарининг тўртинчи жилдида тушга махсус бўлим ажратилган (2, 354-376-бетлар).

Ҳадисларда баъзи тушларнинг таъбирлари ҳам берилган. Бу таъбирларни баён қилишдан олдин Расулulloҳнинг тушлари ҳақидаги маълумот билан танишиб ўтамиз.

Сумра ибн Жундуб<sup>1</sup> ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллоллоҳу ъалайҳи васаллам ўз саҳобийларидан: «Бирортангиз туш кўрдингизми?» — деб тез-тез сўраб турар эдилар. Шунда хоҳлаган киши Аллоҳ таоло ирода қилганча кўрган тушини сўйлаб берар эди. Бир куни эрта бирлан Жаноб Расулulloҳ бундай дедилар: «Бу кеча ҳузуримга икки киши (икки фаришта) келиб мени уйғотди-да: «Юрғил!» - деди, мен уларга эргашдим. Бир жойга борсак, бир киши чалқанча ётибдир, иккинчи бир киши унинг тепасида турибдир, кўлидаги муштдек тош бирлан чалқанча ётган кишининг бошига урмакдадир, тош сапчиб кетиб, нарига бориб тушмакдадир. Ул тошни олиб келгунча чалқанча ётган кишининг боши тузалиб қолаётир. Шул тариқа тик турган киши чалқанча ётган кишининг бошини қайта-қайта мажақлаб азоб бераётир. Мен: «Субҳоналлоҳ, бул кимдур?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юргил, кетдик!» — дейишди. Бир жойга борсак, яна бир киши чўзилиб ётибдир, унинг тепасида ҳам аввалгидек бир киши тик турибдир. Тик турган киши кўлидаги темир чангак бирлан чўзилиб ётган кишининг аввал бир лунжини бурнидан то кўзига қадар шилиб терисини ташқарига қилиб қўймакдадир. Кейин бул ёнига ётқизиб қўйиб, иккинчи лунжини ҳам шундай қилаётир. Бир лунжини шилиб бўлиб иккинчи лунжига ўтгунига қадар аввал

<sup>1</sup> Бу саҳобий турт жилдлик «Ҳадис»нинг 4-жилдида: «саҳоба. Тулиқ исмлари Жундую ибн Абдуллоҳ ибн Суфён ал-Бажалий ал-Алақий. Бир қанча ҳадис ривоят қилганлар», деган маълумот берилган ҳолос

шилинган лунжи тузалиб қолаётир. Тик турган киши чўзилиб ётган кишига шул тариқа қайта-қайта азоб бераётир. Мен: «Субҳоналлоҳ, бу нимаси?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Бул ердан чиқиб йўлда тандирга ўхшаш бир чуқурликка дуч келдик, унинг ичидан дод-вой овозлари кулоққа чалинар эрди. Пастга қараб ул ерда қип-ялонғоч эркак ва аёллар борлигини, уларнинг остларидан эрса, аланга кўтарилиб келаётганини кўрдим. Билсам, улар ҳар сафар аланга кўтарилганда дод-фарёд қилишаётган эрканлар. Мен буни кўриб: «Булар кимдурлар?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Юраюра суви қон янглиғ бир дарё бўйидан чиқиб қолдик. Унинг ичида бир киши зўрға сузиб юрибдур, қирғоқда эса, бошқа бир киши олдига тош тўплаб ўлтирибдур. Шунда дарёдаги киши зўр-базўр қирғоққа сузиб келиб оғзини очиб эрди, қирғоқдаги киши тош солиб қўйди, кейин ул қайтиб сузиб кетди. Сўнг яна қайтиб сузиб келиб оғзини очиб эрди, яна тош солиб қўйди. Шул тариқа ҳар гал сузиб келса, қирғоқдаги киши унинг оғзига тош солиб қўйиб қайтариб юбораётир. Мен ҳамроҳларимга: «Бул иккиси кимдур?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Сўнгра биз афти-ангоридан ҳатто кўзгу ҳам нафрат қилгудек бир баднамо одамнинг олдига бориб қолдик. Ул олдидаги оловни ҳар тарафидан пуфлаб алангалантираётган эрди. Мен: «Бул нимаси?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Биз йўлда давом этиб баҳор нафаси уфуриб турган бир сўлим боғ олдидан чиқиб қолдик. Боғнинг ўртасида шул қадар новча одам турибдиким, унинг боши осмону фалакда бўлғонидан юзини кўра олмадим. Унинг атрофида кўплаб болалар ўйнаб юришибдур. Мен: «Булар кимдур?» — дедим. Ҳамроҳларим: «Юрғил, кетдик!» — дейишди. Кейин юраюра бошқа боғга етиб бордик, мен бунчалик улкан ва гўзал боғни (дарахтни) сира кўрмаганмен. Ҳамроҳларим менга: «Унга чиқғил!» — дейишди, биз чиқиб, кумуш ва олтин гиштлардан бунёд этилган бир шаҳарга етдик. Сўнг шаҳар дарвозасига келиб очмоқларини сўрадик, очиб эрдилар, биз ичкарига кирдик. Шаҳар аҳли қиёфасининг ярми сен кўриб юрган хушнамо одамлардан ҳам гўзалроқ, ярми эрса сен

кўриб юрган баднамо одамлардан ҳам хунукроқ эркан. Ҳамроҳларим уларга: «Борингизлар, анави дарёга тушиб чўмилиб чиқингизлар!» — дейишди, дарёнинг сути сут каби оппоқ эди. Улар дарёда чўмилиб чиққач, қиёфаларидаги баднамолик йўқолиб, жуда гўзал сурат касб этдилар. Ҳамроҳларим менга: «Бў — Адн жаннатидир, анави эрса сенинг манзилингдур!» — дейишди. Мен нигоҳимни баландга қаратиб оппоқ булут янглиг муҳташам қасрни кўрдим. Ҳамроҳларим: «Ана ўшал қаср сеникидур!» — дейишди. Мен уларга: «Аллоҳ таоло сизларга баракот этсин, мени қўйиб юборингиз, у ерга кирайин!» — дедим. Улар: «Аммо сен ҳозир у ерга кира олмайсан!» — дейишди. Мен уларга: «Бул кеча давомида мен жуда ажиб нарсаларнинг гувоҳи бўлдим, кўрганларимни тушунтириб берингиз!» — дедим. Улар: «Биз сенга хабар бергаймиз» — дея тушунтириб кетдилар. «Боя сен кўрган тош билан боши мажақланаётган киши авваллари Қуръон тиловат қилиб юриб, кейин ташлаб қўйган ҳамда фарз қилинган намозларни ўқимай гафлат босиб ухлаб ётган. Кейинги — лунжини бурнидан то кўзига қадар шилишаётган киши эрса, уйдан чиқиб ёлғон гапларни айтар эрди, унинг бўҳтонлари ҳатто уфққа қадар тарқалгандур. Тандирга ўхшаш чуқурдаги ялонгоч эркак ва аёллар зинкорлар эрди. Дарёда сузиб юриб тош ютаётган одам хусусига келсак, ул судхўр (порахўр) бўлган. Қаттиқроқ ёнсин деб оловнинг чор тарафидан зўр бериб пуфлаётган, афганигоридан ҳатто кўзгу ҳам ҳазар қилгулик бадбашара одам эрса, жаҳаннам ўт ёқувчиларининг боғлиғидур. Боғдаги улкан одам Иброҳим ғалайҳиссалом бўлиб, атрофларидаги болалар фитрагда (яъни табиатан мусулмон қилиб яратилган ҳолида) вафоғ этиб кетган (норасида) болалардур». Жаноб Расулulloҳ гапларини тугатишлари бирланоқ, баъзи мусулмонлар: «Ё Расулаллоҳ, уларнинг орасида мушрикларнинг болалари ҳам бормидур?» — дейишди. Жаноб Расулulloҳ: «Ҳа, мушрикларнинг болалари ҳам бордур! Аммо ярми гўзал, ярми хунук одамларнинг хусусига келсак, улар яхши амалларини ёмон амаллари билан қориштириб юборганлардур. Аллоҳ таоло уларнинг гуноҳларини мағфират қилгай», — деб айтдилар» (2, 373-376-бетлар).

Бу туш Муҳаммад соллоллоху ʔалайҳи васалламга рам-  
лар орқали нозил бўлган башорат эди.

**Билакузук.** Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ривоят қилади-  
лар: «Абдуллоҳ ибн Аббосдан Расулуллоҳ соллоллоху  
ʔалайҳи васалламнинг айтиб берган тушлар ҳақида сўра-  
дим. Ул: «Жаноб Расулуллоҳ: «Бир куни тушимда қўлимга  
иккита олтин билакузук тақиб қўйиб эрдилар, буни та-  
каббурлик деб ҳисоблаб таққим келмади. Шунда тақмас-  
ликка ижозат берилди, мен уларни пуфлаб учириб юбор-  
дим. Бул тушимни иккита сохта (пайғамбар) чиқади, деб  
таъбир қилдим», — деб айтган эдилар», — деди. Улардан  
бири ал-Ансий бўлиб, уни Феруз Яманда ўлдиргач, ик-  
кинчиси Мусайлима эрди»<sup>1</sup> (2, 370-371-бетлар).

Расулуллоҳга ваҳй келмасдан олдин доимий равишда  
мусаффо тушлар кўраверганлар ва бу тушлар истисносиз  
эртасига ўнгда содир бўлаверган.

**Боғ.** Қайс ибн Аббод ривоят қиладилар: «Мен, Саъд ибн  
Молик ва Ибн Умар ўзаро суҳбатлашиб ўлтирган эрдик.  
Ногаҳон Абдуллоҳ ибн Салом ўтиб қолди. Шунда уни кўриб:  
«Бул киши жаннат аҳлидандур», — дейишди. Мен унга:  
«Улар сени жаннати дейишди», — дедим. Шунда ул бундай  
деб айтди: «Субҳоналлоҳ, улар ўзлари билмаган нарса ху-  
сусида сўзламасликлари лозим! Мен тушимда кўрганимни  
айтиб берайин: бир ям-яшил боғ ичра бир устун ўрнатил-  
ган эрмишу, унинг учига бир тугун осиб қўйилган эрмиш,  
устуннинг тагида бир хизматкор ўлтирган эрмиш. Ўшал  
хизматкор менга: «Устунга чиқғил!» — деди, мен чиқиб  
тугунга осилиб олдим. Кейин мен бул тушимни Расулул-  
лоҳга айтиб бердим. Шунда ул зот: «Абдуллоҳ (ибн Салом)  
ислом динини қалбига маҳкам тугиб, комил эътиқод ила  
жон таслим қилғайдур!» — дедилар» (2, 365-бет).

Устундан мурод — ислом илми, тугундан мурод — му-  
сулмоннинг эътиқоди, хизматкордан мурод — Азроил ёки  
мураққаб фаришталардан бири, устунга чиқиш ва ундаги  
тугунга осилиш ислом илмига интилишдир.

---

<sup>1</sup> Булардан ташқари пайғамбаримиз даврларида Сажах деган аёл ҳам узини  
пайғамбар деб эълон қилган. Уқ томонидан ўлдирилган эди.

**Ипак мато.** Ойиша онамиз ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васаллам бундай дедилар: «Мен уйланмасимдан бурун сени икки марта тушимда кўрганмен, сени бир фаришта ипак матога ўраб кўтариб кетаётган эрмиш. Унга мен: «Матони очиб кўрсатғил!» — деган эрмишмен, ул очиб кўрсатган эрмиш. Қарасам бул сен эрмишсен. Шунда мен: «Агар бул (тушим) Аллоҳ таолодан содир бўлган эрса, демак уни (сенга уйланмоғимни) албатта рўёбга чиқарғайдур! — деб қўйдим» (2, 365-бет).

Пайғамбаримизнинг бу тушлари башорат эди; ипак матога ўралиш — иффат рамзи. Ҳақиқатан ҳам Ойиша онамиз Расулulloҳга ҳали расидалик пайтларида, яъни олти ёшликларида ақд қилинган ва тўққиз ёшликларида хотин бўлган эдилар.

Ибн Умар ривоят қиладилар: «Тушимда кўрсам, қўлимда бир ипак мато бор эрмишу ўзим жаннатда эрмишмен. Ипак матони жаннатнинг қаерига ташлаб кетмайин, кетимдан қолмай учиб келаётган эрмиш. Буни опам Ҳафсага айтган эрдим, ул жаноб Расулulloҳга сўйлаб берибди. Шунда жаноб Расулulloҳ: «Абдуллоҳ (ибн Умар) солиҳ кишидур! — деб айтибдилар» (2, 366-бет).

Юқорида ипак матога ўралишни иффат рамзи дедик, ипак матонинг ўзи покизаликка ишорадир. Шунинг учун пайғамбаримиз Абдуллоҳ ибн Умарни солиҳ киши, деб атаганлар.

**Каъба.** Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васаллам бундай дедилар: «Тушимда кўрсам, Каъбани тавоф қилаётган эмишмен. Ногаҳ икки одам бир бугдойранг, сочи силлиқ, бошидан сув томиб турган кишини етаклаб ўтиб қолди. Мен: «Бул ким?» — дедим. «Бул — ибн Марям», — дейишди. Кейин атрофга аланглаб яна бир кишини кўриб қолдим. Унинг афти-ангори қизғиш, сочлари жингалак ва узум донасидек бўртиб турган кўзи кўр эди. «Бул ким?» — дедим. «Бул — Дажжол», — дейишди. Ул ибн Қатанга ўхшаб кетадир, ибн Қатан эрса, Хузоъадаги Бану Мусталақ қабиласидандур».

Тушнинг таъбири шуки, Ибн Марям, яъни Ийсо пайғамбардан мурод мусулмон умматларнинг порлоқ келажаги-

дир, Дажжолдан мурод мушриклардир. Ривоятда айтилишича, охир замонда Ийсо пайғамбар осмондан тушиб одамларни йўлдан ураётган Дажжолни енгар ва барча бандаларни исломга эътиқод қилдиар экан.

**Кўйлак.** Абу Саъид ал-Худрий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васаллам: «Бир пайт ухлаб ётган эрдим, тушимда бир гуруҳ одамлар кўринди. Улар кўйлак кийиб олган бўлиб, баъзилариникининг этаги кўкраклари баробарида, айримлариникининг этаги эрса, бундан хиёл узунроқ. Кейин менга Умар ибн ал-Хаттоб намоён бўлди, унинг кўйлаги узун бўлиб, ерда судралиб кетаёттир», — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулalloҳ, буни нимга йўйдингиз?» — дейишди. Ул зот: «Динга йўйдим!» — дедилар (2. 364-365-бетлар).

Пайғамбаримизнинг бу тушлари ҳам башорат бўлиб, ҳазрати Умарнинг халифалик даврларида ислом дини кенг ёйилишидан хабар бермоқдалар. Дарҳақиқат, Умар ибн Хаттобнинг халифалик даврларида ислом жуғрофияси бениҳоя кенгайиб кетди ва халифалик давлати мустаҳкамланди.

**Сигир.** Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васаллам бундай дедилар: «Тушимда Маккадан бир хурмозорга бориб қолиб, Ямомага ёким Ҳажарга келиб қолдиммикин, деб хаёл қилдим. Кейин аён бўлдики, Ясриб, яъни Мадинада турган эрканмен. Ул ерда бир (семиз) сигирни кўрдим. Аллоҳ таоло ҳақи, бул яхшилик аломатидир (чунким, тушдаги семиз сигир фаровонликнинг, озгин сигир эрса, қаҳатчиликнинг нишонасидур)! Демак, бул тушим Аллоҳ таолонинг (бизга) марҳамат қилғонидан ҳамда Бадр жангидан сўнг мўминлар қалбида пайдо бўлғон ишонч учун ато этиладирғон савобдан дарак бергайдур!» (2, 371-бет).

Тушга хурмозор кириши ва туш соҳибининг хурмозорда сайр қилиб юриши Аллоҳ таолонинг беқиёс неъматидан далолат, боз устига туш соҳиби хурмодан узиб еса, омад рамзидир. Расулulloҳнинг бу тушни Бадр жангидан сўнг мўминлар қалбида ишонч пайдо бўлишига йўйганлари шу маънодадир.



**Сув.** Ибн Умар ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васаллам бундай дедилар: «Тушимда кўрсам, қудуқ тепасида туриб ундан сув тортиб олаётган эрмишмен. Шу пайт Абу Бакр бирлан Умар келиб қолди. Абу Бакр кўлимдан челақни олиб бир-икки сув тортиб эрди, кам чиқди. Аллоҳ таоло уни мағфират қилсин! Кейин Умар ибн ал-Хаттоб Абу Бакрнинг кўлидан челақни олгани ҳаманоқ ул кенгайиб улкан челақка айланди, мен ўз ишига абжир бундайин одамни кўрмаганмен. Умар шунчалик кўп сув тортиб олдиким, ҳатто одамлар туяларига ҳам ичирмоқ учун қудуқ атрофига тарновлар қуришга мажбур бўлдилар!» (2, 367-368-бетлар)

Пайғамбаримизнинг бу кўрган тушлари башорат эди: бинобарин, Имом Бухорийнинг ўзи изоҳ бергаидек, Абу Бакрнинг халифалик муддатлари жуда қисқа. атиги икки йил бўлиб, мусулмон олами учун халифа сифатида кўп иш қилолмай қетганлар, аммо ҳазрати Умар ўн йиллик халифалик даврида мусулмон оламини кенгайтirdилар, ўта адолат билан ҳукмронлик қилдилар ва ул зот даврида Ислому тўла қувват топди. Демак, қудуқдан мурод Иломудир, сув ва тарновлардан мурод мусулмон оламидир.

**Сут.** Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Умар оталари Абдуллоҳ ибн Умардан нақл қиладилар: «Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васаллам: «Тушимда менга бир қадаҳ сут узатишди, уни шул қадар қониб ичдимки, ҳатто тирноқларимдан чиқди. Кейин қолганини Умарга узатдим», — дедилар. Саҳобалар: «Ё Расулаллоҳ, бунини нимага йўдингиз?» — дейишди. Ул зот: «Илмга йўйдим!» — деб жавоб қилдилар» (2, 364-бет).

Бу туш ҳам башорат: Аллоҳ таоло пайғамбаримизга мўл илм берди ва сутни қониб ичишлари барча илмларни эгаллаганликларидир ҳамда бу илмни умматларига ўргатибдилар, сутнинг қолганини ҳазрати Умарга узатишлари, демак, ҳазрат Умар ул зотнинг илмларидан кўпроқ баҳраманд бўлибди. Сут — мўл-кўллик, саодат, илм рамзидир, унинг тирноқлардан оқиб чиқishi бу саодат ва илмдан узгаларни ҳам баҳраманд қилишдир.

**Хотин.** Салим ибн Абдуллоҳ оталаридан нақл қиладилар: «Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васаллам бундай дедилар: «Тушимда сочи тўзгиган бир қора хотинни кўрдим, ул Мадинадан чиқиб Маҳйаъга (Жуҳфага) борди. Мен буни Мадинадаги вабо Жуҳфага кўчди, деб таъбир қилдим» (2, 371-бет).

Тушда кимгаки қора ва алвасти башара хогин кўринса, бу нарса фалоқатдан дарак беради.

Фалоқат тўфон, вабо, касаллик шаклларида бўлиши мумкин.

**Қилич.** Абу Мусо ал-Ашъарий ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллоллоҳу ʔалайҳи васаллам бундай дедилар: «Тушимда қилич ўйнатган эрдим, сопи синиб тушди. Мен буни мўминларнинг Ухуд жангида шикаст топганига йўйдим. Кейин тушимда яна қилич ўйнатиб эрдим, сопи синмай, қайта яна бақувватроқ бўлди. Мен буни Аллоҳ таоло бизга Маккани фатҳ этмоғимизни муяссар қилғонига ҳамда мўминларнинг ҳамжиҳат бўлғонига йўйдим» (2, 372-бет).

Тўрт жилдлик «Ҳадис»нинг 4-жилдидан тушларни қандоқ бўлса шундоқ ва баъзи ўринларга изоҳ берган ҳолда кўчирганимизнинг сабаби шуки, энг покиза, энг саҳиҳ, кароматли тушлар пайғамбарларга нозил бўлади, бинобарин, уларнинг тушлари билан борлиқ воқеа орасида деярли фарқ йўқ; улар тушларида кўрган воқеалари ўнгда содир бўлиши аниқ. Аксарият тафсир китобларида ваҳйлар туш орқали нозил бўлади, деган фикр устивор юради. Буни Расулulloҳ тушлари орқали ҳам англаш мумкин.

## ТУШЛАР ТАЪБИРИ

Муаббирларнинг хабар беришларича, инсон ўз рўёсида турли ҳодисалар, турли сиймоларни кўриш билан бирга Аллоҳ таолони ҳам кўриши мумкин экан. Ҳазрат Дониёлга суянган ҳолда, муаббирлар агар инсон солиҳ бўлса ва тушида Аллоҳ таолонинг раҳмат назари билан қараганини кўрса, Аллоҳнинг мағфиратидан далолатдир, дейдилар. Ёки туш соҳибига ўнгида машҳур бир одам ҳомийлик қилиб, кўп муваффақиятларга эриштиради. Агар Тангри ғазбли назар ташласа, туш соҳибининг бошига келадиган фалокатларнинг таърифига сўз ожиз (10, 20-21-бетлар).

Агар фосиқ одам Аллоҳ таолони тушида кўрса, ёмон феъллари учун тавба қилмоғи керак. Яна муаббирлар Жаъфар-и Содиқга суянган ҳолда айтадиларки, Аллоҳ таолонинг раҳмат назари билан қараши етти хил таъбир қилинади: гуноҳлари кечирилади; тинчлик-хотиржамликка эришади; офат-балолардан омонда бўлади; икки дунёда ҳидоят топади; душманлар таҳдидан омон қолади; ўшал шаҳар обод бўлиб, маъмурлари адолатли бўладилар; ҳалоллик ва мукаррамлик насиб этади. Агар Аллоҳ таолони ғазблик кўрса, юқоридагиларнинг тескариси бўлади (33, 19-20-бетлар).

Пайғамбарлар ва халифаларни рўёда кўрмак саодатдан башорат ҳисобланади. Чунки бу сиймолар Аллоҳ таоло ярлақан ва Аллоҳ таолонинг энг яқин бандаларидир. Аллоҳ каломи ана шу сиймолар орқалигина бизга етиб келади ва Аллоҳ таоло зотини ва сифатларини шу сиймолар орқалигина англаймиз. Қадимдан келаётган набийлар қиссасида айтилишича, Ер юзида юз мингдан ортиқроқ пайғамбар ўтган, аммо Қуръон-и каримда 28 пайғамбар саналган. Аллоҳдан ваҳий олган пайғамбарлар набий деб аталади, Аллоҳ таоло ҳукмларини одамларга етказадиган пайғамбарни расул дейилади.

Пайғамбарларнинг баъзилари пайғамбаримиз сингари қўшимча сифатлар билан аталганлар, масалан, Иброҳим —

Халилуллоҳ (яъни Аллоҳнинг дўсти, Қуръонни қаримда Аллоҳ таоло уни дўстим, деб атаган), Ийсо — Рухуллоҳ, (яъни Аллоҳ таолонинг буйруғи билан Жаброил Ийсонинг онаси Марямнинг ёқасига пуфлаган ва шундан ҳомила пайдо бўлиб, Ийсо туғилган, Жаброилнинг яна бир номи Рухуллоҳдир). Бизнинг пайғамбаримизга Расулуллоҳ (яъни Аллоҳ таолонинг расули — элчиси) сифати берилган.

Пайғамбарлар уч қисмга бўлинадилар: «улу-л-’азм» — сабот-матонат эгалари: Одам, Нух, Иброҳим, Довуд, Яъқуб, Юсуф, Айуб, Мусо, Ийсо ва Муҳаммад ʔалайҳиссаломлардир. «Мурсал» дегани ҳам элчи маъносида, мурсал пайғамбарларга Жаброил орқали ваҳий ва янги китоб юборилади, бизнинг пайғамбаримизни «пайғамбари мурсал» ҳам деб атайдилар. Учинчи қисм пайғамбарлар «набий» деб аталдилар ва уларга Аллоҳ таоло фақат ваҳийнинг ўзинигина юборади, китоб нозил бўлмайди. Бизнинг пайғамбаримизни набий деб аталишининг сабаби ул зотга китоб нозил бўлишидан қатъи назар, ваҳий ҳам келиб турган.

Қадимий туш таъбирларига бағишланган китобларда таъкидланишича, агар киши тушида улу-л-’азмни кўрса, яъни юқорида номлари зикр этилган пайғамбарларни кўрса, иззат-икромга сазовор бўлади, пайғамбари мурсални кўрса, мушқули осон бўлади, душманларидан халос топади. тинчлик ва хотиржамликда ҳаёт кечиради.

### ***Пайғамбарлар ва халифаларни тушда кўриш***

***Айуб ʔалайҳиссалом.*** Тушда Айуб ʔалайҳиссаломни кўриш ташвиш, нотинч бўлиш, жуфтининг бемор бўлиши ва кейинчалик соғʔйишига ишорадир. Шунингдек, бундай тушни кўрган кишига сабр-бардошдан ҳам дарак берилади. Умуман тан сиҳатлигига ишора бўладирган тушдир.

***Иброҳим ʔалайҳиссалом.*** Тушда Иброҳим ʔалайҳиссаломни кўриш яхшиликка таъбир қилинади. Бу туш хайру барака, узоқ умр ва мўл ризққа ишорадир; бундай туш кўрган одам узоқ умр кўради, ризқи сероб бўлади, шунингдек у яшаган шҔ обод бўлади.

**Идрис ғалайхиссалом.** Тушда Идрис ғалайхиссаломни кўриш тавба қилишга, шунингдек, гуноҳ ишлардан сақланишга ва ҳидоят топиб, солиҳ бўлишга ишорадир.

Шунингдек, бу тушни кўрган киши ўз хунаридан баракот топишига, хунарининг қадрланишига ҳам далолат беради.

**Илёс ғалайхиссалом.** Тушда Илёс ғалайхиссаломни кўриш қувончли хушxabарга, касалнинг шифо топишига, мурод ҳосил бўлишига ва умуман яхши ва эзгу ишларга ишорадир

**Исҳоқ ғалайхиссалом.** Тушда Исҳоқ ғалайхиссаломни кўриш золимларга дуч келиб, улардан кўп озор топишга ишорадир. Аммо бундай туш кўрган киши ташвишланмаслиги керак; вақт ўтиши билан золимлар зулмидан қутилади.

**Мусо ғалайхиссалом.** Тушда Мусо ғалайхиссаломни кўриш душман устидан ғалабага ишорадир. Агар бу тушни кўрган одамнинг душмани бўлса, албатта, Аллоҳнинг мадади билан унинг зарарини дафъ қилади ва ҳатто уни енгади.

Бундан ташқари Мусо ғалайхиссаломнинг шарият аҳкомларида энг устун сиймо эканлигини ҳисобга олганда, уни тушда кўриш илмга ҳам далолатдир.

**Муҳаммад Мустафо.** Тушда Расулуллоҳни кўрмак икки олам саодатига эришмакка ишорадир, бинобарин, бу тушни кўрган киши Расулуллоҳ шафоатига эришади. Бу дунёда эса, барча ғам-андуҳларидан нажот топиб, қашшоқ бўлса, бой бўлади, баланд обрў-эътиборга эга бўлади, агар бу тушни кўрган киши ҳибсда бўлса, албатта, озод бўлади (10, 22-бет, 33, 22-бет)<sup>1</sup>.

Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: Мен набий соллоллоҳу ғалайҳи васалламнинг: «Кимки мени тушида кўрса, ўнгида ҳам кўрғайдур (яъни Аллоҳ таоло Мадинага ҳижрат қилмоқни насиб этмаган бўлса-ю, мени тушида кўрган эрса,

---

<sup>1</sup> Мазкур китобларда ёзилишича, Жаъфар-и Содик тушда пайгамбарларни кўришнинг етти ҳосиятини санаган экан: Раҳматуллоҳга етмак; неъматни фаровон бўлмак; иззат-ҳурмат топмак; давлати зиёда бўлмак; душманига голиб келмоқ; хотиржамлик ва осойишталик курмак; дилнинг бақувват бўлмаги; икки дунё саодатига эришмак; орият топмак.

қиёматда қайта тирилгач, мени кўрғайдур), чунки шайтон менинг қиёфамга киролмағайдур!» — деганларини эшитдим (2, 361-бет).

Анас (ибн Молик) ривоят қиладилар: «Расулulloҳ саллalloҳу ғалайҳи ва саллам: «Кимки мени тушида кўрса, ўзимни кўрибдур, чунким шайтон менинг қиёфамга киролмағайдур ҳамда мўминнинг туши пайғамбарликнинг қирқ олти жузьидан бир жузьидур», — дедилар (2, 361-бет).

Бу ўринда жузьдан мурод фазилатдир, демак, ҳар бир мўмин — солиҳ банда хайрли туш кўрса, пайғамбарлик фазилатларининг қирқ олтидан бир фазилатига эга бўлар экан. Ёки пайғамбаримизни тушида кўрса, шу фазилатлардан бир бўлагига эришибди.

**Нуҳ ғалайҳиссалом.** Тушда Нуҳ ғалайҳиссаломни кўриш эзуликка йўйилади; агар унинг Аллоҳнинг амри билан кема ясаб тўфондан ўз қавми билан омон қолганлиги ҳисобга олинса, бундай туш кўрган киши ғам-андухдан халос бўлади.

**Одам ота.** Кимки тушида Одам отани кўрибди, демак, улуғликка эришади, халқ орасида эътибор ва ҳурматга сазовор бўлади. Агар Аллоҳ таоло наздида инсоннинг мукарам эканлигини эътиборга олинса, тушнинг таъбири шу тарзда йўйилади.

**Юнус ғалайҳиссалом.** Юнус ғалайҳиссаломни тушда кўриш шошқалоқликка ишора; бинобарин, бундай туш кўрган киши бир ишни қиламан, деб шошади-да, хато қилиб пушаймон бўлади.

**Юсуф ғалайҳиссалом.** Юсуф ғалайҳиссаломни тушда кўриш яхшиликка йўйилади. Қизлар ва бева аёллар бундай туш кўрсалар турмушга чиқадилар, маъмурлар мансаб пиллапояларидан юксаладилар. Юсуф ғалайҳиссаломни тушда кўриш юртнинг маъмурлигига ҳам ишорадир, шунингдек, солиҳ бўлишга ҳам далолатдир.

**Яъқуб ғалайҳиссалом.** Тушда Яъқуб ғалайҳиссаломни кўриш сарфарзандликдан башорат бўлиши мумкин ёки ҳамisha фарзандлар билан баракали умр кечиришга ишорадир.

*Абу Бакр Сиддиқ.* Тушда Абу Бакр Сиддиқни кўриш дин соҳасида юксалишга ишорадир.

Шунингдек, Абу Бакр Сиддиқни тушда кўриш, Ибн Сириннинг фикрича, шоду хуррамлик келтиради (10, 23-бет; 33, 23-бет).

*Ҳазрат Умар.* Ҳазрат Умарнинг форуқ<sup>1</sup> лақаби ҳисобга олинса, бу тушни кўрган киши адолат топади ёки у яшаган мамлакатда адолат барқарор бўлади ёхуд бу тушни кўрган одам «инсофу диёнат соҳиби бўлғай» (10, 23-бет), «инсофли қози бўлғай» (33, 23-бет).

*Ҳазрат Усмон.* Ҳазрат Усмонни тушида кўрган киши парҳезгор ва вафодор бўлади (10, 24-бет; 33, 23-бет).

Яна айтибдирларки, уйланиш арафасида турган йигитлар ҳазрат Усмонни тушларида кўрсалар, баланд мақомдаги хонадон қизига уйланадилар, балогатга етган қизлар тушига ҳазрат Усмон кирса, бениҳоя одобли йигитга турмушга чиқади.

*Ҳазрат Али.* Тушда ҳазрат Алини кўрмак жуда хайрли туш, деб таъбир қилинади. Бу тушни кўрган киши қутлуг бир муродига етади.

Яна айтибдирларки, ҳазрат Алини тушда кўриш соҳибшижоатлилик, матонатга ҳам далолатдир.

### ***Ғайб оламига оид тушлар***

*Аждаҳо.* Тушда аждаҳони кўриш ўнгда амалдор киши билан учрашишга далолатдир (31, 98-бет).

*Азроил.* Азроилни тушда кўриш икки нарсага йўйилади, биринчиси, агар туш кўрган одам баланд жойда турган бўлса, баланд мартабага эришади, иккинчиси, агар паст жойда турган бўлса, мансабдор бўлса, мансабидан айрилади, умри ҳам тугайди. Садақа берсин (10, 22-бет; 33, 20-21-бетлар).

---

<sup>1</sup> Баъзи китобларда ҳазрати Умарнинг номи келганда форуқ сузини ҳам қушиб саздлар, бунда ҳато йуқ албагга, аммо баъзи уринларда фарруқ шаклини ҳам учратиш мумкин. «Фарруқ» сузи ҳеч қандай маънони бермайди, араб тилида «фарруқ» шакли бор, бу бахтиёр, гузал деганидир. Ҳазрати Умарга эса «форуқ» лақаби берилган. Форуқ сузининг лугавий маъноси фарқловчи, адолатли дегани.

**Дўзах.** Тушда дўзахни кўриш гуноҳ ва маъсиятга ишорадир. Агар киши тушида дўзах оловини ва азобларини кўрса, ўнгида ўз ахлоқини тузатсин.

Жаъфар-и Содиқ бу тушни қуйдагича йўйган экан: Аллоҳ таолонинг ғазаби, гуноҳга ботиш, ҳукмдор зулми, мусибат, ғам, ранж ва меҳнат. Бундай туш кўрган киши садақа бериши керак (10, 39-бет).

**Жаброил.** Тушда Жаброилни кўриш ҳамиша яхшиликка йўйилади. Бу тушни кўрган кишининг барча тилаклари юзага чиқиб, ҳаётдан саодат топади.

Аммо бу туш ҳақида бошқа таъбир ҳам бор.

«Ибн Сирин айтибдурларким, ҳар ким тушида Жаброил ылайҳиссаломни кўрса, унга шоду хуррамлик ёр бўлиб, душманларидан нажот топгай, мурод-мақсадига етгай. Агар Жаброил ылайҳиссаломни ғазабланган ҳолатда кўрса, ғам етгай. Садақа берсун» (10, 21-бет).

**Жаннат.** Тушда жаннат кўрмак эзгуликдан далолатдир. Бундай туш кўрган кишининг барча муроду мақсади ҳосил бўлади. Жумладан, суянса суянгудек дўстлар орттиради, мўлжаллаган сафари бехатар бўлиб, омад келтиради. Ота-оналар учун бу туш солиҳ фарзандлардан хабар беради. беморлар учун шифо топишдан далолат, севишганлар учун ҳам хайрликдир.

Ибн Сирин айтибдирки: «Ҳар ким тушида Ризвон биҳиштини кўрса, гуноҳдан пок бўлгай. Агар Ризвон ёқут ёки гавҳар берса, Аллоҳ таоло унга фарзанди олиму фозил ато этгай» (10, 64-бет).

**Жин.** Кимки тушида жинни кўрса, жин сингари ҳийлакорга учрайди, ўғирлик ва зарарли ҳодисаларга гувоҳ бўлади.

**Имом-и Аъзам.** Кимки тушида Имом-и Аъзамни кўрибди, у солиҳ фарзандларга, иззат-икромга, тақвога, донишга ва файзу баракага эришибди. Бу тушнинг хосияти кўпдир. аммо бу ўринда шунинг ўзи етарли.

**Исрофил.** Исрофилни тушида кўрган одам илми донишга эришади, бузург мақомини олади, турган шаҳри ҳам



обод ва тинчликда бўлади (10, 22-бет; 33, 20-21-бетлар), қабр азобларидан қутилади ва унинг охирати обод бўлади.

**Кавсар.** Кимки тушида жаннатдаги кавсар ариғидан сув ичибди, бемор бўлса, шифо топади ва имони басаломат бўлади. Яна айтибдирларки, тушида кавсар ариғидан сув ичган одамнинг топган мол-давлати баракали ва ризқи мўл бўлади.

Яна муаббирлар айтадиларки, тушида кавсар ариғидан сув ичган кишининг умри узун бўлиб, завол кўрмайди.

**Махшар.** Кимки ўзини махшар майдонида кўрибди, демак, бирон қилган гуноҳи учун сўроққа тортилади ва жазо олади.

**Микоил.** Тушда Микоил фариштани кўриш мол-мулкнинг кўпайишига ишорадир ёки унга бирон нарса берса эл орасида қадр топади (10, 21-бет; 33, 20-бет).

Яна айтадиларки, ёш йигитлар Микоилни тушларида кўрсалар, иқбол топадилар, бу тушни қизлар кўрсалар, яхши бир хонадонга келин бўладилар..

**Момо Ҳавво.** Кимки тушида Момо Ҳаввонинг танасига илон ўралиб турганини кўрса, демак, туш соҳибининг бахтига ва қувончига қандайдир айёр ва ёвуз одам чанг соляпти. Агар Момо Ҳавво Иблис билан сирлашиб турганини кўрса, кимдир унинг обрўсини тўкишга ҳаракат қилмоқда ва унинг ишларига албатта зарар етказди.

Бу туш кўпроқ аёлларга тааллуқли.

**Пари ва алвасти.** Бундай туш кўрган одам, демак, шайтонни кўрибди ва бу туш ёлғон хабарга йўйилади. Бу — биринчидан, иккинчидан, бу тушни кўрган одам кимлар биландир ғаройиб воқеаларга дуч келади, бу ғаройиботлар хор бўлишга, тушкунликка ва хафачиликка олиб келади. Агар пари ва алвасти ҳужум қилса, савдо ишлари зарар кўради, оила нотинч бўлади. Агар қариб-чуриган пари ва алвастилар тушга кирса, беморликка далолат, агар ёш, ўйноқилари тушга кирса; ўнгда киши бирон нарсадан ҳайратга тушади.

Бундай тушни шайтоний ҳам дебдирлар. Мағрибийнинг айтишича. Иблис турли қиёфаларда банданинг тушига ки-

риб, васваса қилади, шулардан бири пари ва алвасти қиёфасидир. Иблис турли қиёфалардан ташқари пари ва алвасти қиёфаларида ҳам одамларнинг хушини ўғирлайди.

**Сирот кўприги.** Тушда сирот кўпригини кўриш хайрга йўйилади.

Агар киши сирот кўпригида юрганини кўрса, тўғрилигига ишора, демак, у ўзининг қилаётган амалларида ҳақ экан, кўприкдан йиқилса, эгри ишларидан далолатдир, яъни у ҳаётда ҳаром ишларни кўп қилар экан. Истиғфор айтиши керак.

**Фаришта.** Тушда фаришта кўриш саодат ва қувончга ишорадир, дейдилар.

Бемор фариштани кўрса шифо топади.

Яна айтадиларки, кўнгли тоза одамлар тушларида фаришта кўрсалар — хотиржамлик, аммо ёвуз одамлар кўрсалар пуншаймонликдир; улар ўнглиларида бирон зиёнга йўлиқадилар.

Яна Кирмонийга суюнган ҳолда айтадиларки, тушида фаришталарни кўрган одамга кўпни кўрган донишманд одамлардан бири панд-насиҳат қилади ва у бу панд-насиҳатларга бўйин эгиб, савоб ишлар қилмакка бел боғлайди

Агар фаришталарнинг бир жойда жам бўлиб турганини кўрса, ўша жойда тинчлик ва маъмурлик бўлади (10, 22-бет).

**Қиёмат.** Тушда қиёматни кўриш адолат, деб таъбир қилинган. Яъни бундай туш кўрган одам зулмдан жабр кўрган бўлса, ўнгида адолат топади.

### ***Ибодатга оид тушлар***

**Азон.** Тушда азон айтилаётганини кўриш ёки эшитиш ҳаж қилмакка ишорадир. «Агар жойи паст ёки номаълум жойда азон айтса,— дейди Ибн Сирин, — унга бир ғамлик етгай» (10, 29-бет).

Кимки тушида ўзи азон айтаётган бўлса, боз устига азон айтиб бўлиб, ичи қора, жоҳил қари хотинни кўрса, ўнгида яқин одамнинг қазо қилганини эшитади.

**Бомдод намози.** Кимки тушида бомдод намозини сидқидил билан ўқиётган бўлса, ҳажга боришдан умид қилсин.

**Дуо.** Кимки тушида хоҳ ўзича дуо ўқисин, хоҳ бировни дуо қилсин, бойлик ва ҳидоятга мушарраф бўлади, имони умрбод саломат қолади.

**Жаноза.** Тушда жаноза маросимини кўриш ва унда иштирок этиш бир фалокатга, нохуш хабарга ишорадир. Бундай туш ёшлар учун умидларининг пучга чиқишини билдиради.

**Жойнамос.** Тушда жойнамос яхши инсон бўлишдан далолат беради. Агар бундай тушни бўйдоқлар кўрса, яхши оила соҳиби бўлишига ишорадир.

**Замзам.** Кимки тушида замзам сувидан ичса, қиёмат куни ташналикдан халос бўлади. Замзамни кўрган киши бемор бўлса, шифо топади. Бу тушни бойликка ҳам йўядилар; замзам сувидан ичган одам ҳалолдан кўп мол топади.

**Закот.** Тушда закот бериш, умуман, бойлик ортишига ишора. Ибн Сиринга таянган ҳолда яна қуйидагича таъбир қилинади: кимки тушида закот берса, моли баракалик бўлади. Жаъфар-и Содиққа суяниб яна қуйидагича таъбир қилдилар: яхши башорат, хайру баракот, ҳожатбарорлик, рўшнолик, зиёда давлат, душмандан омонлик (10, 48-бет).

**Ибодат..** Аллоҳ таолони зикр этишдан тортиб яхшилик қилишгача бўлган барча амаллар ибодат ҳисобланади. Намоз ибодатини алоҳида мазмун билан келтирдик, бу ўринда эса умуман ибодат назарда тутилди. Демак, тушда ибодат қилмак дунё ва охиратнинг хайрлилигидан далолатдир, бундай туш кўрган одамнинг ишлари бароридан келади.

Бу гуш яна хушxabар, саломатлик ва душман устидан голиб бўлишга ишорадир.

**Имом.** Киши агар тушида имомлик қилса, юксак бир мартабага эришишидан ва сўзи ўткир бўлишидан далолатдир. Исмоил ғалайҳиссаломдан ривоят қиладиларки, ҳар ким тушида имом бўлиб, намозни қанча комиллик билан ўқиса, моллик обрў топгай. Агар намозда нуқсонликка йўл қўйса, молига нуқсон етгай (10, 49-бет).

Исмоил ғалайҳиссаломнинг ушбу таъбири тажрибада кўп синалган.

**Ифтор.** Тушда ифтор қилиш мол-мулкнинг ортишига, рамазон ойида ифтор зиёфати бериш барча ташвишлардан қутилишга, ифтор дастурхонини кўриш ризқнинг баракасига ишорадир. Шундай туш кўрган кишининг ризқи ҳамиша улуғ бўлади.

**Калима-йи шаҳодат.** Тушда калима-йи шаҳодат, яъни *ло илоҳа иллаллоҳ, Муҳаммадан расулуллоҳ* дейиш ўнгда хайрликдир; бундай туш кўрган киши ҳидоятга эришади, танг аҳволдан ва мушкулликлардан қутилади; қарздор бўлса, қарзларидан халос бўлади, агар бемор бўлса, шифо топади, ҳибсда бўлса, озод бўлади. Имони басаломат бўлиб, махшар куни сўроққа тугилмайди, Аллоҳ раҳматига мушарраф бўлади.

Шукрулло «Кафансиз кўмилганлар» романида ёзишича, ҳибсхонадалик пайтида бир куни тушида калима-йи шаҳодатни айтибди, тонг билан кўнгли равшан бўлиб уйқудан уйғонибди. Орадан бир-икки соат ўтгач, ҳибсдан озод бўлгани ҳақидаги буйруқни қўлига беришибди.

**Каъба зиёрати.** Тушда Каъбани зиёрат қилмаклик яхшиликка йўйилади; тушида Каъбани зиёрат қилган ва атрофини тавоф қилиб қайтган киши барча мушкулликлардан халос бўлиб, саломат бўлади.

Ибн Сиридан иқтибос қилиб айтадиларки, тушида Каъбатуллоҳни зиёрат қилган кишининг ўнгида дини мустаҳкам бўлар ва ҳукмдорлардан манфаат кўрар экан.

Агар уйи Каъба бўлганини кўрса, халқ томонидан ҳам, ҳукмдорлар томонидан ҳам иззат-ҳурматга сазовор бўлади (10, 53-бет).

**Кўзтумор.** Халқ иримларида одамнинг кўзи тушадиган жойга тумор тақилади, масалан, болаларнинг билакларига, бўйинларига, бешиклар ва беланчакларига мунчоқ тақилгандек, мана шуни кўзтумор дейилади.

Кўзтумор ва шунга ўхшаш нарсаларни тушда кўриш давомли келиб турадиган хушхабарга ишорадир.

**Мадина.** Кимки тушида Мадинаи мунавварани кўрса, боз устига пайғамбари қабрларини зиёрат қилса, умрида ҳамиша яхшилик кўради.

**Макка.** Тушда Макка-йи мукаррамани кўриш тақводорликка ва эътиқоднинг кучайишига ишорадир.

Ибн Сирин бу тушни ҳаж қилмакка, агар тижорат нияти бўлса, мол-дунёга ҳирс қўймакка йўяди (10, 57-бет). Бунинг маъноси шуки, мол-дунё тўплайди ва унинг ҳирси билан гуноҳга қолади.

**Масжид.** Тушда умуман масжид кўриш яхшиликкадир.

Жомеъ масжидини кўриш бадавлат бўлмакка далолат, бу тушни диндорликка ҳам ишора, деб таъбир қилинади.

Аммо тушда масжид кўриш ва унинг ичида бўлишнинг бир нечта шартлари бор.

Ибн Сирин масжидни тушда кўришни кенг изоҳлаган: кимки тушида масжид бино қилса, ўнгида мусулмонларга хайру эҳсон қилади ва бу хайру эҳсондан кўп самара топади.

Агар масжиднинг чироғини ўчирса, фарзанди вафот этади, масжидда намоз ўқиса-ю юзини қибла томонга қаратмаган бўлса, яхши. Агар юзи қибла томонга қараган бўлса, кароҳати бор.

Агар масжидда юз-қўлини ювса, кўп мол сарф қилиш эвазига муродига етади.

Масжиднинг вайрон бўлганини кўриш бир олимнинг вафот этганлигига далолатдир (10, 56-бет; 33, 65-бет).

**Меърож<sup>1</sup>.** Кимки тушида меърож кечаси дуо ва ибодат қилса, ҳожатлари раво бўлиб, муродлари ҳосил бўлади. Бемор бўлса, шифо топади.

**Меҳроб.** Ибн Сирин бундай туш кўришни қуйидагича таъбир қилади: меҳробда айни намоз вақти кирганда намоз ўқиса, фарзанди солиҳдан далолат, агар меҳробни таъмирласа, туғилган фарзанди имом ва олим бўлади (10, 53-54-бетлар; 33, 62-бет).

Ибн Сириннинг таъбиридаги меҳроб ҳар қандай масжиднинг меҳроби эмас, балки жомеъ масжидининг меҳ-

---

<sup>1</sup> Меърож зиналар дегани. Расулulloҳ ана шу зиналар билан биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи, бешинчи, олтинчи осмонларга ва ундан Аллоҳ таолонинг Аршига кўтарилганлар. Бу ўринда мурод зиналар эмас, меърож кечасидаги дуои фотиҳалардир.

робидир. Аммо жомеъ масжидидаги меҳробнинг ўзини кўриш севинчли хабарга йўйилади, агар меҳроб қоронғуликда кўринса, ташвишдир, ёруғликда кўриш қувончдир.

Меҳробдан туриб амри маъруф қилаётган бўлса ёки хутба ўқиётган бўлса, ўнгида юксак мақомга эришиб, катта обрў қозонади.

**Мозор<sup>1</sup>.** Тушда мазорда юриш гуноҳлардан тавба қилмакка ишорадир; бундай туш кўрган одам ўз гуноҳлари учун истиғфор айтиши керак бўлади.

Бинобарин, «Комилу-т-таъбир»да шу мазмун кенг изоҳланган: гўристонда юриш нодон ва фосид одамлар билан ҳамсуҳбат бўлишга ишора, агар гўристонга тушида зиёрат қилмак учун кирган эса, ҳибсдаги одамларни зиёрат қилади, агар гўристонга ёмғир ёғаётганини кўрса, демак, Аллоҳ таоло қабрдагиларни раҳмат қилибди, агар гўристон аҳли қабрлардан бош кўтарганини кўрса, ўша жойда бало ва машаққат кўп бўлар экан (33, 59-60-бетлар).

**Мотам.** Тушдаги мотам саломатликка ишорадир; демак, тушида мотам маросимини кўрган киши саломатлиги ҳақида ўйлаши керак. Бунинг ҳам баъзи шартлари бор экан: агар қариндошингизнинг мотамида иштирок этсангиз ва ҳаво очиқ бўлса, ўзингизнинг ва яқинларингизнинг соғлиги яхшилигидан далолат, агар ҳавонинг қавоғи солиқ бўлса, демак, сизнинг соғлигингиз ёмонлашар экан.

Агар тушингизда танимаган, бегона одамнинг мотамини кўрсангиз ёмон гап эшитасиз ёки нохуш хабар келади.

**Муфтий.** Тушида муфтийни кўриш кишининг дини мустаҳкам бўлмоғига ишорадир.

**Муаззин.** Умуман тушда муаззинни кўриш эзгуликка ишорадир, агар кишининг ўзи тушида муаззин бўлса, охирати ободлигидан далолат.

**Мурданинг гапириши.** Кимки тушида ўлган одам билан гаплашса, яъни мурда унга чиройини очиб гапирса, ўнги-

---

<sup>1</sup> Бу ўринда умуман мазористон (гўристон) англашилади. қабр фасли алоҳида куйироқда келади.

да кайфияти кўтарилади, агар мурда қовоғини солиб га-  
пирса, демак, арвоҳлар ундан норози эканлар.

Яна Кирмонийга суянган ҳолда айтадиларки, ўлиб кет-  
ган одамларни покиза, хушрўйлик ҳолда тушда кўрса, де-  
мак, марҳум шоддир, гўри жаннат боғидай экан. Агар кий-  
имлари хароб ва ўзини ғамгин аҳволда кўрса, демак, азобда  
экан, туш кўрган одам дарҳол дуои фотиҳа қилсин ва са-  
дақа берсин (23, 55-бет).

Ҳазрати Дониёлдан ривоят қилиб айтадиларки, ҳар ким  
тушида ўлган одамдан бирон нарса олса, кутмаган жой-  
дан ризқ етишади, агар ўша нарсадан берса-ю еса, унга  
ғойибдан ҳалол мол етишади, агар емаса, етмайди, агар  
ўлган одам унга кийимидан берса ва у уни кийса, умри-  
нинг охирлаб қолганидан далолат, истиғфор айтиши ке-  
рак, агар киймаса, зарари йўқ (23, 55-бет). Ҳарҳолда са-  
дақа радди бало деганларидек, бу тушдан кейин хайр-са-  
дақа қилиб юбориш керак.

**Назр.** Кимки тушида назр қилинган нарсани кўрса,  
демак, ўнгида эзгу бир ишни бошлар экан, агар биров-  
нинг назр берганини кўрса, янгитдан бир иш бошлаши  
мумкин экан.

Агар туш соҳиби назр қилинган нарсани сотиб олса,  
ўйлаган муродига етишига ишорадир.

**Намозгоҳ<sup>1</sup>.** Кимки тушида намозгоҳни кўрса, демак, у  
ташвиш ва қайғулардан халос бўлибди.

**Намоз.** Кимки тушида намоз ўқибди, у мустаҳкам ий-  
монга эга бўлибди, кимки намоз ўқиб икки томонга са-  
лом берибди, машаққатлардан қутилибди, кимки жаноза  
намозини ўқиса, у гуноҳлари учун истиғфор айтсин.

**Очиқ гўр.** Кимки тушида очиқ гўр кўрса, қариндошла-  
ридан, яқинларидан кимдир қазо қилар экан. Яқинлар-  
нинг вафоти гўрнинг миқдориға кўра.

---

<sup>1</sup> Намозгоҳ дейилганда масжид тушунилмаслиги керак, масжид иншоот  
булса, намозгоҳ намозхонлар тўпланиб ибодат қиладиган исталган жой бўлади.

**Руку.** Тушда рукуга боришликни кўриш ибодат ишларига жиддий қараши кераклигига ишорадир; бундай тушни кўрган киши, демак, ибодат ишларига бепарво экан.

**Рамазон.** Рамазон-и шариф билан боғлиқ тушлар ҳамisha яхшиликка йўйилади. Тушда Рамазон ойида эканлигини кўриш хайр ва яхшиликка эришишга ишорадир.

**Рўза.** Кимки тушида рўза тутса, улуғликка эришади, сихҳати яхши бўлади, оиласи ва қариндошларида офият ҳукм суради, тўғрилиқка юз тутади, ёлғон сўздан парҳез қиладиган бўлади, ташвиш ва машаққатлардан қутилади, солиҳ амалларга киришади.

Ибн Сириннинг айтишича, кимки тушида рўза тутиб, тасбиҳ ва таҳлил айтиб, Қуръон тилеват қилса, ўнгида гуноҳларидан тавба қилиб, пок бўлади. Агар кимки тушида рўза тутган бўлса-ю, бироқни ғийбат қилса ёки ёмон сўзлар оғзидан чиқётган бўлса, ўнгида дини мустаҳкам бўлмайди. Жаъфар-и Содиқ тушда рўза тутганни кўришни ўн нарсага йўйибди. бузруклик, амалдорлик, тан-сихҳатлик, баланд мартаба, тавба қилмоқ, ғамдан халос бўлмоқ, давлатманд бўлмоқ, ҳажга бормоқ, нафсни енгмоқ, фарзанди солиҳ кўрмоқ (10, 66-бет).

**Сажда.** Тушда сажда қилганни кўриш яхшиликка йўйилади. Аммо, дейди Ибн Сирин, Аллоҳ таолога сажда қилганлигини кўрса, мурод-мақсадига етади, авлиё ва амалдорлардан мадад етади, ғайри нарсаларга сажда қилиш касофатдир (10, 75-76-бетлар; 33, 48-бет).

**Садақа.** Кимки тушида қаерга ва кимга бўлишидан қатъи назар, садақа берса, ўнгида яхшилик топади. Чунки садақа, хоҳ тушда бўлсин, хоҳ ўнгда бўлсин, радди балодир.

Ибн Сирин таъбирича, тушида садақа бер. ан киши олим бўлса, илмидан кўп одам баҳраманд бўлади, подшоҳ бўлса, халққа нафи етади, ҳунарманд бўлса, ҳунари ривож топиб, шогирдлари манфаат кўради, бундай туш кўрган одамнинг мушкуллари осон бўлиб, машаққатдан халос топади (10, 7-бет; 33, 40-бет).



**Саъй<sup>1</sup>.** Ривоятларда айтилишича, Иброҳим пайғамбар Ҳожар билан чақалоқ Исмоилни Сафо ва Марва оралиғига ташлаб кетгач, Ҳожар боласига сув излаб шу икки тепалик орасида сарсон бўлган ва Аллоҳдан бир қатра сув сўраган.

Кимки Сафо ва Марва оралиғида тушида саъй қилса, барча тилакларига эришади.

**Суннат.** Тушида суннат тўйини кўриш фарзандларидан мадад олишига ишорадир.

Агар кимки тушида ўзини суннат қилинганлигини кўрса, бу туш қариндошларидан мадад олишидан далолат беради.

**Тавба.** Тушида тавба қилган кимсанинг истак ва орзулари рўёбга чиқади ва мол-мулки ортади. Бу тушни кўрган киши дўстлари билан яхши алоқалар боғлайди, агар бу тушни тadbиркор киши кўрса, ишида баракот бўлади, агар ёшлар кўрса, севги ишлари хайрлик билан тугайди.

Агар аёл киши тушида тавба билан боғлиқ нарсаларни кўрса, машаққат ва тушкунликка тушишдан сақлансин<sup>2</sup>.

**Тасбиҳ.** Тушда тасбиҳ ўгириш ва тасбиҳ айтиш хайрлидир. Бундай туш нажот топиш ва яхшиликка ишорадир.

**Таҳорат.** Кимки тушида таҳорат олса, бемор бўлса соғаяди; осий бўлса, тавба қилиб, тақводор бўлади; қарздор бўлса, қарзидан қутилади.

Тушида таҳорат олмак учун сув излаган киши ўнгида бир қийинчиликка учраб, кейинчалик қутилади.

---

<sup>1</sup> Саъй арабчадан тиришиш, уриниш деганидир. Ҳожиларнинг Сафо ва Марва тепаликлари орасида бориб-келишлари саъй деб аталади.

<sup>2</sup> Истиғфор ва тавба луғавий маънолари жиҳатидан турлича; истиғфор — гуноҳларни кечиршни сўраш, афв тилаш; тавба — гуноҳдан қайтиш, аммо мазмун эътибори билан ҳар икковининг бир-биридан фарқи йўқ, бинобарин, ҳар икковида ҳам Аллоҳдан афв сўралади. Аммо Биноийнинг «Тушлар таъбири» рисоласида «Истиғфор» ва «Тавба» алоҳида-алоҳида берилган. «Истиғфор» мазмунида шундай дейилади: «Ибн Сийрийн айтибдурларким, ҳар ким тушида истиғфор айтса, Аллоҳ таоло унга молу фарзанд ато қилгай. Имоми Жаъфар Содиқ... айтибдурларким, истиғфор 4 нарсага далолат қилгай: 1. Мол. 2. Фарзанди аржуман. 3. Гуноҳдан фориглик. 4. Тавба-тазарру» (50-бет). «Тавба» мазмунида шундай дейилган: «Агар тушида тавба қилса, ҳамма гуноҳларидан пок бўлиб, худонинг ризолигини топгай. Имоми Содиқ... айтибдурларким, ҳар ким тушида тавба қилса, гурт нарсага далолат қилгай: 1. Гуноҳлардан пушаймон бўлиш. 2. Худонинг ризолиғига эришиш. 3. Ойрат йўлини англаш. 4. Саодатнинг икки эшиғига муяссар бўлиш» (78-бет).

Ибн Сирин тушда мукаммал таҳорат олган киши ўнгида барча мақсадига эришади, қўл-юзинигина ювган киши ўнгида биродарининг ишига мадад беради, деб таъбир қилган (10, 69-бет).

**Тумор.** Юқорида кўзтумор ҳақида айтган эдик. Бу ўринда кўзга тушмайдиган туморлар ҳақида гап боради. Бинобарин, бундай туморлар қўлтиқ таги сингари жойларга осиб кўйилади.

Тушда тумор тақиш дўсту биродарлар орасида яхши ном қозонишга ишорадир.

Ибн Сирин айтадики, ҳар ким тушида ўзига тумор тақса, ғамдан халос бўлади, қарздор бўлса, қарзидан қутилади, бемор бўлса, шифо тапади, тутқун бўлса, озод бўлади. Агар кимки тушида бировларга тумор битиб берса, ундан кўпчилик манфаатдор бўлади (10, 80-бет; 33, 35-бет).

**Умра.** Тушда Умра сафарига кетиш ва Умра зиёратини қилганни кўриш бойлик, узун умр ва дуолар ижобат бўлишига ишорадир.

**Шаъбон ойи.** Шаъбон мусулмон тақвимида саккизинчи ой бўлиб, шу ой тугаши билан Рамазон ойи киради ва мусулмон ақидасича, шаъбон ойи муқаддас ойлardan биридир, чунки Барот кечаси шу ойда ўтади. Шунини ҳисобга олганда, киши тушида шу ойда бўлиши насиба ва ризқ ортишидан далолат берар экан.

**Ўлиб тирили.** Агар киши тушида бир ўлиб тирилса, ўнгида барча умид ва тилаклари ҳосил бўлишидан далолатдир. Яна ҳазрати Дониёлдан ривоят қилиб, ҳар ким тушида ўлиб қолса, уни жаноза ўқиб кўмсалар, қариндошлари йиғлашиб турсалар, динига, диёнатига футур етади, деб таъбир қиладилар. Бошқа бировлар, кимки тушида ўлиб, ўлган замони одамлар йиғилиб, тобутга солсалар, ўнгида амалдор бўлади, деб йўядилар. Тушида ўлиб қолган одамнинг умри узун бўлади, деб ҳам таъбир қилганлар. Валлоҳу аълам би-с-саваб! Агар аёл киши тушида ўлиб қолса ва яна тирилса, Аллоҳ таоло унга ўғил ато қилади (10, 55-бет).

**Қабр.** Кишининг тушида қабр кўрмоқлиги содир этган хатолари ва қусурларидан надомат чекмоғига ишора бўлиб, бундай тушни кўрган кимса истиффор айтиши керак. Тушда қабр кўриш аҳволнинг ўзгаришидан далолат беради; бемор одам қабрда ётса, ўлади, соғ одамнинг эса ишлари орқага кетади. Кимки тушида янги қабр кўрса, демак, умрига хавф бор. Агар йигит ёки балоғатга етган қиз қабрлар орасида айланиб юрса, ўнгида қуражак турмуши яхши бўлмайди. Агар тушда кимки бўш қабрга тикилиб қараса, яқинларидан бири ўлади. Тушда қабр қазиб душманларингизнинг сизга чоҳ қазийганидан далолат, агар қабрни қазиб, тайёрлашга улгурсангиз ва кейин уйғонсангиз, душманлар устидан ғалаба қозонасиз. Агар кимки тушида қабристонда кечаси қолиб кетган бўлса, яқин дўстларидан ажралади, айни чоқда маҳбубасининг севгисидан ҳам маҳрум бўлади. Тушда хароб қабрни кўриш яқин кишилардан бирининг касал бўлишига ёки ўлишига далолатдир. Агар кимки қабр тошларидаги ёзувларни тушида ўқиётган бўлса, кўнгилсиз ташвишлар остида қолади.

**Қадр кечаси.** Киши тушида ўзини қадр кечасида эканлигини кўрса, барча тилак ва муроди рўёбга чиқишига далолатдир.

**Қори.** Киши тушида ўзини қори сифатида кўрса ва Қуръон сураларидан тажвид қоидалари билан тиловат қилаётган эса, ўнгида барча тилаклари ижобат бўлиб, муродига етади.

**Қурбонлик.** Тушда қурбонлик молни кўриш бойликка йўйилади. Ибн Сирин бундай тушни кенг изоҳлаб, кимки тушида туя, сигир ёки қўй қурбонлик қилса, ҳибса бўлса озод бўлади, камбағал бўлса, бой бўлади, бемор бўлса шифо топади, деб таъбир қилган (10, 91-бет; 23, 65-бет).

**Қуръон.** Тушда Қуръон-и каримни кўриш кўп хайрликдир. Бундай туш меросга эга бўлиш, ҳалол мол топиш ва саломату саодатга ишорадир. Яна шундайки, Ибн Сирин тушда Қуръон-и каримни қўлга олиш фозилликка, агар уни куйдирса фалокатга далил бўлади, деб таъбир қилган. Жаъфари Солиқ эса, тушда Қуръон-и каримни кўришни 5 нарсага далолат бўлади дейди: 1. Илму ҳикмат, 2. Ҳалол

мерос, 3. Омонатдорлик (яъни омонатга хиёнат қилмаслик), 4. Ҳалол ризқ, 5. Дин ва диёнат (10, 57-бет; 23, 65-бет). Агар киши тушида Қуръон сураларидан тиловат қилса, бунинг қўидаги шартлари бор: агар раҳмат оятларини ўқиса, Аллоҳ таолога шукр қилиши керак, азоб оятларини тиловат қилса, ўнгида туриб тавба қилсин, чунки Аллоҳ таолонинг ғазабидан далолатдир. Агар кимки тушида Қуръон-и каримни хатм қилса, бутун умрини хотиржамлик ва шоду хуррамлик билан ўтказади.

**Ҳадис.** Кимки тушида Ҳадис-и шарифни ўқиса, иймони ва эътиқодининг юксалишига ҳамда пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу ʼалайҳи ва салламнинг шафоатларига эришишига далолатдир.

**Ҳаж.** Киши тушида ҳажга йўл олса, ҳаж амалларини адо қилса, офият ва омонликдир. Агар бўйдоқ киши бундай туш кўрса, уйланишига ишорадир.

**Ҳажар-и асвад.** Тушда Ҳажар-и асвадни кўриш ҳаж қилишни, ҳажга боролмаса ҳам ҳаж савобига эришишни англатади. Шамсу-д-дин Кулол ҳажга бормаганлар, аммо тушларида бир неча бор ҳаж қилиб, Ҳажар-и асвадни тавоф қилганлар.

### ***Ер юзи ва осмонга оид тушлар***

**Абри найсон.** Баҳорги ёмғир булутини абри найсон дейдилар. Кимки тушида бундай булутни кўрса, ўнгида донишманд кишилар билан ҳамсуҳбат бўлади. Ёмғир ёғиб турганини кўрса, шу йили ўша мамлакатда мўлчилик бўлади.

**Адир.** Кимки тушида ўзини адирда кўрса, барча мушкуллари осон бўлиб, ҳожатлари раво бўлади.

**Аёз.** Тушингизда аёзда қолган бўлсангиз ёки аёз турганини кўрсангиз ва совуқдан жунжикиб турсангиз, бу туш сизни огоҳ қиляпти; сизни хуш кўрмайдиган одамлар ишингизга зарар етказишлари мумкин экан. Бундан ташқари, соғлигингиз ҳақида ҳам ўйланг, бу туш сизни соғлигингиз ёмонлашувидан ҳам огоҳ қиляпти.

**Америка.** Бу туш давлат маъмуриятида ишлайдиганларга тааллуқли. Бу тушни кўрган юқори даражадаги раҳбарлар ва мансабдорлар давлат ишлари ҳақида гамхўрлик қилишлари керак.

Бундай тушни оддий фуқаро кўрса, ўзини ўйлаши керак, бинобарин, бу туш кўнгилсизликдан хабар берапти.

**Африка.** Агар тушингизда Африкада бўлиб қолсангизу, сизни одамхўрлар ўраб олган бўлсалар, демак, ўнгингизда душманларингиз сизни танг қилиб қўяр эканлар.

Агар аёллар тушларида Африкани кўрсалар ёки ўша жойга сафар қилсалар ўнгларида сафардан кўнгиллари тўлмайди ва умидсизликка тушадилар.

**Балчиқ.** Тушда балчиқ кўриш аҳволнинг қалтислигига ва ҳар бир ишда ҳушёр бўлишга далолатдир.

**Ботқоқлик.** Агар тушингизда ботқоқликдан чиқишга уринаётган бўлсангиз, билингки, демак, анча мушкулликлардан кейин қариганингизда роҳат-фароғатда умр кечирар экансиз.

**Булут.** Кимки тушида булут кўрса, кимгадир тобе бўлса, эркин бўлади, турмуши яхшиланади.

Бу туш ҳақида ҳазрат Дониёл ҳар ким тушида ёғиб турган оқ булутни кўрса, Аллоҳ унга илму ҳикмат ва манфаат ато қилади, деб таъбир айтган (10, 24-бет; 33, 26-бет).

**Водий.** Агар тушингизда кўм-кўк, яшнаган водий кўрсангиз, демак, биргина сизнинг эмас, умуман сиз яшаётган мамлакатда ҳаёт яхши бўлар экан. Севишганлар учун тушда водий кўриш кўнгил розини англатади.

**Воҳа.** Кимки тушида кенг, уфққа туташган воҳа кўрса, қийин кунлар ортда қолганлигидан далолатдир. Туш соҳибининг ишларида яхши томонга кескин ўзгаришлар рўй беради. Агар водий қуриб-қақшаган, қовжираган, кишини зериктирадиган даражада бир хиллик бўлса, ишнинг кескин ортга қараб кетишига далолатдир.

**Гирдоб.** Тушда гирдоб кўриш яхшиликка йўйилмайди. Бундай туш кўрган одам агар бениҳоя эҳтиёт бўлмаса, иш-

ларига катта хавф туғилмоқда ҳамда гийбат ва бўҳтонлар туфайли обрӯси тўкилиши мумкин.

**Дала.** Тушда дала кўриш ёки томорқанинг тушга кириши кўп хайр ва баракот, айна пайтда хотиржамликка ишорадир. Албатта, тушда кўринган дала обод бўлса.

**Дарё.** Кимки тушида дарё кўрса, унинг суви тиниқ ва тўлиб оқаётган бўлса, шон-шуҳратга ишорадир. Бу туш яна улуг бир зотнинг борлигига, ҳалол молга ҳам далолат беради. Дарёдан тушда сув ичиш қўлга бойлик киришига далилдир.

Ибн Сирин тушда дарё кўришни қуйидагича таъбир қилган: бундай туш подшоҳлик ёки олимликка ишорадир; дарёнинг суви тиниқ ва оқ бўлса, ўша мамлакатнинг подшоҳи адолатли бўлади, агар туш соҳиби дарё сувидан ичса, подшоҳдан унга инъом етади ёки бирон олимнинг илмидан баҳрамангд бўлади. Агар туш соҳиби дарёга йиқилиб тушса ва натижада кийимлари лой бўлса, подшоҳ ёки бошлиқдан унга зулм етади, агар дарёга йиқилиб, кийимлари лой бўлса-ю, дарҳол ювиб, покиза қилиб олса, ғам-андуҳдан халос бўлади. Туш соҳиби агар дарёдан ёқут ёки маржон топиб олса, олим ва фозил бўлади. Агар дарёдан катта балиқ тутиб ўлдирса, подшоҳнинг душманини ўлдиради (10, 37-бет).

**Денгиз.** Денгиз билан боғлиқ тушлар ҳамма учун ҳам яхшиликка йўйилади. Хусусан, савдогар тушида денгиз кўрса, боз устига унда сузса, кўп мол ва бойликка эришади. Агар қиз ўз маҳбуби билан тўлқинлар устида бир текисда сузаётганини тушида кўрса, унинг орзулари амалга ошади, вафо ва садоқат ҳамиша унга йўлдош бўлади.

**Дўл.** Агар тушингизда дўл ёғса, демак, ўнгингизда хайру барака топасиз. Бу тушни муҳим бир сирнинг очилишига ҳам йўядилар. Агар бу тушни қиз ёки жувон кўрса, муҳаббатга дучор бўлади. Агар тушингизда дўл парчаларининг томингизга қарсиллаб тегаётганини эшитсангиз, яхшиликка эмас.

**Елдириш<sup>1</sup>.** Тушда момоқалди роқ бўлиб, чақмоқ чақнаганини кўриш бирон фалокат рўй беришидан далолатдир. Бу тушни вақтинчалик бахт ва муваффақиятга ҳам йўядилар.

**Ер.** Тушда ҳосилдор ер кўриш яхшиликка йўйилади, ҳосилсиз, тошлоқ ер кўриш эса, омадсизлик ва машаққатга ишорадир. Агар денгизда сузаётган бўлсангиз, узоқда ер қорайиб кўринганига кўзингиз тушса, кутилмаган истиқбол ва бахтга ишора бўлади. Агар боғда янги чопилган ерни кўрсангиз, ишингизнинг бароридан келишига ишора. Агар ерга ўтириб кийимингизни ифлос қилсангиз, касаллик ва ва қонун жазосидан қочиб, турган уйингиздан кўчиб кетинг.

**Ўмғир.** Жаъфари Содикнинг айтишича, тушда ўмғир ёққанини кўриш 12 нарсага далолат бўлар экан: 1) раҳмат, 2) баракот, 3) яхши тилак, 4) ранжу беморлик, 5) оғир меҳнат, 6) хору зорлик, 7) қон тўкмоқлик, 8) қаҳатчилик, 9) фитна-фасод, 10) омон топмоқлик, 11) куфр қилмоқлик, 12) ёлғон сўзламоқлик (10, 28-бет).

Бу таъбирларни бирма-бир изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

**Ўмғир томчиласа,** демак, туш соҳиби омонлик топади.

**Ўмғир бир жойда қаттиқ ёғса,** ранжу беморлик кўради.

**Ўмғир аста ёғиб турган бўлса,** раҳмат ва баракот топади ҳамда яхши тилак кўнглига ўрнашади.

**Ўмғир шаррос ёғса,** туш соҳибининг қўлига нақд пул келар экан.

**Ўмғир совуқ шамол билан ёғса,** қон тўкмоқлик, фитна-фасод, қаҳатчилик, куфр, ёлғон сўзламак, хору зорлик ва оғир меҳнатга ишора.

**Ёнар тоғ.** Тушда ёнар тоғни кўриш яхшиликка йўйилмайди; бундай туш кўрган одамнинг бошига ўнгида бирон фалокат ёғилиши мумкин.

**Ёнмоқ.** Ёнишга алоқадор тушлар ҳам яхшиликка йўйилмайди; кимки тушида олов ичида ёнса, ўнгида тавба қилмоғи керак, чунки умри оз қолган бўлади.

---

<sup>1</sup> Елдириш — чақмоқ.

**Ёнгин.** Тушингизда тутунсиз ёнгин кўрсангиз, ўнгингизда барча сиқилишларингиз, асабий ҳолатингиз тарқайди, агар тутунли ёнгин кўрсангиз, асабий ҳолатда бўласиз.

Агар тушингизда катта ёнгин бўлса-ю, қурбонлар бўлмай, муваффақиятли ўтса, келажагингиз порлоқ бўлади.

**Ёруғлик.** Ёруғлик билан боғлиқ тушлар умуман яхшиликка йўйилади; тушда ёруғлик кўриш барча қийинчиликларни енгиб, осойишта ҳаётга ўтишни билдиради. Агар тушингизда шамъ ёруғини кўрсангиз, бемор бўлсангиз тузаласиз, агар олов ёруғлигини кўрсангиз, шошилинч бирон хабар олишингизга ишорадир.

**Жилға.** Сув билан боғлиқ тушлар яхшиликка йўйилади; ушда кимки жилға кўрса ва ундан сув олиб ичса, хайру барака топади, ўзига тўқ ҳаёт кечиради. Бемор одам жилға кўрса, тузалади.

Агар кимки ўз ҳовлисидан жилға оқаётганини кўрса, уйига қут-баракот киради.

**Зах.** Кимки туш кўриб, тушида тагидан зах ўтаётганини сезса, ўнгида душмани билан шафқатсиз равишда кураш олиб боради, агар иродаси мустаҳкам бўлса, бу курашда енгади.

**Зилзила.** Тушда зилзила бўлганини ҳис қилмоқ ёки кўрмоқ кишининг ўнгида тадбиркорлигига зарар келтиради. Бундай туш миллатлараро уруш ва жанжалларга ҳам ишорадир. Баъзи муаббирлар жойдан жойга кўчишга йўйибдилар. Ибн Сирин тушда ер қимирлаганини кўриш ёки ҳис қилишни подшоҳдан етадиган зулмга, шунингдек, беморликка таъбир қилибди (10, 48-бет).

**Зовур.** Масалан, сиз бир пайтлар гуноҳ иш қилгансизу, одамлардан уялиб юрибсиз. Агар тушингизда зовурдан сакраб ўтсангиз, мана шу гуноҳингиз одамлар томонидан унутилгани бўлади, агар зовурга тушиб кетсангиз, ўнгингизда ишингиз орқага кетади, шунингдек, гуноҳларингиз ҳам эслатилади.



**Инжу.** Агар ҳомиладор аёл киши тушида инжу — марварид кўрса, ўнгида ўғил кўришига ишорадир. Бундай тушни эр киши кўрса ҳам шунга йўйилади.

**Иссиқ булоқ.** Агар киши тушида ўзини иссиқ булоғи бор бир манзилда кўрса, жуда қисқа вақт ичида истак ва тилаклари рўёбга чиқар экан.

**Иссиқ сув.** Агар киши тушида ерости иссиқ сувини кўрса, бемор бўлса, ўнгида тезда соғайиб кетади. Агар иссиқ сув ичса, беморликка далолат ҳамда душман таъқибидан зарар кўришга ишорадир.

**Йўлак.** Ҳар ким тушида йўлак кўрса ёки йўлак орқали юрса, қашшоқлик ва оғир меҳнатга ишора.

**Камалак.** Тушингизда осмонда камалак кўрсангиз ишларингиз гуриллаб кетади; деҳқон бўлсангиз ўрим-йиғимдан мўл ҳосил оласиз; унаштирилган ёшлар учун бахтдан нишона; камалак ранглари дарахт баргларида товлаиб турса, ишларнинг бароридан келишига ишора.

**Кўчки.** Тушда кўчки кўриш яхшиликка йўйилмайди; агар кимки тушида кўчкининг ўзинигина кўрса, демак, оиласида нотинчлик бор; кимки тушида кўчки тагида қолса, тавба қилиши керак, фалокат яқинида. Агар кўчки бутун бир шаҳарни босса, демак, ўша мамлакатда тинчлик бўлмайди.

**Лой.** Лой ишлари билан шуғулланадиган одамлардан ташқари барча учун тушда лой кўриш ўлимдан далолатдир. Лой ишлари билан машғул кишиларга зарар йўқ. Бундай туш аёллар учун ўнгида кўнгилсизликлар келтириб чиқаради; юриш-туришини одамлар нотўғри баҳолайдилар, охир-оқибатда севги ва бошқа ишларида муваффақиятсизлик содир бўлади.

**Мармар.** Кимки тушида мармарни кўрса, ўнгида албатта қийинчиликка дуч келади, аммо бу қийинчиликларни енгиб ўтиб, осойишталик ва муваффақиятга эришади.

Агар тушингизда мармарга ишлов бериб турилганини кўрсангиз, кутаётганингиз меросга эга бўласиз.

Тушга синиқ мармар кириши шериклардан озор топишга ишорадир.

**Маъдан суви.** Агар бемор одам тушида маъдан суви ичса, ўнгида касалига шифо топади ва кимки маъдан сувини тушида ичса, муроди ҳосил бўлади. Яъни иштиёқ билан кутилган орзу ва истаклар амалга ошади.

**Метал.** Тушда метал кўриш яхшиликка йўйилади; кимки тушида метал парчаси топиб олса, ночорликдан қутилади. Эр киши метал ўчоғини кўрса, ўнгида муваффақият қозонади. Агар эрсиз хотин бундай туш кўрса, турмушга чиқади. Агар оилали аёл бундай туш кўрса, ризқининг ортишига ишорадир.

**Нур.** Кимки тушида одатдагидек нур кўрса, демак, ҳаётда тўғри яшашига ишора бўлади. Агар нур одатдан ташқари кучайиб кўринса, ташвишга йўйилади.

**Ой.** Тушингизда ой порлаб кўринса, демак, ўнгингизда ишларингиз яхши бўлар экан, ой хира кўринса, заифлик ва умрнинг қисқа эканлигига ишорадир.

**Орол.** Кимки тушида ўзини бирон оролда кўрса, демак, ўнгида чорасиз ҳолатга тушар экан. Баъзилар бу тушни бойлик орттиришга ҳам йўядилар.

Агар аёл киши тушида оролни кўрса, яхши бир хонадон бекаси бўлади.

Агар тушдаги оролда ҳеч нарса бўлмай, қоқ қуриган бўлса, киши ўнгида ичкиликка берилганлиги туфайли барча бойлигини ва бахтини йўқотади.

Агар тушга кирган оролда одамлар кўринса, у ҳолда киши ўнгида жамиятда юқори даражани эгаллаш учун кураш олиб боради.

Умуман, тушда тиниқ сув билан қуршалган оролни кўриш тинчлик ва хотиржамликка ишорадир.

**Осмон.** Ҳазрат Дониёл тушда осмон кўришни таъбирлаб, агар киши ўзини биринчи осмонда кўрса, ажали яқинлашипти, иккинчи осмонда кўрса, илми ва фазилати зиёда бўлипти, учинчи, тўртинчи, еттинчи осмонда кўрса, унга давлат ёр

бўлипти, агар осмондан овоз, азон ёки мутлақ овоз эшитса, амри хайрга далолат, агар осмон эшиклари очиқ кўринса, демак, унинг дуолари мустажоб бўлади, дейди (10, 61-бет).

Муаббирлар тушга тиниқ осмон кирса, шон-шараф ва яхши одамлар билан сайру саёҳат, агар акси бўлса, киши ўнгида умидларнинг пучга чиқиши ҳамда аёл тарафидан озор етишига ишора, дебдилар.

Осмон қизарганини кўриш жамиятдаги алғов-далғовликка ишора.

Юлдузлар тўла осмонни кўриш ҳаётда ўз ўрнини топиш учун курашни ва бу курашда муваффақиятни англатади.

Агар тушда осмонга нарвон билан чиқаётганингизни кўрсангиз, ўнгингизда дафъатан катта бир мартабага минасиз ва машаққатсиз топилган бу мартабадан тезда ажраласиз.

**Офтоб.** Тушда офтоб кўришни ҳам ҳазрат Дониёлдан иқтибос қилиб, қуйидагича таъбир қилганлар.

Ҳар ким тушида офтоб кўрса, подшоҳлик ёки вазирликка сазовор бўлади ёхуд агар подшоҳлик ёки вазирлик насиб қилмаганда шу даражада иззат ва ҳурмат кўради, агар офтоб билан жанг қилса ёки унга хусумат қилса, подшоҳликдан унга зулм етади, агар офтоб ва ой равшанлиги билан жойида кўринса, подшоҳ ўз салтанатида мустаҳкам бўлади, агар офтоб бенур бўлса ёки ерга тушса, подшоҳлик салтанатида таназзул воқеъ бўлиб, мамлакатда нотинчлик бўлади, дейдилар.

Ибн Сирин офтобни яхши хотин ва фарзандга таъбир қилган (10, 61-62-бетлар; 33, 25-бет).

Тушда офтоб ботаётганлигини кўриш омаднинг қўлдан кетишига ишора. Бундай туш кўрган киши ҳамма нарсадан эҳтиёт бўлмоғи керак.

Агар тушингизда офтобнинг булутлар орасидан мўра-лаётганини кўрсангиз, ташвишларингиз ортда қолганига ва омад сизга ёр бўла бошлаганига ишорадир. Агар оилалик аёл офтобнинг чарақлаб чиқиб келаётганини кўрса, ўғил тугади ва у солиҳ фарзанд бўлиб етишади.

Офтоб нурларининг бошингиз атрофида айланаётганини кўрсангиз, ўнгингизда буюк иззат ва мартабага эришасиз;

бундай туш жинояткорнинг тушига кирса, демак, сидқи-дилдан айбига иқрор бўлганлиги учун афвга сазовор бўлади.

Офтоб тушиб турган хонага кирсангиз, бу туш бойлик ва муваффақиятга ишорадир.

**Пўртана.** Ҳар ким тушида кучли пўртанага тушиб қолса, ишларидан омад кетади.

**Равшанлик.** Ибн Сирин тушда равшанлик кўришни илму ҳидоятга йўйиб, кишининг ўнгида маърифатдан баҳраманд бўлишини айтган (10, 63-бет).

**Сел.** Кимки тушида сел қуйганини кўрса, демак, ўнгида ўзи яшаётган шаҳар ёки мамлакатда серобгарчилик бўлар экан. Туш соҳибининг ўзи эса, барака топиб, фаровонликка эришар экан.

**Сой.** Агар кимки тушида сой бўйида турганини кўрса, юксак мартаба эгаси бўлишидан далолатдир.

Аммо сой бўйида туриб, бирдан сойга тушиб кетса, демак, ўнгида қандайдир бир таҳлика бор; эҳтиёт бўлмоғи керак. Агар тушида сойга тушиб кетса ва кейин ундан машаққат билан сузиб чиқса, ўнгида барча қийинчиликлардан қутилишини, агар сузиб чиқолмаса, таъвишли ва машаққатли кунларни бошидан кечиришини билдиради.

**Сув.** Агар киши тушида оқар сувни кўрса, ўнгида ўз ишларининг маромида боришини англатади. Бу туш яна кўп мол-мулкка ва даромаднинг кўп бўлишига ҳам ишорадир. Агар ўйингизда сув кўрсангиз оила қуришга ва оилавий бахтга далил бўлади. Ибн Сирин тиниқ сув кўришни умрга, яъни ҳаётнинг хотиржамлик билан ўтишига йўйибди (10, 63-бет).

**Ташландиқ ер.** Киши агар ташландиқ ерда ўзини кўрса ёки умуман ташландиқ ерга назари тушса, ўнгида дард-алам чекади, бошига ташвиш ёғилади.

**Текислик.** Тушда текислик кўриш яхшиликка йўйилади; текис бир майдонни тушида кўрса, демак, янги бир фойдали иш бошлар экан; бирон нарсадан сиқилиб юрган одам бундай туш кўрса, сиқилишдан қутилиб, фароғат топади; бемор текислик кўрса, шифо топар экан

Савдогар, тадбиркор тушида текислик кўрса, демак, катта даромадга эга бўлар экан.

**Тена.** Тушда тепалик кўриш ўнгда яхшиликдир. Агар эр киши тепалик кўрса, ўнгда фаровонликка эришади; аёл киши кўрса, ўгил тугади.

Кимки тушида баландликка чиқиб ўтирган бўлса, ўнгда мол-мулк соҳиби бўлишига ишорадир. Бу тушни мартабага ҳам йўйбдилар.

**Тонг.** Тушда тонг отганини кўриш хайрга йўйилади, яъни ўнгингизда муваффақиятли ишларингизга ишора. Бемор одам тушида тонг отиб келаётганини кўрса, ўнгда шифо топади.

**Тош.** Агар тушингизда тош кўрсангиз, ўнгингизда оилавий муносабатларингиз мустаҳкам бўлади ва бу туш ризққа ҳам ишорадир. Кирмонийдан иқтибос қилиб айтадиларки, тушда тош кўриш ҳалол мол ва бузрукликка далолатдир, агар тош оқ ва мулойим бўлса, ундан фойда кўпроқдир. Агар туш соҳиби тошни бирон жойдан кўчириб олса ёки биёбондан йиғиб келган бўлса, молу дунёси кўп бўлади. Жаъфар-и Содиқ тушда тош кўришни тўрт нарсага йўйибди: мол ва бузруклик, қаттиқ меҳнат, унумсиз касб, машаққат (10, 73-74-бетлар).

**Тоғ.** Тушингизга тоғ кирса ёки тушда тоққа чиқсангиз ёхуд тоғда истиқомат қилсангиз хайрликдир; барча муродларингиз ҳосил бўлиб, мартабангиз улуг бўлади. Тоғ устида тушингизда намоз ўқисангиз барча ишларингиз яхшиликка юз тугади.

**Тўлқин.** Агар тушингизда дарё ёки денгиз тўлқинларини кўрсангиз, ўнгингизда машаққатларга дуч келасиз; бу тушни товламачилар товлаб кетишига ҳам йўйганлар.

**Уфқ.** Агар киши тушида уфқни кўрса, илгари бирон нарса сабаб бўлиб сиқилиб юрган бўлса, ўнгда шу асабий ҳолатдан қутилади, агар уфқ қорайганини кўрса, келажакда бирон кўнгилсиз ҳодиса рўй беришидан далолатдир.

**Фаввора.** Ҳар ким тушида қуёшда товланиб отилаётган фавворани кўрса, қувонч ва кўнгилли сафарга далолат. Агар тушда фаввора суви қандайдир туман орасидан чиқаётган бўлса, носамимийликка дуч келинади ва муҳаббат ишларида омадсизлик рўй беради. Куриб қолган ва бузиб ташланган фаввора — бахтсизликдан нишона. Агар балоғатга етган қиз ёки жувон ой нурида товланиб отилиб турган фавворани тушида кўрса, фожиали тугайдиган кўнгилочар ишларга машғул бўлади.

**Хазонрезгилик.** Агар аёллар тушларида хазонрезгиликни кўрсалар, кимлар биландир жанжаллардан кейин мулкка эга бўладилар. Агар бирон аёл тушида хазонрезгилик пайтида турмушга чиқаётган бўлса, бу унинг бахтли турмушидан, фаровон хонадондан, муҳаббат ва садоқатдан далолат беради.

**Чашма.** Тушга чашма кирса-ю, агар унинг суви лойқа бўлмай, тиниқ бўлса ва суви қайнаб чиқиб турган бўлса, бу туш ўнгда қўлга пул киришидан далолат беради.

**Чўл.** Агар тушингизда чўлда бўлиб қолсангиз ёки бирон чўлни ёхуд қақроқ ерни кўрсангиз фаровонлик ва севинчингизга ишора бўлади.

Ибн Сириннинг айтишича, тушда кўрилган чўл қанча кенг бўлса, шунча хурсандлик ҳосил бўлади (10, 76-бет). Агар тушингизда чўлда кетаётиб адашиб қолсангиз, ғам-андухга ишорадир.

**Шамол.** Агар тушда шамол ғувилласа мақом ва мартабанинг ортишига ишора бўлади, тушда шабада эсса, роҳат, севинч ва баракага йўйилади, шамол қанотларида кўкка учиш касалликлардан фориг бўлишга ишорадир. Яна шамолни муаббирлар башоратга ҳам йўйибдилар.

**Шафақ.** Агар тушингизда тонгги шафақни кўрсангиз, на фақат ўзингиз, балки сиз яшаётган шаҳар ёки мамлакат ҳам мўлчиликка юз тутади.

**Шудгор.** Агар тушга кузги шудгор кирса, туш соҳиби кузги шудгор қилинган ерни кўрса, сабрга ишора ва бу сабр-қаноатдан сўнг тилаклар амалга ошади.

**Эпкин.** Ҳар ким тушида эпкинни ҳис қилса, ўнгида бирон ташвишга йўлиқади.

**Юлдуз.** Агар тушингизда осмонда юлдуз чарақлаб турганини кўрсангиз, биродарингизни соғ-омон, хуш-хурсандчиликда кўрасиз, агар юлдуз хира тортган ёки кўзга унча илганмас ҳолда бўлса, унда биродарингиз ё бемор ёки бирон нарсадан безовта. Муаббирлар тушда юлдуз кўришни мартабага ва манфаатга, шунингдек, мададга ҳам йўйганлар

**Яйлов.** Кимки тушида кенг яйловни кўрса ва унда пода ўтлаб юрган бўлса, хусусан пода ўзиники бўлса, ризқи мўл бўлади.

**Ўрмон.** Тушда ўрмонни кўриш ўнгда маъмурликка ишора, аммо баъзи таъбирларда ўрмон бой ва саховат кўрсатувчи бирон одамга учрашиш, дейилади.

Муаббирлар бу тушнинг таъбирини давом эттириб айтдиларки, кўкариб турган ўрмон омадга ишора, қуриб ётган ўрмон манфаатларнинг завол топишига далолатдир. Агар ўрмонга ўт кетган бўлса, киши ўнгида ўз тилақларига эришади. Ҳар ким қалин ўрмонда юрган бўлса, ўнгида ишидан омад кетади ва оилавий келишмовчиликлар келиб чиқади.

Агар тушда ўрмон ичида бўлиб, осмонга бўй чўзган дарахтларга ҳайрат билан қарасангиз, ўнгингизда катта муваффақиятларга эришиб, шуҳрат топасиз.

**Ўт (олов).** Агар киши тушида ўт кўрса, касалликдан шифо топишга йўйсин. Агар уй ичида алангали ўтни кўрса, демак, ўнгида оиласининг яхши ва аҳил бўлишига ишорадир, агар кийимини ўтга ташласа ва у ёнса, ўнгида қариндошлар орасида келишмовчилик бўлади.

**Қор.** Инсон тушида ҳар нарсани кўриши мумкин, масалан, ёз пайтида, умуман қиш мавсумидан ташқари фаслларда ҳам қор кўрса ва ундан еса, ўнгида ғам-ташвишга қолади, қиш мавсумида қорни кўрса ва ундан еса, ризқи кўпаяди. Умуман қиш мавсумида қор кўриш омад, ундан ташқари пайтларда қор кўриш бунинг тескариси бўлиши мумкин.

**Ғор.** Агар тушингизда ғор кўрсангиз, демак, ўнгингизда муродларингиз ҳосил бўлади, демак, сизнинг ҳимоячи дўстларингиз ва сизни қўллаб-қувватлайдиган улуг кишилар бор.

**Ҳаво.** Ҳар ким тушида иссиқ ҳаводан нафас олаётган бўлса, демак, ўнгида уни ёвуз ишларни қилишга мажбур қилар эканлар. Совуқ ҳаводан нафас олиш эса, ишдаги чалкашликларга ва оилавий келишмовчиликларга ишора.

### ***Инсон ва унинг фаолиятига оид тушлар***

**Авлиё.** Кимки тушида авлиё ёки валийларни кўрса, ташвишлардан қутилишига, мушкулларининг осон бўлишига ишорадир.

**Адвокат<sup>1</sup>.** Тушда адвокатни кўриш қобилият ва салоҳиятдан далолат; бундай туш кўрган киши, демак, бошқалар фикрини ҳам ҳурмат қилар экан, аммо бошқаларга баҳо беришда ва бошқалар ҳақида гапиришга эҳтиёт бўлмоғи керак экан.

Агар тушда адвокат сизни ҳимоя қилса, демак, дўстларингиз энг қийин дамларда сизни қўллаб-қувватлар экан.

Лекин адвокатни судда кўриш қандайдир бир мулк хусусида жиддий келишмовчиликлардан далолат беради.

Агар адвокат қиз ёки жувоннинг тушига кирса, ўнгида аҳмоқона бирон иш қилишига ва ҳаётда қилган ишлари одамлар оғзида гап-сўзларга ва турли гийбатларга ишора бўлади.

**Ака-укалар.** Тушда биродарларни кўриш ўша тушдаги воқеаларнинг ҳолатига кўра таъбир қилинади.

1) Агар биродарлар соғлом ва ғайратли кўринсалар, ўнгингизда яхши кўнглирингиз учун қувонасиз.

2) Агар улар тушда қашшоқ ва ғамгин кўринсалар, ўнгда кўнглисиз ҳодиса рўй беради.

3) Тушда биродарлар билан сўзлашиш ўнгдаги хафачиликка ишора.

4) Агар тушда биродарлар ўлган бўлсалар, демак, ўнгда уларнинг умрлари узоқ бўлар экан.

<sup>1</sup> Бу уринда умуман ҳуқуқшуносни ҳам тушиниш мумкин.



**Алифбо.** Агар саводсиз одам тушида алифбо кўрса, кутилмаган жойдан унинг бошига ташвишлар ёғилади, агар бундай тушни олим киши кўрса, ишлари ривож топади.

Тушда алифбо ёзиш унисига ҳам, бунисига ҳам кўнгилсизлик келтиради.

**Актёр.** Умуман тушда актёрни кўриш ўнгда бир лаҳзалик кўнгилхушликка далолат.

Аммо қизиқчи актёрни кўриш бошланган ишнинг муваффақиятли тугашига ишора.

Драматик театр актерини саҳнада кўриш ва унинг ҳаракатларини томоша қилиш кутилмаган қувонч ва хушxabарга далил бўлади. Фожевий томошаларда иштирок этадиган актёрни кўриш мулкни, дўсту биродарларни йўқотишга ишорадир.

Агар қиз тушида актёрга турмушга чиқаётганини кўрса, ўнгида шуғулланаётган иши уни тушкун аҳволга солиб қўяди.

Агар эр киши тушида актриса билан кўнгилхушлик қилса, оиласида нотинчлик бўлади.

Баъзи муаббирлар тушда актерни кўриш қашшоқ, зерикарли ҳаётга ҳам ишора, дебдилар.

**Асалари.** Ҳар ким тушида асалари кетидан қувибди, хоҳ уни тутсин, хоҳ тутмасин, ўнгида даромадли ишга қўл уришига ва бу ишдан катта манфаат олишига ишора бўлади.

Яна айтадиларки, қишлоқдап яшовчи киши тушида асалари кўрса, даромадга ишора, шаҳарлик кўрса, ўнгидаги ташвиш ва беҳаловатликдан далолат.

Тушда асаларини ўлдириш ўнгдаги зиён кўришга ишора бўлади.

Агар зобит тушида асалари кўрса, ўнгида интизомли аскарларга қўмондонлик қилади.

Кимники асалари чақса, ўнгида ҳақорат эшитади.

Тушда асалари подаси қувса, ўнгдаги хайрли ишларга ишорадир.

**Асир.** Тушда асир бўлган кишини кўриш беморнинг соғайишига ишорадир. Аммо ўзни асир бўлган кўриш ҳоинлик ва хиёнат билан тўқнаш келишига далолат бўлади. Агар тушида асир бўлиб, асирликдан қутилса, яхшиликка, асирликдан қутилолмаса, ўнгида бошига ҳақоратлар ёғилади.

Аёл киши тушида ўзининг асира бўлганлигини кўрса, демак, эри уни ўз дўстларидан рашк қилади ёки ўйламай босган қадами учун гийбатга қолади.

**Аскар.** Агар киши тушида ёлғиз аскарни кўрса, ўзи касал бўлса, ўнгида тузалишига ишора, ҳибсдаги одамнинг озод бўлишига далил, аскарлар тўдасини кўриш душман устидан ғалабага ишорадир.

**Ахлатчи.** Тушда ахлат кўриш бойликка ишора, дейдилар. Агар ахлатчи тушда кўрилса, кўп мол ва пул топишга далилдир, тушда ахлатчи ахлатларни ниғиштириб олиб кетса, аксидир.

**Базм.** Умуман тушда базм ва базмда иштирок этиш хушхабар ва табрикка ишорадир. Бундай туш дўстларнинг хайрхоҳлигидан далолат беради.

Агар тушида киши ўзини қувноқ, тўкис кийинган одамлар даврасида кўрса ва дастурхон тўкин бўлса, ҳар бир ишда улкан муваффақиятга, дўстлар даврасида бахтиёрликка далилдир.

Агар бу базмда хўмрайган, қовоғидан қор ёққан меҳмонлар иштирок этса ва дастурхон қашшоқ бўлса, юқоридагиларнинг аксидир.

**Банк.** Тушингизда банк хазиначисининг бекор ўтирганини кўрсангиз, ишингиздан пугур кетгани бўлади. Банкка олтин топшириш сизнинг энгилтаклигингиз, саранжом эмаслигингиз, эҳтиётсизлигингиздан далолат; аксинча, банкдан олтин олиш эса, ўнгингиздаги катта даромаддан дарак.

Банкда уюб қўйилган пулларни ва кумушларни кўрсангиз, ўнгингизда ҳурмат ва фойда топасиз.

Тушингизда банкда фаррош бўлиб ишласангиз, ўнгингизда бой бўласиз.

**Баҳслашмоқ.** Тушда биров билан баҳслашиш тўрт нарсага далолатдир: соғлиқнинг ёмонлашуви, гийбатга қолиш, оилада кутилмаган жанжал, фарзанднинг қайсарлиги.

Агар тушингизда илмий кенгашларда баҳслашаётган бўлсангиз, демак, ҳали сизда яшириниб ётган қобилият бор экан, фақат буни ўзингиз билмаётган экансиз, ўнгингизда бу қобилиятни ишга солишингиз мумкин.

**Бемор.** Тушдаги беморлик ҳам бир неча турли таъбир қилинади: ёш жувон тушида тузалмас касалга йўлиқса, тез орада бокираликнинг нақадар улуғ неъмат эканлигини тушуниб етади; агар қариндошларингиздан бирини касал ҳолда кўрсангиз, кутилмаган бир ҳодиса оилангиз тинчлигини бузади; тушда қутуриш касаллиги билан беморланиш номард одамларнинг қиладиган ёмонликларига ишорадир; тушда ичкелар касаллигига йўлиқиш кимнингдир айби билан ишдан путур кетишидан хабар беради; сариқ касали билан оғриш қийин ишларнинг ҳал бўлишига далилдир; боланинг касал бўлиши бекорчи хавотирга далилдир; тушда никрис касаллигини кўрсангиз, ўнгингизда қариндошларингиздан бирининг қайсарлиги қонингизни қайнатади ва бу нарса жиндек моддий зарар келтиради; кимнингдир рак касалидан шифо топишини кўриш бойликка далолат қилади; агар вабо барчани қириб, мамлакатнинг бўм-бўш қолганини кўрсангиз, билингки, бу юқумли касаллик тарқалишидан далолат.

Ибн Сириин тушдаги беморликни дин ва сўздан путур кетишига йўяди, аммо бемор тушида одамлар билан суҳбатлашиб ўтирган бўлса, тезда шифо топар экан, агар бемор одам тушида ялонғоч бўлса, ўлимидан далолатдир. Мағрибий ҳам шундай таъбир қилади (10, 32-бет; 33, 33-бет).

**Билет.** Тушга кирган ҳар қандай билет сафарнинг тинч, осойишта ва саломатлик билан кечишини англатади.

**Биржа.** Киши тушида биржа ўйинларида иштирок этса, демак, у ўнгида майда-чуйдалар ва қўлдан кетадиган пул учун қайғуради ва машаққатга қолади.

**Бозор.** Бундай туш савдо-сотикдан бегона одамлар учун ташвиш келтиради, савдогар ва олиб-сотар учун муваффақиятдан далолат. Ҳар қандай одам учун бозор майдонини кимсасиз кўриш ишнинг чатоқ эканлигига далил ва хўрланишдан далолат.

Бозор расталарида чириган мевалар ва ириган гўшти кўриш ишнинг чаппасидан кетганлигини англатади.

Агар жувон тушида бозорни кўрса, тақдирида кўп ўзга-ришлар рўй беради.

Баъзи муаббирлар киши тушда ўзини бозорда кўрса, ўнгида тежамкорликка эътибор бериб, иш соҳасида ўта фаол бўлар экан, дейдилар.

Яна айтадиларки, бозорда сотиш — йўқотиш, сотиб олиш — манфаат.

**Бой.** Бой қимсани тушда кўриш сиқилишга, ўзини бой кўриш қашшоқликка ишорадир. Аниқроқ қилиб айтганда, қашшоқ ўзини бой кўрса, бойлик, бой ўзини бой кўрса, қашшоқ бўлади.

Бундай туш баъзан касалликка ҳам ишорадир.

Агар ёш жувон бундай туш кўрса, ота-онасига эътиборлироқ бўлишига ишора, дейилибди.

**Бола.** Кишининг тушига бола кириши турли ҳолатларга қараб бир неча хил таъбир қилинади.

Эмаётган болани кўриш узоқ давом этадиган оғир касалликка далолат. Агар бундай ҳолат ҳомиладор аёлнинг тушига кирса, у қиз туғади ва унинг туққан боласи кўп яшамайди ёки бу аёл тез орада эрдан ажралади.

Тушида чиройли бола кўрган киши муҳим бир дўстликка эришади.

Ҳовлида кўп болаларнинг югуришиб юрганини кўрган одам фарзандсиз бўлса, ўнгида ташвишларга дуч келади, серфарзанд одам бундай туш кўрса, демак, у кўпроқ болаларининг тарбияси билан шуғулланиши керак экан.

Агар тушда йиғлаётган бола аён бўлса, соғлиқнинг ёмонлашуви ва умидсизликдир: қувноқ, ширин ва озода бола ёниқ муҳаббат ва кўп яхши дўстлардир.

Ёлғиз уйнаб юрган бола ҳеч кимга тобеъ бўлмасликдир.

Агар аёл киши тушида бола боқаётган бўлса, ишонган одамидан алдов кутаверсин. Касал болани қўлга олиш умидсизлик ва ғамга ишорадир.

Умуман болани тушда кўриш аксарият яхшиликка йўйилади.

Агар тушда кимки қиз фарзанд кўрса хайру баракот топади.

Ибн Сирин тушда қиз фарзанд кўришни яхшиликка йўйган (10, 81-бет: 33, 52-53-бетлар).

**Боғ ва боғбон.** «Ҳар ким тушида боғни кўрса, унга сув берса, хотин олғай ёки хотинга яқинлик қилгай. Агар шафтоли экса, Аллоҳ таоло илмпарвар фарзанд ато қилгай. Гулдаста райҳонларни бут қилиб турса, фарзанди доно, оқил киши бўлиб етишгай.

Агар ўзини боғ-роғли кўрса ёки биров унга боғ берса, далил бўлғайки, унга молдор ва соҳибжамол хотин насиб бўлғай. Агар ўз қўли билан боғ обод қилиб, унинг мевасидан ўзи еса, яхши хотин олғай ва яхши фарзандлар ато қилгай» (10, 28-29-бетлар).

«Дониёл алайҳиссалом айтибдурларки: «Ҳар ким тушида боғ кўриб, анга сув берса, хотин олғай ёки хотинига яқинлик қилгай. Агар у боққа гул, райҳон экиб турса, Аллоҳ таоло унга фарзанд-и солиҳ ато қилгай. Агар у шафтоли экиб турса, Худо-и таоло олим ва фозил фарзанд ато қилгай, агар у райҳон-гул дастасини ҳидлаб юрса, Аллоҳ унга дилбар ва доно фарзанд ато қилгай, агар у боғ сотиб олса ёки биров унга боғ ҳадя қилса, Аллоҳ унга бадавлат хотин ато қил- гай, агар у ўз қўли билан боғ обод қилиб, мевасидан еса, унга соҳибжамол хотин ва солиҳ фарзанд ато қилгай» (33, 30-бет).

Булардан ташқари бошқа таъбирлар ҳам бор:

Тушда ўз маҳбубаси билан боғ сайрида бўлган йигитнинг тўйи яқин экан. Агар боғ етилган мевалар билан тўлган бўлса, кишининг қилган меҳнати тақдирланибди ва тадбиркорлик ишларида олдинги сафга ўтибди.

Аёл киши тушида боғ кўрса ва унда мевалар етилган бўлса, бахтли оиланинг соҳибаси бўлибди.

Агар боғда чўчқалар мева еб органини кўрсангиз, у ҳолда, биринчидан, сиз мулкингизни йўқотган бўласиз, иккинчидан, сиз яшаётган мамлакатда золимлар ҳукмронлик қиладилар. Агар боғ қуриган бўлса, касофатдир. Тушда боғбонни кўриш ниҳоятда севиншга ишорадир. Агар киши

ўз боғида боғбон юрганини ва боққа парвариш қилаётганини кўрса, бахтиёр оилавий ҳаётга ишора бўлади.

**Бўғча.** Агар кимки тушида бўғча кўрса, қутилмаган ердан ва қутилмаган вақтда ёрдам олишига ишорадир.

**Вабо.** Вабо касаллиги билан боғлиқ тушлар яхшиликка йўйилмайди; сиқилиш, азоб-уқубат, машаққатли меҳнат каби нохуш нарсалар шу тушга тааллуқлидир.

**Варрак.** Агар ўзингиз томга чиқиб варрак учираётган бўлсангиз, шон-шараф, юксак мартаба, иззат-ҳурмат топишингизга ишора бўлади, агар бировнинг варрак учираётганини кўрсангиз, муродга етмасликка йўйилади.

**Ваъда.** Агар тушингизда кимгадир бирон нарса ваъда қилиб юборган бўлсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг, кимдандир қарздор бўлиб қолишингиз мумкин ёхуд кимнингдир ёки кимларнингдир олдида қизаришингиз бор.

**Ваъз.** Тушда ваъз айтилаётганини кўрган киши, демак, юриш-туришида эҳтиёт бўлиши лозим экан, чунки у ўз фаолиятида донишмандларнинг насиҳатига муҳтожлик сезар экан.

**Ваҳший.** Тушда ваҳший ҳайвон ёки ёввойи одам кўриш душман кўпайишига йўйилади, аниқроқ қилиб айтганда, душманлар очиқ равишда ҳужум қилар эканлар.

Агар тушида кимса ўзини ёввойи одам сифатида кўрса, олдига қўйган режаларининг амалга ошмаслигига ишорадир.

**Виза.** Агар тушингизда паспортингизга виза қўйдираётганингизни кўрсангиз, демак, ўнгингизда яқин бир дўстингизнинг ёрдами билан барча муаммолардан қутилар экансиз.

**Видо.** Видолашмоқликка боғлиқ бўлган тушлар яхшиликка йўйилмайди. Бу ўринда бир қадар кўнгилсиз таъбирларни келтирамиз: агар ғамгин бўлиб хайрлашилса, ниманидир йўқотишга йўйилади; агар уй ва мамлакат билан хайрлашилса, муваффақиятсиз сафар қутилади; баъзан видолашув кўнгилсиз хабарга ҳам ишорадир.

Агар қиз ёки жувон қаллиғи ёки таниши билан хайрлашаётган бўлса, ўнгда улар ўртасидаги муносабат совийди.

Агар қиз ёки жувон қувноқлик ва хурсандлик билан хайрлашса, ўнгида қаллиғини ташлаб, бошқаси билан топишади.

**Воиз.** Тушда воизни кўриш сиқилиш, ташвиш ва касалликка ишорадир.

Агар воиз нутқига киши таъсирланиб қулоқ солаётган бўлса, ўнгида бачкана хушомад таъсирига тушибди ва хушомадгўйларга ёрдам берар экан.

Агар қиз тушида воизнинг баландпарвоз гапларига учган бўлса, ўнгида йигитнинг ташқи кўринишига қараб севиб қолади.

**Волейбол.** Умуман тушда ҳархил ўйинларни кўриш турлитуман таъбир қилинади, аммо тушда волейбол ўйнамак бахтли ва нашъали кунлар келишига ишора бўлади. Бу тушнинг таъбирида коптокнинг баландга отилиши ҳисобга олинади.

**Волий.** Киши тушида волийни кўрса, бунинг таъбири яхшиликка йўйилмайди, чунки бу туш гуноҳга ботиш, ўйин ва эрмакка ишорадир.

**Гувоҳ.** Агар киши судда ёки бошқа бирон жойда бирон нарсага гувоҳлик берса, ўз рақибларини енгишига, барчага куч-қудрати нималарга етишини исботлашига йўйилади. Умуман бу туш иқтидорга ишора.

**Дорбоз.** Тушда дорбоз кўриш санъатнинг бирон соҳасида шуҳрат қозонишга ишорадир. Аммо бу тушнинг умумий таъбири. Аниқроғи шуки, тушда дор устига чиқиш душман устидан ғалабадир. Агар тушда киши дор устидан тушса, турмушнинг энг ёрқин кунлари ва сонияларидан бирида умидсизлик ва ишнинг орқага кетишига ишора бўлади. Тушда дор устида юра билиш қандайдир таваккал бир ишда иштирок этиш ва унда ютиб чиқишга ишора бўлади.

Дор устида бошқаларнинг юриб кетаётганлигини кўриш фирромлик йўли билан қўлга киритилган фойдага шерик бўлишдир.

**Доя.** Ҳомиладор аёлнинг тушида доя кўриши қиз кўришига, ҳомиладор аёлнинг эри тушида доя кўриши ўғил кўришга ишорадир.

Ҳомиладор аёл билан унинг эридан бошқалар учун тушда доя кўрмак касалликка ишора, бу касаллик фожиа билан ҳам тугаши мумкин.

Балоғатга етган қиз учун бундай туш машаққат ва қашшоқликдан далолат.

**Дурадгор.** Тушда дурадгор кўриш, хоҳ у иш устида бўлсин, хоҳ бўлмасин, эр-хотинлардан бирининг ўлимига ишорадир.

Жаъфари Содиқ ҳар ким тушида дурадгор уста бўлиб, иморат қурса, одамларга маслаҳатгўй бўлади, деб таъбир қилган (10, 37-бет).

**Душман.** Тушда душманни енгиш дўстликка, душман келганини кўриш таҳликага ишорадир.

Кимки тушида душманини учратибди, ўнгида ўз манфаатини қаттиқ туриб ҳимоя қилади, акс ҳолда зарарга йўлиқади. Агар тушда душман уни ғийбат қилаётганини кўрса, демак, ўнгида унинг атрофида ёвуз одамлар кўпаяр экан.

Агар тушида душман билан ҳазил-мазах қилса, ишнинг ўнгидан келишига, рақиблар билан ярашишга ишорадир.

Агар душмани қўлига тушса, ўнгида иши тўхтаб қолади, агар душманни ўзи қўлга туширса, унинг барча ёвуз ниятларини барбод қилибди.

**Етим.** Тушда етимни кўриш атрофдаги одамларга яхши муомалада бўлиш лозимлигига ишорадир.

Тушда етимни кулдириш, овутиш ишларнинг яхши кетишига, йиғлатиш, уни хафа қилиш ишларнинг чаппасига кетишига далолатдир.

**Етишмовчилик.** Агар кимки тушида рўзғорида етишмовчилик кўрса, фаровонлик ва баракага ишоратдир.

**Ёлғон.** Тушдаги ёлғон яхшиликка иўйилмайди. Кимки тушида жазодан қочиб ёлғон гапираётган бўлса, айбисиз одамга нисбатан инсофсизлик қилишига ишорадир.



Агар тушда бошқа одамлар ёлғон гапираётганини эшитилса, демак, туш кўрган одамни номардлар қопқонга туширишмоқчи экан.

**Ёмон ҳид.** Тушда ёмон ҳид сезиш кўнгилсизликка ишора бўлади; кўнгилсиз баҳс. омонат иш ва ҳоказо.

**Ёқимли ҳид.** Тушда димоғга ёқимли ҳид урилаётган бўлса, ўнгда лобар бир аёл томонидан кишининг молиявий аҳволи яхшиланади.

Қиз ёки жувен тушида ёқимли ҳид сезса, ўнгида кўнглига ёқадиган совға олади.

**Жадвал.** Агар киши тушида жадвал кўрса, яхшиликка йўйсин, демак, унинг ишлари, сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари тўғри экан.

**Жаллод.** Бу касбдаги одамни хоҳ ўнгда бўлсин, хоҳ тушда бўлсин, кўриш жирканчлидир. Тушда жаллоднинг аён бўлиши ташвиш, алам ва ғамга ишора бўлади.

**Жарроҳ.** Агар тушингизда жарроҳни кўрсангиз, анчадан бери сизни қийнаб келаётган муаммоларни ҳал қилишингиз мумкин эканлигини англатади.

Балогатга етган қиз учун бу туш жиддий касалликдан огоҳлантиради; ўз сиҳҳати учун қайғуриши керак экан.

**Жасад.** Киши тушида жасад кўрса, оиласида ёки кўниқўшниларида ўлим содир бўлади ёхуд бу туш дўстлардан биронтасининг ўлимига йўйилади.

**Жинни.** Агар тушингизда дўстларингиздан бирининг жинни бўлганини кўрсангиз, уларнинг биронтасидан зарар етишини кутишингиз мумкин.

**Жиноят ва жиноятчи.** Тушда жиноят кўриш ҳожат раво бўлишига ишорадир. Аммо жиноятчи билан ҳамсуҳбат бўлиш ёки умуман бирга бўлиш сиз билан яқинликдан фойдаланиб, ўзининг ғаразли мақсадларини амалга оширмоқчи бўлган одамларни англатади. Агар адолат маҳкамасидан қочиб юрган жиноятчини тушингизда кўрсангиз, демак, сиз

қандайдир яширин сирларни биласиз ва рақиблар сиздан қасд олиш ниятида сизга зарар келтирадилар.

Бу тушнинг англатишича, сиздан чўчиган одамлар об-рўйингизга путур етказмоқчилар.

**Жоду.** Тушда жоду ва жодугарни кўриш яхшиликка йўйилмайди, аксарият ҳолларда алданишга, чув тушишга йўйилади. Тушида жодугарни кўрган одам Иблисни кўрибди, тавба қилиб, садақа бериши керак.

**Жосус.** Умуман тушда жосус кўриш бирон кимсадан ёмонлик келишига ишорадир. Агар кимсанинг тушида уни жосуслар кузатаётган бўлсалар, ўнгида жанжал ва қўнгилисиз воқеалар бўлади. Агар туш кўрган кимсанинг ўзи жосуслик қилаётган бўлса, у ҳолда ўнгида қилган ишидан фойда ола билмайди.

**Жюри.** Агар тушингизда жюри ҳайъатини кўрсангиз, умид қилган муҳим ишларингиз тезда амалга ошишига ишора бўлади.

**Заргар.** Агар тушда заргарни кўрсангиз, ўнгингизда ёлғон ва ҳийлага дуч келасиз.

Баъзи таъбирларда заргарни тушда кўриш ўнгда ширин бўлишга ишора, дейилади. Кейингиси балоғатга етган қизларга тегишли.

**Захира.** Кимки тушида захира кўрибди, яқин кунларда бой бўлишига ишорадир.

**Заҳар.** Тушда заҳар кўриш қўлга киритиладиган мулкка ишора бўлади.

Агар аёл киши кундошини ёки эрининг маъшуқасини заҳар бериб ўлдиришга ҳаракат қилаётган бўлса, демак, у турмушда эрини ушлаб туrolмас экан.

Агар тушингизда душманингиз заҳараланган бўлса, демак, олдингизда турган барча мушкулликларни енгиб ўтасиз. Агар тушингизда сизни заҳарласалар, ёмон таъсирдан эҳтиёт бўлинг.

**Зиёфат.** Туш кўраётган одам ўзини зиёфатда кўрса, уйига зикна бир кимсанинг келишидан далолат беради.

**Исинмоқ.** Агар тушингизда исинсангиз яхшиликка йўйинг. Учоқ олдида исиниш буюк бир зотдан манфаат кўришга ишорадир. Умуман оловда исиниш манфаатга ишора бўлади.

**Изқувар.** Агар тушингизда изқувар одамни ёки изқувар итни кўрсангиз, сизни кўнгилли сафар кутади.

Хар кимни тушида изқувар ёки тумшуги қора ит таъқиб қилса, у ўнгида маълум бир жинояти учун ҳибсга олинади.

**Йиғламоқ.** Юсуф Таваслининг айтишича, тушда йиғламоқ умуман хайриликка йўйилмайди. Баъзи таъбирчилар эса тушда йиғламоқ севинчгадир, дейдилар. Бундай тушнинг энг тўғри таъбири ҳадисларда келган:

Хорижа ибн Зайд ибн Собит Умму-л-Алодан нақл қилдилар. Ул жаноб Расулulloҳга биринчи бўлиб байъат қилган аёллардан бўлиб, бундай деган эркан: «Ансорлар муҳожирларни бўлиб олиб, уйларига олиб кетмоқ учун қуръа ташлашганда Усмон ибн Мазъун бизнинг чекимизга тушдилар. Кейин ул киши хасталаниб қолиб вафот этдилар. Биз мурдани ювиб, ўз кийимига кафанладик<sup>1</sup>. Жаноб Расулulloҳ видолашгани кирганларида, мен: «Эй, Абу Соиб<sup>2</sup>, сизни Аллоҳ таоло раҳмат қилсин, кўриб турибменким, Аллоҳ таоло сизни мукаррам қилгандур», — дедим. Шунда жаноб Расулulloҳ: «Сен буни қаердан билурсен?» — дедилар. Мен: «Худо ҳақи, билмасмен!» — дедим. Жаноб Расулulloҳ: «Афсуски, ул вафот этди, менинг унга нисбатан хайриятдан ўзга тилагим йўқдир! Аммо мен ўзим пайғамбар була туриб, Аллоҳ таоло охиратда менга қандай муомала қилгай, билмасмен!» — дедилар. Шу-шу бўлди-ю, мен бундан буён ҳеч кимни (майитни) мақтамайдирган бўлдим. Кейин тушимда Усмон ибн Мазъунни кўрдим, дув-дув кўз ёши тўкиб турар эрди. Жаноб Расулulloҳга бориб айтган эрдим:

<sup>1</sup> Бу саҳобий ҳақида шу ҳадисдагина маълумот булиб, бошқа манбаларда унинг номи учрамайди.

<sup>2</sup> Асри саодатнинг дастлабки даврларида ислом аҳли ниҳоятда қашшоқ чшаган, бинобарин, давлатчилик ҳали тула равишда шаклланмаган эди. Ўша кезлари Муҳаммад соллоллоҳу алайҳи васалламнинг узлари ҳам тўйиб овқат емаганлари тарихдан маълум. Мана шу қашшоқлик туфайли ҳам майитни ўз кийимига раб кўмиш мумкин булган.

<sup>3</sup> Абу Соиб — Усмон ибн Мазъуннинг куняси булмоғи керак

«Унинг кўз ёшлари — амали солиҳларига берилаётган ажру савоблардур! — дедилар» (2. 367-бет).

Демак, кўз ёшлар ажру савоблар экан, кишининг тушдаги йиғиси — ўнгидаги қувончига ишорадир.

**Йўлбошчи.** Агар тушингизда йўлбошчи кўрсангиз, ўнгингизда кўнгилли бирон сафарга отланасиз ва бу сафарингиз тинчлик-хотиржамлик билан ўтади..

**Йўл.** Тушда йўл кўриш — яхшилик. Тўғри ва қулай йўлдан юриш қувонч ва омаддир. Сирғанчиқ, сўқмоқ йўл омадсизлик ва умидсизликка ишора бўлади. Тор ва ноқулай йўл қайғу ва кўрқувга ишорадир, аммо бу йўлдан омон-эсон ўтиб олиб, равон йўлга чиқиб олса, яхшиликка йўйилади. Нотаниш йўлдан юриш эса, янги бир иш бошлашга ишора. Икки ёнидан дарахтлар ва гуллар ўсган йўлдан юриш кутилмаган омаддан далолат беради. Кетаётган йўлдан адашиш кишининг ўнгида қилган хатоликларига ишорадир. Демак, хатоларни тузатиш лозим экан.

**Йўловчи.** Тушингизга йўловчи кирса ва тўхтаб сиз билан муомала қилса, қўлингизга мол киришига ишора.

**Илоннинг таъқиб этиши.** Ҳар кимни тушида илон таъқиб этса, ишлаб турган яхши иши қолиб, бошқа ишга ўтади.

**Кал.** Тушда ўз бошингизни сочсиз, кал кўрсангиз, қашшоқликка ишора. Кал одам тушингизга кирса, зеркиш ва ожизликка ишора. Агар боланинг бошини сочсиз кўрсангиз, хонадонингиз қувончга тўлади.

**Карвон.** Агар тушингизда карвон ўтаётганини ёки тўхтаганини кўрсангиз қўлингизга пул келишидан далолат бўлади.

Ибн Сириин кимки карвонлар билан отлиқ юрса, ул карвонлар аҳли салоҳ одамлар бўлса, у кишининг ишлари хайрлик бўлади, агар акси бўлса, ишларига нуқсон етади, деб таъбир қилган (10, 51-бет; 33, 54-бет).

**Келин.** Агар қиз тушижа ўзининг келин бўлганлигини ва келинлик либосини қувнаб кийганлигини кўрса, меросга эга бўлишига далолат. Агар янги келин тушида эрига лоқайд бўлса, янги ҳаёти бир неча кунлар давомида ғурбат билан ўтади.

**Кимошди.** Кимошди савдосини тушда кўриш хайрликдир. Кимошди савдосида иштирок этиш ёки буюмлари сотилганини кўриш уйга жуда қийматбаҳо буюмларнинг келишига далолатдир. Агар кимошди савдосида даъватчининг овози эшитилса, таваккал деб юритилган иш муваффақиятли натижа топади. Савдогар учун бу туш омадли, деҳқон учун молининг кўпайишига ишора. Аёл киши бундай туш кўрса, истиқболида кўп кўнгилли ишлар бўлади.

**Китоб.** Умуман тушда китоб кўриш эзгу ишларга йўйилади. Масалан, қизиқ китоблар ўқиш — хурсанд бўлиш белгиси; илмий ва эл оғзига тушган китобларни ўқиш эса, донишмандлик ва олижанобликдан далолат; китобдан бирон нарсани кўчириб олиш керакли билимларни ҳосил қилишга ишорадир; тушда китоб ўқиш яна ҳурмат ва бойликдан белги беради; донишмандларнинг китобларидан яширин маъноларни излаш учун кўп ҳаракат қилиш ва машаққат чекиш узоқ йиллик қилинган меҳнат учун мукофот олиш ва ҳурмат қозонишга ишорадир; болаларнинг китоб ўқиётганлигини кўриш ёшларнинг келажак яхши истиқболидан дарак беради.

Тушда эски, саҳифалари сарғайган китобларни кўриш ёвузлик бўлишидан эҳтиёт бўлишга ишора беради. Тушда китоб ёзиш эса вақтни бекорга сарф қилиш ва пул йўқотишга йўйилади.

**Киши.** Тушда бирор нотаниш кишини кўриш янги дўстлар орттиришга, йигит кишини кўриш хушxabар келишига, таниш кишини кўриш узоқдан бирон мактуб олинишига ҳамда йўқолган нарсанинг топилишига, нотаниш қора кишини кўриш бирон мартабага эришишга ва мурадга етишишга ишорадир.

**Котиб.** Агар киши тушида бирон котибни кўрса, унга ҳайлакор ва фирибгар кишига йўлиқишига ишора бўлади. Тушида котиб билан гаплашса ёки сирлашса, ўнгида албатта бирон фирибгарнинг тузоғига илинади.

**Коҳин**<sup>1</sup>. Тушда коҳин кўрмаклик ўнгда кўнгил ғаш бўлишига ишора. Бундан ташқари яна хаёлингизда ардоқлаган орзуларингиз пучга чиқиб, тушқунликка тушишингиз мумкин. Агар киши тушида коҳиннинг хунарини томоша қилаётган бўлса, ўнгда бирон нарса ҳақидаги фикри буткул ўзгариб, ўзига ташвиш орттиради.

**Куёв.** Бу ўриндаги куёв қизнинг эри ҳам, сингилнинг эри ҳам бўлиши мумкин, куёв деганда қаллиқ маъноси ҳам англашилади. Хуллас, куёвнинг қай маъноси бўлмасин, уни тушда кўриш ўнгдаги қувончли ва қутлуғ кунларга ишора бўлади.

**Кураш.** Агар кураш спортдан узоқ одамлар ёки унга алоқаси бўлмаган кишилар бундай тушлар кўрсалар, маъно берилмайди. Агар курашчи бундай туш кўрса, барча полвонларни енгиб, ғолиб бўлишига ишора бўлади.

**Кўприкдан ўтиш.** Ҳар ким тушида бирон кўприкдан ўтса, ишлаб турган ишини ташлаб, бошқа ишга ўтади.

**Лашкар.** Бу сўзни ҳозирги тушунчамиздаги армия деб англаш лозим. Тушда лашкар кўриш тинч ва осойишта ҳаётдан далолат беради.

**Мактуб.** Тушда мактуб олмак хабарга йўйилади. Аммо бу хабарлар тушда кўрилган хат мазмуни, шакли, ҳолатига қараб таъбир қилинади.

Масалан, агар аёл киши конверт устига турли маркалар ёпиштирилган хат олса, демак, ахлоқан бузилиб, бадавлат кишилардан бирига ўйнаш тутинади.

Йигит шунақа хат олса, оилавий масалаларда омади келмайди.

Кимки тушида имзосиз хат олса, ўнгда етти ёт бегона одам тарафидан ҳақоратланади. Олган хатида кўнгилсиз хабар бўлса, бемор бўлади. Агар хат ҳаворанг сиёҳда ёзилган бўлса, муҳаббатда омади келади.

---

<sup>1</sup> Ғайб оламидан хабар бера оламан, деб даъво қиладирган барча фолбинлар, сеҳргарлар, жодугарлар, экстрасенслар, азайимхонларни бир сўз билан коҳин, деб аташ мумкин.

Агар аёл маҳбубидан хатни яшираётган бўлса, кундошидан ёмонлик кўради. Агар келган хатни ўқиб бўлмаса ёки ўқиёлмаса, жамоатчилик орасида обрўси тушади.

Агар сизга келган хатни кимдир ушлаб қолса ёки қўлга туширса, гийбат остида қоласиз.

Агар эр-хотин бир-бирига хат берса, бу ажралишдан далолатдир. Агар тушда дўстдан хат олганингиз аён бўлса, унинг ўзи келар экан ёки у ҳақда бирон яхши хабар эшитар экансиз.

**Малика.** Агар тушингизда бирон мамлакат маликасини кўрсангиз яхшиликка йўйинг; ўнгингизда ризқингиз сероб бўлади.

**Маош.** Агар тушингизда маош олсангиз суюнаверинг: бир ердан ёрдам келишига ва рўзғор бут бўлишига ишора, янги иш бошлаган бўлсангиз, ўша ишингизда ривож бўлади. Агар тушингизда маошингиз ошган бўлса, кутилмаган омад сизга кулиб боқади. Агар тушингизда маошингизни камайтирган бўлсалар, демак, сизга қарши ғайирлик мақсадида бирон бало тайёрланаётган бўлади. Агар тушингизда маош тарқатсангиз, демак, ишингиз яхши эмас. Ҳар икки ҳолатда ҳам эҳтиёт бўлганингиз авлодир.

**Маст.** Тушда маст бўлиш ва маст кишини кўриш яхшиликка йўйилмайди, умуман мастлик билан боғлиқ тушлар яхши деб таъбир қилинмайди. Масалан, тушда ичиб маст бўлиш ҳаром емакка, ҳаром мол билан ҳаром пул топмакка йўйилади. Ҳар ким тушида ичиб юрган бўлса, ўнгида ҳаётнинг мушкулликларига бардош беролмай, ундан ўзини олиб қочади. Тушда маст бўлиш ўнгида обрўсизланиш ва ишидан маҳрум бўлишига ҳам таъбир қилинган. Тушда бошқа одамларнинг маст бўлиб юрганини кўриш бепарволик ва ёнгилтақликдан далолат. Агар тушингизда маст бўлиб юрсангиз ёки маст бўлиб юрган одамларни кўрсангиз, ўнгингизда хушомадгўйлардан эҳтиёт бўлишингиз, гурурланиб кетмаслигингиз керак экан. Қиз ёки жувон тушида маст бўлиб юрса, ўнгида ўз ҳагги-ҳарақатидан пушаймон бўлади.

**Маъмур**<sup>1</sup>. Агар киши тушида ўзининг маъмур бўлганини кўрса, бир қийин ишда аввал умидсиз бўлиб, кейинчалик муваффақиятга эришади.

**Маҳбус.** Ҳикоя қиладиларки, бир одам тушида ўзининг маҳбус эканлигини кўрди. Уйғонгач, кўрган тушини таъмоман унутди. Аммо орадан бир неча кунлар ўтгач, боши ташвиш ва қийинчиликлардан чиқмай қолди. Демак, тушдаги маҳбуслик ташвиш ва мушкулотларга ишора экан. Уй қамоғида ўтириш эса, ўдимга ишора, чунки ҳар тарафдан ёпиқ ва қулфланган уй қабрга йўйилади. Агар туш соҳибининг кўз ўнгида нотаниш одамларни ҳибсга олаётган бўлсалар, ўйлаб қўйган режаларининг муваффақиятсиз чиқишидан чўчиб, амалга оширмайди. Агар ҳибсга олинганлар қаршилиқ кўрсатсалар, у ҳолда ўйлаган режаларини дадил амалга оширавериши мумкин.

**Мерос.** Тушда меросга эга бўлиш яхшиликка йўйилади: кутилмаган ердан пул олиш; орзуларнинг осонгина рўёбга чиқиши, ишнинг хайрли натижаланиши шулар жумласидандир. Агар тушда меросдан маҳрум қилинган бўлса, демак, бундай тушни кўрган одам ўз яшаш тарзига тан-қидий назар билан қараши керак экан. Агар аёл тушида меросдан маҳрум этилган бўлса, ўнгида унинг қисмати яхши бўлмайди.

**Меъмор.** Агар кимки тушида меъморни ёки меъмор бўлганини кўрса, унинг юсак фазилат соҳиби бўлишига ишорадир. Бинобарин, илму дониш, олижаноблик, эзгу ишларга қадам қўйиш, бировларга яхшилик қилиш шулар жумласидандир.

**Меҳмон.** Агар кимки тушида уйига меҳмон келганини кўрса, ўйлаган орзулари амалга ошади ёки бирон яхши хабар олади. Аммо атайлаб меҳмон кутаётган бўлса, ўнгида ўзига ортиқча ташвиш орттиради.

Баъзи муаббирлар тушда меҳмон кутишни ўнгида бировларнинг ғайирлигини кўзғатиш, ўз-ўзига душман орттириш ёки оилавий жанжал деб таъбир қилганлар.

---

<sup>1</sup> Маъмур деганда энг кичик амалдордан энг катта амалдоргача англашилади.



**Миссионер<sup>1</sup>.** Кимки тушида миссионерни кўрса, ўнгида бошига баъзи ташвишлар тушишига ишора бўлади.

**Мудир<sup>2</sup>.** Кимки тушида мудирни кўрса ёки у билан суҳбатлашса, мансабининг юксалишига ва тақдирнома олишига ишора бўлади.

**Мусобақа.** Бир киши тушида мусобақа кетаётганини томоша қилаётган эмиш. Эртасига ишига боради, аммо тушини унутган эди. Уни бошлиқ чақириб сафарга кетишини билдиради. У бошлиқнинг топшириғи билан сафарга жўнайди, аммо ишхонанинг мақсадини амалга оширмай қайтиб келади. Демак, бундай туш фойдасиз ва кераксиз сафарга ишора экан.

**Мухбир.** Тушда мухбирни кўриш икки хил таъбир қилинади; агар мухбир бадқовоқ, хунук одам бўлса, қайғуга, агар у қувноқ, ёқимтой бўлса, хурсандчиликка йўйилади.

**Муҳандис.** Агар киши тушида ўзини муҳандис бўлганини кўрса, узоқ умрга, касалнинг шифо топишига, камбағалнинг бой бўлишига ишорадир. Аммо муҳандис билан суҳбат қуриш тинкани қуритадиган сафарга чиқишдан далолатдир. Аммо бир нечта кўнгилли учрашувлардан кейин бунга ҳам кўникасиз.

**Мўйнадўз.** Бу ўринда мўйначи, яъни мўйна сотувчи ҳам, терига ишлов берадиган уста ҳам англашилади. Агар тушда мўйнадўзни кўрса, ҳалол молга ишора бўлади.

**Найчи.** Агар кимки тушида найчини кўрса ва най навосини эшитса, демак, ўнгида бефойда сўзлар эшитишига ишорадир.

**Нафақа.** Кимки тушида бировдан нафақа олса ёки бирон одамга нафақа тўласа, демак, ўнгида унинг оилавий ишлари яхши бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Миссионер — диний ташвиқот олиб бориш учун юборилган одам; масалан, рус давлати ва черковининг топшириғи билан Урта Осиёга 19-аср иккинчи ярми ва 20-аср бошларида юборилган олимлар насоро динини тарқатиш учун келганлар.

<sup>2</sup> Бу ўринда мудир сузи остида ҳар қандай корхона ва муассасанинг бошлиғи англашилади.

**Никоҳ.** Тушда никоҳ маросимини кўриш зурриётли бўлишга ишорадир.

Яна бу туш ўнгингизда ҳаёт қувончидан ҳам хабар беради. Никоҳли аёллар учун бу туш хайридир.

Агар қиз тушида мункиллаган чолга турмушга чиқаётган бўлса, барча кўнгилсиз воқеалар бўлишидан ташқари касалга ҳам чалинар экан.

**Номзод.** Агар киши тушида ўзининг бирон амалга номзод сифатида кўрсатилганини кўрса, агар ҳақиқатда ҳам номзоди кўрсатилган бўлса, ўнгида бирон ишда муваффақиятга эришади.

Агар ҳақиқатан ҳам ўнгида номзоди кўрсатилмаган бўлса, бошқа ишларда омадли бўлади.

**Нотариус.** Кимки тушида нотариусни кўрса, ўнгида хайрли келишувлар, шартномалар қилишига ишора бўлади.

Тушда қўлингизга ваколатнома ёки керакли қоғозлар берилса, ўнгингизда ўз ишингизга эҳтиёт бўлишингиз керак экан.

**Нукта.** Биз бу ўринда «нукта», деб ёзиб, имло хатога йўл қўйганимиз йўқ. «Нукта» — гап мазмуни тугагандан кейин қўйиладиган белги, яъни (.), нукта деб эса, нозик маъноли, қизиқ, маъноси чуқур ва чиройли сўзга айтилади.

Тушда нуктали гапларни айтиш ёки тингламак хушхабар келишидан далолатдир.

**Обида.** Агар тушингизда бирон тарихий обида, шоҳ асар кўрсангиз яхшиликка йўйинг; бундай туш қувонч келтиради.

**Обрўй.** Тушида бировнинг обрўсини тўкишга ҳаракат қилган кишининг бошига тез орада бало ёғилади, дейилади.

**Ов.** Киши тушида овда юрса ва бирон нарса овласа, мол ва бошқа фойдали нарсаларни қўлга киритишини англатади, агар ов қила туриб, овини қўлдан чиқарса, ўнгида қийматбаҳо нарсасини йўқотади.

Ов бурғисини эшитиш ўнгингизда келадиган бахтдан далолат.

Агар тушингизда илвасин овлаш мақсадида унга дуч келсангиз мушкулотларингиз ҳал бўлади.

**Овчи.** Агар кимнингдир тушига овчи кирса, демак, ўнгида бировни ҳийла билан тузоққа илинтирувчи киши билан учрашар экан.

**Одамхўр.** Агар тушингизда одамхўрни кўрсангиз, демак, ўнгингизда мард ва баҳодир йигитлар билан ўртоқ бўласиз.

**Оёқ.** Тушда оёқ оғриганини ҳис қилиш молга нуқсон етганлигини билдиради.

Ялангоёқ юрмак фойдаси тегмайдиган кишиларга хизмат қилишни англатади.

Яраланган оёқ бирон нарсани йўқотишдан хабар берапти. Агар тушда оёқда яра кўрилса, даромаднинг камайишига далолат.

Агар тушда оёқлар юрмай қолса, қашшоқлик келишига далил.

Шунчаки ўз оёқларини кўриш ғамгинликдан башорат беради.

Агар бўйдоқ йигит бирон аёлнинг чиройли оёқларига маҳлиё бўлса, ўнгида севгилиси билан аҳмақона иш қилиб қўяди.

Агар қиз ўз оёқларига маҳлиё бўлса, ўнгда такаббурлиги туфайли нақд куёвни йўқотади.

Тушда оёқнинг увишишини ҳис этиш саёҳатга далолатдир.

Агар тушда маймоқ, хунук оёқлар кўринса, фойдасиз ишларга ишора.

**Опа-сингил.** Агар киши тушида опасини ёки синглисини кўрса, ўнгида хуш хабар олади. Баъзи муаббирлар тушда опа-ссингилнинг аён бўлиши, ўнгида улар ёрдамга муҳтожлигини англатади, дейдилар.

**Ота-она.** Тушда ота-онани кўриш кўп ҳолларда хайрликдир. Агар ўз онасини тушда кўрса, ризқининг ортишига ишоратдир. Отани тушда кўриш ҳам ризққа тааллуқли; агар ота яхши ҳолатда кўринса, ризқи мўл бўлади, бемор бўлса, шифо топади, бирон нарсаси йўқолган бўлса, топиб олади.

Агар ота-она тушда қувноқ кайфият билан кўринса, демак, ўзгалар билан муносабат ва муомалаларда яхшилик бўлади. Агар улар тушда хотиржам ва бахтиёр суратда кўринсалар, ҳаётда яхши ўзгаришлар рўй беради.

Агар қиз ота-онасини шу ҳолда кўрса, эрга тегишига ва ҳаётининг яхши бўлишига ишорадир.

Агар ота-она марҳум бўлиб, кейин ҳар қандай ҳолатда тушга кирганда ҳам уларга хайр-худойи қилиш лозим бўлади, дейдилар машойихлар.

**Очиқмоқ.** Кимки тушида очиқиб қолса, ўнгида бой бўлади. Агар душманларингиздан бири оч қолган бўлса, ўнгингизда ишингиз яхши бўлади.

**Очмоқ.** Агар тушингизда эшик очсангиз, ўнгингизда муваффақият қозонишингизга ишоратдир. Ёпиқ нарсани очиш осонлик билан муродга етмакни билдиради.

**Оҳар<sup>1</sup>.** Агар тушингизда оҳар кўрсангиз, эҳтиёт бўлишингиз керак, чунки бу туш жанжалкаш оилага далолатдир.

**Пакар<sup>2</sup>.** Агар тушингизда пакар одамларни кўрсангиз, душманингиз устидан ғолиб келишингизга ишоратдир.

**Пешоб қилмак.** Агар киши тушида пешоб қилса, мабодо ғам-андуҳи бўлса, улардан қутилишига ишоратдир.

**Подшоҳ.** Подшоҳни тушда кўрмак барча табақадаги одамлар учун яхшиликдир; оддий одамлар учун бошқа мамлакатларга саёҳат қилишни англатади; давлат ишларида бўлганларга мансаб пиллапояларидан юқори кўтарилишни билдиради; олимлар, умуман зиёлиларга обрў-эътибордан далолат.

**Посбон.** Тушда милиция, полиция посбонларини кўриш ташвишга, кўрқинчли онларни бошдан кечиришга ишорадир. Яна шундай таъбир қиладиларки, юқори мансабдаги киши сизга зулм қилиши кутилади.

---

<sup>1</sup> Оҳар — крахмал.

<sup>2</sup> Ўзбек тилида лилипут одамларни шундай деб аташ мумкин.

**Почтачи.** Тушда почтачини кўриш бир неча хил таъбир қилинади: хушхабар, фойдасиз ва машаққатли ишни зиммага олиш, кутилмаган меҳмон. Агар почтачи ёнингиздан индамай ўтиб кетса, ташвишли хабарга йўйилади.

**Прокурор.** Агар тушингизга прокурор кирса ва у билан гаплашсангиз, ўнгингизда муҳим ишларингиз ҳал бўлишига далолатдир.

**Пул.** Тушда пул кўриш бир неча хил таъбир қилинади: тездан бирон хабар келади; пул топиб олсангиз, майда ташвишлар туғилади, лекин бойлик келади; пул гўлаш — омадсизлик; олтин олиш — катта истиқбол ва чексиз қувонч; пул йўқотиш — оиладаги нотинчлик ва ишхонадаги кўнгилсизлик; пул санаш ва унда етишмовчиликни билиш — тўловлар масаласида кўн. илсилик; пул ўғирлаш — хавф; пулни иқтисод қилиш — ҳаётнинг яхшиланиши; пул ютиш — туш эгасининг кўнглида ғаразли ва ёвуз мақсадларнинг туғилиши; кўп миқдорда пул санаш — етгулик бойлик борлигидан далолат; бир бойлам пул топиб олиш ва унга бирон чиройли аёлнинг даъво қилиши маҳбубангизнинг аралашуви билан ишингиздан пугур кетишидан далолат; ёки бир бойлам пул топиб олиш — бировлар ҳисобига яшашдан далолат; тушда майда пул кўриш — турли хил гап-сўзлар ва ғийбат; майда пул йўқотиш — ўнгдаги арзимас кўнгилсизликлар; майда пул санаш эса, тежамкорлик; пул қарз олиш — бировга яхши кўриши, аммо бу вақтинчалик; бировнинг пулини сарф қилиш — обрў тушишига ишора; тушда кумуш тангани кўриш янги ўртоқлар орттиришга далолатдир.

**Рассом.** Агар тушингизда рассомни кўрсангиз ва у билан гаплашсангиз ҳаётингиздаги баъзи ютуқларга ишора бўлади.

**Рақс.** Тушда бировларнинг кулиб рақс тушишларини кўриш ўнгда сиқилиш ва безовталиққа ишора бўлади. Баъзан касал бўлишга ҳам далолатдир.

Агар раққосалар ва масхарабозларнинг рақс тушаётгани аён бўлса, ўнгда алдов ва фирибдан далолат беради. Болаларнинг қувнаб рақс тушаётганларини тушда кўриш аёллар учун яхши турмушга ва яхши оилага далолат.

**Раҳбар.** Агар кимки тушида йўл кўрсатувчи бир раҳбарни ёки пирни кўрса, ўнгида фойдали насиҳатлар олиб, бахтли ҳаёт кечириб кетишига ишорадир.

Раҳбар ва пирни тушда кўриш ҳамиша яхшиликка йўйилади.

**Роман.** Кишининг ўнгида қизиқарли китоблар, шу жумладан роман ўқиши кўнгилли, аммо тушда роман ўқиш бунинг акси экан. Кимки тушида роман ўқиса, демак, ўнгида фойдасиз ишлар билан шуғулланиб, умрини зое кетказди.

**Роҳиб ва роҳиба**<sup>1</sup>. Тушда роҳибани кўриш яхши ҳаёт кечириш ва севинчли кунларга эришишга ишора бўлади. Тушда роҳибни кўриш хайрга, хушхабарга ишора. Агар бундай тушни эр киши кўрса, ишида ютуқларга эришадди, аёл киши кўрса, ўнгида ҳомиладор бўлади.

**Сабзавотфуруш.** Агар киши тушида сабзавотфурушни кўрса, ўнгида атрофидагилар уни алдайди ва зарар келтиради.

**Савдо.** Агар киши тушида савдо-сотик билан шуғулланса, ўнгида ишлари юришишига далолатдир. Агар тушида савдоси яхши бўлмаса, ўнгида иши юришмай ғамгинлик кўради.

**Саёҳат.** Тушда саёҳат қилишнинг таъбири бир неча хил: умуман тушда саёҳат қилиш ўнгида ишида ҳам, шахсий ҳаётида ҳам омад ёр бўлишига далолатдир, аммо нотаниш бўлган вайрона ёки ташландиқ жойларда саёҳат қилиш — оғир касаллик ва хавф; тоғ чўққиларига чиқиш — анча машаққатлардан кейинги қўлга келадиган муваффақият; агар ўша чўққилар ва тоғлар гуллаб-яшнаган бўлса, бахтга ишорадир; жуда кўп одамлар билан саёҳат қилиш — янги таниш ва дўстлар; оғир ва машаққатли саёҳатдан тез ва кутилмаганда қайтиш — катта бир муаммонинг ҳал бўлишига ишорадир.

**Сариқ.** Бу ўриндаги сўз рангга тегишли. Агар кимки тушида сариқ ранг кўрса, ўнгида ташвиш ва касалликка учрайди.

---

<sup>1</sup> Насоро динидаги монахни араблар роҳиб (кўплиги руҳбон) деганлар, ўзбек тилида ҳам шу атама қўлланди.

**Сарроф**<sup>1</sup>. Агар тушингизда саррофни кўрсангиз, ўнгингизда манман, такаббур ва дунёпараст одам билан учрашасиз ва ундан зарар кўришингиз ҳам мумкин.

**Севинмоқ**. Тушда севинмоқ икки хил таъбир қилинади: аёллар севинсалар, ўнгда йиғлайдилар, эр кишилар севинсалар, ўнгда хушxabар оладилар.

**Сеҳргар**. Агар тушингизда сеҳргар кўрсангиз, сизнинг баландпарвоз орзуларингиз пучга чиқиб, умидсизликка тушасиз.

**Сеҳр**. Тушда сеҳр аён бўлиши яхшиликка йўйилмайди: ёлгон гап эшитилади; ёлгончига дуч келинади; иккиюзламачиликдан зарар кўрилади; риёкор одамлар ҳийла билан алдайди; яқинларидан хоинлик кўради.

**Синиш**<sup>2</sup>. Агар киши тушида қарзларини тўлолмай, синганлигини билса, ўнгда ўз ғайрати ва шижоати билан ишларини муваффақиятли ташкил этиб, тараққий эттиради. Агар бошқаларнинг синганлигини кўрса, ўнгда тўғри сўз, аммо кўнгли тоза одамлар билан учрашади, улар ўзларининг тўғри сўзликлари билан зарар келтириб қўйишлари мумкин.

Агар унашилган қиз тушида иш соҳасида синганлигини кўрса, фотиҳаси бузилади.

**Сиқилиш**. Агар тушингизда сиқилсангиз, бирон нарсадан кўнглингиз ғаш бўлса, асло ташвиш чекманг, бинобарин, бу гуноҳларингизнинг кечирилганидан далолатдир.

**Скелет**. Тушда скелет кўриш яхши бир нарсага эга бўлишга ишорадир. Агар киши ўзини скелет сифатида кўрса, демак, туш соҳиби бўлмағур ирим-сиримларга ишонар экан; бундан қутилиш йўлларини топиши керак.

---

<sup>1</sup> Сарроф деганда қадимда қийматбаҳо тошларни ўлчаб, қийматини айтиб бера оладиган заршунос тушунилган, айна пайтда сарроф деганда пул алмаштирадиган ёки майдалайдиган киши ҳам англашилади. Чунки қадимда тилла, кумуш ва мис тангалар муомалада эди. Бу ўринда кейингиси назарда тутилган ва ҳозирги валюта алмаштириш пунктлари ҳам англашилади.

<sup>2</sup> Ўзбек тилида «синиш» атамаси қадимдан бор бўлиб, ҳунар, тадбиркорлик, савдо-сотик каби фаолиятларда қўлланади. Лекин ҳозирги даврда асосси равишда четдан кирган «банкрот» сўзи қабул қилинган ва бу атама кенг қўлланади.

**Соч.** Тушда соч кўришнинг ҳолатларга қараб бир неча хил таъбири бўлади: агар бошида сочи йўқ ёки кам бўлган одамнинг сочи ўсса узоқ умрга ва ҳажга йўйилади; тушида аёл кишининг сочи оқарса, эридан ёки яқинларидан гап эшитади; агар соч силлиқ таралган бўлса, дўстликдан ва қашшоқликнинг тугашидан далолат; бошда, кўкракда, қўлларда, оёқларда сочнинг кўп бўлиши бойликка ишора; аёл кишининг мутлақо сочи йўқлигини кўриш очлик ва қашшоқликдан далолат; сочнинг тўкилаётганини кўриш қашшоқлик келишидан дарак; узун соч эса бойликка ишора.

**Соқол.** Тушда соқол кўриш яхшиликка йўйилади; эр киши ўзида соқол кўрса, обрў-эътиборга, бойликка ишорадир; агар соқол оқарганини кўрса, молдан зарар кўришини билдиради.

Тушда соқол олиш ва юлиш иззат-ҳурматни йўқотишга, бойликдан ажрашга, қариндошларидан бирининг ўлимига ишора.

Агар қиз энгагида соқол кўрса, эрга тегади; эрли хотин энгагида соқол кўрса, эри ўлади; ҳомиладор аёл энгагида соқол кўрса, ўғил туғади.

Соқолнинг оқарганини кўриш обрў-эътибордан далолат беради.

**Сувчи.** Агар тушингизда сувчи кўрсангиз ҳам, ўзингиз сувчи бўлсангиз ҳам бойликка, фойдали ва керакли нарсаларга эришишга ишорадир.

**Судхўр.** Судхўр одам ҳаётда ҳам ёмон, тушда ҳам. Агар тушингизда судхўрни кўрсангиз, ўнгингизда пул ва моддий жиҳатдан қийналар экансиз.

**Сузмоқ.** Тушда киши сувда сузиб юрса, бу муродга етишишдан далолатдир. Агар денгиздан сузиб ўтилса, ўнгида эркин бўлар экан; яна қўлга ҳалолдан мол ва пул келишига ҳам ишорадир.

Агар дарё узра кичиккина кемада сузиб кетаётган бўлсангиз, демак, ўнгингизда истаklarингиз ва майлларингиз имкониятидан ортиб кетиб, амалга ошмайди.

Агар денгиз саёҳатида юрганингизни тушда кўрсангиз, мейвасига эга бўлар экансиз.



**Сутчи.** Агар тушда сутчини кўрсангиз, ризқ келишига ва тўғрилиқка йўйинг.

Агар ўзингиз сут тарқатиб юрсангиз, ўнгингизда ўз манфаатингиз учун одамларга яхшилик қилар экансиз.

**Табрик.** Агар киши тушда бировни ёки умуман одамларни табрикласа ёки уни биров ва одамлар табрикласалар, оғир кунлари ниҳоясига етганлигидан далолатдир.

**Тариф<sup>1</sup>.** Агар тушингизда тариф кўрсангиз, демак, ўнгингизда сафарга чиқишингизга ишора бўлади.

**Тақачи.** Тушда тақачилиқни кўриш умуман яхши; агар тақачи тушда кўрилса, яхши гаплар эшитишга, хушxabар олишга ишора бўлади; баъзан бу тушни уйланиш, бировдан ёрдам олиш ва сафарга ҳам йўядилар.

**Тақвим.** Агар киши тушида тақвим кўрса, ўтмишдаги фаолияти ва қилган ишлари гуфайли бойлик соҳиби бўлишига ишора бўлади.

Агар қўлида тақвим ушлаб турган бўлса, йил бўйи ўз ишинга пишиқ, ҳаётда одобни қўлдан бермайдиган одам бўлар экан. Тушда тақвимни синчиклаб ўқиш келажакда майда-чуйда нарсалар учун ташвиш чекишга ишорадир.

**Терсакфуруш.** Агар тушингизда терсакфуруш, яъни темир-терсак йиғувчини кўрсангиз, демак, ўнгингизда уйдўкон каби кўчмас мулк соҳиби бўлар экансиз.

**Тижоратчи.** Тушда тижоратчини кўриш ва у билан муомала қилиш умуман хайрга йўйилади. Бундай туш кўрган одам камбағал бўлса, муҳтожликдан қутилади, ўзига гўқ бўлса, обрў-эътиборга эга бўлади.

**Тикуз.** Агар тушингизда тикиш-чатиш билан шуғуллансангиз, ўнгингизда дўст ва яқинлар орасида иззат-хурмат кўришингизга ишорадир.

---

<sup>1</sup> Тариф — нарх-наво ёзилган қоғозни ўзбек тилида нархнома деб ҳам аташ мумкин.

**Тикувчи.** Агар тушингизда тикувчи бўлсангиз ва шу касб билан шуғуллансангиз, демак, ўнгингизда мол-мулк соҳиби бўлар экансиз.

**Тиланчи.** Агар киши тиланчини кўрса ва унга садақа берса, агар олим бўлса, илмининг ортишига, агар олимпикдан хориж одам бўлса, душмани устидан голиб келишига ишорадир.

Аммо тушда ўзни тиланчи кўрмоқ ёки дўстларидан бирининг тиланчилик қилиб юргани аён бўлса, ғам-ташвишга ва жудоликка ишора бўлади.

Агар жувон шундай туш кўрса, кимнингдир ҳаётига аралашувидан далолат.

Агар тушда тиланчи майиб-мажруҳ кекса одам бўлса, тадбиркорларни бу туш огоҳлантиради; ўз ишларини қайта кўриб чиқишлари керак.

Тушингизда тиланчига садақа бермаслик ёмонликкадир.

**Тилхат.** Агар тушингизда тилхат олсангиз ва ёки бирон тўлов ҳақида чипта қўлингизга берилса, ўнгингизда мўлчиликка эришасиз ва бахтиёр бўласиз.

**Тирноқ.** Тушда тирноқнинг ораста бўлиши ўнгингизда соғ-лиғингизнинг яхши бўлишига ишорадир; шунингдек, камтарона, аммо олижаноб иш билан шуғулланишга ҳам далил бўлади. Агар тушда тирноқнинг синганлигини кўрсангиз, касалликка далолатдир. Агар тушда тирноқлар орасида кир бўлса, шармандалик ва номуссизликка далолат қилади, демак, бундай туш кўрган одам ўз ахлоқини назорат қилиши лозим экан.

**Тишламоқ.** Тушда тишламоқ зўравонликка йўйилади; тишлаганни кўриш душманлик ва зўравонликка йўлиқишни, тишланганни кўриш қувончга эришишни билдиради.

**Тиш.** Агар тушга тиш кирса, бу тушнинг таъбири қуйидагилардан иборат: агар туш кўрган кимсанинг барча тишлари соғлом ва оппоқ бўлса, умрининг узунлиги ва қариндош ҳамда фарзандларининг кўплигига ишорадир; тишлар қинғир-қийшиқ бўлса, оила, қариндош-уруғлар ўртаси-

даги келишмовчиликдан ва мерос талашувдан далолат беради; тишларнинг чириганлигини ёки тўкилиб кетганлигини кўриш яқин одамларнинг ўлимига ишора; тишлар қимирлаётган бўлса, ўзининг касал бўлишига ёки қариндош-уруғлардан бирининг жон талвасасида ётганлигига ишорадир; киши тушида тишларини ювса ёки чайқаётган бўлса, мушкуллари осон бўлишидан далолат, аммо бу мушкулларни осон қилишда ундан кўп меҳнат талаб этилади; агар тушда биров унинг тишларини уриб туширган бўлса, ўнгида хотиржам бўлмасин: душманлари пайт пойляпти; агар тушда тиш оғриси-ю, уни суғуриб ташланган бўлса, демак, туш соҳибини очлик ёки ўлим кутади.

Ҳазрат Дониёл тушда тишни кўрмоқ — тепадаги тиш ўғлонларга, паст тиш қизларга, ўнг томондаги тишлар отага, амакизодаларга, чап тарафдаги тишлар онага ва тоғаларига ишоратдир, дебди (10, 38-бет).

**Тога.** Агар тушингизда тоғангизни кўрсангиз, билингки, сиз фойдали сўзларга ҳамда насиҳатга муҳтожсиз. Тушингизда тоғангиз ўлган бўлса, демак, ёвуз душманлирингиз бор.

Агар тушингизда тоғангиз қийналган ва чарчаган ҳолда кўринса, ўнгингизда кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлади.

Демак, сиз четроққа чиқиб кетишингиз керак. Агар тушда тоғангиз айтган гапни тушунмасангиз, касалликка ишора.

**Тугун.** Тушда тугун кўриш (бўғча эмас, бу мазмун юқорида ўтди) бир-бирига зид равишда икки хил таъбир қилинади: 1) ташвиш ва нохушлик келтиради; 2) ташвиш ва нохушликдан қутилишга ишора бўлади.

**Тук.** Хоҳ эр киши бўлсин, хоҳ аёл киши бўлсин, агар тушда баданидан туклар ўсганини кўрса, узун умр кўришига, мавқе ва мартабаси юксалишига, бойиб кетишига ишорадир.

**Тул.** Агар эрли хотин тушида тул қолганини кўрса, эридан аввал ўлишига ишорадир. Агар эр киши тушида тул қолганини кўрса, қувончли воқеа рўй беради. Ҳибсдаги одам тушида тул қолган бўлса, тез орада озодликка чиқар экан.

**Тутун.** Тушда тутун кўриш ташвиш ва нохушликка ишорадир. Бундай туш кўрган одам ўнгида ўз кўрқувлари ичига ўралиб қолади. Агар туш соҳибини тушида тутун бўлса, демак, ўнгида хушомадгўйлар уни ўраб олишиб, ўзларига бўйсундирмоқчи бўлар эканлар.

**Тўша<sup>1</sup>.** Тушда тўша кўриш исрофга, барака йўқлиги ва камбағаликка ишорадир.

Туш соҳиби тўшасини йўқотиб қўйса, ўнгида оилавий жанжал остида қолади ёки машаққатли ишга дуч келади. Бўйдоқлар тушида тўшасини йўқотса, унашилган бўлса, фотиҳаси бузилади.

**Уйланмак.** Агар киши тушида уйланганини кўрса, мартабаси ортишига ишора. Яна бемор одам бундай туш кўрса, соғаяди, деб таъбир қиладилар.

Баъзи муаббирлар тушда уйланишни қариндошлардан бирининг ўлишига ҳам йўйганлар.

**Уйқу.** Тушда ўзини ёки бошқа бир одамни ухлаётганини кўриш ором ва мўлчиликка ишора.

**Уста.** Ҳар ким тушида ҳар қандай касбнинг устасини кўрса ва у билан гаплашса, мушкул бир иши осонлик билан ҳал бўлишига ишорадир.

**Учмоқ.** Муаббирлар бу тушнинг таъбири кўп, дейдилар. Маҳбус тушида учаётганини кўрса, озод бўлишига, кимки ўзининг қанотсиз учаётганини кўрса, уй-жойини алмаштиришга, агар мусофир кимса учганини тушида кўрса, ўнгида ватанига қайтишига ишорадир. Тушида учаётган киши қуёшни кўрса, ҳар қандай ёвузликнинг таҳдид солишига қарамай, ҳаёти яхши бўлар экан. Агар аёл киши тушида учаётган бўлса-ю, уни кимдир отса, унинг бахтига тўғаноқ бўладиганлар, оиласини бузишга ҳаракат қиладиганлар, яхши яшашини кўролмайдиганлар бор экан.

---

<sup>1</sup> Туша — урис тилида бу сузн «багаж», деб атаганлар ва ҳозирда тилими дан номуносиб равишда урин олиб, ҳамиша истеъмол қилинади.

**Фаррош.** Кимки тушида ўзини фаррош сифатида кўрса ёки фаррош бўлиб ишлаётган бўлса, ўнгида оғир бир ишга йўлиқади.

**Фожиа.** Агар тушингизда фожиавий бир ҳолни кўрсангиз, ўнгингизда хушxabар олар экансиз.

**Фолчи.** Агар тушингизда фолчини кўрсангиз ва унинг гапларига қулоқ солсангиз, демак, ўнгингизда ботил ва фойдасиз нарсалар билан шуғулланар экансиз, шунинг учун ўз ишларингизга жиддий муносабатда бўлишингиз керак экан. **Яна қаранг Коҳин.**

Агар тушда киши ўз-ўзига фол очаётган бўлса, демак, қачондир бошланиб қолиб кетган бир иш безовта қиялпти. Балоғатга етган қиз ўз-ўзига фол очаётган бўлса, у ҳолда ўнгида келаётган совчилардан бирини танлаши керак, лекин бунда у кўпроқ ўзига ишониши ва қалб амрига қулоқ солиши лозим.

**Футбол.** Тушда футбол матчини томоша қилиш вақтни бекорчи ишларга сарф қилмаслик кераклиги ҳақида огоҳлантиришдир.

**Хабар.** Тушда бирон яхши хабар олиш ўнгда қалин ўртоқ орттиришга ишора бўлади. Бундай тушлар ҳамиша яхшиликка йўйилади.

**Хатиб<sup>1</sup>.** Киши тушида киши хатиб кўрса, ўнгида истиффор айтиб, гуноҳлардан пок бўлиб, узоқ умр кўришига ишора бўлади.

**Хафалик.** Агар киши тушида ўзининг хафалигини кўрса, ўнгида хайрли хабар олади.

**Хизматкор.** Агар кимки тушида ўзининг хизматкор бўлганини кўрса ва сидқидилдан бировнинг хизматини қилаётган бўлса, ўнгида мартабаси юксалиб, ишлари ривож топади.

---

<sup>1</sup> Хатиб — хутба ўқийдиган руҳоний. Жумъа ва ҳайит намозларида минбардан туриб, ҳамдан кейин ҳадислардан ривоят айтиб, панд-насиҳат қиладиган имом. Хутба жумъа ва ҳайит намозларидан ташқари қургоқчилик, қаҳатчилик пайтларида ҳам ўқилиши мумкин. Хатиблик ва хутба ўқиш аббосийлар давридан муслмончиликда анъана булган.

Ҳар ким тушида хизматкорини ишдан бўшатса, ўнгида афсус чекади.

Агар тушингизда хизматкорга эга бўлсангиз, бир қанча машаққатлардан кейин муваффақиятга эришишингизга ишора. Хизматкор бирон нарсангизни ўғирлаган бўлса, ўнгингизда ўғрига дуч келасиз.

**Хон.** Агар кишининг тушига хон кирса, мол-мулк топишга ишора бўлади.

Ташвиши бор кишининг тушига хон кирса, унинг барча ташвишлардан қутилишига далолатдир.

**Хотин.** Агар киши тушида чиройли хотин кўрса, боз устига у қора бўлса, бойликдан далолатдир.

Агар тушга кирган хотин ғилай бўлса, ғийбат ва эгриликка ишора.

Ҳар ким тушида ўз хотинини одатдан ташқари хушхол кайфиятда кўрса ёки у қулиб турган бўлса, муҳим бир ишдан фойда олишига ишора бўлади.

Агар аёл киши тушида эри уни қамчилаб уриб турганини кўрса, унинг қайсидир қилиғи уйда бетартиблик келтириб чиқаради ва эрининг ғазабига дучор бўлади.

Ибн Сирин агар хотин киши ўзини қиз кўрса, гойибдан мол етишади, агар киши бадбуруш хотин кўрса, мурувона етолмайди, агар хотин киши ўзини тушда эркак сифатида кўрса, ўғил кўради, деб таъбир қилган.

Жаъфари Содиқ агар хотин киши тушида ўғил туғса, ажални яқин, агар тушида қиз туғса, ўғил кўради, деб йўяди (10. 44-45-бетлар).

**Ҳудудушлик<sup>1</sup>.** Агар кимки тушида ўзини ўзи ўлдиришга ҳариди қилса, демак, умри узоқ бўлади ёки узоқ саёҳатга ишора бўлади.

**Чолғучи.** Тушда чолғучилар дастасини кўриш ва шу дастага наан куйини тинглаш хушxabарга ишорадир. Якка чолғучини кўриш фасодга, бузуқликка далолатдир.

<sup>1</sup> Ҳудудушлик — ўз-ўзини ўлдиришга қасд қилишлик.

**Чўпон.** Тушда чўпон кўриш умуман яхшиликка йўйилади. Бундай туш кишининг қашшоқликдан қутилиб, бойий бошлаганига далолатдир.

**Шаршара.** Агар тушингизда шаршара кўрсангиз, демак, ўз истакларингизни амалга оширишда собитқадам экансиз; ўнгингизда касбу корингиз юксалади. Шунингдек, майлларингизни жиловлай олар экансиз.

**Шатранж<sup>1</sup>.** Тушда шатранж кўриш яхшиликка йўйилади: танишувлар, яхши муносабатлар, севинч, хушҳолик, мол-мулк эгаси бўлиш каби нарсаларга ишорадир.

Агар тушингизда шахмат ўйнаб ютқизсангиз, ўнгингизда тубан одамлардан ҳурматсизлик кўрар экансиз. Агар ютсангиз, кўнгилсиз нарсаларнинг олдини оласиз.

**Шоир.** Тушда шоир одами кўриш яхшиликка йўйилмайди; ўнгингизда ўйлаган ишларингиз амалга ошмайди. Адибни тушда кўриш ҳам ўнгда яхшилик келтирмайди.

**Шошқалоқлик.** Агар тушингизда шошқалоқлик қилиб бирон иш қилсангиз, ўнгингизда бажарган бирон ишингиздан пушаймон бўлишингизга далилдир.

**Эгарчи.** Агар тушингизда эгарчи кўрсангиз, у ҳолда сиз ҳаётда тўғри сўз одам эмас экансиз; бу туш огоҳлантирувчидир; ҳаётда тўғри сўз ва ҳалол бўлишингиз лозим экан.

**Энага.** Ривоят қиладиларки, Алишер Навоий Самарқандда ғоят қашшоқлик билан кун кечирган эканлар. Икки йил мобайнида ярим оч, ярим тўқ аҳволда яшабдилар. Икки йил ўтгач, бир кун туш кўрибдилар; тушларига аллақачон ўлиб кетган энагалари кириб, у кишининг бошларини силабди. Бу туш ҳазратнинг эсларидан ҳам чиқиб кетибди, аммо орадан бир неча кун ўтгач, Ҳиротдан «Хусайн Бойқаро Хуросон тахтини эгаллади», деган хабар келиб, ҳазрат Навоий ўз ватанларига чақирилибдилар.

---

<sup>1</sup> Шахматнинг қадимий номи шатранждир. Қадимги шатранждаги ўйин қоидалари ҳозирги шахмат назариясига тўғри келмайди, аммо умумий ном сифатида шатранж, деб олдих.

Тушда энага кўриш қутилмаган ёрдамга ишора, агар бемор одам бу тушни кўрса соғаяди, қарздор кўрса, тез орада қарзидан қутилади, қашшоқ бўлса, бирон жойдан ёрдам етади. Мушкулликлар ичида қолган одамнинг мушкуллари осон бўлади.

**Эскифуруш.** Агар тушингизда эскифуруш кўрсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг; энг яқин дўстингиз алдаши мумкин экан.

**Эъдом<sup>1</sup>.** Агар киши тушида эъдом қилинишини кўрса, фалокатлардан халос бўлишига ишорадир, агар тушида эъдомга маҳкум бўлса, мартабаси ва шуҳрати ортишига далолатдир.

**Югурмоқ.** Тушда югуришни кўриш умуман муродга етишга ишорадир; кўркувдан югуриш — паноҳ топиш; тез югуриш — қутилмаган бахт; ўз рақиби ортидан югуриш — ғалаба ва фойда; болалар югураётганини кўриш — севинч; ҳомиладор аёлнинг тушида югуриши — эсон-омон қутилиб олишидан далолат; бир гуруҳ одамлар орасида югуриш — омаднинг қулиб боқиши; ёлғиз югуриш — бошқа дўстлари, қариндошларидан кўра омадлироқ бўлишига ишора.

**Яшил.** Агар тушингизда яшил рангли нарсаларни кўрсангиз, билингки, муродиңгизга етасиз.

**Ўғай.** Бир жувон тушида ўғай онасини кўрди. Сафардаги эридан шум хабар келди; у автомобиль ҳалокатига йўлиқиб, ўлибди.

Агар киши тушида ўғай она ёки ўғай отани кўрса, ўнгида мудҳиш хабар олишига ишора бўлади.

**Ўйинчоқ.** Агар тушингизда болалар ўйинчоқларини кўрсангиз, ўнгингизда ўткинчи бир қувончни бошдан кечирасиз.

**Ўкча<sup>2</sup>.** Агар тушингизда оёғингиз ўкчасини кўрсангиз, демак, ўнгингизда фарзанд кўрар экансиз.

---

<sup>1</sup> Эъдом — биров тарафидан ўлдирилиш.

<sup>2</sup> Ўкча деб аслида оёқ кийимининг пошнасига айтилади, аммо оёқ товони ҳам ўкчадир.



**Ўлик кўриш.** Тушда ўлик кўрсанг, тирик кўрасан, дейдилар. Бу ҳам тўғри, аммо тушда ўлик кўриш узоқ умрга таъбир қилинибди.

**Ўмбалоқ<sup>1</sup>.** Агар тушингизда хоҳ ўзингизнинг, хоҳ бировнинг ўмбалоқ ошганлигини кўрсангиз, ишингизда, хатти-ҳаракатларингизда эҳтиёт бўлинг; ўз-ўзингизга панд бериб қўйишингиз мумкин экан.

Аммо аёл кишининг ўмбалоқ ошиши ҳасад ва ғийбатга ишора.

**Ўтин.** Агар тушингизда ўтин кўрсангиз, ўнгингизда мол топасиз ва баъзи ишларда бир қадар муваффақиятга эришасиз.

**Ўтинчи.** Агар тушингизда ўтинчини кўрсангиз, билинги, қилаётган ишларингиз тўғри экан.

**Ўт ўчирувчи.** Агар киши тушида ўт ўчирувчини кўрса, қийинчиликлардан қутилиб, роҳат ва ором олишига ишора бўлади.

**Ўқитувчи.** Агар киши тушида ўқитувчини ёки ўзини ўқитган муаллимни кўрса, ўнгида ҳузур-ҳаловатга ишорадир.

**Ўқувчи.** Тушда ўқувчини кўриш бахтиёрликдан далолат, шунингдек, ўзининг фаоллиги билан атрофдагиларнинг ҳурматини қозонар экан.

**Ўқчи.** Агар киши тушида ўқчини кўрса, демак, ўнгида қийналишига ишора; бу тушни баъзан сафарга ҳам йўядилар.

**Ўғри.** Таралабедод одамлар бундай туш кўрсалар бахтсизликка учрайдилар. Туш соҳиби ўзини ўғри сифатида кўрса ва уни миршаблар таъқиб қилаётган эса, ўнгида обрўси тўкилади ва ишларидан путур кетади. Агар туш соҳиби ўғрини таъқиб қилаётган бўлса ёки уни ушлаб олган бўлса, у ҳолда ўнгида душманлари устидан ғалаба қозонади.

---

<sup>1</sup> Ўмбалоқ ошиши — бу уринда акробатика назарда тутилган

Агар уйингизни ёки иш жойингизни ўғри урган бўлса, билинги, ўнгингизда ҳар қандай шароитда ўз эътиқодингиз учун қатъий туришингиз ва эътиқодингизнинг амалга ошиши учун курашингиз керак.

Хуллас, тушда ўғрини кўриш ҳаётда эҳтиёт бўлишга ишора қилади.

**Қайиқ.** Тушда эшакли қайиқ кўриш оилалик бўлишга ишорадир. Тушда тинч оқар сувда сузилса, ўнгида узоқ вақт уни омад тарк этмайди. Қайиқда сузаётганда маҳбубаси ёнида бўлса, тез орада уйланади. Агар маҳбубаси билан қайиқда сузаётган пайтда дарёда бўрон кўтарилса, демак, хотини жанжалкаш чиқади. Агар сузиб бораётган қайиқингиз ағдарилиб тушса, у ҳолда ўнгингизда таваккал бир ишга қўл уриб, моддий зарар кўрасиз. Агар қаршингиздан пешонасида чироқ ёнган қайиқ сузиб келаётган бўлса, ишларингизнинг омадли бўлишидан далолат.

Дўстларингиз биланми ёки бир ўзингизми, кемага ёки қайиққа ўтирсангиз, сизга ҳамиша омад ёр бўлади. Кема бортидан йиқилиш яхшиликка йўйилмайди.

**Қайғу.** Агар киши тушида ўзини қайғули кўрса, тез кунларда шоду ҳуррам бўлишидан далолатдир.

**Қароқчи.** Агар тушингизда қароқчилар кўрсангиз ва улар қўлига тушсангиз, ҳомийларингизнинг сиздан воз кечишига ишорадир.

**Қарз.** Агар тушингизда қарзингизни тўласангиз, ўнгингизда ғам ва ташвишлардан халос бўласиз.

**Қарта.** Агар тушингизда ўйналадиган қарта дастасини кўрсангиз гач-сўзга ва ғийбатга қоласиз.

Агар балоғатга етган қизнинг қаллиғи тушида қарта ўйнаётган бўлса, у ўнгида унинг яхши одам эканлигига шубҳа билдириши керак.

Агар аёл киши тушида қарта ўйнаётган бўлса, бева қолади, агар қарта ўйнаб ютқазиб қўйса, бахтини буткул йўқотиб, ҳаётини тузотолмайди.

**Қасам.** Тушингизда тўғри қасам ичсангиз, ўнгингизда душманингиз устидан ғолиб келасиз. Ибн Сирийн тушда қасам ичишни яхши ишга таъбир қилади, ёлғон қасамни динга ялтур сўйичига йўяди (10, 43-бет).

**Қасида.** Мяр тушингизда қасида ўқисангиз, ўнгингизда тўғри кунларга муваффақ бўлар экансиз.

**Қассоб.** Тушда қассоб кўриш яхшиликка йўйилмайди.

Қули қонли қассоб тушда аён бўлса, туш соҳибини ёки ишинг оила аъзоларини узоқ давом этадиган касаллик кутади.

Агар қассобнинг гўшт бўлаклаб турганини кўрса, жамоат орасида таънага қолади.

Бу тушдан кейин бирон қоғозга имзо чекишдан ва бировларга хат ёзишдан эҳтиёт бўлинг, чунки бу туш сизни балолардан огоҳлантиряпти.

**Қиз.** Таъбир китобларида тушида ўз қизини кўрган кишининг ишлари баъзи кўнгилсиз ҳодисалардан кейин омадли бўлади, дейилади.

**Қил.** Агар тушингизда қил кўрсангиз, ўнгингизда кўнглингиз хира бўлиб, ташвишга қоласиз.

**Қон олмоқ.** Умуман тушда қон кўриш ёруғликка далолат, дейдилар. Агар тушда кимки қон олдириганини кўрса, бемор бўлса, шифо топади, соғлом бўлса, рўшнолик кўради.

**Қонун.** Агар тушингизда қонунга алоқадор бир ишингиз аён бўлса, демак, бирон масалани ҳал қилишда ҳақсизлик қилишингизга далолатдир. Тушингизда қонун идорасининг аъзоси бўлсангиз, оилангиз аъзоларига нисбатан қаттиққўл экансиз.

**Қора.** Тушда қора ранг кўриш хайрлик, дейдилар. Қора хотин олиш мол-мулкка ва бойликка ишора эканлигини «Хотин» маъмунида айтиб ўтдик. Аммо тушда қора кийим кийиш ғам-андуҳга ишора экан.

**Қоравул.** Тушда қоравул кўриш аввало тинч-эминликка ишора, сўнг куч-қудрат ортишига йўйилади.

**Қоғоз.** Тушда қоғоз кўрмаклик истак ва орзуларнинг рўёбга чиқмоғини билдиради.

Ибн Сирин тушда оқ қоғоз кўриш ва уни қўлига олиш бойлик ва иззатга, қоғознинг куйиб кетиши, йиртилиши бойликка ва иззатига нуқсон етишига, олимнинг қоғозни жам қилиши унинг шуҳратига ишора, деб таъбир қилади.

Жаъфар-и Содиқ хотинга, иззат-ҳурматга, давлатга, макр-ҳийлага далолат, деб таъбир қилган (10, 93-бет)<sup>1</sup>. Агар ёш жувон тушида қўлида қоғоз ушлаб турса, ўнгида қаллиғи билан уришиб қолади.

**Қочоқчи**<sup>2</sup>. Агар тушингизда қочоқчини кўрсангиз, ўнгингизда бирон айб иш қилиб қўйишдан эҳтиёт бўлишингиз керак.

**Қуролланмоқ.** Тушингизда қуроллансангиз, ўнгингизда яхшилиқкадир; ботирлик, шифо топиш, зафар қучишга ишора бўлади.

**Қуролчи.** Тушда қурол ясайдиган ёки қурол билан савдо қиладиган одамни кўриш золим ва ситамкорга дуч келишга ишорадир.

Агар туш соҳибининг ўзи қуролчи бўлса, демак, бировларга зулм ўтказишидан далолатдир. Бу тушдан кейин эҳтиёт бўлиш керак экан.

**Қўл ювмоқ.** Ҳар ким тушида қўлини ювса, агар ногинч бўлса, ундан халос бўлади, аслида нотинчликдан холи бўлса, у ҳолда ҳалолдан мол топади ва ризқи мўл бўлади.

**Ғассол.** Агар тушингизда ғассол кўрсангиз, эҳтиёт бўлишингиз керак бўлади, чунки ғассолни тушда кўриш касалликка ишорадир.

**Ҳадя.** Агар тушингизда бировдан ҳадя олсангиз, ўнгингизда одамлардан меҳр-оқибат кўрасиз, агар ўзингиз ҳадя берсангиз ҳам худди шундай.

---

<sup>1</sup> Бу таъбир «Туш таъбирлари» (тузувчи Абдуқаҳҳор Шоший) китобининг 55-бетида сўзма-сўз келтирилган.

<sup>2</sup> Қочоқчи — контрабандист.

Айниқса, тадбиркорлар тушларида ҳадя олсалар молиявий ишларида омад келади.

Агар қиз бола тушида кимдандир ажойиб бир ҳадя олса, ўнгида ўзининг кўнглидагидек бадавлат ва яхши йигитга турмушга чиқади.

**Ҳид.** Агар тушингизда бурнингиз ҳид олгани аён бўлса, демак, қаердандир яхши бир хабар оласиз.

Агар қиз бола тушида ёқимли ҳидни ҳис этса, ўнгида маҳбубидан ажойиб совға олиши мумкин экан.

**Ҳоким.** Тушда малика ва подшоҳ ҳамда хонни кўриш яхшиликка йўйилади, деган эдик. Ҳокимни тушда кўриш ҳам яхшиликка таъбир қилинади.

**Ҳуштак.** Агар тушингизда ҳуштак овозини эшитсангиз ёки ўзингиз чалсангиз, демак, ўнгингизда фойда олиш мақсадида бузуқ ва ярамас ишларни қилар экансиз, эҳтиёт бўлинг. Агар қиз бола тушида ҳуштак чалса, ёмон хулқи учун гапсўзга қолади ва орзулари рўёбга чиқмайдди. Тушингизда кўпчилик сизга қараб ҳуштак чалаётган бўлсалар, демак, жамиятда сизга кўрсатилган ҳурмаг ва иззат йўқолар экан. Бу туш, шунингдек, дўстдан ажралишга ҳам ишора бўлади.

### *Таомга оид тушлар*

**Асал.** Кимки тушида асал кўрса ва ундан еса, тез орада бирон мулкка эга бўлади. Сузилган асал — манфаат ва хотиржамлик нишонаси. Севишганлар тушларида асал есалар онлавий ҳамжиҳатликка далолатдир.

**Буламук.** Агар камбағал одам тушида буламук еса ёки атала ичса, молиявий жиҳати яхшиланади, агар бой одам буламук еса ёки атала ичса, бойлигига путур етади.

**Гўшт.** Агар кимки тушида пиширилган гўшт кўрса, ўнгида мол эгаси бўлади, хом гўшт кўриш эса, унга оғриққа, очлик ва нохуш гапларга ишорадир.

Агар аёл тушида хом гўшт кўрса, ўз олдига қўйган мақсади йўлида кўп тусиқларга дуч келади, агар пишган гўшт кўрса, у етмоқчи бўлган мақсадга бошқалар эришади.

**Димлама.** Агар тушингизда димлама есангиз, яқин кунларда яхши бир турмуш тарзи кечиришингизга ишорадир.

**Ёғ.** Бу ўринда овқат пишириш учун ишлатиладиган барча турдаги ёғлар англашилади.

«Ҳар ким тушида думбаёғни кўрса, ғойибдан унга мол етгай. Агар хом ёғни еса, ҳаром мол унга ризқ бўлгай. Агар пишган ёғ еса, душманининг молидан егай» (10, 38-бет).

Ибн Сирин гўшти ҳалол молнинг ёғини давлатга йўйган. Жаъфар-и Содиқ фароғатга, кўп мол топишга, мушкулларнинг осон ҳал бўлишига таъбир қилган. (10, 41-бет).

Тушда ёғ сотиб юриш ўнгидаги ишидан кам даромад олишга йўйилади.

Агар аёл тушида бутун баднига ёғ суртаётган бўлса, ўнгида енгил ҳаётга боши билан шўнғиб кетиб, гап-сўзга қолади.

**Жигар.** Агар кимки тушида жигар кўрса, мўл-қўлчилик ва қувончга эришади, агар жигар еса, ўнгида мол-мулкка эга бўлади.

**Ичимлик.** Агар тушингизда сут, сув каби ҳалол ичимликларни меъёрида тановул қилсангиз, ўнгингизда соғлом ва бахтиёр турмуш кечиришингизга ишора бўлади. Агар ютоқиб ичсангиз, беморликка, номусга далолат.

**Ичкилик.** Бу ўринда маст қилувчи ичкиликлар назарда тутилади. Кимки тушида ичкилик ичса, ўнгида ҳаром мол топади, гуноҳ ишларни кўп қилади, касаллик ва душманлик каби ёвузликлар билан ошно бўлади.

Агар тушингизда ароққа берилган бўлсангиз, ўнгингизда дўстларингиз билан бирга айш-ишратда бўлиб, қувноқ вақт ўтказасиз, оқибатда барча мулкингизни совуриб, кафангадо бўласиз, дўстларингиз сизни ташлаб кетадилар.

**Кабоб.** Кимки тушида кабоб кўрса ва унинг ҳидидан баҳраманд бўлса, ўнгида бирон хушхабар эшитади.

**Маска<sup>1</sup>.** Тушда маска ёғини кўриш умуман ризққа ишора бўлади; уни нонга суртиб емак рўзгорнинг бут бўлишига ва баракага ишорадир.

**Музқаймоқ.** Агар тушингизда музқаймоқ кўрсангиз ва уни есангиз, ўнгингизда давомли бўлган дўстликка эришар экансиз, шунингдек, ишларингизда омад бўлар экан. Эриган музқаймоқ яхшиликка йўйилмайди. Болаларнинг музқаймоқ еётганларини тушда кўриш бир умр қувончга ишора.

**Мураббо.** Тушда мураббо пишириш ва ундан емак яхшиликка ва соғ-саломат бўлмоққа ишорадир.

**Нон.** Нон ўнгингизда эмас, тушингизда ҳам азиздир. Агар тушингизда нон кўрсангиз яхши ҳаёт кечиршига ишора бўлади, агар тушда нон топсангиз ёки ерда ётган нонни қўлга олсангиз юксалиш ва бойишга ишора, нонни ушатмак ёки синдирмак умидларнинг пучга чиқишидан далолатдир.

Агар аёл киши тушида нон еса, уни ўнгида умидсизлик кутади.

Агар тушингизда нон улашсангиз, бир умр тўқ яшашингизга ишора.

**Нонушта.** Тушида нонушта қилган киши ўнгида севилади, яқин орада бирон хушxabар олишини ҳам англатади.

**Овқатланмоқ.** Тушда солиҳ кишилар даврасида овқатланмоқ манфаатни ва ишлардаги муваффақиятни англатади. Тушдаги пала-партиш овқатланиш ўнгда ишларнинг чалачулпалигига ишорадир; яъни ҳужжат ишларингизда камчиликлар бўлади. Тушингизда ёлғиз ўтириб овқатланаётган бўлсангиз, ўнгингизда бир қадар муваффақиятсизликка учрайсиз. Еб тугатмаган овқатингизни йиғиштириб кетсалар, ўзингиз ҳурмат кўрмайдиган одамлардан хафалик кўрасиз.

**Палов.** Тушингизда палов есангиз, ўнгингизда янги ва фойдали ишга киришингизга ишора бўлади.

**Пишлоқ.** Кимки тушида қўй пишлоғини кўрса, ўнгида яхшиликка йўйсин. Агар бемор одам тушида пишлоқ еса, шифо топади. Бу ўринда табиий пишлоқ ҳақида гап боради. Муаббирлар дўконларда «сыр» деган ном билан сотиладиган нарсаларни туш соҳибининг зарарига йўйганлар, улар ҳақида ёзиб ўтирмадик.

**Поча.** Агар тушингизда чорва почасини кўрсангиз, демак, ўнгингизда рўзгорингиз бут бўлар экан. Умуман, чорва ризқ мўл бўлишига ишора.

**Салат.** Бу ўринда аччиқ-чучукни ҳам англаш мумкин. Тушингизда салат есангиз, ўнгингизда сиҳҳат топасиз ва бу туш сизнинг софлигингизга ишорадир. Балоғатга етган қиз тушида салат тайёрлаётган бўлса, демак, унга совчи қўйган йигит валдир-вайсақи ва ғийбатчи экан. Унга турмушга чиқишни ўйлаб кўрсин.

Агар тушда гўштли салат есангиз, ўнгингизда софлигингиз ёмонлашади, арзимаган нарса туфайли бирон киши билан жанжаллашиб, дилингиз оғрийди.

**Сақич.** Тушда сақич кўриш ёки чайнаш турлича, аммо барчаси ёмонликка йўйилади: агар тушда сақич чайнасангиз, демак, ўнгингизда нон пулини зўрга топиб юрасиз; тушида сақич чайнаган одам ғийбатга ошно бўлади; тушингизда сақич топиб олсангиз ва бировдан олсангиз, ёмон хабар олишга ишора бўлади.

**Сигарет.** Тушда сигарет кўриш ёки чекиш ҳам турлича йўйилади: агар тушингизда сигарет чекиб турганингизни кўрсангиз, демак, ўнгингизда бефойда нарсалардан умид қиласиз; сигарет олсангиз, хаёлпарастликка бериласиз.

Тушда сигарет олиш ва чекиш кишининг ўнгида телбаликка ҳам йўйилади.

Аммо тамаки ўсимлигининг гуллаб турганини тушда кўриш ишларингиздаги омадга далолат бўлади. Бу, айниқса, фермер хўжалиklarининг раҳбарлари учун, деб таъбир қиладилар.

**Сирка.** Агар тушингизда сирка кўрсангиз ёки ундан татсангиз, демак, ўнгингизда анча заҳмат чекиб ҳалол молга эга бўласиз.



**Сут.** Тушда сут кўриш ҳақида ҳадисларда нима дейилганини «Ҳадисларда туш таъбирлари» фаслида айтган эдик. Бу ўринда шу нарсани қўшимча қилиш мумкинки, тушдаги ҳар қандай оқлик нарса яхшилик ва хайрга йўйилиши лозим. Хусусан, деҳқон учун тушида сут ичиш мўл ҳосилга ишора.

**Суяк.** Кимки тушида суяк кўрса, ўнгида мол-мулк эгаси бўлишига ишора, аммо кимки тушида суяк ғажийтганини кўрса, хасислик ва молимардумхўрликка далолатдир.

**Таом.** Агар тушингизда таом ва унинг пиширилаётганини кўрсангиз, ризқингиз мўл бўлишига ишора, агар пиширилаётган таомдан есангиз, ўнгингизда бой бўлишингиздан далолатдир.

Ибн Сирин тушда бемаза ва текин таом ейишни машаққатга йўйган. Аччиқ таомни беморлик, ширин таомни умри хушлик деб таъбир қилган. Ўликнинг таом ейишини кимматчиликка йўйибди (10, 79-бет).

**Тешиккулча.** Тушда тешиккулча кўриш ҳаётдаги шарафдан далолат, иккинчи ёқдан, бу туш саёҳатга ҳам ишорадир.

**Туз.** Тушда туз кўриш катта пул олишга йўйилади, агар ундан тушда ялаб кўрилса, киши ўнгида асабийлашади.

Агар балоғатга етган қиз туз ялаётган бўлса, арзимаган бир гап билан фотиҳаси бузилади: бу нарса эса, унинг қалбини қаттиқ жароҳатлайди.

**Ун.** Агар киши тушида ун кўрса, ўнгида ҳалол ризқ топади; агар тadbиркор, савдогар бундай туш кўрса, тижорат ишлари ривож топади; арча уни кўрган киши дин ишларида тўғри йўл топади; бугдой уни кўрган киши ўнгида осон топиладиган бойлик ва ризққа эга бўлади.

Аёл киши устига ун тўкилиб кетганини кўрса, демак, ўнгида у хонадоннинг тadbиркор бекаси бўлади ва эри унинг маслаҳатларига ҳамиша қулоқ солади.

**Хамир.** Тушда хамир кўриш яхшиликка йўйилади: агар тушингизда хамир кўрсангиз, ўнгингизда осонлик билан мол топа биласиз, шунингдек, роҳат ва осойишта ҳаёт кечиришга ҳам ишорадир; агар ўз уйингизда хамир кўрсангиз, ўнгингизда касби корингиздан кўп пул топасиз.

**Ҳамиртуруш.** Агар тушида ҳамиртуруш кўрса, умуман ишлари чўзилиб кетишига ишора.

**Чой.** Тушда чой кўриш турлича таъбир қилинади.

Кўк чой кўрсангиз сизга дўстларингизнинг меҳри тушадди. Бирон жойда чой ичиб ўтириш ўнгингизда дўстлар билан чиройли ҳангома куриб ўтиришга ишорадир. Чой қуйқасан қувонч келтирмайдиган бахтсиз муҳаббатдан далолат.

**Ширилик.** Тушда ширинлик есангиз ёки ширин таъм сезсангиз, энг машаққатли пайтларда ҳам ахлогингизнинг гунаҳлиги билан ҳаммадан юқори турар экансиз. Агар ширинлик емоқдан бош тортсангиз дўстларингизга нисбатан адолатсиз муносабатда бўласиз.

**Юпқа.** Тушда юпқа кўриш ўз-ўзича ҳеч қандай маъно билдирмайди. Аммо дастурхонга юпқа тортилганини кўриш ризқнинг мўл бўлишига йўйилади.

**Ўпка.** Тушингизда ўпка кўрсангиз, ҳарҳолда садақа беринг. Агар хом ўпка кўрсангиз ўлимга ишора бўлади, ишчилган ўпка ҳузур-ҳаловотга далилдир.

**Қаймоқ.** Агар тушингизда қаймоқ есангиз, ўнгингизда фойдали ва даромадли ишга қўл урасиз.

**Қатиқ.** Тушда қатиқ кўрган одам ҳалол ва тоза молга эга бўлади, ачиган қатиқ кўрган одам ўнгида ҳаром пул топиб, кейин пушаймон бўлади.

**Қийма.** Гўштни тушда кўриш кўпда хайрга йўйилмайди. Аммо тушда қийма кўриш ва уни емак хўшхабарга ишорадир.

**Қуртава<sup>1</sup>.** Тушда қуртава кўриш яхшиликка йўйилмайди. Тушида қуртава ичган одам машаққатга учраб, кўп қийнанади, дейдилар.

**Ҳолво.** Тушда ҳолво куриш ва ейиш уч нарсага йўйиланиш бойликка эга бўлишга, илм олишга, бошқалардан илм-фот кўришга, ширин сузлар тинглашга.

<sup>1</sup> Қуртава — сузманнинг қаннаган сувлаги аралашмаси.

## **Қурилиш ва иншоотга оид тушлар**

**Арк.** Тушда аркни кўриш ва уни томоша қилиш безов-  
таликка ишорадир.

**Босмахона.** Агар тушингизда босмахона кўрсангиз, ай-  
ниқса, унинг ичига кирсангиз, ўнгингизда маъмур бир  
даврдда яшашингизга ишорадир.

**Вайрона.** Аммо киши тушида вайрона кўрса ёки вайро-  
нада юрган бўлса, ўлим ёки афсус-надоматга йўйилади.  
Шунингдек, тушда вайрона кўришни машаққатли меҳнат,  
қаҳатчилик, деб ҳам таъбир қилибдилар.

**Гилям.** Тушда гилям кўриш ва унинг устида ўтириш  
мўлчиликка ишорадир.

Агар киши тушида бирон жойга гилям ёйса, ўнгида са-  
фарга чиқади, агар гилямча (дорожка) ёйса, уйига меҳ-  
мон келади, агар иккита ёйса, икки меҳмон келар экан  
ёки кимдир йўқлар экан. Агар балоғатга етган қиз тушида  
гилям кўрса, ажойиб бир хонадонга келин бўлиб тушади,  
агар эрли аёл кўрса, турмуши фаровон бўлади.

Бозордан гилям сотиб олиш эса, қўлга кирадиган катта  
фойдадан хабар, сотиш эса, бунинг аксидир.

**Девор.** Агар киши тушида деворни кўрса, агар у бутун  
девор бўлса, жамиятдаги ўз мавқеини мустаҳкам деб бил-  
син, агар девор бузуқ бўлса, зарар кўришига йўйсин. Агар  
киши тушида деворга сакраб чиқса, олдидаги тўсиқларни  
енгиб, муҳим бир иши муваффақиятли яқун топади.

**Дераза.** Агар тушингизда дераза кўрсангиз ва унинг ой-  
налари тиниқ бўлса, демак, ўнгингизда ҳаётингиз рав-  
шанлик билан ўтар экан. Йўлда кетатуриб бировнинг де-  
разасидан ичкарига қарасангиз, бошлаган ишингизда му-  
ваффақиятсизликка йўликаси.

**Дорихона.** Агар бемор киши тушида дорихона кўрса,  
демак, ўнгида шифо топар экан. Соғлом одамга бу туш  
ҳеч нарсани англамайди.

**Дўкон.** Тушда дўкон кўриш фаровонликка йўйилади, агар бўйдоқ одам тушида дўкон кўрса, ўнгида уйланади, бемор бундай туш кўрса, ўнгида соғаяди.

**Ел тегирмони.** Агар тушингизда ел тегирмони кўрсангиз, демак, ўнгингизда яқин кунларда эътиборли кишилар билан ҳамкорлик қилар экансиз.

**Ётоқ.** Кимки тушида ётоқ кўрса ёки ўз ётоғи тушига кирса, демак, у ўнгида орзу қилган истироҳатига эришар экан.

**Жомеъ масжиди.** Тушда жомеъ масжидининг девори йиқилгани аён бўлса, ўша шаҳар улуғларидан бири қазо қилибди.

**Зиндон.** Тушда зиндон кўриш ўнгда барча ишларнинг тўхтаб қолишига ишора бўлади.

**Иҳром.** Тушда иҳром кўриш буюк воқеаларга, яхши хабарларга ишорадир.

**Касалхона.** Агар тушингизда касалхона кўрсангиз ва бу тушни эҳтимолки бир неча марта кўргансиз, албатта, ўнгингизда соғлигингизга эътибор қилинг, акс ҳолда ёмон оқибат билан тугаши мумкин.

Тушда касалхонага бориб беморлар аҳволидан хабар олиш кўнгилсиз бир хабарга ишорадир.

Жиннихонага тушиш ўнгда қалб изтиробига далолат.

**Кигиз.** Агар ёш йигит тушида кигиз кўрса, ўнгида рўзғор ташвишлари бошига тушишидан далолат беради.

**Кошона<sup>1</sup>.** Тушга кошона кириши саёҳатга ишора, дейдилар, баъзи таъбирчилар бу тушни мартабанинг юксалишига ҳам йўядилар. Валлоҳу аълам би-с-саваб.

**Кушхона.** Бир таъбирда киши тушида кушхона кўрса, ўнгида севинишига йўйилади, бошқа бир таъбирда яқинлари билан ора очик бўлишига ишора экан.

**Кўприк.** Тушда кўприк кўриш тўрт нарсага далил бўлади: йўл, мушкулларнинг осон бўлиши, мартаба, хабар. Агар

<sup>1</sup> Бу уринда ҳозирги тушунчанидаги вилла англатишилади.

балогатга етган қизнинг тушида олдидан бирдан кўприк чиқиб қолса, енгилтак йигитлардан эҳтиёт бўлиши керак.

**Кўшк<sup>1</sup>.** Агар тушингизда кўшкда бўлсангиз ёки ўша ерда истиқомат қилаётган бўлсангиз, демак, ўнгингизда ҳаммага сўзингиз ўткир бўлади.

**Лавҳа.** Тушда ёзуви бор лавҳани кўриш бировга насиҳат қилишни ёки кимдандир насиҳат эшитишни билдиради.

**Магазин.** Тушда магазин кўрмоқ катта фойда олишга ишора бўлади. Магазин товарга тўла бўлса, ўнгда муваффақиятга ишора, бўм-бўш бўлса, бунинг акси бўлади, хусусий магазин ёнаётган бўлса, ишда соҳибидан ғайрат талаб этилар экан. Ҳар ким тушида магазиндан кўп товар харид қилса, даромад манбалари кўпаяди.

Аёлларга тегишли паст товарларни харид қилса, аёлларга бўлган муносабати уни ёмон аҳволга солади.

**Мадраса ва мактаб.** Агар тушингизда мадраса ёки мактабга кирсангиз, айниқса, у ерларда таҳсил олаётган бўлсангиз, ўнгингизда кагта иззат-ҳурматга сазовор бўласиз.

Тушингизда мактаб ва унинг ҳовлисида болаларни кўрсангиз хизмат пиллапояларидан босқичма-босқич кўтарилишингизга ишорадир.

**Мақбара.** Тушда мақбара кўриш хайрга йўйилади. Агар тушда мақбарани зиёрат қилаётган бўлсангиз ишларингиз яхшилик билан ниҳоясига етади. Мақбарада авлиёни кўрсангиз барча орзу-истакларингиз амалга ошади.

**Минбар.** Тушда жомеъ масжидининг минбарини кўриш ўнгда келадиган неъмат ва давлатга ишора. Агар тушда минбар бузуқ бўлса, демак, сизнинг ҳам, атрофдаги одамларнинг ҳам эътиқоди заиф экан.

**Минора.** Тушда миноранинг ўзинигина кўриш юксак мартабага ишора; агар туш соҳиби минора устига чиқса, гез орада баланд мансабга эга бўлади.

---

<sup>1</sup>Кўшк деталли муҳтавам айвон аниқлашади.

**Нов.** Тушда новдан тиниқ сув оққанини кўриш уч нарсага далилдир: мўлчилик, арзончилик, бойлик; Каъбадаги замзам сувининг оққанини кўриш икки нарсага далил: бемор бўлса, шифо топиш, хушxabар; Каъбадаги олтин нов остида ўтирганини кўриш муроди ҳосил бўлишига, новдан ёмғир суви оққанини кўриш хушxabарга далилдир.

**Ойна.** Агар тушда бутун ва тиниқ ойна кўрсангиз рўшноликка ишора, агар синиқ ойна кўрсангиз, ўнгингизда нохуш бўлишингизга далилдир. Ойна ёруғидан мўралаш ғамгинликка ишорадир. Агар тушингизда ойна синдирсангиз, ўнгингизда кўп меҳнат ва машаққатлар эвазига қўлга киритган ишингиздан маҳрум бўласиз. Тушда ойнада қўлни кесиб олиш ва қон чиқиши — ёруғликдан нишона; бундан ташқари ўз имконият ва қобилиятингизни ишга солиб, тез орада ҳаммани ҳайратда қолдирадиган ишларни амалга оширар экансиз.

**Омбор.** Тушда киши омбор кўрса, агар бемор бўлса, ўнгида шифо топади, соғлом бўлса, тарбияли аёлга уйланади ва аёли тез орада ҳомиладор бўлади.

Агар тушида омборга кирса-ю, омбор бўм-бўш бўлса, туш соҳибини қашшоқлик ва муваффақиятсизлик кутади. Омбор тўла бўлса, масалан, унда буғдой, арпа сингари озуқалар бўлса, қўлига бойлик келади.

**Ошхона.** Бу туш ҳамма учун бирон нарсани англатавермайди, аммо бўйдоқ йигит ўзини тушда ошхонада кўрса, ўнгида уйланади. Агар аёл киши ўз ошхонасининг озода ва саранжом эканлигини кўрса, ўнгида атрофдагиларнинг севимлисига айланади.

**Оғилхона ва охур.** Агар тушингизда оғилхона ва охур кўрсангиз, боз устига оғилхонага кирсангиз, ўнгингизда кам бўлган ризқингиз ортади ва муҳтожликдан чиқасиз.

Агар оғилхонада чорва моллари кўп бўлиб, боз устига улар ем еяётган бўлсалар, бу туш бойликдан далолат беради.

Айниқса, оғилхона чорва молларининг таппилари билан тўлган бўлса, туш соҳибининг ҳар соҳада омади келганига далолатдир.

**Пашшахона.** Тушда пашшахон кўриш ўнгда уйтан ишга йўйилади, аммо баъзи таъбирлар уни ташвишга ҳам йўйибдилар.

**Раф<sup>1</sup>.** Агар тушингизда раф кўрсангиз ва рафда нарса лар жой-жойида бўлса, ўнгингизда ишларингиз ўнгланишига ишорадир.

**Сарой.** Бу ўринда сарой деганда подшоҳ саройи ҳам, карвон сарой ҳам, умуман ҳар қандай сарой тушунилади, фақат тушингизда ўша сарой бўм-бўш бўлмаса, ўнгингизда тўқ ва хотиржам яшашга ўтар экансиз.

**Тестр.** Тушда театр кўрган ёки театрга тушган одам ўнгиди олифта бўлишдан, ортиқча, бачканароқ такаллуфли бўлишдан эҳтиёт бўлиши керак, акс ҳолда ўз қилмиш ҳаракатлари билан ҳаётда алданиб қолади.

Агар саҳнадаги актерлардан бири бўлиб қолсангиз, у ҳолда ўнгингиздаги қувончингиз кўпга чўзилмайд.

Агар театрдан қулаётган ёки қарсак чалаётган бўлсангиз, демек, ўнгингизда кимнингдир инжиқликларига чидашнингиз керак.

**Тегирмон.** Биз юқорида ел тегирмонини тушда кўриш нима бўлишини айтган эдик, бу ўриндаги тегирмон фақат ел тегирмони эмас, ҳар қандай тегирмон англашилади: ҳўлтас, ҳар қандай тегирмонни тушида кўрган одам, агар қаншишқок бўлса, қашшоқлиги тугаб, бойликка юз тутади.

Агар ел қаншиши тушида тегирмончининг ҳаллослаб бекорга қулаётганини кўрса, демек, унинг қаллини жун одам бўлади.

**Товуқхона.** Агар тушингизда товуқхона кўрсангиз, демек, яқин ҳолатда иморат солишга киришар экансиз.

**Том.** Агар қаншиши тушида том кўрса ёки том солаётган бўлса, унинг яхши бир аёл билан турмуш қуришига ишора бўлади, агар томдан тушса ёки солаётган томи ўпирилса, оиласи буни яхшироқ англатади. Агар ҳар ким тушида томда

<sup>1</sup> Раф сўзида ҳоёрлик тушунишидаги турли жовонлар, жумладан, сервист, стенка, ҳоёга каби нарса лар англашилади.

ухласа, душманлар таҳдидидан ўзини муҳофаза қилган бўлади, соғлиғи ҳам яхшиланади. Агар ҳар ким тушида том тузатаётган бўлса, ишлари ривожланиб кетади. Ҳар ким тушида томга чиқса-ю, йиқилиб кетишдан қўрқса, демак, борлиқ ҳаётда кўп муваффақиятларга эришади-да, аммо ўзининг эътиқодлари ва қарашларида собит туролмайди.

**Труба.** Тушингизда труба кўрсангиз, ўнгингизда ризқингиз ортар экан ва топганингиз баракали бўлар экан.

**Туннел.** Тушида туннелга кирган одам ўнгида эҳтиёт бўлмоғи керак; чунки ишлари тўхтаб, омади юришмай қолиш хавфи бор.

**Уй.** Бу туш сизни ҳам огоҳлантиради, ҳам севинтиради: агар бошқа уйга кўчаётган бўлсангиз. ўнгингизда ишларингиз юришмай қолиши мумкин. Тушингизда бирон уй эгасини кўрсангиз, демак, ўнгингизда бой кишилар билан шериклик қилиб катта фойда оласиз.

Тушда аввалги уйни кўриш яхши хабарлар рамзидир. Агар аввалги уйингиз ораста бўлса, узоқ вақт роҳат-фароғатда яшайсиз.

Агар қиз бола тушида уйдан кетиб қолса, ўнгида асаб бузар гийбатга қолади.

Агар тушингизда ўз уйингизни тополмай сарсон бўлаётган эсангиз, ўнгингизда одамларга бўлган ишончингизни батамом йўқотасиз.

**Университет.** Агар тушингизда университет кўрсангиз ва унинг ичида бўлсангиз, ўнгингизда шароитингиз яхшиланади ва илму маърифатга эришиб, жамият учун зарур одам бўлиб қоласиз.

**Фабрика.** Бу тушнинг бошқаларга таъсири борлиги ёки йўқлиги ҳақида таъбир топилмаган, аммо савдо аҳли тушида фабрика кўрса, ўнгида тижорат ишларида омад кулиб боқади. Аммо фабриканинг ичида юрса, ўнгида иши кўпаяди.

**Хазина.** Бу туш барчага бирдек тегишли ва барча учун бир хил таъбир қилинади, яъни тушида хазина кўрган одам



ўнгида қилган ишларидан қониқади ва ҳалолдан мол топади. Шунингдек, хазинадорни кўрса ва у билан мулоқот қилса, фаровонлик ва роҳатда умр кечиришига ҳам ишорадир.

**Хароба.** Биз юқорида (175-бетга қаранг) вайрона мазмунини келтирган эдик.

Вайрона билан харобанинг фарқи бор: вайрона деб бузилиб ҳар томонга сочилиб кетган иншоотни айтилади, хароба эса, ташландиқ жой. Киши тушида хароба кўрса ва унда кезиб юрса, ўнгида бойликка эга бўлади.

**Хиргоҳ<sup>1</sup>.** Сиз тушингизда ўзингизни хиргоҳ ичида ёки атрофида кўрсангиз, ўнгингизда рақибларингиз устидан галаба қозонасиз.

**Хона.** Тушда хона кўриш икки хил таъбир қилинади; агар хона бўм-бўш бўлса, туш соҳибининг ишлари ўнгида орқага кетганлигини, агар хона безатилган ва ёруғ бўлса, ўнгида фойдали бир ишга киришишини англатади. Агар бундай тушни балоғатга етган қиз кўрса, бадавлат хонадонга келин бўлиб тушишига далолат. Оддийгина безатилган хонани кўрса, камбағалга эрга тегади.

**Черков.** Киши тушида черковни кўрса ва унинг ичига кирса, демак, ўнгида ҳаёт тарзи ва яшаш шароити ўзгаради.

Қоронғу черковга кириш мотам маросимида иштирок этишингизни билдиради.

Шунингдек, бу туш истиқболингизнинг номаълумлигини ва яхши кунлар келишини узоқ вақт кутишингизни ҳам англатади.

**Чодир.** Тушда чодир кўриш хайрли бир ишга, мартаба ва салтанатга йўйилади, агар оилали киши тушида чодир кўрса, янги уй қуришига ишорадир.

**Шифт.** Тушда шифтнинг йиқилганини кўриш яхшиликка йўйилмайди; қаердандир туш соҳиби учун кўнгилсиз бир хабар келишидан далолатдир.

---

<sup>1</sup> Подшоҳлар сафарга чиққанларида хизматкорлар унинг кетидан хиргоҳини олиб юрганлар ва подшоҳ қаерга кўнса, уша ерга хиргоҳини тиклаб берганлар: хиргоҳ уй мақомндаги муҳташам чодирни англатади.

**Эшик.** Агар тушингизда бирон эшикни қоқсангиз, ўнгингизда биров билан баҳслашасиз.

Агар очиқ эшик кўрсангиз, ўзингиз учун яхши бир хабар олишга далилдир.

Агар тушингизда эшик ёпиқ ҳолда бўлса, ўнгингизда ғамга ботасиз.

Дарвоза остонасини тушда кўриш бўйдоқлар учун уйланишга далолатдир.

Агар тушингизда дарвозабон кўрсангиз, ўнгингизда фойдаси тегмайдиган бирон хизматкорга эга бўласиз ва у ниҳоятда асабингизга тегиб, ишингизни орқага суради.

**Эҳром<sup>1</sup>.** Агар тушингизда ҳажга бориш ниятида эҳромга кирсангиз, демак, умрингиз узоқ бўлар экан.

**Ўчоқ.** Тушида киши ўчоқ кўрса, ўнгида бадавлат рўзгорли бўлишга ишорадир. Агар туш соҳибининг тушида ўчоқ бузилган бўлса, ўнгида неъмат ва роҳатини йўқотади.

**Қадаманақш<sup>2</sup>.** Киши тушида қадаманақш кўрса, ўнгида тарихий жойларни томоша қилади.

**Қазноқ.** Агар кимки тушида дон-дун тўла қазноқ кўрса, ўнгида саришта бир оила қуради ва турмуши фаровон бўлади.

**Қалъа.** Бу туш кўпинча бўйдоқ кишиларга ва турмушга чиқмаган аёлларга тааллуқли. Агар тушида қалъа кўрса, ўнгида яхши бир оила қуради.

Оилали кишилар бундай туш кўрсалар, солиҳ бир фарзанд кутсинлар.

**Қамоқхона.** Киши тушида қамоқхонага тушса, ўнгида номаъқул ишларни қилади. Бу туш ҳийла ва макр туфайли кийноққа тушишга ҳам ишора бўлади.

**Қандил.** Тушда қандил кўриш бир неча хил таъбир қилинади.

---

<sup>1</sup> «Иҳром» ва «эҳром» сузларини бир хил тушуниш хато ҳисобланади: «иҳром» — буюк иншоот. «эҳром» эса ҳажга борадиган тарнинг юпқа матодан тайёрланган ошпоқ кийимларидир.

<sup>2</sup> Қадаманақш — молякка.

Қандилнинг ўзини кўриш бола-чақанинг тинчлигига ишорадир. Кимки тушида қандил ёқса, ўнгида бадавлат бўлади; қутилмаган жойдан унга бойлик етишади. Ёниб турган қандилни кўрса, ҳамиша сиҳат ва саломат бўлар экан.

**Қароргоҳ.** Бу ўринда қароргоҳдан мурод ҳарбий лагердир. Кимки тушида шундай ҳарбий қароргоҳни кўрса, ўнгида албатта севинади.

**Қафас.** Тушда қафас кўрмоқ ўнгида сиқилишга, асабий ҳолатда бўлишга ишорадир.

**Қудуқ.** Кимки тушида уйи олдида қудуқ кўрибди, ўнгида топгани осонлик билан кўпайибди, агар қудуқдан сув олиб ичса ва ювинса, барча ташвишлардан халос бўлибди.

**Қурилиш.** Тушда бирон қурилишни кўриш ва унда иштирок этиш туш кўрган одамнинг ёшига қараб таъбир қилинади: агар ёш йигит бўлса, янги иш бошлашига ишора; ўрта ёшли одам бўлса, оғир ишни осонлик билан бажаришига далил; ёши улуғ киши бўлса, ишончлари ва эътиқодлари рўёбга чиқар экан.

**Ҳаммом.** Тушда ёлғиз ҳаммомнинг ўзини кўриш ташвишга йўйилади. Агар киши бемор бўлса ва тушида ҳаммом ичида иссиқ сувга чўмилса, шифо топишидан далолат, соғлом киши ҳаммом ичида илиқ сувда ювинса, ўнгида ишларининг яхши бўлишига ишорадир.

**Ҳарам.** Ҳарам деганда подшоҳларнинг ҳарами ҳам англашилади ёки оиласидаги аёллар яшайдиган хос уйлар ҳам тушунилади. Демак, тушда ҳарам кўриш ўнгида оилавий ҳаётда бахтиёр бўлишига ишорадир.

**Ҳожатхона.** Агар кимки тушида ҳожатхона кўрса ва унга кириб чиқса, ўнгида қашшоқликдан қутилади; агар тушида ҳожатхонани супириб турганини кўрса, ўнгида ташвишга дучор бўлади; ҳожатхонадан нажас чиқариб ташлаган киши, ўнгида мол-мулкни сотади.

## Чолгуга оид тушлар

**Афгон рубоби.** Тушда афгон рубобининг ёқимли ва гамгин оҳангини тинглаш ўнгда манфаатли ишнинг хафачилик билан тугашига ишора. Синган афгон рубоби касалликдан далолат.

**Довул<sup>1</sup>.** Агар кимки тушида довул чалинганини эшитса, ўнгда қиладиган ишларининг муваффақиятли бўлишига ишора бўлади.

**Концерт.** Тушда ажойиб бир концертни кўриш ва эшитиш ўнгингизда маза қилиб дам олишингизни англатади, шоирлар ва адиблар учун эса, янги асар ёзмоқ учун илҳомдан далолатдир.

Агар тадбиркор киши бундай туш кўрса, савдо ишлари авж олар экан.

Машҳур раққосалар ва хонандалар иштирокидаги концертни тушда кўриш ва эшитиш ўнгда номард одамлар билан учрашишга ишорадир. Бундай туш тадбиркорлар учун ҳам яхшиликка йўйилмайди; маълум бир вақтгача савдо ишлари ўлади.

**Муסיқа.** Тушингизда мусиқа чалинганини эшитсангиз ёки кўрсангиз, ўз рақибингиздан ғолиб келишингизга ишорадир.

Ҳар ким тушида шовқин-суронли, қулоқни тешадиган мусиқа тингласа, ўнгда қайсар аҳли аёлидан озор топади ва қаттиқ асабийлашишига сабаб бўлади.

Бу туш яна шунга ишораки, агар сиз яшаётган мамлакат уруш ҳолатида бўлса, демак, тез орада душман устидан ғалаба қозонилади.

**Най.** Тушда най садосини эшитиш ёки най чалинаётганини кўриш ўнгда севинчли, яхши хабарлар олишга ишорадир.

**Сурнай.** Агар тушингизда ўзингиз сурнай чалсангиз ёки сурнай чалинаётганини эшитсангиз, ўнгингизда бирон хайрли хабар эшитасиз.

---

<sup>1</sup> Қалимда ҳарбийлар урушга кирганда махсус ноғора чалдирганлар, ана шунни довул дейилади

**Танбур.** Кимки тушида танбур кўрса ёки унинг чалинганини эшитса, ўнгида безовта бўлади, чертма соз оҳанглари эшитиш ёки чалинаётганини кўриш ботил нарсаларга ишорадир.

**Уд.** Тушда уд кўриш ва уд созининг оҳанглари тингламоқ яхшиликка йўйилади: агар бемор киши удни кўрса ёки унинг оҳанглари эшитса, ўнгида касалига шифо топади; агар бўйдоқ шундай туш кўрса, ўнгида уйланади, оилали эр киши кўрса, фарзандлик бўлади.

**Чилдирма.** Тушда чилдирма бака-бумини эшитиш ўнгдаги ёлгон гапларга ишора бўлади.

**Ғижжак.** Агар тушингизда ғижжакни кўрсангиз ёки унинг ноласини эшитсангиз, бошлаб қўйган ишларингиз тез орада ниҳоясига етар экан.

### **Уловга оид тушлар**

**Автобус.** Тушингизда автобус кўрсангиз, ўнгингизда кўпдан буён кўрмаган дўстингизни учратасиз, автобусга минсангиз, ўнгингизда яқин вақт ичида бирон жойга сафарга кетасиз.

**Автомобиль.** Кимки тушида автомобилда кетаётганини кўрса, демак, ишида ғайратли ва шижоатли экан.

Агар тушда автомобиль ҳалокати рўй берса, кўнгил очар йиғинлардан яхшилик кутилмасин. Автомобиль ҳалокатидан омон-эсон қутилиб қолган киши ўнгида ўзининг яшин душманларидан қутилган бўлади.

Тушда автомобиль сотиб олиш яхшиликка; бундай туш кўрган киши ўзининг илгариги аҳволини тиклашига ишора; автомобиллини сотиб юбориш эса, бунинг акси; ёмон.

Агар тушингизда автомобилга минсангиз, ўнгингизда юксак мартаба соҳиби бўласиз, агар автомобилдан тушсангиз, мансабдор бўлсангиз, мансабдан олинасиз.

Мансабдор бўлмаган шахсларнинг иши бу тушдан кейин орқага кетади.

**Арава.** Кимки тушида арава курса, ўнгида узоқ сафарга отланади. бузуқ арава кўриш сафарининг машаққатли бўлишига ишорадир.

Агар аравага ҳайвонлар қўшилмаган бўлса ёки улар юришга тихирлик қилаётган бўлса, ишлардан омал кетганлигини англатади.

**Болалар аравачаси.** Ҳар ким тушида болалар аравачасини кўрса, билсинки, унинг садоқатли бир дўсти бор, унинг учун кўп яхшиликлар қилишга тайёр.

**Вагон.** Кимки тушида трамвай ёки поезд вагониде кетаётганини кўрса, ўнгида келажаги яхши бўлишига ишора бўлади. Аинчқса, вагон пастдан юқорига чиқаётган бўлса.

**Велосипед.** оижикларда зўри беҳуда — миён шиканад, деган мақом бор. Ўрни бекорга зўр берсанг, белинг синади, дегани. Тушда велосипед кўрган ёки минган одам ҳам ўнгида бекози зуриқади-ю, аммо қилган ишининг натижаси бўлмайди.

**Мотоцикл.** Кимки тушида мотоцикл кўрса ёки минса, ўнгида ўртоқлари билан баҳслашади, натижада хафа бўлади.

**Поезд.** Агар тушингизда поезд кўрсангиз ёки унда кетган бўлсангиз, ўнгингизда ишингиз ривож топади ва бирон иш учун ҳаракат бошлашингизга фурсат етганини англатади.

**Рельс** Тушда поезд кўриш иш ривожига ишора бўлса, рельсни кўриш машаққатли сафарга чиқишга ишора.

**Тайёра.** Тушда тайёра кўриш ҳаётда юксалишга ва мартабанинг яна ҳам ортишига, реактив тайёра кўриш эса қўтилмаган бир хабар олишга ишора бўлади.

Агар киши тайёрада учиб кетаётганини кўрса, юксалиши ва мартабасининг улуг бўлиши тезроқ амалга ошади.

**Такси.** Тушида такси кўрган ёки унда утириб кетаётган кимса ўнгида ҳар ишда илғор бўлади.

**Юк машинаси.** Агар тушингизда юк машинаси кўрсангиз янги бир иш бошлашингизга ишорадир, агар юк машинасига миниб кетаётган бўлсангиз, ўнгингизда сафарга чиқасиз.

**Яхта.** Тушда яхта кўриш ва атрофда сувнинг осуда ва тиниқ бўлиши ўнгда фаровон ҳаёт кечиришга ишора бўлади. Умуман яхта кўриш узоққа кетиб, осуда дам олишга ишорадир.

Агар яхта бузилган ҳолда қирғоққа чиқариб ташланганини тушда кўрилса, ўнгда арзимаган кўнгилсизликлар бўлади.

**Кийим-кечак, тақинчоқ, атриёт  
ва дори-дармонга оид  
тушлар**

**Атр.** Атр билан бозғлиқ тушлар яхшиликка йўйилади. Тушингизда атрнинг ўзини кўрсангиз ва ҳидласангиз ёки сепсангиз, ўнгингизда фойда берадиган имкониятларни қўлга киритар экансиз.

Агар эътиқодингизда сустлик бўлса ёки ахлоқингизда қусур бўлса, тушингизда атргулни ҳидласангиз, ўнгингизда маънавий покликка эришасиз.

Хушбўй ўтлар, масалан, райҳон, зира, овқатга солинадиган турли доривор ўтларни кўрсангиз ва ҳидласангиз, ўнгингизда фойдали ишларга қўл урасиз.

Аммо хушбўй, бироқ қуриган ўтларни кўриш кишининг ўнгида касал бўлишига ишорадир.

**Билакузук.** Агар тушингизда бировга билакузук берсангиз, сизга қаердандир бир яхшилик етишига ишорадир, олтин билакузук кўрсангиз, ўнгингизда бирон меросга эга бўласиз, деб ҳам таъбир қиладилар.

Агар қиз бола билагида билакузук кўрса, ўнгида барвақт турмушга чиқади, агар билакузугини йўқотса, уни кўнгилсиз воқеалар қутади. Аммо олтин билакузукни муаббирлар аксарият сохтакорликка йўядилар.

**Дастрўмол.** Тушда дастрўмол кўриш ҳамма учун ҳам оилали бўлишга ишорадир.

Аммо дастрўмолнинг йўқолиши ўнгда бўлажак оилавий бахтни қўлдан чиқаришни англатади.

**Дори.** Масалан, сиз умуман диний амалларга эътибор ҳам бермайсиз ва уларни бажармайсиз ҳам. Аммо тушингизда дори кўрсангиз ва ундан тановул қилсангиз, ўнгингизда диний амалларга бекаму-кўст амал қиладиган тақводор бўлишингизга ишора бўлади.

**Дубулға.** Тушда дубулға кўришни қарама-қарши икки нарсага йўядилар: бири шундайки, тушида дубулға кўрса ёки кийса, ўнгида тинчлик бўлади, иккинчиси шундайки, дубулға кўрса ёки кийса, кимлар биландир баҳслашиб, кўнгли хира бўлади.

**Зийнат.** Агар тушингизда зийнат кўрсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг: исрофгарчилик қилиб, камбағаллашиб қолишингиз мумкин.

**Исирға.** Тушда исирға кўриш уч хил таъбир қилинади: агар аёл киши кўрса, ўғил кўради, қиз бола кўрса, турмушга чиқади, эр киши кўрса, ўнгида илм олишга берилади.

Агар тушда исирға синган бўлса, миш-миш ва ғийбат гаплар туфайли туш соҳибига зарар етиши мумкин, эҳтиёт бўлмоқ керак.

**Ипак ип.** Агар тушингизда ипак ип кўрсангиз, демак, ўнгингизда сафарга чиқишингизга ишора бўлади. Умуман, ип йўлга таъбир қилинади.

**Ипак.** Аёл киши тушида ипак кўрса, ўнгида фойдали нарсага эга бўлишига ишора, агар эр киши кўрса, қўлига ҳаромдан топилган мол келишидан далолатдир.

**Ичкийим.** Тушда ичкийим кийишнинг таъбири шуки, киши ўнгида кимдандир қийматбаҳо совға олади, агар тушда киши ичкийимини ечса, ўнгида бемор бўлишига ишорадир.

**Камар.** Агар тушингизда камар боғласангиз, ўнгингизда бирон сабаб билан севинасиз ва ишингиз натижасидан кўп фойда олишингиз ҳам мумкин.

**Кафан.** Тушингизда кафан кўрсангиз кўрқманг: кун совуқ бўлиб, қалинроқ нарсага ўранасиз, баъзи таъбирларда бировга яхшилик қилишга ҳам ишора дейилибди.



**Кийим.** Агар бўйдоқ йигит тушида кийим кийса, ўнгида уйланади, бошқалар учун аста-секин бойишга ишорадир. Қиз ёки аёл тушида янги, покиза кийим кийса, унинг хушахлоқ ва одобли бўлишига ишора.

Кимки тушида эски, кир кийим кийса, келажакдаги қашшоқлигидан далолатдир. Тушида ўзини кийимсиз кўрса, гийбатлар остида қолади, бошқаларни кийимсиз кўриш эса, хафачиликка йўйилади.

**Латта.** Агар савдо аҳли тушида латта кўрса, даромадга ишора бўлади, бошқалар учун қашшоқликка ишора.

**Маржон.** Агар балоғатга етган қиз тушида бўйнига маржон тақса, бой ва яхши хонадонга келин бўлиб тушишига ишора. Агар бўйдоқ йигит тушида маржон тақса, омадли бўлишидан далолат беради. Умуман, кимки тушида маржон тақса, бойлик ва яхшиликка далолатдир.

**Марҳам.** Тушингизда марҳам кўрсангиз ва ундан фойдалансангиз, ўнгингизда бемор бўлишингизга ишорадир.

**Махси.** Бу тушни хоҳ аёл кўрсин, хоҳ эр киши, агар тушида махси кийса, яхши бир оила қуришига ишора бўлади.

**Мушк.** Агар савдогарлар тушларида мушк ҳидласалар, савдо ишлари яхши бўлишига ишорадир.

Бошқалар тушларида мушк ҳидласалар севинчли хабар эшитишга ишора ёки маҳбуб бир одами келади.

**Мўйна.** Умуман тушда мўйна кўриш бойлик ва бахтиёрликка ишора бўлади.

Агар аёл тушида мўйнадан кийим кийса, бахтли турмуш қуради. Агар эр киши мўйна кўрса ва мўйнадан кийим кийса, ўнгида бадавлат бўлишига далил.

**Нафталин.** Хоҳ эр киши бўлсин, хоҳ аёл киши бўлсин, тушда нафталин кўрса ва кийимларга нафталин сепиб юрган бўлса, ўнгида бирон улуг кишидан ёрдам олади.

**Обдаста.** Агар гуноҳкор киши тушида обдаста кўрса, ўнгида албатта тавба қилсин. Аёл обдаста кўрса, ўнгида ўғил кўради.

**Пайпоқ.** Тушингизда оқ пайпоқ кийсангиз, оёгингизга бемалол кийилса, ўнгингизда сафарга чиқасиз, сафар яхши натижа беради. Тушда эски пайпоқ кийиш камбағал бўлиш ва нохушликка далолат. Кимки тушида тор пайпоқ кийса, ўнгида қарзга ботади.

**Пальто.** Тушингизда пальто кўрсангиз ва айниқса уни кийсангиз, хурсанд бўлаверинг: ўнгингизда бирон мансабга кўтариласиз.

Тушингизда пальтоингизни йўқотиб қўйган бўлсангиз, ўнгингизда молиявий ишларда кимларгадир ишонганлигингиздан чув тушасиз ва қаттиқ қайғурасиз.

**Паранжи.** Аёл киши паранжи кўрса ва ёпинса, бойвучча бўлишидан ва оила қуришидан далолат бўлади. Бу тушни аёл ифратига ҳам йўйибдирлар.

**Парда.** Таъбирчилар тушда парда кўришни икки хил, ammo бир-бирига зид таъбир қиладилар: яхши оилага ишора ёки ўнгда келадиган ташвишдан далолат.

Агар тушда деразага тугилган парда кир ва исқирт бўлса, ўнгда оилада бўладиган жанжал ва таъна-дашномларга далолатдир.

**Пешбанд.** Агар тушингизда олдингизга пешбанд тутсангиз, ўнгингизда янги кийим киясиз, агар пешбандни ямасангиз, ўнгингизда оила қурасиз.

**Пижама.** Тушда пижама кўриш ёки кийиш нохуш хабарга йўйилади. Агар у йиртиқ ва кир ҳамдағижимланган бўлса, оиладаги нохуш кайфият ва ишнинг орқага кетганлигидан далолатдир.

**Рецепт.** Тушда врачга дори учун рецепт ёздириш ўнгда энгил бир касалга чалинишга ишорадир.

**Салла.** Агар тушингизда салла кўрсангиз ёки ўрасангиз, буюкликка эришасиз, иншоаллоҳ. Салла чуваланиб кетса, ишнинг чалкашлигини англатади.

Ибн Сирин саллани тушда кўрмоқни динга йўйган; агар салла юнгдан тўқилиб, оқ ёки сабзаранг бўлса, боз устига

покиза бўлса. дини ва дунёвийлиги яхши бўлар экан. Агар салласи ипакдан бўлса, дунёвий ишлари дуруст бўларкан. Салла катта бўлса, мартабаси ва қадри ошади. Агар бошидаги салласи йўқолса ёки ерга тушиб кетса, жамиятда қадри йўқолади.

**Жаъфар-и Содиқ** тушда салла кўришни олти нарсага йўйибди: дин, риёзат, амал, мартаба, вилоят, камбағаллик (10, 37-бет).

**Сурма.** Киши тушида кўзига сурма тортса, ўнгида дини ва иймони мустақкам бўлиб, ҳидоят топишига ишора ва мол эгаси бўлишидан далолатдир.

**Тақа.** Тушда тақа кўриш, у қайси ҳайвонники бўлмасин ёки нимага ишлатилишидан қатъи назар, мурод ҳосил бўлишига ишора бўлади.

**Тақя.** Қадимий уламолар, зодагонлар киядиган бу бош кийимни кўриш ёки кийиш атрофда зиқна одамлар борлигини англатади.

**Тугма.** Бўйдоқ одам тушида тугма қадаса, ўнгида албатта уйланади. Умуман тушда тугма кўриш ёки уни қадаш ризқнинг кўпайишига, бой бўлишга, мулкнинг ортишига далолат. Балоғатга етган қиз эр кишилар кастюмига ялтироқ тугма чатаётган бўлса, барно ва бой йигитнинг кўнглидан жой олади.

**Узук.** Агар тушингизда оддий узук тақсангиз, ўнгингизда фарзанд кўришингизга, дўст орттиришингизга ишора. Зумрад кўзли узук тақсангиз, ўнгингизда мушкулликлардан қутилиб, эл назарига тушасиз. Аммо бу нарса тез юз бермайди, эҳтимолки йиллар ўтар.

**Чачвон.** Агар тушингизда чачвон кўрсангиз ёки чачвон тутган аёлга дуч келсангиз, ўнгингизда иккиюзламачи одам билан мулоқотда бўласиз.

**Шим.** Агар тушингизда қора шим кийсангиз, ўнгингизда эътибор ва ҳурматга сазовор бўласиз. Ҳар ким тушида шимни тескари кийса, ўнгида кимнингдир таъсирига тушиб, кўп хатоликларга йўл қўяди.

**Шиппак.** Тушда шиппак кўриш кўпда хавотирли туш эмас. Аммо бу тушни кўрган кишининг ўнгида ишлари секин ва оғир кечишидан далолат.

Аёл киши ёки балоғатга етган қиз тушида шиппак нарса, уйланган, оилали одамнинг эҳтиросларига дуч келган ва бу нарса жанжал билан ниҳоя топади.

**Шода.** Тушда шода, мунчоқ сингари нарсаларни тақмоқ, ўнгида атрофдагиларнинг меҳрини қозонишдан далолат беради.

**Этик.** Тушда янги этик киймоқ қувонч, манфаат, даромад ва ишларнинг бароридан келишига ишора. Йиртиқ этик киймоқ муҳтожлик ва оёқ оғришидан далолат.

**Юзпарда.** Келинлар салом қилиш учун бошига таппаб оладиган тўр рўмолни юзпарда деб атаймиз. Агар кимки тушида юзпарда кўрса, ўнгида муроди ҳосил бўлади. Юзпарда иффат ва ҳаёга ҳам далолатдир.

**Ясанмоқ.** Аёл тушида ясанса, ўнгида ўйламай босган қадамидан пушаймон бўлади.

**Қайиш.** Биз юқорида камар ҳақида гапирган эдик, аммо камар билан қайишнинг фарқи бор: қайишни аксарият ҳарбийлар тақадилар; кимки тушида қайиш кўрса, ризқи ва фарзандининг кўпайишига ишора.

**Қўлқоп.** Тушда қўлқоп киймоқ ўнгида бир қадар сиқиллишга йўйилади. Баъзи таъбирчилар бунини қувватнинг ортиши ва интизомли бўлмоққа йўядилар. Тушда қўлқопни ечмоқ ишларида озгина силжиш бўлишига ишора.

**Ҳаммомкафш.** Тушда ҳаммомкафш кўриш нохушликдан далолат, аниқроғи, жанжалкаш ва муросасиз хотин билан турмуш кечиришга ишорадир.

**Ҳижоб.** Агар тушингизда ҳижоб кўрсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг: бировга, ҳатто энг яқин кишиларингизга ҳам сиригингизни айтманг.

## *Қурол-яроқ ва рўзғор буюмларига оид тушлар*

**Ангишвона.** Агар бу тушни балоғатга етган қиз кўрса, ўнгида совчилар келади ва турмушга чиқади, агар бўйдоқ йигитлар тушида ангишвона кўрса, бирон қизга ишқи тушади ва изтироб чекади.

Бошқа синфдагилар учун бу туш ҳеч нарсани билдирмайди.

**Арра.** Бўйдоқ йигитлар тушида арра кўрса, ўнгида хотиржам бўлсин, албатта уйланадилар, агар оилали киши тушида арра кўрса, ўнгда фарзандлик бўладилар. Агар тушда кимки бирон нарсани арралаб турганини кўрса, ўнгида мушкул бир иши осонликча битади. Агар тушда қўл аррадан фойдаланаётган бўлсангиз, демак, сиз гайратли одамсиз.

**Арқон.** Тушда арқон кўрсанг, ўнгингда йўл бўлади, дейишарди момоларимиз. Бу таъбирда ҳам жон бор; саёҳатга чиқишга ишора бўлиши мумкин. Аммо йўгон арқон кўрган киши ўнгида бойликка эга бўлади. Баъзи таъбирларда қўрқоқликка ҳам ишора деб йўйилган, яъни туш соҳиби бирон иш бошлашдан чўчир экан.

Арқонни тушда кўриш ҳаётдаги муҳим ўзгаришларга ҳам йўйилади.

Тушдаги арқон қувватга ҳам йўйилади; яъни бу тушни кўрган киши жисмонан эмас, балки маънан қувватли бўлишига ишорадир.

Ўрилмаган арқонни тушда кўриш эса, ўнгида ҳийлага дуч келиб, қийин аҳволга тушишни ҳам англатар экан.

Аксарият таъбирчилар тушда арқон кўришни ҳалол молга ва хушxabар олишга йўйганлар.

**Арғимчоқ.** Тушда арғимчоқ учсангиз, ўнгингизда енгилтаклик қилиб бирон ишни расво қилиб қўйишингизга ишорадир.

**Байроқ.** Умуман тушда байроқ кўриш яхшиликларга йўйилади: миллий байроқ тинчликка ва фаровонликка ишора; ҳилпираган байроқ омадингиз борлигига далолат; хорижий байроқни кўриш жанжал ва ғалаёнга ишора бўлади.

Йигитлар учун байроқ кўриш обрўли хонадонга куёв бўлишга ишора.

**Болта.** Тушда болта кўришнинг таъбири қуйидагилардан иборат: рўзгорнинг бут бўлиши ва ризқ ортиши; дудам болта кўриш ўнгда бўладиган эҳтиромга, савдогарлар учун катта фойда кўришга; этболта ва чопқи кўриш жасорат ва қувватга ишорадир. Болта кўтарган одамларни кўриш яхши дўстларга ишорадир.

**Болға.** Агар тушингизда болға кўрсангиз, ўнгингизда содиқ дўст орттиришингизга ишора бўлади, агар болға билан мих қоқсангиз, хушxabар оласиз, болғанинг ўзини кўрсангиз, ўнгингизда қувонасиз.

**Бочка.** Тушда бочка кўриш мўлчиликдан далолатдир. Сув тўла бочка хонадонингиздаги тўла ҳамжиҳатликка далолатдир.

Агар тушда бочка қуппа-қуруқ бўлса, бир муддат бахтиёрлик сизни тарк этади. Қоқ қуриган, ёрилган, чириган бочкани тушда кўрган киши эҳтиёт бўлсин, оиласида нотинчлик бўлиб қолади.

**Буфет.** Тушингизда яхши бир буфетга кирдингиз ва у ерда овқатландингиз, билингки, ўнгингизда натижасиз муҳаббатга дуч келасиз. Тушда буфет кўришни яна шундай таъбир қиладиларки, пулсиз қолишингиз ёки омадли бўлишингиз кўрган буфетингизнинг саранжомлиги ва орасталигига боғлиқ. Агар ораста бўлса, сиз учун яхши.

**Бўёқ.** Тушда бўёқ кўриш ўнгда ҳалол мол топишга ишора, деб таъбир қиладилар, аммо қора бўёқ, аниққи, қўнгилхиралликка, мовий бўёқ ким биландир дўстлашишга далил бўлади.

**Бўйра.** Тушингизда бўйра кўрсангиз, хурсанд бўлинг, ўнгингизда юксак мартабага эришасиз. Аммо киши тушида бўйра устида ўтирганини кўрса, ўнгида бирон иш натижасидан пушаймон бўлади. Кимки тушида бўйра сотиб олса, бўйдоқ бўлса, уйланишига ишора. Тушда бўйра йўқотиш ёки ўғирлатиш эса, туш соҳиби эр киши бўлса, хотиндан ажрайди, аёл киши эридан чиқади.

**Бўр.** Агар тушингизда бўр кўрсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг: бирон иш натижасидан зарар кўрасиз.

**Ванна.** Хоҳ йигит бўлсин, хоҳ қиз, тушида ваннада чўмилаётган бўлса, ўнгида маҳбубини йўқотишдан хавотирга тушиб қолади.

Ҳомиладор аёл учун бу туш огоҳлантирувчидир; бирон бахтсиз ҳодиса рўй беради.

Туш соҳиби ваннада бир ўзи ювинмаётган бўлса, у ҳолда сафар чоғида йўлдошидан эҳтиёт бўлиши керак, шунингдек, гийбатга қолиши ҳам мумкин.

Ванна ичида иркит сув бўлса, билингки, ёвузлик шундоқ биқинингизда турибди.

**Гипс.** Агар тушингизда гипс кўрсангиз, ё кўлингиз ёки оёғингиз нипсланган бўлса, ўнгингизда бирон нарсадан қувонасиз.

**Гугурт.** Гугурт ўз-ўзича тушда кўринса, бирон маъно бермайди, аммо унинг ёнганини кўриш, ўнгда бирон улушга ишора бўлади.

**Гулдон.** Агар тушингизда гул тўла гулдон кўрсангиз, кутган муждангиз ўнгингизда келади.

**Гул тувак.** Бўйдоқлар тушларида гул тувак кўрсалар, ўнглаарида уйланадилар. Бу тушни оилали одамлар кўрсалар, агар иш тополмай қийналиб юрган бўлсалар, ўнглаарида яхши бир ишга жойлашадилар.

**Дазмол.** Умуман тушда дазмол кўриш яхшиликка, ишларнинг жойида бўлишига йўйилади.

Агар тушингизда қизиган дазмол кўрсангиз, ўнгингизда ўз ақлингизнинг ниҳоятда ўткирлигига ишониб, шу ишонч орқали катта зарар кўришингизга далил бўлади.

**Дафтар.** Анчадан бери иш қидириб тинкангиз қуриган бўлса, ана ўшандай кунларда тушингизда дафтар кўрсангиз, ўнгингизда, албатта, иш топасиз.

**Дор.** Ювилган кирларни дорга осиш бемор учун шифо рамзи, кимгадир тобе бўлган кишилар учун эркинлик рамзидир.

Бир нарсадан хавфсираб юрган кишилар бундай туш кўрсалар, саломат бўладилар; ўнгда анчадан бери кутиб юрилган хавф йўқолади.

**Ёй<sup>1</sup>.** Кимки тушида ёй кўрса, ўнгида, албатта, кимдан-дир тўғри хабар олишига ишорадир.

**Ёстиқ.** Тушда ёстиқ кўриш, агар қилаётган ишларингизда қийналаётган бўлсангиз, ўнгингизда бир ёрдамчи етиб келишига ишора бўлади.

**Ёғоч.** Агар тушингизда ёғоч рандалаб, пайраҳалар учираётган бўлсангиз, бу ўнгингиздаги исрофгарчиликка далил. Эҳтиёт бўлишингиз керак.

Агар ёғоч тахланганини кўрсангиз, ўнгингизда мулкка эга бўлишингиздан далолат.

**Жетон.** Тушда жетон кўриш ва уни йиғиш кишининг ўнгида катта маблағ тўплашига ишорадир.

**Жилов.** Агар тушингизда миниладиган ҳайвонларнинг жиловидан ушлаган бўлсангиз, бу туш ўнгингизда мол ва ҳузурга ишора бўлади.

**Жирит<sup>2</sup>.** Агар кимки тушида бировнинг жирит отганини кўрса, ўнгида кимлар биландир муҳолиф бўлиб, кураш йўлига киришига далилдир.

**Жомадон.** Агар тушингизда жомадонга нарсаларингизни жойлаётган бўлсангиз ёки аёлларнинг тахмонга кўрпаларни тахлаётганлари тушингизда аён бўлса, ўнгингизда сафарга чиқишингизга ишорадир.

**Жуздон<sup>3</sup>.** Тушда жуздон кўриш яхшиликка йўйилади. Агар жуздонингиз тўла бўлса, ўнгингизда муҳим бир ишнинг муваффақиятли натижаланишига ишорадир.

**Жўмрак.** Тушингизда ниманики жўмраги очиқ қолган бўлса, ўнгингизда хурсанд бўлаверинг; бу бойликдан далолат; жўмрақлар ёпиқ бўлса, фақирликка ишора.

<sup>1</sup> Ёй — бу ерда циркуль маъносида.

<sup>2</sup> Жирит — отма тиг (милтиқ), тиг-и паррон.

<sup>3</sup> Жуздон — қозғалар солинадиган жилд, папка.



**Замбил.** Тушда замбил кўриш оила ва фарзандга ишора; демак, ўнгингизда оилангизнинг ризқи мўл бўлиб, фарзандларингиз тез орада ёнингизга кирар экан.

**Занжир.** Агар тушда кимки темир занжир кўрибди, ўнгида албатта асабий бир ҳолатни бошдан кечиради.

Лекин кимки олтин занжир кўрибди, унинг келажаги порлоқдир.

**Заррабин<sup>1</sup>.** Кўнгли қаттиқ, шафқат ҳиссидан узоқроқ бўлган одам бундай тушни кўриши мумкин; демак, бундай туш кўрган одам йўқсилларга, етимларга нисбатан шафқатли, меҳрибон бўлар экан.

Аслида қалби шафқат ҳисси билан тўла одамларга бу туш маъно англатмайди.

**Зулфин.** Агар тушингизда эшик зулфинини ўз халқасига солсангиз, ўнгингизда муваффақият қозонишингизга ва эркин бўлишингизга далилдир.

**Йиг.** Агар эр киши тушида йиг кўрса, ўнгида сафарга отланади, аёл киши йиг кўрса, ўнгида қиз фарзанд кўради. Йигда ип йигирилайётганини кўрган киши ўнгида қаердандир моддий ёрдам олади.

**Игна.** Тушда игна кўришни турлича таъбир қилганлар: баъзи таъбирчилар тўп игнани тушида кўрган одам ўнгида дўст ва ўртоқларидан эҳтиёт бўлиши керак, дейдилар; бошқа бир таъбирчилар қўплаб игна кўрса, ўнгида аҳволи яхшиланишига ишора, деб таъбир қиладилар.

Тушда игна ютиш муродга етишга ишорадир. Тушида игна топиб олган одам ўнгида тартибсиз ишларини саранжом қилар экан. Бировга игна санчиш (укол қилиш) ўнгида ишнинг яхшиланишига далолат бўлар экан.

**Идиш-товоқ.** Тушда идиш-товоқ кўрмоқ, таъбирчилар назарида яхшилик аломатидир. Агар киши тушида бўш идиш кўрса, ўнгида қаноатли бўлишига далил бўлади. Идишни тула ёки ярим кўрса, ўнгида бадавлатликка эришади.

<sup>1</sup> Заррабин — микроскоп.

**Калит.** Эр киши тушида калит кўрса, ўнгида уйини ўзгартиради, агар бу тушни аёл киши кўрса, оиладаги но-хушлик ва келишмовчиликка барҳам беради. Тушида йўл устидан калит топиб олган киши ўнгида куч-қудрат соҳи-би бўлишига далил бўлади.

**Каноп.** Хоҳ ўрам бўлсин, хоҳ чизимча ҳолатида бўлсин, кимки тушида каноп кўрса, ўнгида сафарга боради.

**Картон.** Агар тушингизда картон кўрсангиз, эҳтиёт бўлинг ва ўнгингизда дағалликдан сақланинг ҳамда ақл-ни ишга солиб иш юритинг. Чунки тушда картон аён бўли-ши омонат дўстларингиз сизни муҳим бир ишда чалғитиб қўйишларига далолатдир.

Тушда картон қирқиш жамоат орасида юксак ўринга чиқиш учун курашишга ишора бўлади.

**Касса.** Тушда хоҳ маош олаётган бўлинг, хоҳ халқ банки-дан пул олаётган бўлинг, хоҳ ўзингиз кассир бўлинг, хоҳ шунчаки ўтқинчи бўлинг, ҳаммасидан қатъи назар, агар касса тўла пул кўрсангиз, ўнгингизда бадавлат бўласиз, агар кас-сани бўм-бўш кўрсангиз, бу туш қашшоқликка ишорадир.

**Кастрюл.** Агар киши тушида кастрюл кўрса, расмий мансабдорлар билан битадиган ишлари яхши бошланиб, яхши тугалланишига ишора бўлади.

**Кетмон.** Тушда кетмон кўришни меҳнатга йўядилар, аммо тажрибалардан аниқлангани шуки, тушда кетмон кўрган киши бирон ошносидан ўнгида ёрдам олади.

**Кишан.** Агар тушингизда кишан кўрсангиз ёки қўлин-гизда кишан бўлса, ўнгингизда биров билан баҳслашиб, ҳақ бўлиб чиқишингизга ишорадир.

**Конверт.** Агар тушингизда конверт кўрсангиз, эҳтиёт бўлинг, сирларингизни бировга айтиб юрманг. Сўнгра бу туш ўнгингизда кўп ҳолларда яхши хабар келтирмайди.

**Коса.** Тушда бўш коса кўрсангиз ҳам, бирон нарса би-лан тўла косани кўрсангиз ҳам ўнгингизда, агар бемор бўлсангиз, дуо билан шифо топишингизга ишора бўлади.

Ибн Сирин тушда коса кўришни қуйидагича таъбир қилган:

«Ҳар ким тушида ёғоч косада таом еса, сафардан унга кўп мол ҳосил бўлгай. Агар сопол косада таом еса, ризқи зиёда бўлгай. Агар чинни косада бўлса, бечораликка далолат. Агар кумуш ва олтин косада бўлса, унга ҳаром ризқ етгай. Агар косани қуруқ кўрса, камбағал бўлгай. Агар косанинг ичида ширин нарсалар кўрса, мол билан неъмат топгай. Агар аччиқ нарсаларни кўрса ёки еса, ғам-андуҳ етгай» (10, 51-бет):

Кирмоний ҳам косани тушда кўришни бошқа сабаблар билан таъбир қилган:

«Ҳар ким тушида бир коса шарбат ёки сув олса ёки уларни косадан ичса, у хотин олғай, кўп солиҳ фарзанд ато қилинғай ва улардан кўп фойда топгай. Агар шарбати ёки суви тўкилиб, косанинг ўзи қолса, фарзанди вафот қилғай. Агар сув ҳам тўкилиб, коса ҳам синса, фарзандларининг онаси ҳам вафот қилғай. Аллоҳу ʼалам» (33, 36-бет).

**Кроват.** Тушда кроват кўриш ўнгда юксак мавқега эришишга ишора, агар кроватда ўрин борлигини кўрса, сафарга ишора бўлади. Ораста кроватни кўриш хонадонингизда тўй бўлишига ишора. Лекин кроватда ётиш қандайдир хавфдан далолат беради. Демак, бу тушдан кейин ҳаёт тарзингизда эҳтиёт бўлишингиз керак экан.

**Кран.** Агар тушингизда кўтарма кран кўрсангиз, ўнгингизда ишларингиз яхши бўлар экан, ҳозирги аҳволингизга нисбатан келажакда турмушингиз яхшиланиб кетишига ҳам ишора.

**Кул.** Тушда кул кўриш яхшиликка йўйилмайди; кимки тушида кул кўрибди, у ўнгида фойдасиз молга эга бўлибди. Бу туш деҳқон учун хазон бўлган ҳосил, савдогар учун самарасиз битимдир.

**Кундалик.** Киши тушида мактаб кундалигини бут кўрса, ўнгида тинч ҳаёт кечиришига ишора, агар кундалик тушида чала ва йиртилган бўлса, ўнгида бошига ташвиш тушали.

**Курак.** Сизнинг ғам-ташвишларингиз бўлса ва тушингизда тасодифан курак кўрсангиз, ўнгингизда шу ғам-ташвишлардан қутилган бўласиз.

**Курси.** Тушда курси кўриш мансаб ва мавқега йўйилади. Агар киши тушида курсида ўтирган бўлса, ўнгида мансаби ортади ва мавқеи ошади, агар курсидан тушса, демак, ўнгида мансаби ва мавқеидан айрилади.

**Кўза.** Кимки тушида кўза кўрса, ўнгида қиз фарзанд кўради. Таъбирчилар кўзани завжа ва хизматкорга ҳам йўйибдилар.

**Кўзгу.** Агар тушида кўзгу кўрса ва унга боқса, ўнгида хатоларини тўғрилайди ва гуноҳларидан тавба қилади. Яна кўзгу умрнинг узайишига ҳам ишорадир.

Ибн Сирин таъбирича, кўзгу жой ва вилоят бўлар экан; агар киши тушида кўзгу олса ёки унга биров берса, қадри баланд ва вилоятга волий бўлади. Айни пайтда, дейди муаббир, тушида кўзгу кўрган киши ўн ўфилга ота бўлади, агар аёл киши кўрса, қиз туғади (10, 63-бет; 33, 26-бет).

**Кўрпа.** Тушда кўрпа кўриш уйланишга ишора бўлади, бахтли бир оила соҳиби бўлишдан ҳам далолатдир.

**Лаган**<sup>1</sup>. Тушда лаган кўриш, Ибн Сирин таъбирича, соҳибжамол аёлга уйланишга йўйилади. Агар туш соҳиби тушида қизил лаган кўрса ёки биров унга лаган берса, покдомон қиз фарзанд ҳам кўради, бундай аёлларнинг зурриётига мутлақо шикаст етмайди. (10, 51-бет).

**Мағор.** Тушда мағор ва мағорлаган нарсани кўрмак ўнгида кўпдан бери учрашмаган дўстингиз билан кўришишга ишора бўлади.

<sup>1</sup> Албатта, адабий тил нормасида «лаган» дейилади, ammo шеваларда бу атама турли шаклларда учрайди: масалан, Бухоро ва Андижон вилоятларининг баъзи жойларида «лаганд», Наманган, Урганч, Хивада «лали», Андижон вилоятининг баъзи жойларида «товақ», Бухоро вилоятининг баъзи қишлоқ ва туманларида «тавах», Қашқадарё вилоятининг Қовчин, Бишкент, Қарши, Косон туманларида «товаг», «тавог» шаклларида учрайди. Андижоннинг баъзи туманларида қаттиқ увитиладиган хурмачани ҳам «лаган» дейилади. Хоразм вилоятида эса, хамир қорадиган тогора ҳам «лаган», деб аталар экан. (27, 170-бет). Бу уринда эса, палов ва умуман қуюқ овқатлар сузиладиган, хоҳ сопол, хоҳ чинни юза идиш назарда тутилган.

**Мебел.** Тушда мебел кўриш, ўнгингизда роҳат ва осойишта ҳаёт кечиришингизга далолатдир.

**Медал.** Тушингизда ҳукуматдан медал олсангиз яхшиликка, агар мансабдор бўлиб, бирон кимсага медал берсангиз зарарга ишорадир.

**Мизроб<sup>1</sup>.** Тушда мизроб кўриш ва қўлда ушлаш, ўнгда базмда иштирок этишга ишора.

**Микрофон.** Тушингизда микрофон кўрсангиз ёки микрофондан гапирсангиз, эҳтиёт бўлинг, ўнгингизда сиёсатга берилиб, унга аралашар экансиз.

**Милтиқ.** Агар тушда кимки милтиқ кўрса, қариндош-уруғ ва дўстлар орасида келишмовчилик, ёмон муносабатлар каби ҳодисаларга йўйилади.

**Мисвок.** Тушингизда тишларингизни мисвокласангиз, ўнгингизда дўстларингиз ёрдам берасиз.

**Мола.** Тушингизда мола кўрсангиз, ўнгингизда бирон сабаб билан нотинчлик ва ташвиш келиб чиқади.

**Мотор.** Тушда бир маромда ишлаб турган моторни кўриш ўнгингиздаги ишларнинг бир текисда кетаётганлигини, бузуқ моторни кўриш эса, бунинг аксини англатади.

**Мушак<sup>2</sup>.** Кимки тушида мушак кўрса, эҳтиёт бўлсин, ўнгида муродига етмаслиги мумкин.

**Мўйчинак.** Тушда мўйчинак кўриш рақиблар устидан ғолиб келишга ва ҳар бир ишда муваффақият қозонишга ишорадир.

**Мўри.** Агар тушда мўридан тутун чиқиб турган бўлса, фаровонлик ва барака, олов чиқиб турган бўлса, нохушлик, агар мўри ағдарилган бўлса ўлимдир.

**Найза.** Тушда найза кўриш, ўнгда кўп меҳнат натижасида бой бўлишга ишорадир.

<sup>1</sup> Мизроб — танбур чертиш учун ишлатиладиган тирноқ, ноҳун.

<sup>2</sup> Мушак сузининг икки маъноси бор: мушак — мускуллар, мушак — фейерверк; осмонга отиладиган ракеталар. Бу уринда кейинги маъно назарда тутилган.

**Нарвон.** Тушда нарвон кўриш ва унинг пиллапояларидан юқори чиқиш ўнгда хизмат мавқеининг кўтарилишига ишорадир; туш соҳибининг ғайрат ва қобилияти тадбиркорлар ўртасида юқори мавқени эгаллашга ёрдам берар экан.

Агар тушингизда томга нарвон қўйсангиз гуллаб-яшнашингиз ва беқиёс бахтиёрлигингиз рамзидир.

Савдо аҳли ва деҳқонлар учун нарвондан йиқилиб тушиш ишларининг самарасиз бўлишидан далолат.

Кимки тушида қамоқхонадан нарвон ёрдамида қочиб чиқса, бир қанча машаққатли уринишлардан кейин муваффақиятга эришишга ишора бўлади.

Тушингизда нарвон пиллапояларидан юқори чиқиб олиб, бошингиз айланса, ўнгингизда мавқеингиз кўтарилади, мансаб курсисига ҳам ўтирасиз, аммо кеккайиш касалига ҳам йўлиқасиз.

**Омбир.** Кимки тушида омбир кўрса, ўнгда жамоат ўртасида ҳам, оиласида ҳам мавқеи мустаҳкамланади.

**Омоч.** Тушда омоч кўрсангиз ҳам, омоч билан ер ҳайдасангиз ҳам ризқ-рўзнинг мўллигига ва кўп фойда олишга ишора бўлади.

**Парма.** Тушингизда парма кўрсангиз, бу тушингизни ҳеч кимга айтманг; чунки сиз товламачи ва ҳийлагар одам экансиз.

**Патнис.** Агар тушингизда патнис кўрсангиз, ўнгингизда ўйлаб қўйган ишларингизни дарҳол бошланг, туш сизни шунга ундаяпти.

**Печка.** Тушда печка ёқиш оилаликлар учун бахтиёр келажакка, балоғатга етган қизлар ва бўйдоқлар учун бахти очилишига ишорадир.

Агар аёл киши печкада бирон нарса пишираётган бўлса, ўнгда ўткинчи бир тушкун кайфиятни бошидан кечиради.

**Пиёла.** Тушингизда пиёла кўрсангиз, хоҳ у тўла бўлсин, хоҳ бўш бўлсин, ўнгингизда озгина фойда олар экансиз.

**Пичоқ.** Тушда пичоқ кўриш аслида куч-қудратга йўйилади. Агар тушингизда пичоқ билан бирон нарсани кессангиз, ўнгингизда пул ва мол топасиз, бировга пичоқ ўқталиб ташлансангиз, ўнгингизда кимларнингдир олдида паст ва бачкана феълингизни намоён қиласиз.

Занглаган ва синган пичоқни тушда кўриш ғам-андуҳ рамзидир; ўнгингизда турли ташвишли ишлардан эҳтиёт бўлинг.

Кимдир тушингизда сизни пичоқ билан яраласа, ўнгингизда оилангизда нотинчлик бўлар экан.

Ибн Сирин пичоқни фарзандга ҳам таъбир қилади, агар пичоқ нуқсонли бўлса, кишининг молига нуқсон етишини айтади (10, 52-бет).

**Радио.** Тушда радио кўриш ва уни эшитиш узоқ-яқиндан бирон хабар келишига ишора бўлади, аммо бузуқ, гапирмайдиган радиони кўриш қариндош-уруғ ёки ёру дўстлар билан алоқани узишга йўйилади.

Агар тушингизда радиодан мусиқа тингласангиз, ўнгингизда хурсандчилигингизни дўсту биродарлар ва севган кишиларингиз билан ўтказишингизга далолатдир.

**Ранда.** Тушда ранда кўриш ташвиш ва сиқилишга йўйилади. Аммо чеккан ташвишларингиз ва асабий ҳолатингиз бекор кетмайди, улар кетидан қувонч ва бахтиёрлик келади.

**Расм.** Сиз кимдир томонидан қилинадиган ҳадяга лойиқ одамсиз. Тушингизда расм кўрсангиз, ана шунга ишора бўлади.

**Сават.** Ҳар ким ҳам ризқининг тўлиқ бўлишини истайди, ана шу истакни тушда ноз-неъмат билан тўла бўлган сават билдиради, агар тушингизда сават бўш бўлса, камбағалликка ишорадир.

**Самовар.** Агар тушингизда самовар жиғиллаб бир маромда қайнаб турган бўлса, ўнгингизда ишларингиз жойида борар экан ва қўп фойда олар экансиз. Умуман. бу туш хурсандчиликка йўйилади.

**Сандиқ.** Тушингизда сандиқ кўрсангиз албатта хайрга йўйинг. Кимки тушида сандиқ кўрса, жамиятда обрўси юк-

салати, унинг хизматчилари ва ёрдамчилари пайдо бўлади. Янги ва катта сандиқни тушда кўриш эса, ўнгда гўзал ва яхши хулқли аёлга уйланишга далолатдир. Ибн Сирин сандиқнинг йўқолишини иззат-ҳурматга нуқсон етишига йўйибди (10, 76-бет).

**Сандон.** Тушингизда сандон кўрсангиз хурсанд бўлинг: демак, узоқ ва мазмунли умр кўрар экансиз.

**Саннон<sup>1</sup>.** Агар тушингизда саннон кўрсангиз бирон фойда кўлингизга келишига ишора, агар саннонни отиб, мўлжалга теккизсангиз, ўнгингизда муродингиз тез ҳосил бўлади.

**Сиёҳдон.** Бу ўринда момоларнинг ҳикоятларидан бир нақл келтириш ўринли: ўтган замонда бир мирзо бор экан; қиладиган иши одамларга ариза ва хатлар ёзиб бериш бўлиб, бундан келадиган даромади у кундан бу кунга тўртта нонга етар экан холос. Оиласи билан камбағалчиликда сиқилиб узоқ вақт яшабди. Бир кун сиёҳдониди сиёҳ ҳам қолмабди, сув қўшган экан, хат жуда хира чиқибди, унга ҳам юраги сиқилиб, сиёҳдонни деворнинг нариги томонига отиб юборибди-да, кўрпага бошини буркаб ухлабди. Туш кўрибди: тушида отиб юборган сиёҳдони яна жойига қайтиб келганмиш ва ичи тўла заъфарон сиёҳмиш. Чўчиб уйғонибди. «Тушимга кирмаган шу сиёҳдон қолган экан», деб энсаси қотибди. Орадан анча вақт ўтибди. Кунларнинг бирида мирзонинг ҳуснихатини эшитган бир киши эшигини тақиллатиб келибди. Қўлида бир тугун. Тугунни очса, турли-туман қўлёмалар экан. «Тақсир, шуни ипак қоғозга кўчириб берсангиз, отамдан қолган табаррук мерос, отам раҳматлик у-бу ёзиб турар эдилар, табаррук битиклари бўлганлиги учун ҳам ҳар бир саҳифасига бир тиллодан тўлайман, яна бош-оёқ сарпо ва битта от миндирай», дебди. Мирзо кўнмасдан ўлибдими! Дарҳол ишга тушибди, ахир унга замонда икки тиллога чоғроқ бир ҳовли берар экан, бир тиллога катта тўй қилиб уйланиш мумкин экан.

Хуллас, сиёҳдон мулкка ишора, шунингдек, тушида сиёҳдонни сиёҳга тула кўрмоқ фарзандлик бўлишга ҳам далил бўлади. дейдилар баъзи муаббирлар.

<sup>1</sup> Саннон — роғатка.



**Сиёҳ.** Агар юқорида келтирилган нақлни эътиборга ол-  
сак, тушда сиёҳ кўриш ҳам яхшиликка йўйилади.

**Соат.** Сиз ҳаётда интизомсиз бўлсангиз, тушда аён  
бўлган соат ҳаётдаги интизомингизга далолатдир. Шунинг-  
дек, тушда соат кўриш муродга етиш ва бойлик каби хай-  
рларга ҳам йўйилади.

**Совун.** Агар тушингизда совун есангиз, ишларингизда  
кийинчилик пайдо бўлади.

Ибн Сирин тушда совун емак ҳаром молга ишорадир,  
дебди. Ўз кийимини совун билан ювмакни гуноҳлардан пок  
бўлмакка йўйган (10, 77-бет; 33, 47-бет).

Умуман тушда совун кўриш қилган ишдан фойда  
кўришга ишорадир.

**Сомон.** Тушингизда сомон кўрсангиз, ўнгингизда бема-  
шаққат, хакирдан қил суғургандай бойлик топар экансиз.

**Соқолтарош.** Илгариги кишиларда махсус соқолтарош  
бўлгучи эди. Агар кимки шундай соқолтарошни тушида  
кўрса, ўнгида зарарга учрайди.

**Сузиш ҳовузи.** Бемор бўлиб тушингизда ҳовузда сузсанг-  
из, иншоаллоҳ, шифо топасиз, агар соғлом қиши бўлсанг-  
из, ўнгингизда ишларингиз ривожланади.

Агар балоғатга етган қиз тушида ҳовузда чўмилаётган  
бўлса, ҳаётда ўзига содиқ ёр топади, ўз фазилати ва одоби  
билан жамиятда муносиб ўрин эгаллайди.

**Супурги.** Таъбирчилар супургини кўп нарсага йўйган-  
лар: супурги кўриш фойдали бир мансабга эришишга ишора;  
масжидни супуриш ибодатга машғул бўлишдан далолат;  
бировнинг уйини супуриш кўп фойда олишга йўйилган;  
агар тушингизда банкни супуриб юрган бўлсангиз, тез  
орада бой бўлиб кетар экансиз.

Ибн Сирин тушда супурги кўришни хизматкор топиш-  
га йўйган, шунингдек, ўз уйини супуришни туш соҳибининг  
зиёни, деб таъбир қилган (10, 41-бет; 23, 36-бет).

**Тандир.** Тушда тандир кўриш ҳам ўчоқ («Ўчоқ» деган мазмунга қаранг) кўриш кабидир; фарқли томони шуки, тандирни тушда кўриш ўнгда дилхушлик ҳам келтиради, тандир кўрган одам маъмур бўлади, тандирдан узилган иссиқ нонни кўриш келажагингиз порлоқ бўлишига далилдир.

**Тарози.** Тушда тарози кўрган одам агар савдо аҳлидан бўлса, инсофли бўлишига далолатдир, агар мансабдор шахс бўлса, адолат билан иш кўришига далил, умуман тарозини тушда кўриш ҳамма учун иймонли бўлиш лозимлигини билдиради.

Ибн Сирин тарозининг тушда нуқсонли аён бўлишини қозининг хиёнатига йўйибди (10, 77-бет; 33, 34-35-бетлар).

**Тароқ.** Таъбирчилар тушда тароқ кўришни йўл, дебдилар, демак, бундай туш кўрган одам фойдали бир сафарга чиқар экан.

**Тахта.** Тушда қуриган тахта кўрган кимса ўнгида эҳтиёт бўлсин: атрофида зарар келтирувчи одамлар бор.

**Тахт.** Тушда тахтнинг ўзинигина кўриш ўнгда келадиган омаддан башорат, тахтга чиқиб ўтирсангиз, ўнгингизда чексиз бахтга ва катта мансабга эришасиз.

**Телефон.** Агар тушингизда телефонда гаплашсангиз, ўнгингизда вақти-вақти билан танимаган кишилар тарафидан безовта қўлинишингизга ишора бўлади.

Аёл киши тушини телефонда гаплашишаётганини кўрса, демак, уни кўролмайдиганлар кўт экан. аммо атрофини ўраб келаётган ёвузликларни енгиб ўтади.

Агар аёл тушида телефонда гаплашар экан, гўшакнинг нариёғидаги овозни чала эшитаётган бўлса, қаллигини йўқотар экан ва ўзи атрофдаги одамларнинг гийбатига ҳадаф бўлар экан.

**Теша.** Тушунгизда теша билан ўтин ёрсангиз, ўнгингизда яхши бир нарсага эга бўласиз. Бемор киши тушида тешада ўтин ёрса, ўнгида шифо топади.

**Тиргак.** Тушда тиргак кўриш ўнгда эътиқоднинг қувватлинишига ва тақводор бўлишга ишорадир.

**Тобут.** Тобут ҳаётда кўнгилсиз нарса бўлса ҳам, аммо тушда хайрликдир; умуман тобут кўриш яхши ҳаётга йўйилади, агар туш соҳибининг ўзи тобут ичида бўлса, мартабаси улуғ бўлади.

**Това.** Агар тушингизда това кўрсангиз, ўнгингизда бахтли бир хонадон соҳиби бўлгайсиз.

**Тож.** Тушда тож кўриш ҳам кишига ўшандоқ қувонч келтиради. Олтин тож ҳукмдорнинг сизга таважжуҳини англатади ёки давлат аъёнларидан бирининг сизга ҳомийлигини билдиради.

**Тоғора.** Бўйдоқлар ёки балоғатга етган қизлар тушларида тоғора кўрсалар, ўнгларида оилали бўладилар, бу туш яна ризқнинг ортишига ҳам далолатдир. Сопол тоғора кўрсангиз, ўнгингизда қўшнилари учун қадрли бўласиз.

**Тузоқ.** Тушдаги тузоқ ўнгдаги ҳийла ва ёлғонга ишора; халқ айтганидек, ҳалимхона бу ёқда, зикрхона у ёқда, яъни манфаат кўраман, деб ўзингизга бош оғриғи орттирасиз ёки манфаат учун бирон ишни бошлайсизу, ҳийлагарнинг тузоғига илинасиз.

**Тунука.** Тушда тунука кўрсангиз ҳам ўнгингизда бирон муваффақиятни қўлга киритасиз, аммо бу муваффақият хайрсиз бўлади, чунки тунука шовқин-сурон рамзи бўлиб, бундай туш ўнгда жанжал-тўпалонга ишора бўлади.

**Туг.** Агар тушингизда минора туғини кўрсангиз, ўнгингизда кўп машаққатлардан кейин осойишталикка эришасиз.

**Тюл.** Тушда тюл кўришни таъбирчилар хайрга йўймайдилар; тушда тюл кўриш ўнгда келадиган хавфдан далолат, эҳтиёт бўлмоқ керак.

**Тўшак.** Агар тушингизда тўшак кўрсангиз ёки тўшак ёзсангиз, оила қуришингиз ёки оилани мустаҳкамлашингизга ишора, аммо тушда тўшак сотсангиз, ўнгингизда мавжуд оилангиз бузилишга келади.

**Устара.** Агар эр киши тушида устара кўрса, ўнгида ўғил кўради, агар аёл киши устара кўрса, тунд эридан ширин, эркаловчи гаплар эшитади.

**Уя.** Кимки тушида қуш уясини кўрса, ўнгида янги уй сотиб олади ва у ерга тез орада кўчади.

Ҳар ким тушида қуш уясига тикилиб қараса, ўнгида омадли бир тадбиркорликдан манфаатдор бўлади.

Тушда қуш уясининг бўм-бўшлигини кўриш дўстдан айрилиб, ғамгин бўлишга ишора.

Қуш инида тухум босиб ётган модани кўриш бузилган оиланинг тузалишига ва болаларнинг бахтиёр ҳаёт кечирishiга ҳамда аҳли аёлнинг аҳли дард — аҳди пайванд бўлишидан далолат.

Қуш уясида тухумларнинг синиб ётганлигини кўриш омадсизликдан дарак. Қуш уяси оппоқ тухумлар билан тўла бўлса, ишнинг бароридан келгани ва муваффақиятли сарфарга ишора бўлади.

Қуш уясига ташлаб кетилган полонлар туш соҳибининг ўйламай босган қадами натижасида келиб чиқадиган кўнгилсизликлардан дарак беради.

**Фонар.** Тушингизда фонарнинг ўчганлигини кўрсангиз, ўнгингизда ташвиш ва асабий ҳолатга дуч келасиз.

Тушингизда олдинда фонар липиллаб ёниб кетаётган бўлса, кутмаган ерингиздан бойлик топасиз.

Қўлда фонар ушлаб кетаётган бўлсангиз, сахийлигингиз билан кўп дўстлар орттирасиз. У ўчиб қолса, ўнгингизда орзу қилган мартабангиз учун кўп машаққатлар чекасиз.

Балоғатга етган қиз қўлидаги фонар билан қаллигининг йўлини ёритаётган бўлса, гўзал бир хонадоннинг келини бўлиб, бахтиёр умр кечирар экан.

Фонар тозалаётган бўлсангиз, олдингизда кенг имкониятлар очилади.

**Халта.** Агар кимки тушида пул тўла халта кўрса, камбағал бўлса, ўнгида бойиб кетишига ишорадир.

**Ханжар.** Тушда ханжар кўриш ишдаги муваффақиятга далил; бойлик ва манфаатга ишора; бўйдоқ йигит ханжар-

нинг қинга солинишини тушида кўрса, ўнгида уйланишига ишора; балоғатга етган қиз тушида ялонғоч ханжар кўрса, қатъиятли, сўзи ўткир йигитга турмушга чиқишига ишора; аёл киши ханжар кўрса, ўғил кўришига далилдир.

**Харита.** Агар тушингизда хаританинг олдида турганингизни кўрсангиз, ўнгингизда саёҳат қилмоқ учун отланасиз.

**Хаскаш.** Тушда хаскаш кўриш ўнгдаги қийинчиликлардан далолат.

**Халқа.** Тушда халқа кўриш ҳам сиз учун яхши эмас; қийин аҳволга тушиб қолишингизни англатади.

**Хонтахта.** Тушда хонтахта усти бўш бўлса, камбағалликдан далолат; хонтахта усти неъматларга тўла бўлса, бойишга ишорадир.

**Хум.** Агар тушингизда хум кўрсангиз ёки топиб олсангиз, ўнгингизда қийматли бир нарсага эга бўласиз.

**Чанбар.** Айтайлик, сиз ёлғизсиз, атрофингизда ҳеч ким йўқ, атрофдагилар билан фақат салом-алигингиз бор холос, на улардан меҳр кўряпсиз ва на оқибат. Агар тушингизда чанбар кўрсангиз, ўнгингизда ана шу атрофингиздаги одамлар сизга меҳрибон ва оқибатли бўлиб қолишига ишора бўлади.

**Чақмоқ.** Биз ер ва осмонга оид тушлар бобида момоқалдиروқ билан бирга келадиган чақмоқ ҳақида гапирган эдик. Бу чақмоқ эса ёндиргичдир. Агар тушда кимки чақмоқ кўрар экан, ўнгида муроди ҳосил бўлади, янги чақмоқ сотиб олса, хушхабар келишига далолатдир.

**Чироқ.** Тушда чироқ кўриш бахтиёр ҳаёт кечиришга ва шон-шарафга эришишга ишорадир. Фира-шира ёки ўчган чироқни кўриш ишнинг самара бермаслигини билдиради.

**Чойшаб.** Тушда чойшаб кўришни ўнгда фарзанд кўрмакка йўядилар, аммо бўйдоқ йигит бундай туш кўрса, албатта, уйланади.

**Чўтка.** Тушингизда чўтка билан кийим тозалаётганингизни кўрсангиз, демак, шу ташвишлардан ўнгингизда қўти-  
либсиз. Тушда чўтка кўришнинг яна бир хосияти келажакда  
юксак бир мартабага эришишингизга далолат беради.

Турли-туман рангдаги чўткаларни кўриш ҳам яхшилик-  
кадир.

**Шамдон.** Тушда шамдон кўриш оилали кишиларга  
ўнглирида фарзанд кўришга, оила қурмаганлар учун эса,  
оила қуриб, уй-жойли бўлишга ишорадир.

**Шамъ.** Бўйдоқ йигит тушида шамъ кўрса ва уни ёқса,  
ўнгида уйланади, балоғатга етган қиз ёки бева аёл бундай  
туш кўрса, ўнгида турмуш қуради, оилали аёл бундай туш  
кўрса, ўнгида фарзандли бўлади, камбағал бойийди, бе-  
мор эса соғаяди.

**Шланг.** Агар тушингизда сув шлангини кўрсангиз,  
ўнгингизда даромадингиз ошар ва бой бўлар экансиз. Агар  
шлангдан сув оқаётганини кўрсангиз, ўнгингизда ҳар бир  
қилган меҳнатингиз самарали бўлади.

**Эгов.** Тушда эгов кўришни баъзи таъбирчилар хотин би-  
лан жанжал бўлишига йўядилар, эҳтимол, аммо аниги  
шуки, тушида эгов кўрган киши ўнгида душмани билан  
юзма-юз келади.

**Элак.** Тушда элак кўрган киши ёки элакда ун элаётган  
туш соҳиби ўнгида бойликка эришади.

**Юнг.** Тушда юнг кўриш шараф ва ҳурматга лойиқлик-  
ни билдиради. Аммо тушда юнг орқалаб юриш орқадаги  
гап-сўзларга, гийбатларга ишорадир. Оқ юнг кўрган киши  
ўнгида севинади, қора юнг кўрган киши ўнгида юраги  
сиқилади ва ташвишга қолади.

**Юк.** Агар тушингизда юк ташиётган бўлсангиз,  
ўнгингизда хурсанд бўлаверинг; сизни юксак бир ман-  
саб кутяпти. Юк қанчалар оғир бўлса, мансаб ҳам шун-  
ча юқоридир. Тушда юк кўтаришни узоқ ва бахтиёр умр-  
га ҳам йўядилар.

**Яроқ.** Тушда яроқ кўрсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг; сизни гийбат қиладиганлар бор; улар сизга зарар етказишлари мумкин.

**Уриндиқ.** Агар тушингизда ўриндиқ кўрсангиз, ўнгингизда шу орзуингиз амалга ошади.

**Ўроқ.** Тушда ўроқ кўриш ёки далада ўроқ билан экин ўриш ўнгдаги ризқу рўзга ишорадир.

**Ўқ.** Агар тушингизда ўқ отсангизу мўлжалга тегмаса, мўлжаллаган ишингиз ўнгингизда ўнгмайди.

Отган ўқингиз нишонга-беҳато тегса, ўнгингизда му-родингиз ҳосил бўлади. Агар тушингизда қўлингизда ўқ ушлаб турган бўлсангиз куч-қувватингизнинг ортишига ва душман устидан ғалаба қозонишингизга ишорадир.

**Ўқлов.** Янги келинлар тушларида ўқлов кўрсалар қайноналаридан аччиққина гап эшитадилар. Эр кишиларнингкўчадаги аччиқ гаплардан таъблари хира бўлади.

**Қайчи.** Хоҳ эр киши бўлсин, хоҳ аёл киши бўлсин, тушида қайчи кўрса, ўнгида қизғаниши ва рашки бора-бора ғазаб ва нафратга айланишига ишорадир.

**Қамчи.** Қамчи — зўравонлик рамзи. Бу рамз тушда ҳам ишора билан сақланган, яъни тушида қамчи кўрган одамнинг истаган нарсаси ўнгида муҳайё бўлади.

Шунингдек, баъзи таъбирчилар қамчи кўришни юксак мансабга ҳам йўядилар.

Жаъфар-и Содиқ раҳматуллоҳ-и ғалайҳ тушда қамчи кўришни олти нарсага йўйган: 1) манфаат; 2) жанжал; 3) мушкулнинг осон бўлиши; 4) сафар; 5) улуғ мартаба; 6) ҳаром мол (9, 91-бет).

Муаббирнинг бу таъбирларини бирма-бир изоҳлашга ҳаракат қиламиз:

манфаат таъбири шундайки, агар туш соҳиби қамчини от ёки эшак учун ишлатса;

жанжал таъбири шундайки, туш соҳиби қамчини беҳуда ўйнатса;

мушкулнинг осон бўлиши таъбири шуки, қамчини қозиқда осиглик турганини кўрса ёки қамчи ёрдамида от ёхуд эшак йўргалаб кетса;

сафар таъбири шуки, туш соҳиби қамчининг ерда узала тушиб ётганини кўрса;

улуғ мартаба таъбири шуки, туш соҳиби қамчи ушлаган ҳолда отга ёки эшакка минса;

ҳаром мол таъбири шуки, туш соҳиби қамчи билан бировни ураётган бўлса ёки ўзи қамчилинаётган бўлса.

**Қаламдон.** Тушда қаламдон кўриш яхши, аммо лекини бор: кимки тушида қаламдон кўрса, ўнгида мол-мулкка эга бўлади-ю, бироқ унинг фойдаси ўзига тегмайди.

**Қалам.** Тушда қалам кўриш машҳур бўлмакка ишорадир; аёл киши тушида қалам кўрса, ўнгида машҳур кишига турмушга чиқади; йигит бундай туш кўрса, табаррук бир хонадонга куёв бўлади; агар қиз бола тушида қалам билан ёзиб ўтирган бўлса, бахтли турмуш қуришига ишора бўлади, агар қалам билан ёзганларини ўчирса, севган қаллиги билан ораси бузилади; умуман қаламни тушда кўриш келажакнинг порлоқ бўлишига ишорадир.

**Қаламтарош.** Агар тушингизда қаламтарош кўрсангиз, ўзингиз олим ёки сиёсатдон бўлсангиз, ўнгингизда йигинларда сўзлаб муваффақият қозонасиз.

**Қармоқ.** Тушда қармоқ кўриш, боз устига уни сувга солиб ўтириш, ўнгда мўлчилик ва арзончиликка эришиш рамзидир, камбағал эса бойийди.

**Қилич.** Тушда қилич кўришни таъбирчилар фарзанд кўришга йўйибдилар, бу ҳам тўғри, аммо яна бир хусусияти борки, тушда қилич кўрган одам ўнгида мурод ва тилаклари рўёбга чиқади.

**Қозиқ.** Тушда қозиқ кўрсангиз ва уни бирон ерга қоқаётган бўлсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг, нохуш бир аҳвол рўй бериши мумкин.

**Қозон.** Тушда қозоннинг ўзини кўриш ҳеч қандай маъно бермайди, аммо қозон ва унинг ичида бирон нарса кўриш яхши бир хотинга эр бўлишга ишорадир.



**Қоп.** Тушда бұш қоп кўриш яхшиликка йўйилмайдн, ҳарҳолда қашшоқликка далолат, аммо қопнинг ичини тўла кўриш кўп мол эгаси бўлмакка ишорадир.

**Қора сиёҳ.** Агар тушингизда қора сиёҳ кўрсангиз, ай-ниқса, илм билан шуғулланаётган киши бўлсангиз, сую-наверинг: бу туш файзу барака, ривожланиш, юксалишга далолатдир. **Яна қаранг: «Сиёҳдон».**

**Қоғоз жўнатмоқ.** Ҳар ким тушида бирон жойга қоғоз жўнатса, ўнгида бирон нарса йўқотади, ҳатто бу туш туш соҳибининг устидан суд жараёни бўлишидан дарак беради.

Балаоғатга етган қиз ёки жувон бундай туш кўрса, ўнги-да қаллиғи билан уришиб қолади.

Бундай туш кўргандан кейин уйингиз атрофида бўладиган жанжаллардан эҳтиёт бўлинг, сизнинг ҳақингизда гийбат ва тўхмат гаплар ҳам бўлиши мумкин.

**Қоғоз.** Ибн Сирин тушда оқ қоғозни кўришни ёки қўлига олишни ўшанинг миқдорича мол ва иззатга йўйибди. Агар қоғоз йиртилиб кетса ёки куйиб кетса, туш соҳибининг молига зиён етади, дебди. У яна таъбир қилиб айтибдики, агар олим тушида қоғоз жам қилса, илми билан шуҳрат топади, агар фосиқ одам шу ишни тушида қилса, ўз фи-сқу фасоди билан ном чиқаради.

Жаъфар-и Содик раҳматуллоҳ-и ʼалайҳ тушда қоғоз кўрмакни тўрт нарсага далолат қилган: 1) хотин; 2) из-зат-ҳурмат; 3) давлат; 4) макр-ҳийла.

Агар туш соҳиби қоғоз узра хат кўрса — хотин; олим одам туш кўриб, қоғоз жам қилса, иззат-ҳурмат; илмдан ташқари одамлар қоғоз жам қилишлари — давлат; фосиқ одамлар учун тушда қоғоз жам қилимоқ — макр-ҳийланинг янги турлари.

**Қошиқ.** Агар тушда кимки тўла бир қошиқ кўрса, ўнгида бойлик орттиришига ишора, агар тушида қуруқ қошиқни оғзига олиб борса, ўнгида қашшоқ бўлишидан далолатдир.

**Қулф.** Агар тушингизда қулф кўрсангиз, демак, ишларингиз пухта экан: ўнгингизда ишларингиз осонлик билан битади.

Ибн Сирин тушда қулф кўриб, уни очишни дунёвий ва охират ишларининг рост ва мустақкам бўлишига йўйибди, агар қулфни очолмаса, бунинг аксидир, дебди (10, 92-бет).

**Қўнғироқ.** Бу ўринда икки хил қўнғироқ назарда тутилган; ҳайвонларнинг бўйинларига осиладиган қўнғироқ; шу қўнғироқ тушга кирса, киши ўнгида хушхабар эшитади. Агар эшик қўнғироғи тушида чалинса ва эшитилса, бирон фалокат юз берганидан хабар топади. Аммо тушида мактаб қўнғироғининг чалинганини эшитса, ўнгида яхшиликка йўйсин, дейдилар таъбирчилар.

Таъбирчилар черков қўнғироғи чалинганини тушда эшитишни ҳеч нарсага таъбир қилмайдилар, баъзи таъбир қилганлари ҳам ёлғон хабардан далолат, дебдирлар.

**Ғалвир.** Агар тушингизда ғалвир кўрсангиз, ўнгингизда кимгадир ва кимларгадир яхши дўст бўла олишингизга ишора бўлади.

**Ғалтак ип.** Кимки тушида ғалтак ип кўрса, лекин уни чигаллаштирмаса, ўнгида ризқ ва фойда кўради.

**Ғишт.** Тушингизда ғишт кўрсангиз, бу тушни ҳеч кимга айтманг ва эҳтиёт бўлинг: бу туш тўғри йўлдан адашишингизга ва дўстларингиздан ажралиб қолишингизга ишорадир.

Тушда ғишт кўриш ўнгдаги йўлга қўйилмаган тижорат ишларидан ва маҳбуба билан муносабатларнинг яхши эмаслигидан далолатдир.

Аммо тушингизда терлаб-пишиб ғишт қуяётган бўлсангиз, демак, ўз ғайратингиз ва ҳаракатларингиз билан ҳеч қачон бойлик тўплай олмас экансиз.

Аммо тушингизда тайёр қўйилган ғиштларни, аниқроғи пишиқ ғиштларни тахлаётган бўлсангиз ёки ғишрдан девор ясаётган бўлсангиз, у ҳолда ўнгингизда қўлингизга ҳалол мол келиб, ҳаётингиз фаровон бўлади.

**Ҳамён.** Тушда ҳамён кўрсангиз, ўнгимда бойиб кетарканман, деб ўйламанг: тушда ҳамён кўриш нохуш хабарга ишора бўлади.

Лекин баъзи муаббирлар агар туш соҳибининг ҳамёни тўла олтин-кумуш бўлса ёки ҳамёни бошқа маъданлар би-

лан тўлса, у ҳолда яхшидир, дебдилар; жамиятда ўз ўрнини топиб, обрў-эътиборга эга бўлар экан.

**Ҳисоблагич.** Хоҳ сув ҳисоблагични, хоҳ электр ҳисоблагични тушингизда кўрсангиз, эҳтиёт бўлинг, ўнгингизда қарзга ботишингиз мумкин.

### ***Маъдакларга оид тушлар***

**Ақиқ.** Тушингизда ақиқ тош кўрсангиз, ўнгингизда саломат ва соғ бўласиз ва умрингиз узок бўлади.

**Гавҳар.** Тушда кимки хоҳ гавҳарнинг ўзини кўрсин, хоҳ гавҳар донасини кўрсин, бу туш ўнгда фарзанд кўришга далолат. Муаббирлар тушда гавҳар кўришни фойдали тижоратга ва ижтимоий ҳаётда муваффақиятга, кутилмаган омадга йўйганлар.

**Дур.** Тушда дур кўриш фойдали тижоратга ва турмушда муваффақият қозонишга ишора.

Қизга тушида қаллиғи дур совға қилса, унга ўнгида тўқ ва фаровон турмуш, садоқатли эр насиб этади. Аёл тушида дур йўқотса, ўнгида қайғуга қолади.

Тушда дурни денгиз тубидан олиб чиқиш қаҳатчиликка ишора. дурни битталаб ипдан ўтказиш зерикиш ва ёлғизликдан далолат.

Тушда дур топиб олиш ўнгида кўз ёши тўкишга ишора бўлади.

Агар эр киши дурни йўқотиб қўйса, бирон кўнгилсиз ишининг ниҳоясидан дарак беради.

**Ёқут.** Тушда ёқут кўриш оилавий турмушда бахтиёрликкадир, деб йўядилар, бу ҳам тўғри, аммо тушида ёқут кўрган одам обрў-эътибор ҳам топади.

**Зумрад.** Тушда зумрад кўриш ўнгда ҳалол мол топишга йўйилади. Зумрад кўзли узук, айниқса у яшил ёки кўк бўлса, обрў-эътибор ҳам экан.

**Кўмир.** Тушда кўмир кўрсангиз ўнгингизда қўлингизга кирган мол ҳаромдан ҳосил бўлади. Лахча чўғ бўлиб ёниб

турган кўмир ўчиб қолган бўлса, хавотир ва умидсизликка ишорадир. Кўмир бўлақларини аралаштириб турганингизни кўрсангиз катта қувончга ишора.

**Лаъл.** Тушида кимки лаъл кўрса, ўнгида кутган иши бўлмай, алданиб қолади.

**Магнит.** Агар тушингизда магнит кўрсангиз, ўнгингизда тўла кучга кириб, ҳар қандай иш қўлингиздан келишига ишора бўлади.

Аёл тушида магнит кўрса, беҳисоб бойликка эга бўлади. Баъзи муаббирлар магнитни аёлнинг жозибасига ҳам йўйибдилар.

**Мис.** Агар аёл киши тушида мис идиш кўрса, ўнгида хоҳ ўзидан, хоҳ бир яқин одамидан фарзанд туғилишига ишора бўлади. Тушда мис кўриш касб-корнинг ривожига ҳам ишора, дейдилар.

**Олмос.** Тушингизда олмоснинг ўзинигина кўрсангиз, ҳатто уни қўлга олмасангиз ҳам, илм аҳлидан бўлсангиз, илм чўққилари сари юксаласиз, олмосни қўлга киритсангиз, ўнгингизда жамиятда ҳурмат ва эътиборингиз ортади. Аёллар тушларида олмос кўрсалар, чексиз бахт соҳибаси бўладилар.

Тушда олмосни йўқотиб қўйиш — бахтсизлик; барча ишлар тўхтаб қолади.

**Олтин.** Тушда олтин кўриш ёки уни топиб олиб, қўлда ушлаб туриш олти нарсага ишора бўлади: кенг ризқ, солиҳона амаллар, илм, ҳидоят, яхши оила ва солиҳ фарзанд.

Агар тушингизда олтинни ушлаб турган бўлсангиз, ўнгингизда барча ишларингизда сизга омад кулиб боқади. Агар балоғатга етган қиз ёки бева аёл тушида кимдандир олтин нарса совға олса, ичи қора ярамас бир одамга турмушга чиқади, аммо бениҳоя бадавлат яшайди.

Агар тушингизда олтин топиб олсангиз, осондан мол топасиз.

Агар олтин нарсангизни тушда йўқотсангиз, ҳаётла ҳам имкониятни қўлдан бой берасиз.

**Темир.** Агар тушинида темир кўрсангиз, боз устига уни кўшинида ушлаб турсангиз, демак, уннингизда бондик ва қудрат боден булар экансиз.

Аmmo темир парчаларинини ерда сочилиб ётганини кўриш ташвиш ва таъқибни англатади.

Тушда темир сотиб юриш зарарга ва ёлғончи ошноларга йўйилади

**Қалай.** Тушинида қалай кўрсангиз, ва уни қўла олсангиз, ўннингизда барча тилакларинииз русога чиққан.

**Қаҳрабо.** Агар савдо аҳли тушида қаҳрабо кўрсатилса, унингизда савдо орқали кўп фойдага эга бўлади.

### **Ўсимлик оламига оид тушлар**

**Адас<sup>1</sup>.** Тушда адас ва мошнинг ўзини кўриш ташвишга йўйилади. Баъзи таъбирларга кура, ризқ ва ҳалол молга ҳам ишорадир.

**Анжир.** Агар тушинида анжир есангиз, демак, ўннингизда рўзгорингизни осонгина бут қила olasиз.

**Анор.** Тушда анор кўриш мўл рақи ва бондикка ишора, дейдилар. Баъзида фарзандга ҳам таъбир қилинади. Анор демак эса, улуғларга хизмат қилмак ва сафарга чиқинга ишорадир. Тушда анор кўрмакни маънавий покликка ва имкониятлардан ақл билан фойдаланишга ҳам йўйганлар. Бундан ташқари, тушида анор кўрган киши ўнгида қалбни яралайдиган ва соғлиқка зарар келтирадиган кўнгли ошар ишлар билан шуғулланмас экан.

Ҳазрат Дониёл турли-тумач анорни тушда кўришни тамандухга таъбир қилибди (10. 25 бет)

**Баранг<sup>2</sup>.** Тушда баранг кўриш ва уни қаваб олиш янги ўртоқлар орттиришга ва пул топишга ишорадир.

<sup>1</sup> Адас — мошнинг бир тури

<sup>2</sup> Баранг — қарошкка, убеклар ичлари қарошкани ер олма ҳам десанлар, ammo турклар ичлари баранг деган суз ҳам қарошкани картошкани англатади

**Барг.** Тушингизда қуриган барг кўрсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг; бу касалликка ишора бўлади, агар яшнаб турган яшил барг кўрсангиз, хурсанд бўлинг, бу соғлигингиз яхши бўлишига далолатдир.

**Бақлажон.** Тушингизда бақлажон кўрсангиз, ўнгда шоншухрат орттиришга далилдир.

**Беҳи.** Тушда беҳи дарахтини кўриш яхшиликка йўйилмайди, аммо пишган беҳини кўриш бемор кишининг шифо топишига ишорадир.

**Бинафша.** Бинафша кишининг тушига кирса ва уни ҳидласа, ўнгида умри узун бўлишига ишорадир.

**Бинафшаранг.** Агар турмушда анча-мунча қийинчиликларга дуч келган бўлсангиз, мабодо тушингизга бинафшаранг кирса, ўнгингизда ўша қийинчиликлардан батамом қутиласиз.

**Бодом.** Тушингизда бодом есангиз, ўнгингизда қувонасиз, бодом чақсангиз янги бир ишни бошлашингизга ёки бўйдоқ бўлсангиз, уйланишингизга ишорадир.

Ибн Сирин тушда бодом кўришни бемеҳнат неъматга йўйган ва касалнинг шифо топишига ҳам таъбир қилибди. Шунингдек, илм ва молга ҳам йўйибди (10, 27-бет).

**Боғ.** Ҳар ким тушида боғда сайр қилиб юрган бўлса, ўнгида қувончга ишора бўлади, агар кимники тушида кўз олдида бирдан боғ пайдо бўлса, фарзандга далолатдир.

Тушда боғ кўриш, боз устига унга сув бериш хотинга яқинлик қилишга ишорадир. Агар кимки боғда шафтоли экса, илмпарвар фарзанд ато қилишидан далолат. Райҳонларни даста қилиш эса, фарзанднинг доно бўлиб етишишига ишора.

Боғни тушда кўриш ҳақида бир ҳикоят бор: бир одам Сулаймон пайғамбарга келиб тушида боғ кўрганлигини, боғда мевалар фарқ пишган бўлиб, лекин у меваларни бир тўнғиз еб турганлигини, атрофга қараса, яна бошқа кичик-кичик тўнғизлар ҳам мевалардан еятганликларини кўрганлигини айтди. Сулаймон пайғамбар бу тушни қуйидаги йўйибди: ўша катта тўнғиз подшоҳдир, кичик тўнғизлар унинг атрофидаги амалдорлардир. Улар халқнинг молини еб, зулмни кучайтирмоқдалар (10, 29-бет).

**Бугдой.** Агар тушингизда сотиб олган буғдонингизни есангиз, ўнгингизда қўлингизга кўп пул келади.

**Гилос.** Киши хоҳ бемор бўлсин, хоҳ соғлом одам бўлсин, барибир, тушида гилос еса, соғлиққа ишора бўлади.

**Гулкарам.** Айтайлик, сиз кўп одамларга қарз бергансиз, аммо ўша қарзлар ҳа деганда унмаяпти. Агар тушингизда тасодифан гулкарам кўрсангиз, ўнгингизда албатта ўша қарзлар унади.

Яна таъбирчилар айтадиларки, тушда гулкарам кўриш янги дўстлар орғиришига ҳам ишора бўлиши мумкин.

**Гурунч.** Гурунч оқ нарса, оқлик эса ҳамиша яхшиликка йўйилади. Тушда гурунч кўриш ўнгда осонлик билан пул топишга йўйилади.

Ибн Сирин тушда пишган гурунч емакни ҳожатларнинг раво бўлишига йўйибди (10, 30-бет).

**Долчин.** Тушда долчин емоқ ёки уни чойга солиб, долчин чой ичмоқ аччиқ бир хабарга ишора бўлади.

**Ерноқ.** Агар тушингизда ерноқ кўрсангиз, билингки, ўнгингизда мол-мулкка, бойликка эга бўласиз.

**Ёнғоқ.** Бемор киши тушида ёнғоқ кўрса, ўнгида шифо топади. Кимки тушида ёнғоқ еса, бажараётган ишлари ўз маромида кетади.

**Жийда.** Мабодо сиз бирон иш бошлаб қўйган бўлсангиз, шу бошлаган ишингизнинг самараси қандай бўлишини билмасангиз, тасодифан тушингизда жийда дараҳтини кўрсангиз ёки жийда есангиз, бошлаган ишингиз самарали бўлишига ишорадир.

**Жириш<sup>1</sup>.** Агар балоғатга етган қиз ёки ўтириб қолган қизлар ёхуд бева аёллар тушларида жириш кўрсалар, бахтиёр оила қуришларига ишорадир.

**Жўхори.** Деҳқон киши тушида жўхори кўрса, ўнгида унга омад ёр бўлиб, мол топади, агар илм аҳли бундай туш кўрса, илми юксалишига ишоратдир.

<sup>1</sup>Узбек тилининг илоҳий тугатида жириш чага эканган. серкепак уни деб беришган.

**Зайтунмоиш.** Агар тушингизда зайтунмоишни кўрсангиз, ўнгингизда ризқингиз ортишига ишорадир, шунингдек, ҳалол мол топишингизга, беморлар учун шифо топишига далolat бўлади.

**Зайтун.** Зайтун дарахтидан мой олинади. Лекин тушда зайтун дарахтининг ўзини кўриш мол ва матонатга йўйилади.

**Заъфарон.** Мабодо тушингизда заъфарон ўсимлигини кўрсангиз, эҳтиёт бўлинг, бу туш касалликка йўйилади.

**Заққум.** Заққум дарахтини дўзахдаги дарахт, дейдилар, ammo у араб саҳроларида ҳам ўсади. Бундай дарахтни тушида кўрган киши ҳам эҳтиёт бўлиши керак; ўнгида асабий ҳолатга тушади ва танқидга учрайди.

**Зира.** Эҳтиёт бўлишингиз керак; зирани тушда кўриш қайғуга йўйилади.

**Компот.** Агар тушингизда компот кўрсангиз ёки ичсангиз бойлик ва узоқ умрга ишорадир.

**Кунжут.** Тушингизда кунжут ўсимлигини ёки унинг уруғини кўрсангиз ўнгингизда бойликка эга бўласиз.

**Кўкнор.** Мабодо тушингизда кўкнор ўсимлигини ёки унинг уруғини кўрсангиз, агар кўкнор уруғидан татиб кўрсангиз, у ҳолда, ўнгингизда осон йўл билан бойликка эришасиз.

**Кўчат.** Тушингизда кўчат кўрсангиз, билингки, бу туш солиҳ фарзандларга ва фаровон ҳаётга ишорадир.

**Ловия.** Тушда ловия кўришнинг таъбири қуйидагилардан иборат: етилмаган ловияни кўрган одам сергаплиги туфайли зарарга дуч келади; етилган ловия ейиш ташвишлардан қутилишга ишора; ловиядан тушида кўп еса, атрофидаги душманлари тарқаб кетади.

**Лавлаги.** Агар бемор тушида лавлаги еса, ўнгида шифо топиб, соғломлашиб кетади.



**Мавз**<sup>1</sup>. Тушда мавз кўриш уч нарсага ишорадир: мол-мулк эгаси бўлиш, мавз ейиш — соғлом бўлиш, мавз дарахтини кўриш — бой бўлиш.

**Макарон.** Агар тушингизда макарон кўрсангиз, ўнгингизда бирон ишни ўйлаб юрган бўлсангиз, ўша ишингизнинг хайрли натижа берар экан.

**Мева.** Киши мевали боғни тушида кўрса, ўнгида мўлчиликка эришади, мевасиз боғ кўрса, қашшоқликка ишора бўлади.

Тушда пишган мева олишни ва емакни Ибн Сирин хайру манфаатга йўйибди. Агар мева хом бўлса, дейди муаббир, туш соҳиби беҳуда сўз эшитади, қора узум ёки олхўри еса, ғам-андух кўради, дарахтдан мевани ўз қўли билан узиб еса, унинг миқдорича мол ҳосил бўлади, силки-тиб олса, осонгина ҳалол мол қўлга келади, нордон ва аччиқ мевалар ғам-андухга ишора<sup>2</sup> (9, 59-бет).

**Мурч.** Тушингизда мурч кўрсангиз, ўнгингизда пул тўплар экансиз. Баъзи муаббирлар бу тушни ўнгдаги кўнгилсиз ҳодисага ҳам йўйибдирлар.

**Наъно**<sup>3</sup>. Агар тушингизда наъно кўрсангиз, ўнгингизда қайғули бир хабарга тайёр бўлинг, бу туш баъзида қийинчилик ва ташвишга ҳам ишора бўлади.

**Нок.** Тушда нок дарахтини кўрсангиз, бойликка ишора, нокнинг ўзини кўрсангиз ва есангиз, неъмат ва фойдадан дарак беради.

Ибн Сирин тушда нок олиш ва емакни ҳалол молга таъбир қилган, шунингдек, сариқ нок емакни беморликка йўйган.

Жаъфар-и Содиқ бу тушни беш нарсага далолат қилибди: 1) ҳалол мол; 2) бадавлатлик; 3) хотин олиш; 4) муродга етиш; 5) кўп фойда (33, 27-бет).

**Нўхат.** Тушда қуруқ нўхатни кўриш яхшиликка йўйилади.

<sup>1</sup> Мавз — банан.

<sup>2</sup> •Туш таъбирлари (туркий)•да ҳам бу туш таъбири айнан шундай, аммо Ибн Сирий номи келтирилмаган.

<sup>3</sup> Наъно — боғ яллиғи.

**Олма.** Олманинг ўзини кўрсангиз, маҳбубангизнинг севгисини уйғота оласиз, дарахтда олма кўрсангиз, хуш-хабар келади, дастурхонда олма кўрсангиз, демак, ўнгингизда режаларингиз оғишмай амалга ошади.

Ибн Сирин кўк олма фарзандга, қизили подшоҳлардан манфаатга, оқ олма савдогарлардан нафга, аччиқ олма беморликка ишора дебди. Тушда олмани икки бўлса, шеригидан жудо бўлишига таъбир қилган.

Жаъфар-и Содиқ тушда олмани кўриш етти нарсага далолат, деган: 1) фарзанд; 2) кўп манфаат; 3) беморлик; 4) канизак; 5) ҳалол мол; 6) сўзи ўткирлик; 7) баланд ҳиммат (10, 75-бет).

**Олхўри.** Агар тушингизда олхўри кўрсангиз, ўнгингизда барча мурудингиз ҳосил бўлади.

**Олча.** Тушда ширин олча емоқ ҳалолдан молга ишора, нордон олча есангиз, ҳаромдан мол топасиз.

**Патинжон**<sup>2</sup>. Кимки тушида патинжон кўрса, демак, ўнгида бир дўсти билан лазиз таомлар ейди.

**Пахта.** Тушда пахта ва пахтазор кўриш кишининг ўнгида ҳалолдан пул топишига ишора, топ-тоза пахтани кўрса, фаровонликка далолатдир. Тушда йиғимга тайёр пахталарни кўриш деҳқон учун бойлик ва мўлчилик аломати. Саноатчи бундай туш кўрса, ўнгида фойда олади. Савдо ходимининг эса ишлари бароридан келади. Тушда пахта хирмонини кўриш ишларнинг яхши томонга ўзгаришидан далолатдир. Ибн Сирин тушда чигит кўришни ҳам ҳалол молга йўйган.

**Писта.** Тушингизда писта кўрсангиз ва чақсангиз, ўнгингизда осонлик билан пул топасиз.

**Райҳон.** Аёл тушида райҳон кўрса, бойвучча бўлишига ишора. Жаъфар-и Содиқ тушда райҳон кўришни етти нарсага йўйган: 1) яхши хотин; 2) яхши канизак; 3) солиҳ фарзанд; 4) холис дўст; 5) хушвақтлик; 6) илм; 7) яхши феъл (10, 67-бет).

<sup>1</sup> «Туш таъбирлари (туркий)»да ҳам айнан шундоқ, аммо муаббирларга иқтибос қилинмаган.

<sup>2</sup> Патинжон — памидор.

**Сабзавот.** Кимки тушида тар сабзавот кўрса, ўнгида хайрли ишларга гувоҳ бўлади.

Ибн Сирин тушда сабзавот кўришни ўз мамлакатида машхур одам бўлишга ва кўп манфаат кўришга йўйган (10, 75-бет).

**Сарв.** Тушга сарв дарахти кирса, уни қуйидагиларга таъбир қилинади: агар эр киши бундай туш кўрса, гўзал ва ахлоқли аёлга уйланиш, умуман узоқ умр кўриш, умри давомида серфарзанд бўлиш сингари хайрларга йўйилган.

Ибн Сирин бу тушни ғойибдан мол келишига йўйган (10, 75-бет).

**Саримсоқ.** Тушингизда саримсоқ кўрсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг: бу туш ҳаром мол топишга йўйилади, сизни ўнгингизда ёмон сўз ва хафагарчилик ҳам кутади.

**Седана.** Тушда седана кўриш бемор учун соғайиб кетишга ишорадир.

**Семизўт.** Тушингизда яшил семизўт кўрсангиз, ўнгингизда фаровон турмуш ва хотиржамлик топасиз.

**Сунбул.** Тушда сунбул кўрсангиз, давлат топасиз.

**Сутчўп.** Тушингизда сутчўп кўрсангиз, ўнгингизда бирон очкўз одам билан учрашасиз. Тушда сутчўп кўришни соғлиққа ҳам далолат, деб таъбир қиладилар.

**Тарвуз.** Тушда кимки яшил тарвуз кўрса, ўнгида ризқ ва даромади ортади, сариқ тарвуз — беморликка. Тарвузни оилалик бўлишга ҳам йўйганлар. Тушда тарвуз еса, тилакларининг амалга ошмаслигига ишорадир.

**Тариқ.** Агар тушда тариқ кўрсангиз, хурсанд бўлинг, ўнгингизда қўлингизга мол киради.

**Тикан.** Тушда тикан кўрсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг: сизга қарши қандайдир фитна тайёрланаяпти.

**Томорқа.** Бўйдоқлар тушларида томорқа кўрсалар, яқин ўртадаги унашишга ишорадир, оилали одам тушида томорқа кўрса, фарзандли бўлишидан далолатдир.

**Турп.** Тушда турп кўриш ўнгда қилинган ҳалол меҳнатдан олинадиган фойдага йўйилади, турп емак эса, соғ-саломатликка ишорадир.

**Тут.** Тушда тут кўриш ўнгда севинишга ишорадир.

Ибн Сирин ҳар ким тушида тут пишиғи пайтида тут кўрса ва ундан еса, Аллоҳ таоло унга ғойибдан ҳалол мол ато қилади, агар тут пишиғидан бошқа пайтда туш кўриб, тут еса, ғам-андухга қолади, деб таъбир қилган (10, 78-бет).

**Узум.** Тушда узум аён бўлиши бир неча қисмда таъбир қилинади: тушда узум кўрган одам ўнгида мартабага эришади; агар киши тушида оқ узум кўрса, гарчи у бемор бўлса, соғайишига ишора бўлади; тушда узум сотиб олиш кишининг ўнгида мол эгаси бўлишига йўйилган; агар кимки тушида узум шингилини кўрса, хотин тарафидан молли ва бой бўлишига ишорадир.

**Фундуқ<sup>1</sup>.** Агар тушингизда фундуқ кўрсангиз ва ундан есангиз, ўнгингизда мол ва бойликка эга бўласиз.

**Хардал.** Кимки тушида хардал кўрса, бошига ташвишлар ёғилиши ёки дард-алам чекиши мумкин. Бу таъбир таомга қўшиб тановул қилинадиган аччиқ нарса ҳақида. Бу аччиқ нарса ўсимликдан олинади. Агар деҳқон тушида кўмкўк кўкариб турган хардални кўрса, иши ривож топади, денгизчи бойликка эга бўлади.

Балоғатга етган қиз тушида хардал еса, истакларининг амалга ошиши учун бойлигини сарф қилади.

**Хина.** Агар аёллар тушларида қўлларига хина қўйсалар, ўнгларида бойвучча ва бахтиёр хотин бўлишларига ишора бўлади.

**Хурмо.** Агар кимки тушида хурмо дарахтини кўрса, ўнгида яхшиликларга дуч келади, кўк хурмо кўрса, ўнгида бой бўлади ёки бирон жойдан хушхабар эшитади.

<sup>1</sup>Фундуқ — Кавказ улкаларида усадиган маида ёнғоқ.

**Чаман.** Агар тушингизда чаманзор кўрсангиз, демак, ўнгингизда дўстларингиз билан бахтиёрликда вақт ўтказар экансиз.

**Чечак.** Кимки тушингизда сизга чечак ҳадя қилса, ўнгингизда оилалик бўласиз, агар аёл киши тушида чечак кўрса, фарзандли бўлишига ишорадир.

**Чинор.** Аскар йигитлар тушларида чинор кўрсалар яхшиликка, ўзгалар учун қашшоқликдан далолатдир.

**Шинни.** Тушингизда шинни кўриб, ундан ялаб кўрсангиз, ўнгингизда ҳам ширин турмуш кўрасиз.

**Шолғом.** Тушда шолғом емак кўнгил хираликка йўйилади. Шолғомнинг гуллаб, ўсиб турганини кўриш ишлар бароридан келишига ишора. Қиз шолғом экиб турган бўлса, ўнгида бой меросга эга бўлади.

**Шпинат<sup>1</sup>.** Тушда шпинат емак мурод ҳосил бўлишидир.

**Эман.** Тушда эман дарахти кўриш ва тагида ўтириш ўнгда соғлом турмуш ва узоқ умрга йўйилади. Севишганлар тушларида эман дарахтини кўрсалар, ўнглирида тезда тўйлари бўлиб, бахтли ҳаёт кечирадилар.

Синган эманни кўриш ёмонликкадир.

**Юсуфий<sup>2</sup>.** Агар тушингизда юсуфий кўрсангиз, демак, ўнгингизда шодон бир саёҳатга йўл оласиз.

**Ўрик.** Тушда ўрик, айниқса, қантак ўрикни кўрсангиз, демак, ўнгингизда муродингиз ҳосил бўлар экан.

**Ўт.** Тушингизда яхши ўт ўрсангиз, ўнгингиздаги фойдали ишларга ишорадир, агар тиканли ўт ўрсангиз, ўнгингизда қийинчилик ва ташвишларга қоласиз.

**Қайрағоч.** Тушда қайрағоч кўриш ўнгингиздаги муваффақиятдан ва оиладаги қувончдан далолатдир.

---

<sup>1</sup> Шпинат — ердан униб чиқадиган бир хил усимлик.

<sup>2</sup> Юсуфий — мандарин.

**Қалампир.** Тушда қалампир емак ишончли дўстликка ишора, деб таъбир қиладилар.

**Қамит.** Тушингизда қамиш кўрсангиз, ўнгингизда бирон ёмон кимсага учрашингиз ёхуд ёмон бир сўз эшитишингиз мумкин экан.

**Қаранфилмунчоқ<sup>1</sup>.** Тушда қаранфилмунчоқ кўриш яхши бир ном ва шуҳратга эга бўлишга далолатдир.

**Қарағай.** Тушда қарағай кўриш муродга далолат; бемор учун шифо, қарағайзор ўрмонни кўриш бойликка ишора.

**Қаҳва.** Тушда қаҳва ичиш соғликка ишорадир.

**Қовоқ.** Тушда қовоқ кўриш шифо топишга ишора.

**Қовун.** Тушда қовун кўриш ва емак ташвиш ва ғайғуга йўйилади.

**Қоратут<sup>2</sup>.** Тушингизда қоратут кўрсангиз, ўнгингизда даромадингиз ортиб, бой бўласиз.

**Кўзиқорин.** Тушда кўзиқорин кўриш янглиш ташаббуслардан огоҳлантиради.

**Ҳосил.** Агар тушингизда далада катта ҳосил тўпласангиз, ўнгингизда катта фойда олишингизга ишорадир.

### **Уй ҳайвонларига оид тушлар**

**Бия.** Кимки тушида бия кўрса, ўнгида барча истак ва орзулари рўёбга чиқар экан.

**Бузоқ.** Сизнинг дўстларингиз бор, аммо уларнинг сизга муносабатлари ёмон ҳам эмас, яхши ҳам эмас. Тасодифан сиз тушингизда бузоқ кўрсангиз, ўнгингизда дўстларингизнинг меҳри сизга кўп марта ортади.

---

<sup>1</sup> Жуда кўп жойларда ва адабиётларда қалампирмунчоқ, деб талаффуз қилинади ва ёзилади, тўғриси қаранфилмунчоқ шаклидадир.

<sup>2</sup> Қоратутни шоҳтут деб ҳам атайдилар.

**Буқа.** Кимки тушида буқа кўрса, савдодаги омадига далолатдир. Тушингизда яшил яйловда ўтлаб юрган буқани кўрсангиз, ўзингиз кутмаган бир сонияда сизга омад кулиб боқади.

**Ит.** Тушда ит кўриш ўнгдаги суқликка йўйилади. Агар тушингизда сизни тумшуғи қора ит таласа, у ҳолда эҳтиёт бўлинг, бошингизга оғир ташвиш тушади, агар бирон ит сизни яласа, буни яхшиликка йўйинг. Агар тушингизда ит сизни тишласа, ўнгингизда катта зарарга йўлиқасиз.

Ибн Сирин итнинг талаб кийимни йиртиши молга нуқсон, ит гўштини емоқ душмандан ғолиб келмоқ, итга нон бермоқ ризқ ва бойликнинг кўпайиши, деб таъбир қилган (10, 72-бет).

**Мушук.** Тушингизда мушук кўрсангиз, яхшиликка йўйилмайди; кўли эғри хизматчига эга бўласиз ёки уйингизга ўғри киради. Ибн Сирин тушда мушукни ўлдириш ўғридан нажот топиш, дебди. Мушукнинг ўғрилик рамзи эканлигини у ҳам айнан шундай таъбир қилган (10, 34-бет).

**От.** Деновлик Аминжон Аълоев (Худо раҳмат қилсин) шўро замонида пионер лагерининг бошлиғи эди. У бир куни туш кўрди, тушида оқ отга миниб тоғ тепасидан тушиб келаётган эмиш. У тушига чандон эътибор бермади. Лекин орадан уч-тўрт кун ўтиб, уни райкомпартияга чақириб қолишди ва ташвиқот-тарғибот бўлимининг бошлиқлиги лавозимига тайинлашди. У бу лавозимда бир йил ишлади, бир йил ўтгач, уни яна ўз жойига қайтаришди.

Тушингизда отга минсангиз ва шу отда тўғри кетиб борсангиз, мансаб ва мартабангизга ишора ва бу ишда узоқ истиқоматингиздан далолатдир. Агар тушингизда от миниб, пастга қараб кетсангиз, мансабга минишингизга, аммо мансабдан тез тушишингизга ишора.

Агар тушингизда сизни от тепса, уйғонгач, дарҳол садақа беринг, бу ёмонликка йўйилади.

**Сигир.** Тушда сигир кўрсангиз ўнгингизда севинч ва бойликка ишора, жамият учун эса, йил давомида бозорларда арзончиликка йўйилади.

Тушингизда чиройли сигир олсангиз, ҳаётда бўйдоқ бўлсангиз, бадавлат хонадонга куёв бўласиз.

Агар балоғатга етган қиз ёки бева аёл бу тушни кўрса, тез орада турмуш қуришига далолат бўлади, оилалик одам бу тушни кўрган ўнгида бой бўлади.

Сигир ҳақидаги туш Қуръон-и каримнинг Юсуф сура-сида ва ҳадисларда келган.

**Този.** Юқорида тушда ит кўрса нима бўлишини айтган эдик, аммо този алоҳида мазмунга эга, аммо бу туш ҳам хавфдан дарак беради; агар тушингизда този кўрсангиз, ўнгингизда таҳликали аҳволга тушишингиздан огоҳлантиради, бу таҳликалардан охир-оқибатда қутилиб кетишингизни ҳам башорат қилади.

**Туя.** Тушингизда туя кўрсангиз, ўнгингизда юсак мартабага эришасиз, хусусан, тушда унга минсангиз.

Урғочи туя кўрсангиз, бўйдоқ бўлсангиз уйланасиз, оилалик бўлсангиз, хотинингиздан фойда кўрасиз.

Тушда туя жунини кўриш ҳалол мол ва меросга ишорадир.

Ибн Сирин туяни тушда кўришни қуйидагича таъбир қилибди:

Ким «тушида туя миниб юрса, сафар қилгай. Агар туя унга бўсунмай саркашлик қилса, ғам-андух етгай. Садақа берсин. Агар тушида туяларни ўтлатиб юрса, ул одам амалга миниб, фуқароларга меҳру шафқат кўргузгай. Агар туяни соғиб турса, унга подшоҳлардин кўп мол-давлат етгай. Агар киши тушида туя олса ёки унга бир одам туя берса, туш эгаси хотин ёки канизак олгай. Агар биёбонда юрган туяларни кўрса, азизлардан назар топгай ва бузругликка етишгай» (10, 80-бет).

**Улоқ.** Тушингизда улоқ кўрсангиз, ўнгингизда сизни бирон қилигингиз билан бола-чақа олдида уятга қолдириш ва обрўсизланишингиздан огоҳлантиряпти.

**Чорва.** Кимки тушида чорва ёки пода кўрса, демак, ўнгида бойликка эришади.



**Чўчқа.** Кимки тушида чўчқа кўрса, унгида тавба қилмо садақа берсин, чўчки бу туш эҳтиёт бўлишингизни таъкид қилгани, чўчки сизни ҳаётда таҳлика ва ташвишлар куягани.

**Эшак.** Тушда эшак минмак мансабга чиқишга ва бахти ёр бўлмакка ишорадир. Агар тушга юк ортилган эшак аён бўлса, мартаба ва обрўнинг янада юксалишини билдиради.

**Эчки.** Кимки тушида эчки калтасини шириб еса, умри узун бўлишига ишора.

Умуман эчкини тушда кўриш, туш қурилган йилда юрда етишмовчилик ва жанжал-тўпалон бўлишига ишора бўлади.

Аммо, дебдилар баъзи муаббирлар, эчки подасини кўриш меросга эга бўлишидир.

**Қуён.** Қуён ҳалқда толей рамзи сифатида баҳоланади. Қарангки, уни тушда кўриш ҳам толейнинг порлоқ бўлишини аниглайди.

Бундан ташқари, тушда қуён кўришни бўйдоқлар учун уйланишга ийибдилар.

**Қўзи.** Агар тушингизда қўзи кўрсангиз, агар у соғлом бўлса, демак, ўнгингизда солиҳ фарзандларга ота бўласиз.

**Қўй.** Тушга қўй кириши эса, ҳалол мол топишга ишора бўлади.

**Қўчқор.** Кимки тушида қўчқор кўрса, демак ўнгида шараф ва ҳурмат-иъзатга муяссар бўлади.

**Қўтос.** Тушингизда қўтос кўрсангиз, ўнгингизда ниманки иш қилсангиз, ўз кучингиз ва ироданингизни мустақамлини туфайли бажаришингизга ишорадир.

**Ҳўкиз.** Кимки тушида ҳўкиз кўрса, унгида бирон давлат арбобига яқин бўлишига ишорадир ва ишларининг ривожидан далолат беради.

Ҳазрат Дониёт тушда қора ҳўкиз минишни солиҳ одамлар учун мансаб ва манфаат, деб таъбир қилибди. Сариқ ҳўкизни тушда кўришни беморликка ийўган. Агар ҳўкиз минган одамни итқитиб ташласа, деган муаббир, туш соҳибни мансабдор бўлса, мансабидан айрилади (10, 33-бет).

## *Ёввойи ҳайвонларга оид тушлар*

**Айиқ.** Тушингизда айиқни кўрсангиз, демак, ўнгингизда душманларингиз устидан ғолиб келар экансиз.

**Арслон.** Тушда арслон кўриш замона улуглари билан дўстлашишга ишора экан.

**Балиқ.** Кимки тушида дарёдан балиқ тутса, ўнгида мол соҳиби бўлишига ёки бирон яхши иш олишига ишора бўлади.

Агар ҳар кимнинг тушида тиниқ сув ичида балиқ кўринса, ўнгида омади келади.

Агар сув ичида ўлик балиқ кўрса, ғам-андух етади.

Агар балоғатга етган қиз тирик балиқ кўрса, уни бахтга йўғрилган турмуш кутади.

Ҳар ким тушида сув ичида қармоқ билан юрган бўлса, ўнгида ўзининг тадбиркорлиги ва эпчиллиги туфайли тез орада катта манфаат топади.

Ҳар ким тушида балиқ овини томоша қилаётган бўлса, ўнгида қулай шарт-шароитдан унумли фойдаланишига ишорадир.

Кимки тушида балиқ овидан қуруқ қайтаётганини кўрса, истақларининг рўёбга чиқмаслигига далолат.

Тушда балиқ бозорига бориш қувонч ва тўқликка ишорадир.

Агар тушда балиқ тутадиган қармоқ йиртиқ бўлса, ғам-андухга ишора, агар бутун бўлса, қувонч.

Ибн Сирин тушда катта балиқ туш соҳибини сувга тортиб кетса, сувга фарқ бўлиб ўлишга, балиқнинг пўстини ёки устухонини олиш душманлардан зарар кўришга, деб таъбир қилган (10, 60-бет).

**Илон.** Баъзи таъбирчилар тушда илон кўришни йўлга йўйибдилар, эҳтимол, аммо илон тушда аён бўлса, туш соҳиби юксак мартаба ва бойликка эга бўлади. Чунки ўзбек халқи: «Ўнгда кўрсанг янч, тушда кўрсанг — ганж», деб бекорга айтмаган.

**Маймун.** Бундай туш сизни огоҳлантиради: яъни тушда маймун кўриш бирон душманингиздан зарар егишига ишора ёки нажасни билдиради.

**Сиртлон.** Тушда сиртлон кўриш яхшиликка йўйилмайди: бундай туш кўрган кишининг ўзини дўст кўрсатиб юрган хоин ошнолари бор, улардан зулм кўришига ишора, улар туш соҳибини ҳийла билан қўлга туширмоқчилар. Бу туш огоҳлантирувчидир.

**Тимсоҳ.** Бу тушни кўрган киши эҳтиёт бўлиши керак: яширин душман пистирмадан сизга бирон ёмон нарса тайёрлаяпти.

**Тошбақа.** Сиз, айтайлик, ҳаётда умуман дин ва диний ишлардан узоқ одамсиз. Агар тушингизда тошбақа кўрсангиз, ўнгингизда динга кириб келасиз ва тақводор бўласиз.

**Тулки.** Агар тушингизда тулкининг устига миниб олсангиз, буни яхшиликка йўйиш мумкин эди, аммо тулки ҳийлакор махлуқ бўлганлигидан, у ярим йўлда сизни устидан тушириб кетиши мумкин. Агар тушингизда тулкини миниб кета туриб, устидан тушсангиз, ўнгингизда ҳийлакор сизни алдайди. Умуман, тушда тулки кўриш ҳийлакор душманингиз борлигидан огоҳлантиради, демак, бу душман сизга зарар келтириш турган гап экан.

**Фил.** Фил билан боғлиқ тушлар яхшиликка йўйилади. Агар тушингизда фил устида кетаётган бўлсангиз, мартабангиз улуғ бўлишига, келажагингиз порлоқлигига ва умрингизнинг баракали эканлигига ишорадир.

Аёл тушида фил кўрса ва у фил ётоғига кириб келса, ўнгида паҳлавон ўғил кўради ҳамда ул ўғил адолатли одам бўлиб етишади.

**Шақал.** Шақални баъзи жойларда чнябўри ҳам дейдилар. Тушингизда шақал кўрсангиз, эҳтиётингизни қилганингиз яхши, чунки ҳаётда ярамас бир кимсага учраб қолшингиз мумкин экан.

**Қоплон.** Тушда қоплон кўришни душманликка йўйилмайди. Агар кимки тушида қоплон билан олишса, демак, ўнгида душмани билан уришар экан. аммо бу уришишда ким снгиши таъбирларда айтилмаган.

## Шаррандаларга оид тушлар

**Булбул.** Агар уйланган бўлсангиз ва тушингизда булбул кўрсангиз, закий бир фарзандга ота бўлар экансиз.

Кирмоний булбул ҳақидаги тушни шундай таъбир қилиб, агар туш соҳиби булбулни қўлидан учираб юборса, фарзанди ҳалок бўлади, деб таъбир қилади (10, 30-бет).

**Жўжа.** Тушингизда жўжа кўрсангиз, ўнгингизда кўчадамп, бошқа бир ердами, бирон болани учратасиз.

**Зағизғон.** Тушда зағизғон кўришни яхшиликка йўймайдилар. Кимки тушида зағизғон кўрса, дўстларидан, ёридан бевафолик кўриши мумкин, душманларидан ҳийла ва найранг содир бўлади, туш соҳиби ўз яқинлари даврасида ишончли йўқотади ва жуда кўп моддий зарар кўради.

**Каклик.** Узоқ пайтдан бери фарзанд кўрмаётган аёлнинг тушига каклик тўдаси кирса, ўнгида фарзанд кўради.

Ибн Сирин тушда каклик гўштини емак яхши кийимга далолатдир, дебди (10, 51-бет).

**Лайлак.** Кимки тушида лайлак кўрса, ўнгида саёҳатга отланади, кимки тушида лайлакни ўлдирса, ўнгида душмани билан урушиб, ғолиб келади, агар тушингизда лайлак ҳовлингизда бирон нарса еганини кўрсангиз, ўнгингизда муҳтарам бир зотни учратасиз ва унинг эъзозини жойига қўясиз.

**Лочин.** Тушингизда лочин кўрсангиз, агар ҳаётда мансабдор бўлсангиз, мансабингиздан айрилишингизга ишора, агар оддий киши бўлсангиз, жамиятда мавқеингиз тушиб кетади, эҳтиёт бўлишингиз керак экан.

Агар тушингизда лочин гўшти есангиз ўнгингизда манфаат кўрасиз.

**Мусича.** Агар бўйдоқ йигит тушида мусича кўрса, эҳтиёт бўлсин; эма, кўп гапирадиган ва таниш оғзини бўлмаган биронта аёлга уйланиши мумкин.

**Товуқ.** Тушда кимки товуқ кўрса, бу туш гўзал аёлга йўйилади; агар бўйдоқлар тушларида товуқ курсалар шундай бир гўзалга уйланадилар, оилалик қизлар бир гўзал аёлни чўри қилиб оладилар.

**Тухум.** Тушда тухум кўриш бошқалар учун ҳеч қандай маъно бермаса ҳам, янги уйланганлар учун фарзанддан дарак беради.

**Туяқуш.** Тушида туяқуш кўрган бўйдоқ ўнгида эҳтиёт бўлсин; у унаштирилган қиз ифлос ва бузуқ бўлиши мумкин. Оилалик одам бундай туш кўрса, хотинига эҳтиёт бўлмоғи керак.

**Тўти.** Тушда ҳам шундай. Агар кимки тушида тўтини кўрса ёки тушида тўти гапирса, унинг ўнгида ишлари муваффақиятли бўлади.

Баъзи муаббирлар тушда тўти кўришни сирнинг очилишига ҳам йўйганлар.

**Хўроз.** Тушда шунчаки аён бўлган хўрознинг маъноси аниқланмаган. Аммо тушида хўроз сотиб олган эр киши, агар уйланган бўлса, фарзандли бўлишига ишорадир. Қичқираётган хўрозни кўриш қувончдан далолатдир. Уришаётган хўрозлар жанжалга ишора бўлади.

**Чумчуқ.** Тушда чумчуқ кўриш яхшиликка йўйилади. Агар тушингизда чумчуқ кўрсангиз, демак, ишларингизда осойишталик ва хотиржамлик бўлар экан.

**Ўрдак.** Тушда ўрдак кўрган киши мартабага эришади, деб таъбир қиладилар. Агар бу тушни бўйдоқ кўрса, гўзал бир қизга уйланади, деган таъбир ҳам бор.

**Қалдирғоч.** Баҳорда кимнинг уйига қалдирғоч ин қурса, уй соҳиби хурсанд бўлади, уни халқимиз давлат белгиси, деб атайди. Тушда эса, қалдирғоч кўриш севинчли бир хабардан даракдир.

**Қарға.** Тушингизда қарға кўрсангиз, ўнгингизда ёлғончи ва бетайин бир киши билан учрашиб, таъбингиз хира бўлиши мумкин. Тушда қарға кўришни яна шундай таъбир қиладилар: эр-хотиннинг бир-бирларига хиёнатлари; одамга қараб учиб келаётган қарға ўлимга ишора; қарғанинг қағиллаши нохуш хабар ва гамдан далолат; қаердадир ўтирган қарғани кўриш эски ишларнинг ниҳоясига етишига

ишора; қарғани ўлдириш душман устидан зафар қозониш; қарғани ушлаб олиш хавф солаётган бахтсизликдан қутилиш; қарға гўштини емак очлик ва муҳтожликка ишора.

**Қоработоқ<sup>1</sup>**. Агар тушингизда қоработоқ кўрсангиз, демак, ўнгингизда мўлжаллаган ишингиз самара беради.

**Қораялоқ<sup>2</sup>**. Янги уйланган кишилар ёки анчадан буён фарзанд кўрмаётган оилалар, агар тушларида қораялоқ кўрсалар, тез орада фарзандлик бўлар эканлар.

**Куш**. Тушда умуман куш кўришни таъбирчилар яхшиликка йўймайдилар; тушда куш кўриш заифликка ишора, дейдилар.

Ярадор қушни тушда кўриш ғам-андудан далолат беради.

Кушларнинг бир-бирлари билан чуғурлашаётганини эшитиш муҳим ишларни ҳал қилишга кучингиз етмаслигидан огоҳлантиришдир.

Агар тушингизда қушни отиб ўлдирсангиз, ўнгингизда фалокат рўй беради.

**Ғоз**. Кимки тушида ғоз кўрса, ўнгида ё мансабга эришади ёки одамлар ўртасида мавқеи ортади.

Тушда ғозларнинг узлуксиз, жонга тегар даражадаги ғағиллашлари ўнгда бахтсизлик келтиради.

Ғозларни чақирриш ва уларга дон бериш мулкка эга бўлишга ишорадир.

Ғозларнинг жимоъ қилаётганларини тушда кўриш сизни севгилингизга бўлган садоқатга ва у билан яхши муомалада бўлишга даъват этипти.

### **Ҳашаротга оид тушлар**

**Ари**. Тушда ари кўришнинг иккита таъбири бор: ари чақса, ўнгида пул йўқотади, ишида ҳам зарар кўради. Агар бир тўп арилар орасида қолса, ўнгида ғийбатчи аёллар ва пасткаш одамлар ўртасига тушиб қолади.

<sup>1</sup> Қоработоқ — лойхўраксимон куш.

<sup>2</sup> Қораялоқ — куз фаслида гала-гала бўлиб учиб келадиган ва узумларни қирадиган куш.

**Бит.** Тушда бит кўриш бойликка ишора. Кимки тушида битлаб кетган бўлса, ўнгида кўп пул топади.

**Бурга.** Агар тушингизда бурга кўрсангиз ёки бурга тушингизда чақса, душманингиз ниҳоятда заиф экан.

**Ёрқанот.** Тушда ёрқанот кўриш ўлимга ишора.

**Зулук.** Тушда зулук кўришни очкўзлик, тамаъгирлик каби салбий иллатларга йўядилар. Кимки тушида баданига зулук кўйса, ўнгида молида камчилик кўради.

**Капалак.** Агар эр киши тушида капалак кўрса, ўнгида ишлари юришиб кетади ва бойлик қўлига киради.

**Парвона.** Тушингизда парвона кўрсангиз, уйғонгач, ўз характерингизни бир мулоҳаза қилиб кўринг: кўп нарсаларда иродасизлик ва заифлик кўрсатяпсиз.

**Пашша.** Кимки тушида пашша кўрса, ўнгида ўртоқлари ва дўстларидан бевафолик ва ёлғончилик содир бўлар экан. Пашшани юқумли касалликка ҳам йўйганлар.

Яна бошқа бир таъбир шуки, киши ўнгида жанжал ва низонинг орасида қолиши мумкин.

**Пилла.** Тушингизда пилла кўрсангиз ёки пиллақурти боқсангиз, ўнгингизда ҳаром мол топишингизга ишора.

**Чаён.** Тушда чаён кўрган киши эҳтиёт бўлмоғи керак; унинг уй ичида ёки дўстлари орасида душманлари бор экан.

**Чумоли.** Тушда чумоли кўриш истак ва орзуларнинг рўёбга чиқишини ва душман устидан ғолиб келишликни англатади.

**Ўргимчак.** Тушда ўргимчакнинг ўзини кўриш диннинг мустаҳкамлигига йўйилади, агар ўргимчак тўрини кўрсангиз, бу туш сизни ҳийла ва фирибгарлик бўлишидан огоҳлантиради.

**Ҳашарот.** Агар тушингизда ҳашарот кўрсангиз, ўнгингизда эҳтиёт бўлинг: одамлар орасида паст кетишингизга ишорадир.

## БИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР

**Абдуллоҳ Ансорий** — тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али ал-Ансорий ал-Ҳиравий, ҳижрийнинг 396 (милодий 1006) йилида, шаъбон ойининг иккинчи куни Ҳиротда туғилган, ҳижрий 481 (милодий 1185) йилнинг Зулҳижжа ойида вафот этган; ханбалия мазҳабининг буюк намояндаларидан бири. Унинг тўрт ёшида саводи чиқиб, 9 ёшида Қуръонни хатм қилган; фикҳ, тафсир, қалам, насаб, тарих ва туш таъбири илмларини мукаммал эгаллаган. У ҳадис илмининг билимдони бўлган; 300000 дан кўпроқ ҳадис тўплаган. «Манозилу-с-сойирин» (Сайр қилувчининг манзиллари), «Анвару-л-таҳқиқ» (Таҳқиқ нури), «Тафсиру-л-Қуръон», «Хулосайи шарҳи ҳадис» (Ҳадислар шарҳининг хулосаси), «Шарҳу-т-тасарруф ли-мазҳабу-т-тасаввуф» (Тасаввуф мазҳабларининг мукаммал шарҳи), «Маноқиби имоми Аҳмад бин Ханбал» сингари асарлари бизгача етиб келган.

**Абдуллоҳ ибн Аббос** — аббосийлардан. Тафсир, ҳадис, фикҳ ва бошқа илмларда етук олим. Тўлиқ исми Абдуллоҳ ибн Аббос ибн Абдулмуталиб ибн Ҳошим ибн Абду Манноф ал-Қурайший ал-Ҳошимий. Отаси пайғамбаримизнинг амакиларидан Аббосдир. Онасининг исми Лубобату-л-Қубро бинти Ҳарис Ҳулалийа бўлиб, илк муслима аёллардан. Абдуллоҳ ибн Аббос ҳижратдан бир йил аввал Маккада туғилиб, 68 (687) йилда Тоифда вафот этган. Отаси уни пайғамбаримиз этақларига ташлаган ва ул зот унинг оғзига туфлаб: «Аллоҳим, уни динда фақиҳ қилгил ва китобга ошно қилгил», деб дуо қилганлар. Абдуллоҳ ибн Аббос пайғамбаримизга ота томондан қариндош бўлиши билан бирга она томондан ҳам уланган, бинобарин, пайғамбаримизнинг завжаи муҳтарамалари Маймуна бинти Ҳорис Абдуллоҳ ибн Аббоснинг ҳоласи эди. У тўрт-беш ёшлари



даноқ пайғамбаримизнинг тарбияларида ўсди ва ул зотнинг хос хизматчиси ва барча суҳбатларининг иштирокчиси эди. Уни мусулмон оламида «муфассирлар султони», деб атаганлар.

**Абдуллоҳ ибн Масъуд** буюк саҳобийлардан бўлиб, маккаликлар орасидан олтинчи бўлиб исломни қабул қилган ва жаноб Расулulloҳнинг энг яқин суҳбатдоши ҳамда хос хизматчиси эди. Қуръон тафсири ва ҳадис илмининг пешволаридан биридир.

**Абдуллоҳ ибн Салом** — саҳобийлардан. Ҳижратдан кейин мусулмон бўлган. 4-ҳижрий (милодий 663)да вафот этган. Юсуф ʼалайҳиссалом наслдан ва яҳудийларнинг Кайнука қабиласидан. Асли исми Ҳусайн бўлиб, Абдуллоҳ лақабини пайғамбаримиз берганлар. Насаби — Абдуллоҳ ибн Салом ибн Ҳорис Абу Юсуф ал-Исроил ал-Ансорий. Мусулмон бўлмасдан олдин Таврот ва Инжил соҳасида яҳудийларнинг етакчи олими эди. У яҳудийлардан биринчи бўлиб Таврот ва Инжилда Муҳаммад ʼалайҳиссаломдан башорат берилганини тасдиқлади ва пайғамбаримизни Мадинада кутиб олиб, исломни қабул қилди. Муфассирларнинг айтишларича, бул зотнинг покиза бир сиймо эканлиги ҳақида Қуръон-и каримнинг Ол-и Имрон сурасидаги 75-оят нозил бўлган.

**Абдуллоҳ ибн Умар** — ҳазрат Умарнинг ўғли, саҳобалардан, тафсир, ҳадис илмининг буюк олимларидан. Куняси Абу Абдурраҳмон. Онаси Зайнаб бинти Маъун Ҳумарий. Маккада, ҳижратдан 14 йил аввал, 608 йилда туғилган, 73-ҳижрий (692 милодий) йилда вафот этган, қабри Муҳассаб деган жойда. Илк мусулмонлардан бири. Пайғамбаримиз билан бирга Ҳандақ жангида иштирок этган, сўнгра отаси билан қатор газавотларда қатнашди. Гарчи валиаҳд ҳисобланса ҳам давлат ишларида иштирок этмади. Саҳобийлар, давлат арбоблари бунинг сабабини ҳазрат Умардан сўраганларида, у: «Бир уйдан битта арбоб етгулик», деб қисқа ва лўнда жавоб бериб қўя қолган. Ҳазратни

Усмон шаҳид кетгач, уни халифаликка сайламоқчи бўлдилар, ammo у қатъиян рад этди ва ҳазрат Али номзодини кўрсатди. Ҳазрат Али қатл этилгач, яна уни халифаликка тавсия этдилар, бу гал у ўз ўрнига ибн Муовияни тавсия этган. Пайғамбаримиздан 2630 та ҳадис келтирган.

**Абу Бакр Муҳаммад ибн Ямон Самарқандий** — тарихда 881 милодий йилда вафот этганлиги маълум холос. Ундан «Маолиму-д-дин» (Дин белгилари), «Ат-тибу-р-руҳоний» (Рух табобати) асарлари мерос қолган.

**Абулқосим** — пайғамбаримизнинг куняси; ота-онани фарзанд исми билан, фарзандни ота ёки онанинг исми билан аташ «куня» деб аталади. «Абулқосим — ал-Қосимнинг отаси. Ал-Қосим — Расулulloҳ икки яшарлигида вафот этган тўнғич ўғлининг оти.

**Абу Мусо Ашъарий** — саҳобийлардан, исми Абдуллоҳ бўлиб, Абу Мусо куняси билан машҳур, отасининг исми Қайсдир. Онасининг исми Таййиба бинти Ваҳд ибн Оқдир. Насаби — Абдуллоҳ ибн Қайс ибн Салим ибн Ҳасар ибн Ҳарб ибн Амир ибн Фанам ибн Бакр ибн Амир ибн Абд ибн Воил ибн Нажийа ибн Ал-Жамоҳир ибн Ал-Ашъар. Ҳижратдан анча олдин Яманнинг Забид маҳалласида туғилган, 42 (663) йилда Куфада, бошқа бир ривоятда Маккада вафот этган. Исломни Ҳабашистонда, Нажоший ҳузурда қабул қилган ва унинг даъвати бўйича акалари ва амакиси Абу Амир билан биргаликда пайғамбаримизга мадад бериш учун Мадинага келган. Абу Амир ислом лашкарининг қўмондони бўлди ва у ҳам амакиси билан Макка фатҳида қатнашди. Бу урушда амакиси яраланиб, ўлар чоғида саломини Расулulloҳга етказишни, шу билан бирга мужоҳидларга қўмондон қилиб Абу Мусони тайинлашни васият қилди. Амакиси вафот этгач, у пайғамбаримиз ҳузурларига келиб амакисининг гапини етказди. Пайғамбаримиз уни дуо қилдилар ва уни мужоҳидларга қўмондон қилиб тайинладилар. Абу Мусо пайғамбаримиз даврларида Яман ва Аданга волий бўлди. Ҳазрати Умар даврида

кўп газовотларда иштирок этган. У Қуръон-и каримнинг барча сураларини ёд билар ва Абу Бакр халифалик даврида Қуръонни бир ерга тўплаш ишида фаол иштирок этган. У пайгамбаримиздан уч юз олтмишта ҳадис ривоят қилган.

**Абу Саъид Худрий** — асҳоби киромлардан. Тўлиқ исми Саъд ибн Молик ибн Синан ибн Убайд ибн Саълаба ибн Алсабр ибн Аф ибн Ҳорис ибн Ҳазраждир. Отаси пайгамбаримизнинг саҳобийларидан бўлиб, Уҳуд жангида қаҳрамонларча шаҳид кетган. Бу пайтда Абу Саъид Худрий 13 ешда эди. Отасидан кейин пайгамбаримиз тарбияларида ўсди. 64 (683) йилда вафот этди. Бир ривоятда қабри Истанбулдаги Қорийя Жамий ёнида дейилади, бошқа ривоятда 74 (693) йилда, жума кунларидан бирида Мадинада вафот этган дейилади. 1170 та ҳадис ривоят қилган.

**Абу Ҳурайра** — саҳобийлардан. Унинг ҳақиқий исми ҳақида ихтилофлар бор ва энг тўғриси Абдурраҳмон ибн Саҳрдир. Ямаънинг Давс қабиласидан. Абу Ҳурайра кунясини олиш тарихи ҳақида унинг ўзи икки ривоят келтирган. Болаларидан қовоқни яхши кўрар экан ва ҳаммаша қовоқ ўстирганлиги учун отаси уни «Абу Ҳурайра» — қовоқлар отаси деб атаган экан. Мадинага келгач ҳам қовоқларга ишқибозлигини тарк этмаган, шунинг учун ҳам пайгамбаримиз уни «Абу Ҳурайра», деб атабдилар. У 57 (676) йилда 78 ёшида Мадинада вафот этган. Ҳижрийнинг 7-йили Ҳайбарда шоир Туфайл ибн Амр воситаси билан мусулмон бўлган. Пайгамбаримиздан 5374 та ҳадис ривоят қилган.

**Август** — эрадан аввалги 63, эрадан кейинги 14 йиллар. Эрадан аввалги 27 йилда Рим императори Август Цезарь. Бошқа Рим императорлари қатори у ҳам ўлдирилган.

**Асвад Ансий** — яманлик, сохта пайгамбарлардан бири. Дастлаб мажусий бўлган, сўнгра исломни қабул қилган, бир неча вақт ўтгач, исломга муртад бўлди ва ўзини пайгамбар деб эълон қилди. У эътиқодини тез-тез ўзгартиргани учун ҳам уни «Абҳала» — буқаламун деб атар эди.

лар. Асвад ибн Каъб жодугар коҳин бўлганлиги туфайли кўзбўямачилик билан одамларга муъжизалар кўрсата бошлади ва натижада содда одамлар уни пайғамбар деб тан олишиб, унга эргашдилар. Сал вақт ичида у Яман волийларини ва маъмурларини ўлдириб, ўлкани забт этиб олди. Ислом лашкари Яманни забт этиб, пайғамбаримизнинг тавсияси билан форсий Будхонни Яманни бошқариш учун тайинлаган эди, у Ал-Асвад ўзини пайғамбар деб эълон қилган йили касаллиги туфайли вафот этди, бундан фойдаланган Асвад унинг ўглини қатл этди ва ундан қолган бевани зўравонлик билан никоҳлаб олди. Пайғамбаримизнинг топшириғи билан Феруз уни ўша беванинг ёрдами билан қатл этган.

**Али ибн Муҳаммад Сайид Шариф Журжоний** (1339-1413) — шоир, файласуф, фикҳшунос, тилшунос олим. Эрондаги Астробод вилоятининг Тоғу қишлоғида туғилган. Шероздаги «Дору-ш-шифо» мадрасасида 10 йил давомида мударрислик қилган. Амир Темур Шерозни босиб олгач, 1387 йилда Журжоний Самарқандга келади ва илмий асарлар ёзиш ҳамда мадрасаларда дарс бериш билан шуғулланади. Ундан «Усулу-л-мантиқийа», «Таржимону-л-Қуръон» каби асарлар етиб келган. Амир Темур вафотидан кейин ўз ватани Шерозга қайтади.

**Альфред Адлер** — (1870-1937), австриялик врач ва руҳшунос, шахс руҳияти назариясининг асосчиси.

**Анас ибн Молик** — ансорлардан, куняси Абу Ҳамза ва лақаби Ходими Расулulloҳ бўлиб, ҳижратдан аввал милодий 612 йилда Мадинада туғилган ва 93 (712) йилда роппа-расо юз ёшида Басрада вафот этган. Ходими Расулulloҳ лақабини олиш тарихи қуйидагича: пайғамбаримиз Мадинага ҳижрат қилиб келганларидан кейин кўплаб ансорлар ул зотнинг зиёратларига келганлар ва ҳар бири у кишига совғалар бериб, дуоларини ола бошладилар. Булар орасида Анаснинг онаси Умму Сулайм ҳам бор эди, у ўта қашшоқ бўлганлигидан совға беролмай, Расулulloҳ

лоҳга ўғлини тақдим қилди ва шу ўғлим сизнинг хизматингизда бўлсин, дуо қилинг, деди. Расулulloҳ: «Ё Раббий! Анаснинг молини ва авлодини муборак айла ва барокатли қил, умрини узун қил, гуноҳларини афв айла», деб дуо қилдилар. Расулulloҳнинг дуолари ижобат бўлиб, Анас ибн Молик замонасининг донишманд муҳаддисларидан, фикҳ олимларидан бири бўлиши билан бирга серфарзанд бўлди ва моли кўпайди, умри ҳам узун бўлди. Унинг жанозасини Басрада Ибн Сирин адо этиб, Анаснинг васиятларига биноан Расулulloҳнинг мўйи муборакларидан бир толасини қабрига қўйдирган. Пайғамбаримиздан 2230 та ҳадис келтирган.

**Атилла** — туғилган йили номаълум, 453 йилда Рим яқинида ўлган. Хунларнинг доҳийси ва саркардаси (433-453) Европадаги кўп мамлакатларни ғорат қилиб, Римга келиб борган, ammo Рим императори Марциани жуда кўп туловлар эвазига Римга киритмасликка муваффақ бўлган.

**Гален Клавдий** — тахминан 131-201, қадимий Рим табиби ва табиатшуноси; антик тиббиётнинг буюк намояндаси.

**Гекуба** — юнон асотиридаги Троян маликаси; Хомернинг «Илиада» асарида уни 19 ўғилнинг онаси, дейилади, бошқа занбагарда камроқ ёки 20 ўғилнинг онаси, деган маълумот ҳам бор. У Парисга ҳомиладорлик пайтида тушида машъалга туққан бўлади ва машъала Троянни ёндириб юберилади. Муаббирлар туғилажак гўдак катта бўлиб Трояннинг ҳалокатига сабабчи бўлади, деб бу тушни таъбирлаганларидан кейин, гўдак туғилгач, полшоҳ Приам уни Ида тоғига олиб чиқиб ташлашни буюради. Ammo гўдакка ваҳший ҳанжонлар тегмайдилар ва уни бир чўпон асраб олиб, унга Парис (қурашувчи) деган исм беради. Тоғдаги сурувга қароқчилар ҳужум қилганда йиғил бўлиб қолган Парис уларни даф этади, шундан кейин унга Александр (даф қилувчи) лақабини берадилар. У ўз юрти Троянга

қайтиб, кураш мусобақасида ўз укалари Троян шаҳзодаларини енгади, ана шунда уни таниб қоладилар ва онлага қабул қиладилар. У Юнонистонга меҳмон бўлиб боради ва vfvkfrfn подшоҳи Менелайнинг меҳмоннавозлигини сунистеъмол қилиб, унинг гузал хотини Еленани ва подшоҳнинг қанча хазинасини ўғирлаб келади. Шу сабаб бўлиб Троян уруши бошланади. Парис шу урушда заҳарли ўқ еб ўлади. Хомернинг «Илиада» асарида Парис фирибгарлик ва алдоқчилик тимсоли сифатида тасвирлаган.

**Дажжол** — алдоқчи, оромий тилидан доғули, сохта, ёлгон дегани. Насронийлар уни «Антихрист» деб атайдилар. Куръон-и каримда Дажжол эсланмайди, аммо ҳадисларда, қиёмат ҳақидаги ривоятларда ал-Масиҳу-л-Каззоб ёки Масиҳу-д-Дажжол деган номлар билан зикр этилади. Уни Иблис билан боғлаб, охир замон олдидан у ўзини Ийсо ёки Маҳдий қиёфасида намоён этишини ёзадилар. Унгача у Ҳинд уммонидаги ороллардан бирида тоғ чўққисига занжирбанд қилиб қўйилар экан. Расулulloҳ меърожда Дажжол билан адаштирмаслик учун Ийсо ғалайҳиссаломга диққат билан қараган. Дажжол бир кўзли, олов танли, пешонасига «каф» (кофир) деб ёзилган махлуқ экан. Охир замон арафасида у улкан эшакка миниб, Шарқ томондан пайдо бўлар, Макка ва Мадинадан ташқари бутун дунёни ўзига бўйсундириб, 40 кун (баъзи манбаларда 40 йил) ҳукмронлик қилар экан. Қиёмат арафасида Ийсо ва Маҳдий уни ўлдириб, халқни қутқарар эканлар. Ҳадисда у ибн Қатанга ўхшайди, дейилган, эҳтимол, аммо шуни айтиб ўтишимиз лозимки, Расулulloҳга ҳали ваҳй келмай туриб Мадинада Ибн Сайёд деган шахс ўзини пайғамбар, деб эълон қилган эди ва унинг қиёфаси бениҳоя хунук бўлган экан. Эслатилган ибн Қатаннинг ҳам қиёфаси бениҳоя хунук бўлиб, уни кўрган одамлар нақ Дажжолнинг ўзинаси дер эканлар.

**Жанна д'Арк** — тахминан 1412-1431, француз халқининг қаҳрамон қизи, инглизларнинг юз йиллик уруши (1337-1453)да халқнинг инглиз босқинчиларига қарши озодлик ҳаракатига раҳбарлик қилган. Уни кофирликда айблаб, оловда ёққанлар.

**Зигмунд Фрейд** (1856-1939) — австриялик врач ва руҳшунос, руҳий таҳлил (психоанализ) назариясининг асосчиси. Унинг «Иенсеннинг «Градиве»сидаги голлюшинация ва тушлар» (1907), «Леонардо да Винчининг болаликдаги бир хотираси» (1910), «Тотем ва табу» (1913) сингарм асарлари булиб, уларда инсон кўрган тушларни руҳшунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилган ва руҳиятнинг инсон иродасидан устун эканлигини исботлаган.

**Казотт Жак** (1719-1792) — француз мистик ёзувчиси.

**Карл Густав Юнг** (1875-1961) — Швейцария руҳшуноси ва файласуфи. 1906 йилда Зигмунд Фрейд билан яқинлашиб, унинг руҳшуносликка оид, айниқса, онгсизликни тадқиқ этувчи психология ва умум психология назарияларига тарафдор бўлган, аммо 1913 йилда фрейдчиликдан қайтиб, янги — юнгчилик назариясини яратган. У 1948 йилда Шюрихда Карл Густав Юнг институтини, 1955 йилда «Аналитик Психология журнали»ни, 1958 йилда Аналитик психология халқаро жамиятини ташкил этган ва ўзи ҳаммасига раҳбарлик қилган. Фрейдчилик таъсирида бўлганида тушларнинг табиати ва аҳамияти ҳақида бир қатор китобларида фикрлар билдирган ва тушнинг инсон ҳаётидаги ўрнига катта аҳамият берган.

**Кир (Куруп)** — милоддан аввалги тахминан 558-529 йилларда форслар подшоҳи; ахмонийлар сулоласининг асосчиси: 546 йилда Кичик Осиёни, сунгра Бобилни забт этган, аммо 529 йилда сак-массагетлар қабиласига ҳужум қилганда ҳалок бўлган. Геродотнинг ёзишича, Тумарис унинг қалласини меҳдаги қонга ботирган; чунки унинг угли Спитеменни Кир қатл этган экан.

**Кодорсе Жан Антуан де** — 1743-1794, маркиз, француз файласуфи, математик.

**Колриж Самюэл Тейлор** — 1772-1834, англиз шоири, танқидчи ва файласуф. Мўғул саркардаси ҳақида «Кублахон» деган дoston ёзган. Аслида «Кублахон» дастондан парчалар холос. Муаллифнинг ўзи эътироф этишича, бу парчаларни бангиликка берилган пайтида ёзган экан.

**Крез** — милоддан аввалги 560-546 йилларда Кичик Осиёдаги Лидиянинг сўнги подшоҳи. Унинг сахийлиги ҳақида жуда кўп афсоналар тўқилган, бу афсоналарда айтилишича, у бениҳоя бой бўлиб, ўз бойлигини одамларга улашгани билан тамом бўлмас экан. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Кир уни анча вақт асирликда сақлаган, дарҳол ўлдириб юборишга халқ галаёнидан кўрққан экан.

**Мусайлима** сохта пайғамбар бўлиб, у Ямома вилоятида галаён кўтарди. У ҳам ҳижрийнинг 10-йили ўз қабиласининг элчиларига бош бўлиб Мадинага келган ва пайғамбаримиз ҳузурларида исломни қабул қилган эди. Аммо Ямомага қайтиб боргач, ўзини пайғамбар деб эълон қилди, ҳатто сохта бир китоб ёзиб, уни ваҳй қилинган оятлар деб атади. Унинг таълимоти бўйича, жон инсоннинг орқа тешигидан кирар экан. У халқ томонидан ўлдирилди.

**Петрарка Франческо** (1304-1374) — итальян шоири.

**Платон** тахаллус бўлиб, юнончадан кенг дегани. Ҳақиқий исми Аристокл; милоддан аввалги 427-347 йиллар. Қадимий юнон файласуфи, Суқротнинг шогирди. Шарқда уни Афлотун, дейдилар; бизда «афлотун» донишмандлик рамзи бўлиб қолган.

**Плутарх** — тахминан 46-126 йиллар, қадимий юнон ёзувчиси. Унинг 150 та асари қаторида «Қиёсий таржимаи ҳоллар» асари ҳам етиб келган бўлиб, унда 50 та таржимаи ҳол берилган, шулар орасида Августга бағишлангани ҳам бор. Унда Августнинг таржимаи ҳоли баён қилиниб, кўрган тўшлари ҳам келтирилади.



**Салим ибн Абдуллоҳ** — тобеинлардан, буюк фикҳ олими ва муҳаддис. Отаси асҳоби киромлардан бўлиб, исми Абдуллоҳ ибн Умар эди. Кўпгина ҳадисларни отасидан эшитган.

**Саъд ибн Молик** — ансорийлардан, бу саҳобий ҳақида китобларда маълумот учратмадик.

**Севилиялик Исидор** (тахминан 570—636) — ўрта асрдаги испан католик ёзувчиси, Севилье шаҳрининг архиепископи бўлган.

**Сижжах** — аёл; ўзини пайғамбар деб эълон қилган, бу аёл фолбин эди, уни ҳам халқ оломон қилиб ўлдирган.

**Тартини Жузеппе** (1692-1770) — италян скрипкачиси, композитор, педагог, мусиқа назариётчиси. Унинг ровийлари айтишларича, тушида ажойиб бир мусиқа чалган ва шу чалган мусиқасини эрталаб туриб нотага кўчирган экан.

**Тулайҳа** — коҳин; у ҳам ўзини пайғамбар деб эълон қилган эди, халқ уни ҳам тошбўрон қилган.

**Убайдуллоҳ ибн Абдуллоҳ** — тобеинлардан, Абдуллоҳ ибн Аббоснинг ўғли.

**Умму-л-Ало** — Хорижа ибн Зайд ибн Собит онасининг кунясидир, ул зот аёллардан биринчи бўлиб Расулуллоҳга байъат келтирган ва ҳали пайғамбаримиз Мадинага келмасларидан аввалроқ муслима бўлган.

**Феруз** — Феруз ибн Дайлабий Ямандан бўлиб, унинг Абу Даҳҳок ва Абу Абдуллоҳ деган кунялари ҳам бор. Ҳазрати Усмон даврида Яманда вафот этган, асли форслардан. У ҳижратнинг 10-йилида Мадинага келган ва Расулуллоҳ саллаллоҳу ʼалайҳи ва саллам ҳузурларида исломни қабул қилган. Пайғамбаримиз видолашув ҳажидан кейин хасталаниб ётиб қолганларидан сўнг, Яманда бану Анс қабиласидан Асвад Ансий деган коҳин ва фосиқ бир кимса ўзини пайғамбар деб эълон қилди ва ортидан нодон ки-

шилардан анчагинасини эргаштирди. Ҳатто Ямандаги Санъа деган жойни эгаллаб, подшоҳларча ҳукм юрита бошлади. Ямандаги волий ва маъмурларни ҳибсга олиб қийнади. Бу хабар пайғамбаримизга эшитилгач, ул зот сохта пайғамбарнинг хоҳ тиригини, хоҳ ўлигини келтиришни буюрдилар. Бу ишга Феруз киришиб, Ансий шаробхўрлик базмидан кейин маст бўлиб ухлаб ётганда зўрлаб ўз никоҳига олган хотин (аввалги волийнинг жуфти ҳалоли)нинг ёрдамида унинг калласини олган ва Мадинага жўнатган.

**Хорижа Зайд ибн Собит** — саҳобайлардан Ҳулиқ исми Зайд ибн Собит ибн Даҳҳок ибн Зайд ибн Лисон ибн Амр ибн Абдуавф ибн Жаҳм ибн Молик ибн Хажжар ал-Ансорий ал-Хазражийдир. 612 йилда Мадинада туғилиб, ҳижрийнинг 45 ёки 55-санасида вафот этган. Онаси Наввор бинти Малик ибн Муовийа ибн Адийдир. Куняси Абу Саид ёки Абу Собитдир. У Абу Хорижа, Абу Абдурраҳмон деган кунялар билан ҳам танилган. Лақаби ҳам кўп: ал-Қорий, ал-Муқрий, ал-Фарзий, Котибу-л-ваҳй Хубру-л-Умма. Зайд ибн Собит олти ёшлигида унинг отаси Афс ва Ҳазраж орасидаги муҳорабада ҳалок бўлган, у онаси қўлида тарбияланди ва вояга етди. Пайғамбаримиз ҳали ҳижрат қилмасларидан анча аввал саҳобайлари бўлмиш олим Мусъаб ибн Умайрийни Мадинага жўнатган эдилар. Ана шу саҳобий воситасида 11 яшар Зайд мусулмон динини қабул қилди ва Мусъаб ибн Умайрийдан Қуръон илмини ўргана бошлади. Пайғамбаримиз Мадинага кўчиб келганларидан сўнг буткул пайғамбаримиз ёнларида бўлиб, у киши ваҳй орқали олган барча оятларни ёзиб борди, «Котибу-л-ваҳй» лақабини олиши ҳам шу сабабли эди.

**Цицерон Марк Туллий** — милoddан аввалги 106-43 йиллар, қадимги Рим нотиғи, адвокат, файласуф, ёзувчи ва сиёсий арбоб. Рим республикасининг сўнгги йирик мафкурачиси. Юлий Цезардан кейинги Рим ҳукм-

дори. 43 йили цезарчилар томонидан ўлдирилган. У ўзининг фалсафий қарашларида жон абадийдир, реал тасаввурларни реал бўлмаган тасаввурлардан ажратиш учун мезон йўқ, деб билган

**Юлий Цезарь Гай** — милоддан аввалги 102 ёки 100-44 йиллар. Қадимги Римнинг сиёсий арбоби, саркарда, ёзувчи. У ҳам душманлари томонидан бир кечада ўлдириб юборилган. Аммо Юлий Цезарь ўз асарларида тушлардаги рамзларга ишонч билдирмаган, тушларни алаҳсираш ёки инсон бошидан ўтган воқеаларнинг инъикоси, деб билган

**Қайс ибн Аббод** — бу саҳобий ва ғозий ҳақида берилган матнларда нотўғри ёзилган, асли Абоя. У Бадр жангида ва Шомни фатҳ этишда фаол иштирок этган, 4-ҳижрий (милодий 665)да вафот этган.

**Ҳамза ибн Абдуллоҳ ибн Умар** — Абдуллоҳ ибн Умарнинг 15 фарзанди бўлган, шулардан 11 ўғил ва тўрт қиз, мазкур Ҳамза тўнғич ўғлидир; у кўп ҳадисларни отасидан эшитган.

**Ҳасан Басрий** — буюк тобеинлардан. Тўлиқ исми Ҳасан ибн Абу-л-Ҳасан Ясор ал-Басрий. Ҳижрийнинг 21 (милодий 641) йилида ҳазрати Умар халифалик даврида Мадинада туғилган. Ҳижрийнинг 110 (милодий 728) йили 88 ёшида бир жумъа кунини Басрада вафот этган. Отаси Жаъфар асҳоб-и киромлардан Зайд ибн Собитнинг кули, онаси пайғамбаримизнинг хотинларидан бири Умму Саламанинг жорияси бўлган экан. Ҳасан Басрий туғилмасдан олдин отаси куликдан, онаси жорияликдан озод бўлганлигини ривоят қиладилар. Аммо онаси жорияликдан озод бўлганда ҳам Умму Саламанинг уй юмушларини бажариб юрган. Ҳасан Басрий ҳали гўдак экан, у Умму Саламанинг уйига уни кўтариб келар. иш билан банд бўлган чоғларида гўдакка Умму Салама парвариш қилар, ҳатто эмизар ҳам экан. Имом Бухорий хабар берган ҳадисларда ривоят қилинишича, бир кунни Мухаммад саллаллоҳу ʼалайҳи ва саллам-

га аталган сутни гўдак Ҳасан ичиб қўйибди, Умму Салама пайгамбаримизга бу ҳақда уз айтганида, пайгамбаримиз «Аллоҳим Ҳасаннинг илмига баракот берсин», деб дуо қилган эканлар. Ровийлар пайгамбаримизнинг дуолари билан илми дарё олим бўлган, дейдилар. Хуллас, Ҳасан Басрий 15 ёшига қадар Умму Салама тарбиясида ўсди. Умму Саламанинг берган таълими натижасида 12 ёшида Куръонни хатм қилди. У 15 ёшида Басрага кетиб ўқиди, Хуросонга бориб, асҳоби киромлардан дарс олди. Унинг «Тафсир-и Ҳасан-ил Басрий», «Китобу-л-Ҳасан ибн Абу-л-Ҳасан фи-л-адад», «Рисола фи фабли Ҳарами Маккату-л-мукаррама» сингари асарлари бизгача етиб келган.

**Ҳафса** — Ҳафса бинти Умар, ҳазрати Умарнинг қизи, пайгамбаримизнинг завжаи муҳтарамалари. Онасининг исми Зайнаб бинти Маъун. Ҳафса бинти Умар Каъба яқинидаги Қурайш қабиласида туғилди. Ҳазрати Умар исломни қабул қилгач, Макканинг ўзида муслима бўлган. Балоғатга етиб дастлабки мусулмонлардан бўлмиш Ҳунайс ибн Ҳузофага турмушга чиққан. Ҳунайс билан бирга илк муҳожирлардан бўлиб, дастлаб Ҳабашистонга, сўнгра Мадинага ҳижрат қилган. Ҳунайс Ансорий пайгамбаримиз билан бирга кўп муҳорабаларда иштирок этди ва охири Бадр урушида ҳалок бўлди. Ҳафса ҳам эри иштирок этган муҳорабаларда ҳамиша бирга бўлар ва жанг майдонида ҳамширалик қилар эди. Бинобарин, уруш пайтида ҳамширалик қилган дастлабки аёллардан бўлган. Ҳунайс шаҳид кетгач, пайгамбаримиз уни ўз ҳимояларига олдилар. Ҳафса онамиз 45 (665)йилда вафот этди, қабри Боқий қабристониди. Пайгамбаримиздан 60 та ҳадис келтирган.

## БАЪЗИ ХАЛҚЛАР ВА ЭЛАТЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР

**Аққадлар** — бу қадимий халқни илмий ва тарихий манбаларда, шунингдек, тилшунослик фанида сомиелар деб ҳам атайдилар. Библия китобининг Янги аҳд деб номланган бўлимида умуман насоро динидан хориж бўлган халқлар Сим ўғиллари, деб аталган. Аққадларнинг қадимий аждоли Саҳройи Кабирда яшаган, деган тахминлар ҳам бор. Сўнгра иқлим ўзгаришининг шароити натижасида шарққа қараб силжиганлар ва Месопотамияда жойлашиб қолиб, шумерийлар билан қўшилиб кетганлар ва уларга қўшни бўлиб халдейлар яшаганлар. Аққадлар, халдейлар, шумерийлар кейинчалик бирлашиб Бобил давлатини барпо этганлар.

**Бороро** — Бразилия ҳудудида яшовчи ҳиндий қабилага мансуб кичик бир гуруҳ. Бу қабила алоҳида тил хусусиятига эга. Бу қабилага мансуб кишиларнинг миқдори аниқланган эмас. Бороро ғарбий ва шарқийга бўлинади. Ғарбий бороро Боливиядан тортиб Парагвай дарёсигача бўлган ҳудудда жойлашган эди, кейинчалик улар негрлар ва оқ танлилар билан аралашиб кетганлар ва ўз тиллари ва маданиятларини йўқотганлар. Шарқий бороро Куяб дарёсидан Арагуа дарёсигача бўлган Мату-Гросу яситоғликларнинг жанубий қияликларини эгаллаганлар. Ана шу шарқий бороро халқи ўз мустақилликларини сақлаш учун 19-асрда Бразилия мустамлакачиларига қарши қаттиқ қаршилик кўрсатганлар. Тропик ўрмонларнинг жуда ичкарисига Бразилия мустамлакачилари томонидан ҳайдаб юборилган бороро халқи ҳамон ўз урф-одатлари, маданияти билан яшайди. Бу халқнинг асосий қисми овчилик, балиқчилик ва зироат билан шугулланади. Бу халқда она авлод устун туради ва болалар ҳам она номи билан аталадилар. Диний тасаввурлари руҳларга нишонидан иборат.

**Зулуслар** — ўзларини амазулу деб атайдиган, Жанубий Африка иттифоқи ҳудудида яшайдиган, банту тилига мансуб қадимий қабилалардан бири. Бу қабила Жанубий Африка иттифоқидаги Натал деган кенг бир қасабани эгаллаган, Натал эса Ҳинд уммонининг бўйида жойлашган. Зулуслар икки миллиондан ортиқ аҳолини ташкил этадилар. Бу халқ инглизлар қўлида бўлиб, Европа тараққиёти аста-секин уларнинг урф-одатларини сиқиб чиқармоқда. Зулусларнинг пойтахти Дурбан шаҳрида саноат ривожланган, газета ва журналлар, шунингдек, китоблар ҳам чоп этилади. Зулус қабиласи элшунослик фанига 19-асрдан эътиборан маълум бўлди.

**Ирокезлар** — ҳиндулар, уларни Европада индейслар, америнидлар ҳам деб атайдилар; Шимолий ва Жанубий Америкадаги ҳиндулар (қизил танлилар)нинг бир қабиласи. Асосан Анд тоғлари (Перу, Боливия, Экуадор)да, Мексика тоғлигида, Канада шимолида ва АҚШнинг жанубида яшайдилар. Христофор Колумб 1462 йилда Америкага келиб, уни Ҳиндистоннинг бир қисми, деб ўйлаган ва ўзининг жуғрофий битикларида аҳолини ҳиндулар, деб атаган. Колумбнинг бу хатоси ҳагуз такрорланиб, Вест-Индия (Фарбий Ҳиндистон), деб аталиб келинмоқда.

**Ительменлар** — Камчатка ярим оролининг қадимий аҳолиси. Ительменларнинг тили чукотка ва коряк тиллари билан аралашиб ярмосиё гуруҳига кирадиган чукотка-коряк тилини ташкил этади. Бу аҳоли Коряк миллий округининг Тагиль туманида яшайди ва бир миллионга яқин аҳолини ташкил этади. Ительменлар тош ва суякларга неолит даврига хос ҳунар билан ишлов берадилар ва уларнинг ганчқорлиги ҳам ўша даврга хос. Шунингдек, ижтимоий ҳаёт матриархат ва тотемизм даврларини акс эттиради. Аммо 18-19-асрлардан эътиборан русларнинг сиқуви остида улар ўзларининг қадимий маданиятларини ва яшаш тарзларини йўқота бошладилар, айниқса, шўро даврида ительменлар батамом руслаштирилди ва қадимий урф-одатлар жуда кам учрайди.

**Коряклар** — ярим осиелик халқлардан бири, Коряк миллий округининг туб аҳолиси. Бу миллий округ Камчатка вилоятида жойлашган. Аҳоли сони 7 минг кишидан ортиқ. Коряк аҳолиси 17-18-асрларда Берингово денгизи қирғоқларигача тарқалган эди. Коряклар қадимда икки гуруҳга бўлинган эди: буғучилик билан шуғулланадиган кўчманчи коряклар; улар ўзларини буғу деб атардилар ва денгиз қирғоқларида жойлашиб, балиқчилик ҳамда денгиз саноати билан шуғулланадиган коряклар; улар ўзларини нымьльын, деб атардилар, буғуларни эса чавчыв деб атаганлар 19-асрнинг ўрталаридан бошлаб коряк халқи ҳам руслар томонидан сиқувга олинди ва кўплари руслар билан урушларда қирилиб кетди, шўро даврида эса, батамом руслаштирилди.

**Мажусий** — («Авесто» тилида magus, юнон тилида манос, сурёний тилида магуса, маг), милоддан аввалги 2-1-асрлар бўсағасида вужудга келган, Заратуштра томонидан асосланган зараастра динига мансуб кишиларни умуман мажусий дейилган. Ўрта асрлардаги зардуштийлар ўзларини vehdun (яхши эътиқодга эга) деб атаганлар. Курьоннинг бир ўрнидагина — Ҳаж сурасининг 17-оятда мажусий сўзи зикр этилган. Баҳром — форсларнинг умумий номи сифатида бу ўринда зикр этилмоқда.

**Халдейлар** — эрамиздан аввалги 625 йилда Бобилда қудратли давлатга эга эдилар, 539 йили бу давлат тугатилди. Аммо юнонлар, лотинлар тасавурида халдей деган сўз донишмандлик, сеҳргарлик, мунажжимлик, таъбирчилик тушунчалари сифатида узоқ вақт сақланди. Христиан динига оид китобларда халдейлар туркий қавм эканлигини ва уларнинг тили ҳозирги мўгул ва татар тилларига ўхшаб кетиши таъкидланган.

**Эллинизм** — эрамиздан аввал Искандар Зулқарнайн босиб олган жойлардаги давр шартли равишда эллинизм даври, деб аталади. Қадимий Юнонистонда Искандар

Зулқарнайндан ҳам анча аввал эллин деган қабила бўлган ва барча юнонларнинг бобокалони ҳисобланган, юнон давлатчилигининг Шарқдаги ҳукмдорлик даврини шу қабила номи билан атаганлар. Буюк файласуфлар ва табиблар, шоирлар шу эллинизм даврининг фарзандлари эдилар.

**Шумерийлар** — манбаларда шумерлар деб аталган халқ. Бу қадимий халқ бўлиб, жанубий Месопотамияда (Месопотамия — икки дарё оралиғидаги юрт дегани) яшаган. Тарихий манбаларнинг берган маълумотларига кўра, шумерийлар бу ҳудудга милоддан аввалги 5-минг йилдаёқ келиб жойлашишган. Баъзи манбаларда шумерларни европеоид ирқига мансуб дейилса, насоро дини илоҳиётчилари туркий қавмга, монголоид ирқига мансуб деб айтадилар. Албатта, шумерийларнинг аввалги аждодини европеоидлар ирқига мансуб эканлигини инкор қилмайдилар, аммо кейинчалик сомийлар (аққадлар) билан бирлашиб, аралашиб кетганларидан кейин монголоид қиёфасини олганликларини таъкидлаб ўтадилар. Шумерийларнинг қадимда миҳхат ёзуви бўлган ва бу ёзув асосида Месопотамиянинг қадимги фани ва дини битилган.



## БАЪЗИ ГЕОГРАФИК НОМЛАРГА ИЗОҲЛАР

**Байтлаҳм** — диний ривоятларга қараганда, Ийсо ʔалайҳиссаломнинг туғилган шаҳри ва бу шаҳарда Хирод деган подшоҳ ҳукмронлик қилган. Аммо бу шаҳарнинг Исроилнинг қайси ҳудудида жойлашганлиги ҳақида диний китоблар маълумот бермайдилар.

**Горор** — Иброҳим ʔалайҳиссалом туғилган шаҳар дейишади, аммо бу шаҳарнинг қаерда жойлашганлиги ҳақида ҳам маълумотлар топилмади.

**Замзам қудуғи** — Макка яқинидаги Сафо ва Марва тепаликлари оралиғидаги булоқ. Диний манбаларнинг берган маълумотига қараганда бу булоқни Жаброил ʔалайҳиссалом Иброҳим ʔалайҳиссаломнинг хотини Ҳожар ва ўғли Исмоил учун очган ва унинг очилганига 4000 йил бўлган, дейилади. Бу сувдан ичган одам шифо гопар экан.

**Мидия** — Эрон тоғлигининг шимоли-ғарбий қисмидаги тарихий вилоят. Милоддан аввалги 7-асрнинг 70-йилларидан бошлаб подшолик сифатида танилган ва Кир (Куруш) даврида босқинчилик урушлари олиб борган.

**Хузоʔа** — Арабистон ярим оролидаги бир жой номи. Мусталақ қабиласи — ислом динига мункир келган қабилалардан.

**Ухуд тоғи** Мадинанинг шимолий томонидан 5 километр узоқликдаги жой бўлиб, 625 йилнинг 25 март куни шу тоғда маккалик кофирлар билан ислом дашқари тўқнашган. Маккаликлар куч жиҳатдан устун бўлиб, аскарлари 2200-3000 кишига етган, шу жумладан 200 суворийси ва 800 жангчи қалқон билан муҳофазаланган эди. Ислом дашқари атиги 700 жангчидан иборат бўлиб,

100 кишигина қалқон билан муҳфазаланган эди. Лекин Расулulloҳ Аллоҳга таваккал қилиб лашкарни жангга олиб кирдилар, аммо бу таваккалда ҳам жуда муҳим тактик ҳолат кўзда тутилган эди: тоғ тарафда бир очиқ йор бўлиб, ўша жойдаги пистирмага Абдуллоҳ ибн Жубайр бошчилигида эллик адад ёйандозларни қўйдилар ва шу ердан буйруқ бўлмагунча қўзғалмасликни таъкидладилар. Уруш бошлангач, кам сонли ислом лашкари шижоат билан жангга кирди, лашкарнинг интизоми ва шижоатини кўрган мушриклар бор буд-шудларини ташлаб орта чекина бошладилар. Бу, албатта, вақтинчалик устунлик эди, шу устунликни ғалаба деб билган нодон одамлар душман қолдириб кетган ғаниматларни талай бошладилар, буни кўрган ёйандозлар ҳам тайинланган пистирмани ташлаб ғаниматларга отилдилар. Маккалик суворийларни бошқараётган Халид ибн ал-Валид ўша жойга ҳужум қилиб эгаллади ва мусулмон лашкарига зарба берди. Натижада Расулulloҳнинг тишлари синди, ўзлари асирликка тушишдан аранг қутилиб қолдилар, мусулмонлардан 70 киши ҳалок бўлди, шулар орасида Расулulloҳнинг амакиваччалари Амир Ҳамза ҳам бор эди. Маккаликлар эса 19 кишини йўқотдилар, аммо яна Расулulloҳнинг лашкарбошилиқ маҳоратлари туфайли мусулмон лашкари ўзини ўнглаб маккаликларга зарба бергач, улар чекинишга мажбур бўлдилар. Уҳуд жанги ҳақида ва мусулмонларнинг шикаст топганлари ҳақида Куръони каримнинг Ол-и Имрон сураси 145-169-оятларида айтилган.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.** Ал-жомий ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 1-жилд. Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1991.
2. **Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.** Ал-жомий ас-саҳиҳ (Ишонарли тўплам). 4-жилд. Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992.
3. **Абу Али ибн Сино.** Канон врачебной науки В 10 томах, Т.1. Издание третье. Ташкент: Издательство медицинской литературы им. Абу Али ибн Сино.
4. **Абу Райҳон Беруний.** Танланган асарлар. 5-том. Қонуни Масъудий. Биринчи китоб. Тошкент, «Фан», 1973.
5. **Абу Райҳон Беруний.** Танланган асарлар. 1-жилд. Тошкент «Фан», 1968.
6. **Азизиддин Насафий.** Зубдат ул-ҳақойиқ (Ҳақиқатлар қаймоғи). Нажмиддин Комилов таржимаси. Тошкент: «Камалак», 1996.
7. **Асрор Самъад, Нажиббек Рустамий.** Туш таъбирлари, 1,2, китоблар. Тошкент, «Фан», 2004.
8. **Аҳмад Ҳодий Мақсудий,** Ибодати Исломия, Тошкент: «Камалак», 1995.
9. **Библиейская энциклопедия.** М.: «Терра — TERRA», 1991; Библиейский словарь. Торонто-Канада, Мировая христианская миссия, 1985; Словарь античности. М.: «Прогресс», 1989.
10. **Биной.** Тушлар таъбири, Тошкент: «Мерос», 1991.
11. **Вашингтон Ирвинг,** Жизнь Мухаммеда. Книга о пророке. М.: «НИИ», Алма-Ата, «Жазушы», 1990.
12. **Веселовский А.Н.** Историческая поэтика. Л., 1940.
13. **Всемирная история,** Т.1, М.: Государственное издательство политической литературы. 1955
14. **Гумилев Л.Н.** Тысячелетия вокруг Каспия. М.: ТОО «Мысль» и К», 1993.

15. **Густавус Хиндман Миллер.** Сонник или Толкование снов. М., ФАИР, 1995.
16. **Жеймс Жорж Фрэзер.** Фольклор в ветхом завете. М., Издательство политической литературы, 1985.
17. **Жеймс Жорж Фрэзер.** Золотая ветвь. М.: Издательство политической литературы, 1986.
18. **Жирмунский В.М. Зарифов Х.Т.** Узбекский народный героический эпос. М., 1947.
19. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур.** Бобурнома. Нашрга тайёрловчи Саидбек Ҳасан. Тошкент: «Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси Бош таҳририяти, 2002.
20. **Иманиул Кант.** Соч., т.3, М., 1964
21. **Инжил, Ибтидо, Забур.** Библияни таржима қилиш институти, Стокгольм, 1992.
22. **Каримов Э.** Хужа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти, Тошкент, «Маънавият», 2003.
23. **Коран.** Перевод и комментарии И Ю.Крачковского. М.: Изд-во «Наука», Главная редакция восточной литературы, 1986.
24. **Маҳмуд Кошғарий.** Туркии сузлар левони (Девону луғати-т-турк), уч томлик. 1-том Ўзбекистон Фанлар академияси «Фан» нашриёти, 1960
25. **Насимхон Раҳмонов.** Рухиятаги нур муроди. Тошкент Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002.
26. **Наталья Степанова.** Большой толкователь снов. М «Руполь-классик», 2000.
27. **Наталья Степанова,** Большая книга магии. М. «Руполь-классик», 2000.
28. **Придания старины глубокой.** Ростов-на-Дону, 1994.
29. **Рустамий.** Шаръий ва ношаръий фоллар. Тошкент: «Фан», 2003
30. **Словарь античности,** М. «Прогресс», 1989
31. **Тайлор Э.Б.** Первобытная культура. М. Издательство политической литературы, 1989
32. **Таъбирнома.** Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.

**33. Туш таъбирлари (туркий),** Тошкент: «Ислом университети» нашриёти, 2001. Нашрга тайёрловчи Абдуқаҳҳор Шоший.

**34. Фаридиддин Агтор.** Илоҳийнома. Насрий таржима, талқин ва тафсир. Тошкент: «Ёзувчи», 1994. Амалга оширувчи Нажмиддин Комилов.

**35. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.** Тафсири Ҳилол. Бишкек, 1998.

**36. Юсуф Тавасли,** Рӯё таъбирлари, Султонаҳмад-Истанбул, 1991 (туркча).

**37. Ўзбек халқ шевалари лугати.** Тошкент: «Фан», 1971.

**38. Қуръон-и карим.** Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент: «Чўлпон», 1992.

**39. Қуръони карим маъноларининг таржималари.** Тошкент: «Ислом университети», 2001.

## **МУНДАРИЖА**

Эркин Юсупов. ТАҚДИМ.....	3
БУЮК МУАББИРЛАР.....	6
Ҳазрати Дониёл.....	7
Имом Жаъфар-и Содиқ.....	9
Ибн Сирин.....	10
Биринчи Кирмоний.....	14
Иккинчи Кирмоний.....	15
Мағрибий.....	15
Тушларни таъбирлаш тарихидан.....	16
ТУШ ҲАҚИҚАТИ.....	23
ТУРЛИ ХАЛҚЛАРДА ТУШЛАРГА	
МУНОСАБАТ.....	51
ҚУРЪОН-И КАРИМДА ТУШ ВОҚЕАЛАРИ.....	65
ҲАДИСЛАРДА ТУШ ТАЛҚИНЛАРИ.....	75
ТУШЛАР ТАЪБИРИ.....	83
Пайғамбар ва халифаларни тушда кўриш.....	84
Файб оламига оид тушлар.....	87
Ибодатга оид тушлар.....	90
Ер юзи ва осмонга оид тушлар.....	100
Таомга оид тушлар.....	149
Қурилиш ва иншоотга оид тушлар.....	155
Чолғуга оид тушлар.....	164
Уловга оид тушлар.....	165
Кийим-кечак, тақинчоқ, атриёт ва	
дори-дармонга оид тушлар.....	167
Қурол-яроқ ва рўзғор буюмларига	
оид тушлар.....	173
Маъданларга оид тушлар.....	195
Ўсимлик оламига оид тушлар.....	197
Уй ҳайвонларига оид тушлар.....	206
Ёввойи ҳайвонларга оид тушлар.....	210

Паррандаларга оид тушлар.....	212
Ҳашаротга оид тушлар.....	214
<b>БИОГРАФИК МАЪЛУМОТЛАР.....</b>	<b>216</b>
<b>БАЪЗИ ХАЛҚЛАР ВА ЭЛАТЛАР</b>	
<b>ҲАҚИДА МАЪЛУМОТЛАР.....</b>	<b>229</b>
<b>БАЪЗИ ГЕОГРАФИК НОМЛАРГА</b>	
<b>ИЗОҲЛАР.....</b>	<b>233</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.....</b>	<b>235</b>

*Илмий-оммабон нашр*

**Асрор Самад  
Нажиббек Рустамий**

**999  
Туш таъбири**

Нашр усун масъул: *Эркин Юсупов*  
Нашриёт муҳаррири: *Умрзоқ Ҳожи Зокиржон ўғли*  
Рассом: *Уйғун Солиҳов*  
Компьютерда саҳифаловчи: *Дилмурод Жалилов*

Нашриёт рақами - М-56

Теринишга берилди 20.03.05. Босишга рухсат этилди 23.05.05. Қогоз ўлчами 60x90 1/16. Газета қогозига офсет усулида босилди. Нашриёт-ҳисоб табоғи 10.5. Босма таоғи 15. Буюртма №335. Адади 500 та. Баҳоси келишув асосида.

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти.**  
700047, Тошкент, академик Яҳё Фуломов кўчаси, 70.

«MERIYUS» ХМНК босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент, генерал Узоқов кўчаси, 2 «А».